



Хуш келдинг, БАҲОР!



Баҳор деган сўлим ва гўзал фасл ҳар йили келса-да, орзиқтириб, соғинтириб келади. Уни хонадонингизга, ташриф буюражак нозик келин ёхуд мўтабар меҳмонни қутганчалик интиқасиз. Аввал қишқировли кунлар, аччиқ совуқ, сўнгра салқин ва лойгарчиликлардан обдон кўнглингиз зада бўлади. Кейин эпкинларда ҳам, кўнгилларда ҳам бир илиқ шаббада эса бошлайди. Қалбларда сархушлик, ўзгача телбалик бошланади. Шоирлар уни девона фасл дейдилар. Бу — тўғри. Севги фасли ҳам дейишади. Аслида бу ҳам тўғри. Чунки дилларда тозаришга, занг, кирлар кета бошлашига ўхшаш бир дўниш юз бера бошлайдики, буни бир сўз билан ифода этиб қўйиш қийин масала. Ҳазрат Навоий ёшликни умр довонининг кўкламига қиёс этади. Ўрта ёшни ёзга, сўнг куз, ундан сўнг эса... қиш келишига ишорат этадики, ҳаммасини сезувчан қалб бирров сесканиб тушади... Бора-бора мучангиздаги "юрак" номли аъзо чиниқадими ёхуд кўникадими, «эл қатори-да, кўпдан ажралиб минг йил умр кўрармидим, бирор қаромат кўрсатармидим» деган хулосага келади. Аммо эртаси кунни тонг шаббадаси кўксингизга урганида, шабнам ялтирашига кўзингиз тушганида, атроф-жавонибда беозор қушлар «ҳангомаси»ни эшитганингизда бояги қалб тағин саркашлик чўққисига чиқиб олади. Бир ўктам хониш қилгиси келади. Бошқа жонзотлар, умуман ўзгалар олдида ҳам ўзининг кучлироқ, аҳамиятлироқ эканини уқтириб қўйгиси келади. Аммо бу мағрурлик ҳам кўпга чўзилмайди. Шоир юраги шайтоний гурурни синдириб юборади. У дейди:

*Кечки қуёш турмаклар сочин,
Жозибали бўлар эртага!
Ана, тўқ ҳам маржонлар сочди
Кенгликларнинг мовий эртагин.*

Шундан кейин севги бошланади. Муҳаббатга тўла қалбни ҳеч қачон баҳор тарк этмайди. Севги шароҳи-га тўлиқ юрак шундоқ бўзлаб юборади:

*Ана пайдо бўлдинг йўлимда,
Ана йўлларингда бўзладим.*

*Бечора қалб сенинг кўлингда,
Кўзларингда менинг кўзларим.
Нечун пайдо бўлдинг йўлимда!..*

Тарих китобларини, айниқса, «Бобурнома»ни ва-рақласангиз, у даврдаги аждодларимиз жуда ҳам ба-ракали умр кечирмаганига гувоҳ бўласиз. Фалончи арзимас тумовдан, пистончи ов қиламан деб жардан қулаб нобуд бўлди, деб кетилaveraди.

Бугун инсон ўз жонининг азизлигини билгани ҳолда фароғатда яшаш йўсинларини ҳам яратди. Бир одам ўзганинг ҳаётига дахл қилиши не маломатли иш эканини англади ҳамда умумий қонуниятларни яратиб, ўзи ҳам унга буйсунди, масъул бўлди.

«Шифокорлар ва ҳомийлар йили» дейилган сўз ҳам тасодифий эмас. У жамиятнинг уйғунлиги, даражаси, эртанги кунни, тақдири билан боғлиқ бир таъкид, ундов, керак бўлса, етакловчи сиёсатдир. Агар, Худо кўрсатмасин, ўзбекнинг турмуш тарзи баъзи бировларга ўхшаб талотўплардан иборат бўлганида бу шиор ташланмаган, ҳаёт йўсинимиз бу сиёсатни кун тартибига қўйишни тақозо қилмаган бўлар эди.

Интиқиб қутилган умумхалқ байрами — Наврўзни шод-хуррамлик билан нишонладик. Баҳорий байрам шукуҳи ҳали кўнгилларни тарк этгани йўқ.

Наврўзнинг дастлабки кунларида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим янгилик ҳам юз берди. Қондош, қариндош Қозоғистон ва юртимиз Президентлари ўртасида олий даражадаги учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиодан таралган батафсил хабарлардан билдикки, бу икки дўст, чегарадош давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик тағин ҳам мустаҳкамланади. Иқтисодий соҳада ҳар икки томон учун ҳам энгиликлар туғилади. Бу ҳам азбаройи халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган, астойдил ташланган қадамдир.

Илло баҳорнинг хуш ташрифи халқимизнинг ёрқин истиқболга улаиб кетсин! Баҳорнинг энтиқтирувчи кайфияти ҳеч биримизни тарк этмасин!



Йўлдош ЭШБЕК

Кипригинг учига...

Юлдуз

**ЎЗБЕКИСТОН, АЛЛАЛАРИНГДА...**

Тоғлар бағри мовий, ифорули,
Бугдойзордан келур хуш насим.
Туманлар-да ҳарир, зангори,
Булбулларда янграган сасим.

Тоғларимнинг чўққиларида,
Осмоиши кўтарган қўлларим.
Адирларнинг яшил бағридан,
Ўтар ёлғизоёқ йўлларим.

Ялғиз исли шамолларингда,
Оптоқ бўлиб гарқ нишди тўтлар.
Она юртим, хаёлларимда,
Нажиб қуллар, некбин умидлар.

Хуш-мулойим, сунт каби илиқ,
Саҳарларинг симираганимда.
Орзуларга юрагим тўйиб,
Йироқларга юзурганимда.

Ҳар тарафда мушқу анбарлар,
Лолаларинг ёлқинин сездим.
Ҳа, мен билан алвон саҳарлар,
Райҳон ҳидли помларинг кезди.

Энтикади далаларингда,
Турфа рангли нафасинг бедор.
Ўзбекистон, аллаларингда,
Ўйотгувчи илтижолар бор!

**ВАТАН**

Ёруғликни доимо “сиз”лаб,
“Сиз”лаб кўрдик сени тақдирдан.
Мен болангман, бағрингдан изла,
Мен изларман сени бағримдан.

АЙ, ДИЛОРОМ...

Хур юлдузлар титрар ёш тўжиб,
Хур юлдузсан, сенга етмас даст.
Гўзал дунё қолди тиз чўжиб,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Йўғ сўзларни журғат топмагай,
Сархуш осмон бўлди эгик, паст.
Ай, дилором, дунё бўлди май,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Урди моҳман деган торини,
Шоҳман деган кирдикорини.
Юрт сени деб сотар борини,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Гул юзини юлади энди,
Мағрур тоғлар қулади энди.
Ушиоқ бағрин тилади энди,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Сўзинг нуру, кўзинг нуру, ўзинг нуру,
Сен ер билан осмон аро малак, ҳур.
Сени кўрган жонниқадур, қулайдур,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Шўъланг каби кулунг порлагай,
Офтоб юзлар зафар бўлган хас.
Ай, дилором, дунё бўлди шай,
Ай, дилором, дунё бўлди маст.

Оқ соянгдан ер ҳам бахтиёр,
Оҳ, соянгдан мажнулар бемор.
Мен нимаман, олам бўлди хор,
Сен бутунсан — олам кетди дарз,
Сен баландсан — олам асли паст.

Нур кўйлагин тамом қилди, кўр,
Жаҳон кўзин қайга олди, ё —

Ўзинг ҳам бир томошангни кўр,
Ай, дилором, чўғ бўлди дунё.

Дунё, дунё, дейди дунё-я,
Оромига дил излар дунё.
Оромига дор истар дунё,
Ай, дилором, йўғ бўлди дунё.

Сени менда кўрмасам эди,
Наки кўриб, турмасам эди.
На-да, яшаб юрмасам эди,
Ай, дилором, маст бўлди дунё.
Ай, дилором хас бўлди дунё!

СЕН САБРИМ — ЖАҲОНИМ

Сабрим, қалтирайман сенинг
ёнингда,
Менга меҳмон бўлма. Мени соҳиб бўл.
Сен тишларим орасинда, қонимда,
Мен сенга содиқман! Инқоб вағда қил!

Одамни ўрайди кўп, мултиаҳамлар —
Омадга “ҳакамлар”, бахтга
“ҳакам”лар,
Тишларим синади, мени фош қилма,
Оғзимдан тўқилма, тўқилма!

Оёғим тўпроққа аста чўқади,
Бошимга тоғларни улар тўқади.
Мен Фарҳодман десам, устимдан
кулма,
Сен сабрим тиззаси, бўғилма!

Бахтга кетаётган одам ёлғиздир,
Гарчи дўстлари кўп. Бахт гўзал
қиздир,
У ташлаб кетса ҳам, сен ташлаб
кетма,
Мағлуб қайтар бўлсам, мени тарк
этма!

Кўксимда тоғ бўлгин, кўзимда чироқ,
Юзимга нуригини сочиб тур ҳар чоқ,
Порлаб тур, одамлар қошида сотма,
Сен мени ҳеч қачон бахтсиз
кўрсатма!



Гарчи қаноатда полвонга тенгман,
Сабр отли сендайин султонга
тенгман,
Жаҳолат тоширса... тўфонга
тенгман,

Сен менга қиргоқ бўл, уммонга
тенгман.

Сен мени топтагин, йўлинг
бўлайин,

Сенда эзилайин, сенда кулайин,
Мен сени енголсам, қўлинг бўлайин,
Алдасанг ўлайин, сенда ўлайин.

Обод қил, дилиминг хазон гулшанин,
Озод қил, доғлардан менинг пок
шағним,

Ориятнинг дўсти, азиз душмани,
Сен сабрим, жаҳоним, мангу
меzbоним!

ИЗГИРИНЛИ КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Елғизман.

Хастадай ётаман кўлбамда,
Бахтсизман.

Кимдир деразани қоқар дам-бадам.
Дилимга умидли бир қувонч келди.
Бир зум тарк айлади елғизлик, алам.

Ў, бу қандай дўстларим бўлди
Йўқлашса омадсиз кунларимда ҳам.
Отилиб турман шодликдан,
Эптикиб уради юрагим.

Юрагим борлиги шунда билинар,
Мен шунда англадим-дўстлик
нимадир.

Хаста руҳим булутлари суринар,
Тақиллай бошлайди эшик-деразам.
Ҳозир жўраларим “бостириб” кирар,
Мен ҳозир ёлгондан қилурман гина.
Аmmo бекор бўлар барча қувончим,
Яна ҳариб кўлбам, елғизлик, ситам.
Эшик-деразани очиб юбордим,
Улар бошпанасиз қўлчалар экан.

* * *

Бу одамнинг пули қўп жуда,
Бу одамнинг ҳовлиси кўпдир.
Бу одамнинг кўли тагида
Ишлаётган одам тўп-тўпдир.

Муҳри ҳам бор, ажиб, думалоқ,
Улови, имконига баробар.
Бу одамда соғинч йўқдир, оҳ,
Ватан йўқдир — жонга баробар...

КЎКЛАМ КАЙФИЯТИ

Телба чирой, телба чирой,
Мен телбаман, бағринга олгин.
Телба чирой, ай телба чирой,
Дунёни кўй, мен билан қолгин.

Қолгин телба қўлчалар билан,
Ялғизларга ўқишар баёт,
Шунингсиз ҳам донога тўла,
Нопокларга тўла бу ҳаёт,

Бир кунгина қола қол, майли,
Далли, бахтли жилгалар билан,
Улар қаҳ-қаҳ отарлар ҳали,

Улар маънос куларлар, билар —
Бир кунликдир асли бу дунё,
Бир соатлик лаззат урҳоси,
Телба чирой фасли бу гўё —

Минг йилларга қараб юроси!
Ошию бўла қолгин биз билан,
Бўз тўрғою хўш кўбиз билан,
Бахту тахтидан теранроқ бир кўш
Сибизиқлар чалайлик баланд!
Дунёлардан юксак ул ҳумой
Бошимизга қўнганча толди,
Телба чирой, ҳей, телба чирой,
Дунёни кўй, биз билан қолгин!

ОТАМНИ ЭСААБ

Ота, далаларда ўтлар мўл бўлди,
Адирлар этагида гулларга тўлди,
Нечун юрагимда хотирлар сўлди,
Безовта бўлиб ё кўзголдингизми?

Шамоллар эдилар... учар болалик...
Қонимга орому мадад — толалик,
Лолалик ерларда нечун нолалик,
Безовта бўлиб ё кўзголдингизми?

Мен ҳам яшайман маҳзун... малоллар,
Опаси шамолдай алвон хаёллар,
Заволлар билмаган нури жасоллар
Аролаб у ёқда жой олдингизми?

Гарчи укаларим ношуд яшамас,
Сиздай гўресиллатиб қадам ташламас,
Яккамахда жейрон шодон кишамас,
Андишамни сезиб ё толдингизми?

Отини азобига чидамас юлдуз,
Ой чўчиб тушади, жой бермас ҳовуз,
Тундай чопаянман сиз сари, ҳануз
Шошқалоқ деб гамда ё толдингизми?

Торлигимдан эмас, лекин дунё тор,
Кенглигим тонг каби, сиздирмас беор,
Ҳатто дилдорга йўқ дилда озор,
Ситамни сабрга жойлолдингизми?

* * *

Булутларда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ чағмоқда — ўтда.
Гуноҳ осмонда, кўжда.

Бу оламда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ ишқда.
Гуноҳ ошишқда.

Одамларда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ бадқирдорларда.
Гуноҳ юрагида ишқи борларда.

Ҳеч кимда, ҳеч нарсанда гуноҳ
йўқ, гулим.

Гуноҳ йўқ осмонда, заминда.
Гуноҳ сенда, гуноҳ манда.
Тошишмадик, гулим.
Етишмадик, гулим.

БИР ҚИЗ КҮЙЛАР

Бир қиз кўйлар уйнинг ишида,
Деразасин ланг очиб кўйиб.
Тун. Юлдузлар оёқ ушида
Кириб келар бош эгган кўйи.

Яқин келар олислар кўтиб,
Олислиги топади завол.
Бир қиз кўйлар ўзин унутиб,
Тун бағрида порлайди хаёл.

Сен бевафо йўқсан ўйида,
Елғизлик ҳам уни этмас банд.
Ёниб кўйлар бир қиз уйида.
Ердан баланд! Осмондан баланд!

Кўйлар, кўйни унутиб у қиз,
Дов-дарахтлар бош эгади жим.
Бош эгади тоғу тош сувусиз,
Бош кўтарар сенинг ҳисларинг.

Кўкрагинга сизгайди улар,
Улар ҳақиқин қилурлар талаб.
Исён қилар унут туйғулар,
Кўкрагинга бериб ҳаёт, қалб.

Эгик бошинг кўтармоқ учун,
Бироқ бу дил эмасдир қодир.
Бу кўйишқ ер шаридай вазмин,
Надомат Ер шаридан оғир.

Бу кўйишққа ҳеч маъно етмас,
Баланддадир маъни тахтидан.
Бевафолук ҳақида эмас.
Бу кўйишқ эйр умид ҳақида!

Хаёлига келмас бевафо,
Елғизлик ҳам ўйин этмас банд —
Бир қиз кўйишқ айтар дилрабо —
Ердан баланд! Осмондан баланд!

ДАРАХТ

Учлари титраб турар,
Нега қимирлар дарахт?
Шамол йўқ,
Тинч.
Осуда,
Дарахт қимирлар фақат.



Ўйлайди ҳайрон-ҳайрон,
Боқолмайди пойига.

Пойида эса шу он,
Кайфияти жойида,
Бепарво битта одам
Жим арра тортар эди.
Сен эдинг ўша одам,
Ўша одам мен эдим.

Титраб туриди бешафқат,
Дарахт қалқиниб... кетди.
Сен эдинг ўша дарахт,
Ўша дарахт мен эдим.

Ҳамма тарқаб бўлди. Хонамда
шамол —
Эсмаган шамолнинг шовқини кезар.
Кўнглимда хувиллар қандайдир малол,
Гўё берк хонада эсар елвизан.

Гўёки булутсиз осмондан қор,
Ёмғирлар ёғди бу берк уйимга,
Қайдадир адашган баҳордан губор —
Туманлар қўнади тоза ўйимга.

Барибир хонамда қўшиқлар айтдим,
Барибир кўнглимда хур эртақларга.
Мен бўм-бўи қадаҳни сийзорар эдим,
Мен сувлар қуярдим йўқ чечакларга.

Рухимда боладай йиғлади баҳор,
Рухимда қайгулар очилди обод.
Меининг ичидан бошқа қандай дунё бор,
Қандай аълолим бор маънағулик шод.

Ерув суваратинга тўнғидир жаҳон,
Ҳеч ким босолмаса ўрнатгани наҳот?
Қорларни ёғдирар тил-тишиқ осмон,
Меининг берк хонамга гул отар ҳаёт!

Видолар ёш бўлиб қозоғга томди,
Қозоғда эзгуви мангу айрилиқ.
Дод солиб ул шўрлик севгимиз қолди,
Дилмиз риштасини узмай айрилиб,
Мухрдай босилиб ҳаёлларингга,
Мен сингиб кетарман ёдингга эди.

Бежавоб саволман саволларингга,
Бешарпа кезарман ёнингга энди.
Санчиқ бўлиб оғиртарман қалбингга,
Кўнглини тумандай қўярман қоплаб.
Кўнгли қўшиқ каби учиб лабингга,
Ороминг бузгайман доим азоблаб.
Ороминг бузгайман тунда тури бўлиб,
Мен кулиб боқарман уйқуларингга.
Кўл чўзсанг учарман озод қуш бўлиб,
Сўнг қайтиб кираман тўнғуларингга.
Кўз очсанг азонлар пайдо нигоҳим,
Ҳеч тинчлик бермайман қидамларингга.
Йўл юрсанг йўлнингги ўрайди оҳим,
Гоҳ алам қўшарман аламларингга.
Қутулмасан, жоним,
Мендан қочиш ҳам,
Уриб турган қалбман
дардли бағрингга.
Энг сўнги нафасинг бўлиб
тарк этсам,
Шунда ҳам томчилаб
киргум қабрингга.

ТОМОША

От шиддатли санчийди кўкка,
Кўзларида чақнайди юлдуз.
Қамчи ёғар. От турар тикка,
Тумшар — кўкка қадалган бигиз.

Қамчи ёғар. От чопар ночор,
Итқитолмас жоҳил соҳибин.
Арқонда судралар бир дилдор,
Тингламайди арқон оҳини.

Қамчи ёғар. От чопар ночор,
Узилмайди бақувват арқон.
Судралади қил-қизил Ой. Хор.
Оқар гўзал елалардан қон.

Оқар гўзал оёқлардан қон,
Оқар олтин ёпоқлардан қон.
Қабоқлардан, қучоқлардан қон,
Оқар қотил бу чоқлардан қон!

Қамчи ёғар. От чопар ночор.
Ким айлади соҳибни мажбуур.
Бу қандай ор! Оҳ, бу қандай ор!
Томошабин — мен кўзи оққур!

Егиламан. Чопаман ночор.
Фармон бердим. Ўзим сурдим от.
Узилмайман. Оҳ! Бу қандай ор!
Сени судраб яшайман, ҳайҳот!

Чўққиларга қор туриди бу кун.
Саҳроларнинг тамшанди лаби.
Чўққиларга қор туриди бу кун —
Майсаларнинг зангор матлаби.

Чўққиларга қор туриди бу кун,
Учиб кетди сайрон қушлари.
Чўққиларга қор туриди бу кун —
Водийларнинг оппоқ тушлари.

ШАРҚ

Жамоли ложувард оловлар чорлар,
Силкиниб нопармон хитобларидан.
Ҳамон димоқларга тўтунлар ўрлар,
Шарқнинг ёниб кетган китобларидан.

Қулоққа урилар улкан, мовий сас,
Товушлар кўринар шу уммонга гарқ.
Қирғоқда энтикиб олади нафас,
Зил-зил занжирларни узаётган
Шарқ!

БЕНИНГ ҚЎШИГИНИ

Биз бахтиёр бўлганмиз хўн,
Бизни сафар қучажак!
Тепнамизда чарх уришиб,
Қалдирғочлар учажак.
Шундай қўшиқ айтган эдинг сен,
Шундай қўшиқ... ҳаётдай азиз.
Ва дунёга қайтган эдим мен,
Дунё менга қайтди ўша кез.
Қўшигингни булоқлар тинглаб,
Шамолларнинг тили тўнғилди.
Осмон юзу кўзин нуҳсалаб
Ўнмоқ бўлиб сенга эгилди.
Қалдирғочлар учди теппагда,
Қўшиқ айтиб шўҳман, дилрабо.

Ўн еттида эдинг ўшанда,
Ўн еттига тўнғанди дунё.

II

Дунёлардан рашиқ қилдим сени,
Дунёларга шиономас эдим.
Қалдирғочлар келмоқда учиб,
Баҳор қувиб яшарлар доим.
Ушбу дамда сен ёдга тушиб,
Қайгуларда қоврилар ўйим,
Сен умрингни бўлдинг иккига,
Энди менга икки хил ўйсан.
Тўлиб кетса дардлар кўккимга,
Елғизликнинг ҳукмидан тўйсам,
Мададга зор одамдай гоҳо,
Атрофга жавдирар нигоҳим.
Кўзларимда интиқ илтижо.
Шунда излаб қоламан зор-зор,
Ўн етти ёш шўхлигим қайда?
Ва қайтмоқ бўламан интизор,
Ўн етти ёш дунёга қайта,
Мени чорлар илк умринг маъсум,
Мени чорлар ул покиза ишқ.
Қайгуларга чек қўйиб, бир зум
Рухимда тирилар ул қўшиқ:
“Биз бахтиёр бўлғаймиз хўб,

Бизни зафар қучажас!
Тепнамизда чарх уришиб,
Қалдирғочлар учажас!"

ШУНДАЙ ГЎЗАЛАНКИ...

Мен сенга тикилиб туриб юзма-юз,
Энг ёруғ сўзимни айтмогим керак.
Бироқ бу журъатсиз кўнглимда ҳавуз,
Ёнган азобларим... Кўймаган юрак!

Қаторларда елдим сен сари шитоб,
Учоқларда учдим сарсари, сарсон.
Дилимда қанчалар айладим хитоб:
"Мен сени севаман! Сенсизман,
ишон!"

Атмишидек нури, Фарҳоддан баланд
Бир зоти изларми сенинг кўзларинг.
Шу хаёл қайлардан келмишидир,
бадбахт!

Букилиб-букилиб кетар тизларим!

Бир сурат чизилар дилингда ҳар кун—
Энг маънос, энг гўзал, покиза бир зот
Бахтиёр чехрамни қопламишидир ҳун,
Ёнингга бир боқиб кўймайсан наҳоти!

Шундай позиксанги, шунчалар гўзал,
Ҳайласам, энтикиб қалқинаман жим.
Беш аср нарида оҳ урар газал:
Султонлар осийдир... гадолар
муслим!

Боқиб сўнгсиз тунлар хаёл қатрига —
Тиз чўкиб, тўлғониб, тик туриб
ярим:

Шундай босаманки сени бағримга...
Қисирлаб синади қобиргаларим!

ТОШКЕНТ

Ўв, сен ойдин куним, осмоним
Тошкент,
Мен сенсиз ҳеч қайга қилмасман
парвоз,
Бўларсан бир кун дунёга Бош Кент,
Кўксингда кўкинга учар минг овоз,
Мустабид дамларда мусофир каби
Бағрингда тил тугик, юрдим кўн
гамнок,

Озодлик майига тегди-ку лабим.
Дилим жайногида сойлар оқди оқ,
Кўнгли айроқлари учди қуш мисол,
Сайроқ осмонингда сайрон этдилар,
Ўннга айланган бир гўзал туш
мисол,

аҳли жаҳонни кўн ҳайрон этдилар,
машҳур дарвозалар номлари
қолди,
ёки дарвозанг кўн ёки биттадир,
сенга талтинганлар ҳозир ҳам олдин,

тилингни билганлар фақат ўтадир,
бағрингда яшаган барча мард,
бекмас,
тилингни топмоқ ҳам эмасдир
осон,
осмон остидаги ҳар ер Тошкентмас,
Тошкент осмонимас ҳар қандай
осмон.

ЙЎЛОВЧИ

Ҳей, йўловчи! Қайдан келаётирсан,
Кўнглингда нима бор, қайга кетарсан?
Халтангни қўй, титма.
Кулаётирсан,
Егулик узатсанг, маҳзун этарсан.

Ҳей, йўловчи! Ҳей, йўловчи, биродар!
Кимсан ўзи? Қайдан келдинг менга
дуч?

Сардафтаринг сенинг бўлмаса агар,
Хуржунингда не бўлса ҳам бари ну!

Ҳей, йўловчи! Ҳей йўловчи, ошнажон!
Бир эртас айт, бир ривоят. Ҳайлаш.
Тунани бўлса дард дардгаю, жонга
жон,

Бир умрлик оғам дейиш, қўймайиш!

ҚОРА ТУН

Бу тунинг бағри қора,
Дайдидир, тилсими бор,
Орамизда йўқ ора,
Чора йўқ — кетмас ҳижрон.

Ҳужмдор бу "имкон",
Тун билан бўлсан-да бир,
у ўйларки, мен ёмон,
мен ўйлайман: қалби кир.

Қора бағрида чирой,
дайдидир, афсуши бор,
нега маҳзун йиғлар ой,
менгами афсуши бор.

қарайман, сўз демасман,
бошим чайқаб йиғлар у,
Ой! Мен мажнун эмасман,
Ой! Мен хароб бўлдим-ку!

Бу тунинг бағри қора —
дайдидир, тилсими бор,
орамизда йўқ ора,
чора йўқ, бир сир бор.

* * *

Кўкда бир юлдуз озод
Сўнаркан, жим ярқираб,
Қулдан ҳам биттадир,
"Озодман" деб бақираб.

КИПРИГИНГ

Учида турибди юлдуз
қабогингда ой
майли сидириб юбор
жилмай
юзлаб қуёш порлар олам устида
юзлаб
чирой
юзлаб
юзингда
гулларда нурланган шабнамлар каби
минг тур товланади
изингда
сўзингда.

СОҒИНЧ

(Сафарда ёзилган шеър)

Тўхта, сайёҳ дўстим, бир пас
қулоқ сол,
Оқтойнинг бағрига борсанг сен агар,
Соғинчли ҳисларим дилга жойлаб ол,
Саломим онамга айтгин, биродар.

Агар уққан бўлсанг дардли ўйимни,
Бизнинг даргоҳга ҳам бўлиб ўт
кўноқ.
Адашмай топасан менинг ўйимни,
Тупроқли тошида унган қизгалдоқ.



Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ИНЖА ТУЙҒУЛАР ЖИЛОСИ

Асл шеър одамнинг ичида бўлаётган талотумлар, омонсиз жанглари кўрсатиш орқали унинг кўнглини туйғусизлик зангидан тозалайди. Юракка тоза эшқин олиб киради. Бу билан ҳам қаноатланмай, ўша эшқини булутга, булутни ёмғирга айлантиради. Ва юрак деб аталмиш чексиз ҳамда ҳимоясизлиги туфайли кирланиши, яраланиши осон бўлган мамлакатни эзгулик ёмғирлари билан ювмоққа, ундаги манфаат кирларини, лоқайдлик музларини севги оташи билан эритмоққа тутинади. Лекин самара ҳаминша ҳам қутилганидай бўлмайди. Матълумки, бахт ўткинчи, ўксизлик доимийдир:

Юрак ингра чорасиз
Чатнаб ётар музлиги,
На адоқ бор, на хулоса
Азоб узлуксизлиги.

Бу шеър ҳар бир ўйчил шеърхонга ўз юрагидаги музлики ва унинг даҳшатини туйиш имконини беради. Туймоқ билмоққа, билмоқ эса, ёмонликдан қутулмоққа олиб келади. Шоир юрак ҳолатида шунчаки ахборот бермагани каби, қақирқ ҳам ташламайди. Одамни ўз кўнгли хусусида ўйга толдиради. Бундай самарага эришиш учун шоир ғоятда чигал, ўта мавҳум туйғуларни туйинли тарзда моддийлаштиради. Инграётган чорасиз юракда чатнаб ётган музлик тасвири ўқувчига ўз кўнгли ҳолатини туйишгина эмас, балки қўриш имконини ҳам беради. Эзгу ўйли одам учун юракда музлик билан яшамок азобдир. Бу шеър туфайли киши азобланиш жараёнининг қанчаллик давомийлигини аниқ ҳис этади.

Фахриёрнинг шеърларини ўқиш ҳам, уқиш ҳам, таъсирланиш ҳам осон эмас. Лекин унинг битганлари миллий шеъриятимиз тараққиётининг шундай даражасидирки, уни билмаслик киши эстетик ва маънавий тафаккурининг кемтиклигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги зиёли ўзбек Фахриёр асарларини ўқиши, ўрганиши, таҳлил қилиши зарур. Уларни ёқтириш-ёқтирмаслик эса, дидга доир муаммодирки, бу ҳақда қатъий бир нарса дейиш қийин.

Фахриёр руҳий ҳолатлар мураккаблигини ўта поэтик ҳис қилади ва жуда нафис тасвирлайди. Шоирнинг “Суйгулим, суй, гулим, суйгу лим” тарзида бошланган шеърда унга дуч келиб, дардланган киши дунёсини ости-устун қилиб юборишга қодир севги деб аталмиш муқаддас туйғунинг қутилмаган қирралари сўз ўйинлари воқитида акс эттирилган. Ўқувчи шеърдаги сўзларгагина эмас, балки ҳар бир товуш ва тиши белгиларига ҳам эътибор бериб, уларнинг рафисини англагани шеърнинг жозибасини ҳис этиши, ундан таъсирланиши мумкин. Шундагина у шеърнинг: “Суйгулим, суй, гулим, суйгу лим” мисраси билан бошланиши тасодифий эмаслигини пайқаб, бир сўзнинг шу тарзда турли шаклларга солиниши турли бадий маъноларни юзага келтираётганига эътибор қила-

ди. Сўзларнинг маъносини англаш ва улар орқали ифодаланаётган фикрни тушуниш бадий сўзни идрок этиш сари ташланган илк қадамдир.

Юракнинг ҳосиласи бўлган муҳаббат одамнинг, аввало, кўзида зоҳир бўлади. Ўқувчи “юрақларим кўзимдан тошар” ифодасини англашга уриниш асносида шундай тўхтамак келади. Кўнгли ҳолатини мабдага билди-ролмаган ошқиннинг афтода аҳволи шеърда: “Мени енгиб бормоққа ўлим, сени эса қийнайди яшаш” тарзида тасвир этилган. Шоир андуҳининг иккиланган ва зидланган сабабини англашга уриниш ўқувчи сезимларини нафислаштиради, унинг туйғулари юксалишига омил бўлади. “Мен”нинг ўлимга енгилиб бораётганидан ёзғириши осон тушунилади, лекин “сен”нинг яшайдан қийналиши сабабини илғаш учун фикр учқурлигидан ташқари, ҳиссиёт тозаллиги ҳам керак бўлади.

Шеърхон: “Куймоқ бўлди менинг насибам, бахтиёрлик — сенинг қисматинг” сатрлари англаган ҳолатни олдинги мисралардан келиб чиқадиган мазмунга боғлай олса, қахрамонни теранроқ ҳис этади. Фахриёрнинг сўз ва унинг ёрдамида ифодаланаётган туйғуни жилдолантириш борасидаги маҳорати шундаки, у сўзлар ташийдиган одатий маъноларни тубдан ўзгартириб юбориб, уларга тамомила янги маъно ва сезимлар юклайди. Одатда, “насибам” сўзи ижобий маъно ташиб, ўз-ўзидан насибадор одамнинг мамнулигини ҳам ифода этарди. Шоир бу сўзга ўзгача маъно оттенкаси юклаб, куйиш ҳолати билан боғлайди. “Қисмат” сўзида эса, табиий равишда, чорасизлик қўшимча маъноси бўларди. Фахриёрнинг шеърда қисмат бахтиёрлик билан боғланиб, ифодага ўзгача бир рангинлик беради. Муҳими, бунда ифодагина ўзгариб қолмай, бадий мазмун теранлашади.

Шеърдан: “Сен-чи ётсан. Бахтининг аёли” тарзида телеграф йўсинида чиқарилган хулоса ўқувчини ҳаётий вазият ва инсоний муносабатларнинг нақадар чигал экани ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Шеърнинг сўнги бандидаги мисраларга оғир инсоний изтироб яширинганини пайқатган киши туйғулари юксалади:

Юракларим кўзимдан тошар,
қисмат бўлди кўзлар қароси.
Қошлар аро айрилиқ яшар.

Лекин бу ўринда сатрлардан чиқадиган мазмунигина англаш етарли эмас. Чунки бу шеърда айнан ифодадаги инжаник мазмуни теранлаштирган. “Қисмат бўлди кўзлар қароси” сатри орқали “менинг қисматим сенинг кўзингдай қора бўлди” тарзидаги ҳасрат билан бирга ёр кўзининг қоралиги ҳам чиройли таъкидланган. Лекин энг муҳими бу ҳам эмас. Негаки, мисрада ҳали оқибат ҳақидаги ахборотгина айтилган. Сабабининг қутилмаган сеҳрли ифодаси “Қошлар аро айрилиқ яшар” сатрида бўлиб, у: “Бизнинг қисматимизда абадий айрилиқ бор, икки қош



бир-бирига қўшиқолмагани сингари биз ҳам айриликқа маҳкуммиз” йўсинидаги андуҳни акс эттиради.

“Осмон яратганининг...” сўзлари билан бошланадиган шеърда шоирнинг ҳаёт тартиботи, Яратганининг интизом ва адолати ҳақидаги фалсафий ўйлари ўзига хос йўсинида ифода этилган. Шеърнинг биринчи ва иккинчи бандларида Аллоҳнинг қудрати, унинг одамзотга қилган чексиз марҳаматлар тизими тасвир этилади. Шоир ўқувчини шеърдан келиб чиқибши мумкин бўлган қутилмаган маънога Яратганининг иродаси натижаларини ҳолис тасвирлаш йўли билан киши билмас тарзда тайёрлаб боради. Одамга берилган неъматлар орасида шеърнинг учинчи бандидаги: “Кўнгилга доғ берди, дийдаларга - ёш” мисраси мазмунини чақиш, “ёш” ва “доғ” тамсиллари нима эканини ўйлаш ўқувчини ташқи ҳайрат олаидан ички дардқашлик очунига олиб киради. Қудрат эгаси томонидан одамга дардли кўнгил ва ёшли кўз берганлигининг ўзи саодат экани ҳазрат Навоий битикларидан маълум. Шоир ўқувчини ана шу тўхтам сари руҳан тайёрлаб боради.

Шеърнинг “Куймоққа дил берди, суймоққа - аёл. Чўмоққа тиз берди, эгмоқ учун - бош” сатрлари замиридаги теран маъноларни юзага чиқаришга уриниш шеърхонга қутилмаган ҳаётини ва бадий ҳақиқатларни кашф қилиш имконини беради. “Жон берди аёлга этгудай нисор, Уни деб ёнмоққа - шам каби ҳаёт” мисраларида эр кишига тегишли қандай юксак туйғулар қуйланаётганини англаш ўқувчи сезимларини интичкалаш-тиришдан ташқари, унинг шахсияти юксалишига ҳам туртки беради. Шоир Яратган томонидан нитом қилинган нарсаларда фақат кўнгил ва севгига доир неъматларнигина кўради. У ўз борлигини ёлғиз ишқ оғушида, муҳаббат қучоғидагина тасаввур этади.

Шеърнинг сўнгида шоир ўқувчи учун кучли ҳаётини ва бадий зарбани асраб қўйгани маълум бўлади. Бу зарба “Яралмай қолгани биргина висол” тарзидаги сиртдан қараганда, бамайлихотир, жўнгина айрилгандай туюладиган ҳулосада жамланган. Демак, ошнқ чин висол қиёматда эканига имон келтирмоғи, шунга кўникмоғи лозим. Аммо бу ҳолат унинг севгиси даражасини бир мисқолга бўлсин пасайтирмайди. Ишқдан натижа қутини таъмага ўхшаб қолади ва шоир қутулиш ҳам, воз кечиш кетиш ҳам мумкин бўлмаган севги домидаги замондошимизнинг ўта нозик туйғуларини, нафис сезимларини таъсирли ифода этади.

Шоирнинг “Муҳаббат - кўксингга қамалган ҳаво” сатри билан бошланган шеърда севгининг қисмат экани изтиробли тарзда, ҳазин оҳангда қуйланган. Шеърнинг биринчи қаториёқ ўқувчини ўйлашга мажбур этади. Нега “Муҳаббат - кўксингга қамалган ҳаво” бўларкан? Одам ҳавосиз ҳаёт кечиролмагани сингари муҳаббатсиз ҳам яшай-олмайди. Шеърда ҳавонинг кўкрақдан “чиқиб кетолмайди кабутар бўлиб” тарзида ифодаланишининг таъмаъноси ҳақида мулоҳаза юритиш бир дунё мушоҳадаларга озиқ бўлади. Одам кўкрағидаги ҳаво кабутар каби даҳлсиз чиқиб кетолмагани сингари, кўнгилдаги муҳаббат ҳам кишини бешикаст тарк этиши қийин. Муҳаббатта йўлиқини ихтиёрсиз бўлгани каби, кимга дуч келиш борасида муҳаббатда ҳам ихтиёр йўқ. Шулар тушунилгандагина мисрадаги жонлангириш берган бадий самарани англаш мумкин бўлади. Қаҳрамоннинг “Менинг вужудимда ямалган юрак” шаклидаги тўхтамини англашга уриниш мисралар қатига чуқурроқ кириш имконини беради. Ҳар бир ўқирман юракнинг “ямалган”-и-ю, ҳасратларнинг “зағли” экани сабабини ўзича изоҳлашга уринади.

Шоирдаги қандай ўю сезимлар шеърнинг: “Сен кимни севарсан ҳаволар билан?” сатрида ифодаланганини англашнинг ўзи кишини янги маънавий босқичга олиб ўтади. Бу ўрнида “ҳаволар” сўзи “кибр” маъносини ҳам ифодалашга эста олинса, шоир ниятини англаш бир қадар енгиллашгандай бўлади. Бу мисра сўроқчана эмас, балки ошнқ

нинг забун ҳолати изҳори ҳам. Шоирнинг: “Мен сенга ёмғирлар бўлиб аладим” ифодасини шарҳлаш катта эстетик самара беради. Қаҳрамон нега ёмғир бўлиб алади? Эҳтимол, ошнқ кўзёшлар билан эланганини айтаётгандир. Унда ёмғир, яъни кўзёш қаердан пайдо бўлди? Қўзданми ёки кўнгилдан? Бундай саволнинг пайдо бўлишига шеърдаги “юлдуздай пойингга сачради кўнгул” ифодаси асос беради. Аслида, юлдуз кўкда бўлмасмиди? Шундайку-я, аммо сўнган юлдуз ерга тушади. Демак, ошнқ тўкилаётган ёшнингива айтиб қолмай, кўнглининг ўлими ҳақида ҳам гапирёттир...

Фаҳриёрнинг “Сенсизлик” туркумидаги шеърлардан биридаги “Сочларингда адашди сўзлар. Не сўз эди, қорайди туйқус, Сочларингга қўшилиб куйди” мисралари маъносини англаш сўзнинг ифода имкониятларини очиб нуқтаи назаридан катта самара беради. Маъшуканинг сочи қора экани маълум. Унга айтилган сўз асли қора эмасди, лекин туйқус қорайиб кетди. Демак, унга ошнқнинг истагига терс мазмун жойлашган. Куймоқ янада қораймоқдир. Сўзнинг қоралиги сочинг қоралигига қўшилиб кетди ва уни кучайтирди. Бундан келиб чиқадиган бадий маънони топиш учун астойдил ўйланмоқ даркор. Эҳтимол, бу маъно “Не қисматки, сўз ва соч уйқаш” мисраси замиридадир. Унда ё хусусиятига ва ёки вазифасига кўра “соч”га уйқаш бўлган сўз ҳақида ўйлаш шеърхонни истеъмоличдан ижодкорга айлантиради. Бу уйқашлик “қора соч”га “нари қоч” каби шаклдамиккин ёхуд “бахти қора” сингари моҳиятда? Шеърдаги: “Не бахт, мени ҳижронинг суйди?” мисраси ошнқ учун топиш ёки йўқотишининг ифодаси эканини аниқлаш, қаҳрамоннинг чиндан ҳам бахтли ёхуд бахтсизлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш ўқирман туйғуларини ўстиради.

Шеърдаги “Юрак кетди, қолавердим мен” ифодаси замиридаги улкан ғамди тушуниш ўқувчини маънавий-эстетик жиҳатдан юксалтириши, шубҳасиз. У “Менда энди ҳеч ким яшамас” тарзидаги таъкид “юрак кетди” ифодасининг оқибати эканлигини англаб этади. Шоирнинг:

Сенга кетмоқ бахтпёрлиги,
Менга қолмоқ азоби насиб.
Кетмаслигингга зорлигим
Қолмоғингга эмас муносиб

тарзидаги изҳорлари сабабини англаш ва шарҳлаш учун кўнгил ҳолати поэтиклигини илғайдиган тийрак назар зарур бўлади. “Ўзи сенда олгандим тилаб, Энди ўзи кимдан кутарман?” мисралари замиридаги бадий ва ҳаётини маънони изоҳлашга уриниш сезимларни тараққийтиради. Шеърдаги “Муҳаббат - армонли тенгсизлик” ҳукм-мисрасини, “Мен сени йўқларман, борларман” сатри маъносини, “Хавфсиз кўнгил бадбахт ва бўм-бўн?” таъкидини англаш кишига эстетик лаззат беришдан ташқари, унда шахслик сифатларини қарор топтиришга ҳам хизмат қилади.

Фаҳриёрнинг “Бир кеча...” деб бошланадиган шеърда ҳижрон азобида ўртанаётган ошнқ ҳолати жуда нозик ва замзамали акс эттирилган. Ўқувчини шеър бошидаги “Бир кеча минг кеча бўлган бу кеча” мисрасида алиитерация фақат товушларга эмас, балки сўзларнинг маъносига ҳам кўчиб, тасвир инжалиги ва маъно серкатламлигини юзага келтирган. Аслида, ҳижроннинг азобли ва узоқ туни ифоданиш ўзгачалиги туфайли ўта енгил оҳанг билан берилган. Шеърдаги ташқи “беозор” оҳанг туфайли туғилган кайфият оғушидаги шеърхон шоирнинг: “Юрак - қаршилиги бўлмаган узв” тарзидаги ҳулосасига беихтиёр қўшилиди. Негаки, одамга даҳлдор неки яхши-ёмон бор ҳаммаси юракка кириб келаверади. Юрак уларнинг биронтасига ҳам эшигини ёпиб ололмайди. Унинг муҳаббатга ҳам, нафратга ҳам, азобу қувончга ҳам қаршилиқ қислолмайдиган муча экани ҳақидаги ҳаққоний ва дардчил таъкиднинг ғоят мулоим оҳангда берилиши ўқувчи шуурига кучли таъсир кўрсатади.

Шеърдаги: “Дил оғриб соғинар, соғиниб оғрир” мисрасини сабаб ва оқибат муносабати пуктаи назаридан изоҳлаш ўқувчини ўзига хос поэтик кашфиётга ундайди. Одам ўйлаб қолади: дил оғриқдан соғинадими ёки соғинчдан оғрийдими? Шунингдек, “Тушларим сўллимми, ўнгим ўнглими?” саволидаги сўзларнинг кўпқатламлиги ҳамда маъно ўйини тағига етишга уриниш ҳам киши фикрини чарчлаганидек, унинг сезимларини нозиклаштиради. Эракларнинг туши тескарисидан келади деган қараш бор. Лекин ошиқнинг туши эмас, ўнги ҳам тескарисидан келмасмикин, ишқилиб? Ўнгнинг ўнг эмаслиги шеърхоши ҳам хавотирга солади, уни шоирга туйғудох қилади. Шу боис шоирнинг: “Ўнглр азобидан тушга қочаман” шаклидаги иккори ўқувчиники ҳам.

Шуниси қизиқки, Фахриёрнинг аксар битиклари миллий шеърят учун ўзлашма жанр бўлиши сонет шаклида ёзилган. Маълумки, сонет қатъий шаклий талабларга бўйсиндирилиб, кўпинча ижодкор имкониятларини чеклаб қўяди. Чинакам истъдоднинг қудрати шундаки, у чекланган шароитда ўзининг чекланмаган ифода имкониятларига эгаллигини кўрсата олади. Фахриёр шундай истъдод эгаси бўлгани учун ҳам инсон руҳиятининг энг яширин пучмоқларинида ғоят лазиз ва қабарик тарзда нурлантира олди.

Фахриёрнинг янги китоби “Геометрик баҳор”даги кўпчилик шеърлар мусиқий оҳангдорликка қурилган эмас. Негаки, уларда руҳий ҳолат мусиқига айлантирилмайди. Бу шеърлар қулоққа атаб битилмаган. Улар ёлғизликда кўз билан, ушдан ҳам кўра, кўнгил билан ўқилиб, теран идрок этилиб, руҳий ҳолатнинг ички муноқасини топиб олишга йўналтирилган. Шоирнинг қофиясиз шеърларида ҳам умумий ички оҳанг, яширин гармония бўладики, айни шу хислатлар уларнинг ўзгачалигини таъминлайди. Китобдаги шеърларни ўқиган киши Фахриёр нафақат бировга, ҳатто ўзига-да ўхшамасликка интилаётганини сезади. Унинг баъзи шеърлари мутлақо қофиясиз бўлса, бошқасининг бир мисраси ўн, иккинчи қатори уч бўлиши ҳам бўлаверади. Лекин ўша битиклардаги ички бир мунг, ҳазинлик, дард барча шеърларни худди бир устун сингари бошдан охиригача тўтиб туради. Фахриёрнинг айрим шеърлари яқпора эмас, худди қадим ғазаллар сингари ҳар байги ўзгача маъно ташийди. Лекин тасвирдаги мозаика туйғулар ифодасидан келиб чиқадиган ижтимоий маъно салмоғидаги умумийликка тўққинлик қилмайди:

“Бутламоқ” калмаси бутга айланар,
сигиниб ўтирар кечаю кундуз
унга бир этак бола
қорин сигинчини эсдан чиқариб.
Эҳтиёж маъбудага айланар секин,
Оммаланиб борар халқнинг ичида,
Эҳтиёжга бўйинсиниб яшар раият...

Унчалик ўйланмасдан ўйнаб айтилгандай туюлгучи бу пардозсиз сўзлар замиридаги ҳаётний-эстетик маъно киши этини жунжиқтириб юборади. Уларда нафсининг истакларини бутламоқ илинжидан бут (санам), ҳеч туганмас эҳтиёждан эса матбуд (илоҳа) ясаб олган инсоннинг фоживий ҳолати бутун даҳшати билан акс этган. Лекин бу ҳолатга маиший аниқлик, маконий мансублик талаби билан ёндашиш самара бермайди. Иллатларнинг илдизи чуқур, уларнинг тарқалиш

жуғрофияси чегарасиз. Менимча, ташқи жозибанинг кўзга ташланмаслиги, ифода йўсиндаги ўзгачалик ушбу мисраларнинг таъсир кучини оширган.

Фахриёр шеърларининг ўзига хослиги шундаки, уларни туйиш, таъсирланиш ўқиб тугатилгандан кейин бошланади. Ундаги яширин маъноларни ҳар ким ўз ҳолига яраша аниқлайди, чоғи келар даражада англайди, юраги имкон берган миқёсда таъсирланади.

Айтиш керакки, шеърда шакл иккиламчи ҳодиса эмас. Асл битикнинг чин қиммати унинг айни тарзда ёзилганидир. Бу ҳол ўқувчининг фикригагина эмас, сезим ва кечималарига ҳам ранг-баранглик бағишлайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Э. Воҳидов ва А. Ориповларнинг самимий шеърияти қуруқшаган қалбларга туйғу олиб кириб, завқлантирган бўлса, Рауф Парфининг созланган тор каби жарангагуччи мумтоз назми ўқувчиларни ўйлаб ўқиш ва ўқиб ўйлашга ўргатганди. Фахриёрнинг туйғуви фикрдан, фикрни сўздан, сўзни унинг ўйноқи жилваларидан айирмайдиган поэтик истъдоди ўқувчини ўқиган шеърининг чин ижодкорига айлантиради. Чунки у ўқувчига сўз дарёсидан тўтилган балиқни бермайди, балки унга фикр қармоғини совға қилади. Бу ҳол шеърхоннинг ўзини ишлашга, ифодадаги сирли ва жумбоқли ўринларни кашф қилишга ундайди.

Менимча, Фахриёр сўз, маъно, оҳанг ва поэтик воситалар билан алоҳида-алоҳида ишламайди. Истъдод қудрати шоирга назмининг барча унсурларини бирдай туйиш, қўллаш ва бирварақайига бадий эффе́ктта эришиш имконини беради. Шоир қирқ олти нақддан фойдаланиб яратган “Геометрик баҳор” отлиг “шакл симфонияси”да ҳам айни бир вақтда товушни кўриш, рангини эшитиш, шаклни туйиш, барчасидан баравар лаззатланиш ва ўқувчиниди бу лаззатдан баҳраманд эта олиш салоҳиятини кўрсатади. Фахриёрнинг на сўзлашув ва на илмий тилга ўтириш мумкин бўлган жумбоқсимон бу шеърларида шоир ўзбек фикрининг қилмичдай ўткирлиги-ю, ўзбек тилининг ифода имконияти чексиз эканлигини намоён қилди. Айни вақтда, ахборотлар замонида даврдан ортдан қолмасликка интилаётган замондошимиз руҳиятининг аниқ чигисини бера олди.

Одамнинг тафаккури юксалгани сари унинг туйғулари ҳам нозиклашиб боради. Акс ҳолда, бу номутаносиблик кишини маънавий таназулга олиб келиши мумкин. Бутунги одам ҳеч қачон тўла бахтли бўлолмаслигини теран англаб бораётир. Зеро, яшаш янгидан-янги гуноҳлар қилиш ва шу сабаб мабдадан борган сари узоқлашишга маҳкумлиқдир. Демак, бахтсизлик доимий, Қувонч ўткинчи йўлдошидир.

Ҳазрати Ғаззалий айтдиларки, ўзини билган одам учун узоқ умр кўриш, катта давлат ва мустаҳкам соғлиққа эга бўлиш бахтсизликдир. Чунки одам ҳаётга лаззат бахш этадиган бу уч ҳолат уни Яратгандан йироқлаштиради. Ҳолбуки, ҳар биримиз айни шу неъматларга эришмоқчи орқулаймиз. Чиндан-да, соғлом одам худони камроқ эслайди. Давлатли киши эса Аллоҳга кўп ҳам муҳтож бўлавермайди. Узоқ умр кўрган кимса ўзида Яратанга ёқадиган нимадир борлигидан кибрланиши мумкин. Ўзини танимоққа тутинган инсон Яратгандан умидвор бўлиш баробарида хотиржамликдан қўрқади, доимий хавотир кучоғида бўлади. Синчиклаб қараган киши Фахриёрнинг шеърларда ана шу хавотир ифодасини кўради. Хавотир исканжасидаги инсоннинг мураккаб ва ишжа руҳий ҳолатлари шоир шеърларида маҳорат билан кўрсатилади.





Кўз ёши сояси

Мен суйган кўнглига ҳеч озор берманг...

М.А.

Муқаддима

Яқинда бир туркум шеърлар ёзаётиб, хаёлимга беҳосдан мана шу иштибос тушиб қолди. Тўғриси, бу сатрли қаердан, қачон ўқиганим эсимда йўқ. Негадир у хотирамда имзо йўрига кўйилган ҳарфлари нуқталари билан бирга муҳрланиб қолган экан.

Бизда қисқартмалар урф бўлмагани учун дастлаб унинг маъноси бошқа тиллардаги луғатлардан қидириб кўрилди. Эҳтимол, бу усул хатодир. Аммо излаш ҳеч қачон хато эмас. Яратган ҳам кечирса, хато қилмаганларини эмас, излаганларини кечиради.

1. М.А. – Master of Arts – (ингл.) ижтимоий фанлар магистри.

2. та – Mental Age (ингл.) ақлнинг ёшига муносиб ривожланишини.

3. та – tanna (ингл.) ойна

4. та – ton (фр.) мениши

5. МА – Mondaufgang (нем.) ой чиқиши

6. та (ит.) – йўқ

7. МА – Madelene Allbright – собиқ АҚШ Давлат котибининг рақс тушиганини ҳамма билади, лекин шеър ёзганимкин?

8. М.А. – Мавлоно Аптойиμι?

9. М.А. – Муҳторов Асқадми?

10. М.А. – Муҳаммад Алими?

Ўйлаб қарасам, бу рўйхатини истаганига давом эттириши мумкин, тахминю тўсмонлар билан эса иш битмас экан...

Сен бирор марта кўзёши соясини кўрганмисан?.. У оддий сояга ўхшамайди... У юракларимизга мутлақо бошиқа, узоқ дунёлардан келади...

Харуки Мураками

I

1) Томиб бўлган кўз ёшларингнинг – сояси муаллақ. Инмайди. Ўйлагин, сиқтагин, урин манг, соя тўқилмайди, синмайди.

У тунларга кириб боради муаллақ кўй, қадам-бақадам. Кўтарилиб кетмас орадан, кўтарилиб кетса ҳам одам.

Нурсиз соя – кўз ёши сояси, армон янглиз у ҳам ўйнайди, сояларни тўнга ёсан.

Соя юлдуз бўлиб живирлар, лекин юлдуз каби учмайди, олис муҳаббатдан шивирлар.

2005 йил, 23 апрел

2) Ёши сояси бағримни кесди, оғриқларим сенез, мутмасил. Шамолдайин қайлардан эсди кўзёшини сояси бу фасл –

муҳаббатнинг яраларига пешонамининг шўрлари бўлиб? Мен сояга тикилдим нега кўнглим бузруқ, юрагим тўлиб?

Хаёлларим орама-сарсон, соя катталашар, ўсади. Сонга кирмас, кариб борар сон –

Орамизга, бир, икки, уч кун... Йироқлашар, сени тўсади ҳижрон қадар узайган бир тун...

2005 йил, 26 апрел

3) Ботаётган кундай қизарар кўзёшининг томмаган сояси. Нур ўрнига ҳижронлар тарар, ранг ўрнига – ҳасрат оятин...

Ишқ тўлдирган ҳужайраларга соя тўлиб қолар бирма-бир.

Вақт емирар ҳайратларимни:

сирма-сир, бирма-бир, сирма-сир... Кўзёши кетар, соя кетмайди, соя – умидларнинг арвоҳи, арвоҳларнинг кўни битмайди.

Кўзёши қай умидга нуқтадир? Йўқ нимарса сояси, моҳим, не балони бошлар? У надир?

2005 йил, 26 апрел

4) Соялана бошлар муҳаббат, хотирага туйғулар кўчар. Эҳтирослар кули билан хат – битар роқим манглайга. Учар –

дилдан умид, билмадим, қаён? Кўнгли ойнасига доғ тушар эҳтирослар кулидан ва ё кўзёши соясидан. Бу тушилар –

чертилган сөз симидай титрар – гулсизликнинг ҳазон дарағи – келгусидан келади. Митра* –

нур ўрнига зулматни қамар сенсиз кунларимга, қарагин, гулсизликлар чаман ва чаман...

2005 йил, 30 апрел

2

...кўзёйларим менга
ватан бўлди...

Мирзо Абдулқодир Бедил

Бу кўнгилга озорлар келар,
кўзёй каби озор ҳам ватан.
Вақт умрни сўз қилиб элар:
муҳаббатим — энг буюк хато.

Хатойимга топиндим — гуноҳ,
гуноҳимни севдим мен шундай.
Чечак эмас, ўрмалади оҳ
кўнгилим даштларида тўтундай.

Кўнгили озорингни чекадир,
ун сайин, тун сайин, кун сайин,
япрогига хазон тегади...

Озорингдан кўзим ёйланар,
тун ҳам манглай қароликдайн
кўзёй соясидан бошланар...

2005 йил, 30 апрел

3

Сен кетарсан. Қолмоқ хатоси
куймоқ хуларидай бўйнимда.
Кўнгили ёвлар босган ватанинг
байрогидай нимта ва нимта...

Мен энгилган лашкардай ўнгини
топишарман тушилар хулмига.
Енгиб бўлмас сенсиз бу мўнгни
енгиб бўлармикан ва нега?

Мунг ҳам қисмат ва гам сингари
енгилмайди, чекалар. Тутун.
Мунгарарим сен, сендир сингарарим,

боғларимдан кетаётган гул,
ўзга дилинг барини тўтиб.
Бошларимга ёга бошлар кул...

2005 йил, 4 май

4

...у ўзга тушилар ибодатхонасида
юкинлар эди...
Милорад Павич

1) Тушиларингни бир кун қаландар
юзкўрарга жойнамоз қилиб,
кўнгили йиртиш, шикли таланган
мен шўрликка қаю бир шўлим —

тарафлардан келтирган эди:
бўй етмаган тушилар, севарим,
Кўнгилим менинг йиртилган эди,
тушингни бўлдимми эвази?

Айт, не учун қилай ибодат,
зор учунми, ҳижрон учунми?
ҳар бир савол бўғзимга ботар...

Сен аяган кўнгили озорли,
сен аяган юрак учинди,
бу не қисмат битилган ёрлиқ?

2005 йил, 5 май

2) Тушиларингни қиблага ўнглаб
юкунмоққа жой ҳозирладим.
Саждага мажбурланган кўнгилим
гул истайдур. Қул озурдадир.

Кўзёй сояси тусдаги
тушиларингдан мен не орттирдим?
Сени кўрмоқ исташимми,
наҳот илгига тушингни кирдим?

Бу истакни тушиларингсиз ҳам
йўғирарди кўнгили армонга,
соат сай, тоат сай, дамодам...

Худо сени бермас, биламан,
ташина қилар бир савол қонга:
мен ўзимни нима қиламан?

2005 йил, 10 май

3) Чакмон каби юнгдан тўқилган
тушиларингни еб ташилар куя.
Иссиқ-совуқ; на ўқилгани
наф бермайди. Уринлар куя.

Тушиларинг ўнглана бошлайди,
кўнча бошлар фожиа ўннга.
Ибодат сўнглана бошлайди,
наҳот энди бу кўнгили ўнган?

Қаландар ўйқ аштирганни
янгисига кўнча тушингни
ва ижозат ўйқдир киргани —

янги тушиларингга — номаҳрам.
Сеники эмасман, тушингни,
на Маажунман ва на бир Баҳром.

2005 йил, шон

4) Сеники эмаслик шўриши
сингиб борар суякларимга
зирқираб, сирқираб. Ёз-қишин.
Армон — бутун, кўнгили — арымта.

Ўқимадим, этмадим хатм,
мен кўнгилимни тугатдим ўнглаб.
Тугамайди манглайнинг хати,
пешонани тирнайди михлар.

Унда на юрак, на муҳаббат,
на тушиларинг ижобати бор.

Қушилар қайда қолди, раббано?
Кўнгили тугар, сен тугамайсан,
хор вужудда буюк бир зорлик:
осмонларни қоплайди ёсам...

2005 йил, 17 шон

5

Гурс этиб тушади кўз ёйи
томжиси...
А.Мухтор

Исо чормих қилинган оғоч —
узра ўнглаб турган тангрини**
шафоатин ёй билан сочиб,
кўнганидай банда амрига,

гулга бўйинсунади юрак,
гулнинг ҳижрониди — гулсизлик.
Кўзёйи гулни излаб юради,
ҳар қадами гурсиллар — бизлик.

Кўзёйи қадамлари остида
пайҳон бўлар юрак дегани.
Кўнгилини кўзёйилар босдимми?

Қўл босмади, гуллар босмади,
кўзёйилар топтади — бегона...
хазон бўлган эҳтиросмиди?

2005 йил, 24 шон

6

Мақон, замон, кечинмаларда
кўзёйи соясининг давомийлиги...
Таъқиб этар кечирилмаган —
бир гуноҳдай — кўнча, минг йиллик...

Соя нурдан узаб боради,
зулматларни кечар... белгили.
Нур ўчар, ўчмайди қораси,
ишғол қилиб борар келгуни.

Давомийлик муаллақлиги
кесиб ўтар ҳаяжонингни,
қараб ўтирмайди ақлинга,

ақлсизлигингга қарамас,
жонини кесар, кесар қонингни,
соя умидингга ярамас...

20-09-2005

* Митра — Қадимги Ҳинд-эрон
мифологиясида ёруғлик худоси.

** Мел Гибсон суратга олган "Исо
эҳтирослари" фильмининг сўнги
сахнасида шиора.



Исмоил ШОМУРОДОВ

ДАРАМАНА ДУНЁ

РОМАН*

ИККИНЧИ ҚИСМ**

Мол-қоллар урушга деб олиб кетилган, одамлар ўз кўй-кўзиларини урушнинг дастлабки йилларида еб битирган эди. Қишлоқларда эркаклар деярли йўқлиги, илгарироқ, қулоқ қилиш даврида аҳолидан ўқотар қуроллар йиғиб олингани, уйда милтиқ сақлаганларни қамаб юбориш борасида амалга оширилган сиёсат тўсатдан қутилмаган жойда акс-садо берди. Урушнинг охириларига келиб тоғда бўрилар кўпайиб кетди.

Баҳор охирида бормоқда, қишдан омон-эсон чиққан қишлоқ аҳли хурсандчилигининг чеки йўқ, одамларнинг қорни тўйиб, кўнгли тўлиб, юзига қизиллик югурган.

Қишлоқнинг ёш-яланглари Ургут бозорига серқатнов бўлиб қолди. Улар кўксомса, пичак олиб бориб, нон, ун, ҳар хил кийим-кечакка алмаштириб келишар эдилар. Ҳаёт жонланди.

Бону момонинг уйда тоқзорга қарайдиган эркак зоти йўқ. Бу иш ҳам қолган барча ташвишлар каби, аёллар зиммасида.

Ўша кунни момо келнига тайинлаб, Пайзининг хотинини ҳашарга айтди, тоқ пуштасига ишлов бериш керак. Колхоз иши билан бўлиб, очилганидан буён ўз ҳолида ўсиб ётибди, энди хомтоқ қилиб, ўт-ўландан тозаламаса, ҳосил бўлмайди. Бону момо шундан хавотирланиб, ҳашар чақирди, ҳадемай галла ўрими бошланадиган бўлса, бу иш шу ҳолича қолиб кетади. Бу номинг ўчқир Манноп уларни ўз ишларини қилишга кўярмиди.

Пайзининг хотини Рухсат олти ёшли қизчаси — тили чучуқроқ ва эркатой Адолатни етаклаб келди.

Тоқзорнинг тоғ тарафида тўрт-беш туп тоғолча бўлиб, шулар данакдан каттароқ бўлиб қолган ва қишлоқнинг шум болалари хира пашшадай ўралашадиган жойга айлланиб қолган эди. Ўша кунни, равза эгалари шу ерда ишлаётгани сабабли деярли ҳеч ким кўринмасди.

Эгнига қора баҳмадан тикилган мастакча ва ранги ўчган атласдан тикилган кўйлак кийган Адолат олдини яқин орада тупроқ ўйнаб ўтирди, кейин зерик-

* Журнал варианты,

** Охири.Боши ўтган сонда

дими, онасининг этагига ёпишиб, хархаша қила бошлади. Рухсат унинг нима истаётганини тушунмади.

— Нима дейсан?! — унинг жаҳли чиқиб, қизининг қўлини силтаб ташлади ва қўлидаги капчани ерга тикиб, қадини ростлади, пешонасидан оқиб келаятган терни енгига артди.

— Уйга кетамиз. — Адолат унинг этагидан тортди. — Уйга боргим келаяпти.

— Кўрмаяпсанми, мен бандман, ишляпман? — Қизини жеркиб берди, сўнг ёнида тарвақайлаган тоқ шохларини тортиб турган Бону момога изоҳ берди: — Билмадим, нима бўлган? кейинги пайтларда инжиқ бўлиб қолди шу қизим. Отасини соғинаяптими дейманда.

— Отасини ўзингиз соғингандирсиз, — нариги ариқда, кетмон билан тоқ танасини кўмаётган Малоҳат кетмонини ерга қўйиб, унга суянганча, узоқ-узоқларга маънисиз термилди.

— Ўлсин, — деди негадир Рухсат қизариб. — Шу нарса эсан ҳам чиқиб кетди, одам ҳар нарсага кўникар экан-да, а?

— Гапингизга қараганда, ҳеч унутмаганга ўхшайсиз. — Малоҳат кулди, лекин кулгиси ҳазин эшитилди ва чуқур «уф» тортди.

— Эй, қайнонгангизни олдида уялмайсизми шунақа гапларни айтгани? Яна уф тортишингизни-чи?

Адолат бир-икки сония катталарнинг гапини тинглаб, уларнинг оғзига қараб турди-ю, яна хархашасини бошлади.

— Бунинг жағи тинмайдиганга ўхшайди, — деди Рухсат қизчасининг қўлидан тутиб, чеккароққа — ҳозиргина белланган, нам ҳиди уфуриб турган, юмшоқ ерга олиб қўйди.

— Қиш кунлари қайда эдинг? — момо Рухсатга дакки берди. — Устидаги мастакчасини ечиб ташласанг бўлмайдими, иссиқлаб кетгандир?

— Балки олчаларнинг олдида қўйиб келарман, олча еб, эрмак қилиб туради, — таклиф қилди Малоҳат.

— Ўзим қўйиб келаман. — Рухсат шундай деганча,

қизининг мастакчасини ечиб, уватга, ажриқлар устига кўйди ва ўзини кўтариб, олчалар томонга кетди.

— Шу тахирни болалар қандай ейишар экан, бит-тасини оғзимга солган эдим, тишларим қамашиб кетди, — деб қайтиб келди у бетини буриштириб.

— Ўзинг ҳам бошқоронғи бўлган пайтларингда, кўрдим демасдинг, адашмасам.

— У пайтда кўзга ҳеч нарса кўринмайди-да. Мана шумимга мен кесакка бошқоронғи бўлганман. Деворга қарадим, дегунча ялаб олғим келаверар эди... — Рухсат келиб, момонинг олдига ўтирди ва ҳазин овозда кўшиб кўйди. — Энди у пайтлар қайда?!

— Ростдан ҳам куёвни соғинибсиз. — Малоҳат яна кулди. — Шошмасангиз, тезда қайтиб келиб қолади, ана ундан кейин яна девор ялаб юраверасиз.

— Мен у нарсани айтмадим, хаёлингда шундан бошқа нарса йўқми дейман-да, икки гапнинг бирини шунга олиб бориб тақайверасан... — Рухсат ўзини оқламоқчи бўлди.

Шу алфозда улар анча пайтгача ишлади. Адолатнинг ҳам овози чиқмай қолди. Куймаланиб, нималарнидир ўйнаб ўтирар эди. Ҳаво исиб қолгач Рухсат уйига биров бориб келадиган бўлди.

— Сизлар озроқ дам олиб турунгизлар, мен сигиримни уватга бойлаб келган эдим, шуни суғориб, сояга ўтказиб қайтаман.

— Қизинг-чи? — сўради момо.

— Кўнди, ғўра билан овора бўлиб турганда бориб келаман, уни етаклаб, оёғига қараб юраманчи.

Рухсат кетди, қайнона келин гап-сўзсиз ўз ишлари билан машғул бўлди: момо Рухсатнинг капчасини олиб, ер белламоқда, келини кетмон билан ариқ олиб, тоқларнинг кундасини кўмаяпти.

Орадан анча пайт ўтди, на Рухсатдан дарак бўлди ва на Адолатнинг овози чиқди.

— Мало, бўйинг узунроқ, уватга чиқиб қара-чи, ананинг қизчасини овози чиқмай қолди, бирор жойга кетиб қолмасин. — Момо хавотир олди.

Малоҳат кетмонини кўйиб, қаддини ростлаб, кафтини пешонасига соябон қилиб, олча тарафга қарай бошлади, ҳеч нарса кўринмади, чамаси, уватга чиқди, оёқ учида туриб, қаради. Куёш тепага келган, аёвсиз қиздирмоқда, узоқ-узоқлардан ердан иссиқ ҳил кўтарилади, Малоҳатнинг нигоҳлари мана шунга тушиб, бутун аъзо-ю бадани билан иссиқни туйди ва чарчаб кетди, эринчоқлиги тутди, оёқ-қўлларидан жон чиққандай бўлди, шунча пайтгача, ўз хаёли билан бўлиб, иссиқни сезмаган экан, манзарани кўриб, ўзини тандирнинг ёнида тургандай ҳис қилди, ҳолсизланиб, то-вонини ерга кўйди.

— Кўринаяптими? — сўради момо кексалиқдан ёй каби эгилган қаддини тиклашга уриниб.

— Ҳозир... — Малоҳат бўй чўзиб, яна қаради. — Ана, олчанинг тагида, сояда ўйнаб ўтирибди экан... Узоқроқда бир кучук юрибди.

Келинининг сўнгги гапидан момо ташвишланди:

— Бориб, ҳайдаб юбор, қошиб-нетиб олса балога қолиб кетамиз.

Малоҳат эринчоқлик билан уватдан тушиб, олча ёққа юрди.

— Кетмонни оливол, қутирган бўлмасин яна.

Малоҳатга кампирнинг гаплари ёқмади. Шунга қарамай, орқасига қайтиб, кетмонни олди ва йўлида давом этди. У дарахтларга ўн одимлар қолганда нариги тарафдан секинлик билан бояғи кўнғиртоб, жунлари куллаган, ориқ кучук ҳам Адолатга яқинлашаётганини кўриб,

хавотирланди, узоқдан итнинг ялтиллаб турган кўзлари ва кўркув билмас нигоҳларига қараб, ичи музлади, мақсади ёмон эканини англаб, бақирди:

— Адолат, қизим, қоч у ердан, кучук тишлаб олади.

Қиз олча остида, чимда ўтириб олганча, олдига аллақанча чўп ва тошларни йиғиб, ўзича нималарнидир ўйнаб ўтирган экан, Малоҳат холасининг бақирган овозидан бир чўчиб, яқинлашаётган кўрқинчли итга кўзи тушиб, бақириб йиелганча ўрнидан турди ва Малоҳатга томон чоғди. Бу пайтда ит ҳам жонланди, қизга ташланди. Малоҳат шошиб, Адолатга қараб югурди, бироқ етиб боролмаслигига кўзи етиб, қўлидаги кетмон билан итни уриб, кўрқитмоқчи бўлиб, қўлочкашлаб улоқтирди. Бироқ кетмон улоқтиришга ўнғайсиз нарса, айланиб кетиб, итнинг ўрнига, дастаси билан чинқириб йиеллаб келаётган Адолатнинг бошига теғди, қаттиқ зарбадан қиз чалқанча йиқилди. Малоҳатнинг эсхонаси чиқиб, кўрққанидан қалтираб, оёқ-қўлида жон қолмади. У адашиб, қизни кетмон билан уриб, бошига лат етказганидан кўрқётган эди, бироқ ўзини ўнглаб олганда бу ҳали ҳаммаси эмаслигини кўрди — ит сапчиб келиб, чалқанча йиқилган қизчанинг устига ўзини ташлади ва ўткир тишларини унинг қорнига ботирганча, шошиб тишлаб, кўйлақларини йиртиб, этини торққилай бошлади. Тезда йирқичнинг тумшуги, қизчанинг уст-боши ва яқин орадаги ерлар қип-қизил қонга беланди. Малоҳат бу қутилмаган манзарадан ўзини бутунлай йўқотиб, нима қилишини билмай, «тур, тур» деганча қўллари билан итни ҳайдамоқчи бўлди, бироқ йиртқичга унинг бу гап-сўзлар қор қилмади, ҳар-ҳар замонда важоҳат билан «яқинлашма», дегандай қилиб, ириллаб унга тишларини кўрсатиб қўяра ва яна чинқириб, оёқ-қўлларини тилпирчилатиб ётган қизчани ғажишга киришар эди. Қўлидан ҳеч нарса келмаган Малоҳат овози борича бақирди. Қишлоқ у ва Адолатнинг чинқиригидан ларзага келди.

Бону момо югуриб келиб, қизчага бўри ҳужум қилганини кўрди ва орқага қайтиб, капчани олиб келиб, жон талвасасида қичқираётган қизчадан ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Бироқ бўрига бу таъсир қилмади, узун ва даҳшатли тишларини кўрсатганча, Бону момога ҳам тажовуз қилмоқчи бўлди. Йиртқич ҳеч нарсани писанд қилмас, очлик уни мана шундай, жонидан ўтказиб юборган ва ўз ўлжасини нарироққа олиб кетмасдан, шу ернинг ўзида ғажиётган эди. Икки аёлнинг ҳай-ҳайлаши бўрига таъсир қилмади.

Одамлар йиғилиб келиб, бўрини ҳайдаб солишганда Адолатнинг ярим танаси ғажиб ташланган, қизнинг кўкраги, бўйин ва юз қисмигина соғ қолган эди, холос.

Рухсат қичқирқични эшитиб, биринчилардан бўлиб чопиб келди, бу пайтда ҳали оч бўри ўзига яқинлашганларга ғазабини сочиб, қизчани ғажиётган эди. Жувон қизининг аҳволини кўриб, уни кутқариб олиш ўрнига, ранги оқариб, тоқ жўягига йиқилди ва анча пайтгача — одамлар уни кўриб, юзига сув сепганича ўзига келмади.

Адолатга оч бўри ҳужум қилгани тўғрисидаги хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Қишлоқда асосан ёш болалар ва Алим, Аҳмад, Пўлат, Содиқ исмли қарияларгина қолган. Ўспиринлар ва қариллик арафасидаги кишилар пастки томонга экилган пахтани суғориш учун кетган. Қишлоқ аҳли бу шум хабар тўғрисида эшитгани ҳаманоқ, шу ёққа, қирлик этагига етиб келди. Алим бова эғнидаги яктагини ечиб, қизнинг устига ёпди ва қип-қизил қонга беланган ерни айланиб ўтиб, авайлабгина кўтариб олди. Ҳамма — биров бақириб йиелган, биров сўкинган, тўп бўлиб унга эргашди.

— Сув! — деди Адолат қуруқшаб бораётган лаблари билан қимгиниб.



— Гапиряпти. Тирик экан, — деди кўзларидан дув-дув ёш оқиб, оппоқ соқолига тушаётган Содиқ бова.

— Ҳозир, қизим ҳозир, — деди Алим бова бошини куйи эгиб. — Қишлоққа кирганча чидаб тургин, сув бераман... Ҳаммаси яхши бўлади.

— Эна, сув! — қизча шундан бошқа сўзни билмайдигандай эди гўё.

Алим бова бу сафар, қизнинг оқарган юзи, ҳисси нигоҳлари ва хас-чўп илинган сочларига боқиб, индамади, бирор нарса дейишга ҳадди сизмади. У бу ёш боланинг гуноҳи йўқлигини, буларнинг барчаси адолатсизлик экани, одамлар бу ёшда ўлмаслиги лозимлиги, бундай пайтда инсон фақат ўйнаб-кулиши, ташвиш нималигини билмаслиги кераклигини англаб юраги куяётган эди. Шунингдек, у тушунардики, бу бола ҳали ўлимнинг ўзи нима деганини тушунмайди, бу шафқатсиз ҳаётга келиб, ҳеч нарсани кўрмай, билмай кетмоқда. Чол бу ҳолатни чуқурроқ англаган сари, дили хуфтон бўлиб, исён кўтаргиси келди. Бироқ кимга ва нимага қарши — билмайди. Буларнинг барчасига ким айбдорлиги-ю нимани айблаш кераклигини тушунмайди.

У узоқ ҳаёти давомда кўп кўргиликларга дуч келди, одамлар ўлим билан олишишига гувоҳ бўлди, қанчадан-қанча кишиларни қабрга кўйди, не бир инсонлар ўз орзу-умидларини амалга оширолмай, армон билан ўлиб кетганини, бу ёруғ оламга гурбат билан келиб, кун кўрмай, гурбат билан ўтганлари гувоҳи бўлди, одамлар, болаларнинг очликдан шишиб ўлишини алам билан кузатди, бироқ ҳеч қачон бунчалар таъсирланмаган, бунчалар ачинмаган ва бунчалар ожизлигини ҳис қилмаган эди. Ахир инсоннинг боласи-ку бу.

Аёллар кўплашиб Рухсатнинг юзига сув сепиб, ўзига келтириб олишди, шунга қарамай, у барибир тўлиқ ўнганмаган эди, ранги докадай оқарган, жинни кишиникидай маънисиз нигоҳлари билан боққанча, уватда ўтираверди, на йилгади ва на дод солди. Кўплашиб, кўлтигидан олиб, Адолатнинг танасини кўтариб, тўп бўлиб кетаётган кишилар орқасидан юрди. Улар боя белланган ток қаторлари олдига келганларида негадир ўз-ўзидан, гап-сўзсиз, уватга талпинди ва бир чеккага ўраб кўйилган қора мастакчани олиб, юзига босди, ҳидлади-ю маст одамга ўхшаб добдираб кетди, кўздан дарё бўлиб оқиб келаётган ёш мастакчани ҳўл қилди.

— Қизим тирикми? — сўради у дарвозадан уйга кириб борганларида.

Бу пайт қайрағоч остидаги супачага қизчани келтириб кўйишган, унинг ёнида эса тўрт-беш чол ўтириб, нима қиларини билмай, қараб туришар эди. Алим бова сопол пиёла билан қизга сув ичирмоқчи бўлаяпти.

— Дўхтирга бориш керак! — деди Содиқ бова атрофга аланг-жалаң қилиб. — Аравани кўшишни айттайми?

— Керак эмас, — деди Алим бова қатъий равишда. — Энди бу қизимизга ҳеч нарса керак бўлмайди.

— Бирор чорасини кўриш керак-ку! — Содиқ бованинг ҳаяжондан лаблари қалтиради. У умри бино бўлиб мана шундай ночор аҳволга тушмаган ва ўзини ноқулай ҳис қилмаган. — Эй, инсон, мана шундай бакрайиб қараб тураверамизми? Бирор нарса қилайлик ахир, одам боласи ўлиб кетаяпти-ку!

— Нима?! — Алим бова унга қараб секин, лекин қатъий овозда гапирди. — Ярмини бўри еб кўйган бўлса қўлимиздан нима иш келади? Кутиш керак!

Рухсат сочлари тўзиган, кўйлаги елкалари оққан, афтодаҳол бир тарзда, супа ёнида ўтирган чолларни туртиб, қизининг ёнига келди ва чўк тушиб, ўтирди:

— Қизим! — деди у хириллаган овоз билан. — Мени таниялганми?

У шундай деганча, қизининг бўйнигача ёпиб кўйилган, қон шимиб, ҳўл бўлган ятакни очмоқчи бўлди, Алим бова унинг билагидан тутди:

— Қизим, керак эмас, очма!

Рухсат индамади, гап нимада эканини тушунди чамаси, энгашиб, қизининг пешонасидан ўпди.

— Эна! — деди Адолат зўрға гапирар экан. — Сув!

— Боламга, Адолтонимга сув берингизлар! — Рухсат Алим бовага ўтирилди.

— Ҳозир, келин, ҳозир. Боядан бери тутаяпмиз.

— Қизим ўлиб қолмайдими? — Рухсат нима воқеа рўй берганини, бундай жароҳат билан, бунчалар кўп қон йўқотгандан кейин тирик қолиш даргумон эканини яхши билади, бироқ бу саволи билан адашаётганини тасдиқлаштириб олмоқчи, холос.

— Ўлмайди! — деди Алим бова. — Ҳали катта тўйлар қиласилар.

Рухсат бу гап ёлғонлигини билса ҳам юраги бироз тасалли топди, бироқ шунга қарамай, у қизини бир умрга йўқотаётганини англаб турар эди.

— Отасига нима дейман энди? Келиб, менинг эрка қизим қани десалар, нима деб жавоб бераман? Нима деган одам бўламан у кишининг олдиларида? Шу бир болани ҳам эплаб юролмадингми десалар нима деб жавоб бераман? Бовалар, айтингизлар, нима деб жавоб бераман? Ахир Адолтон у кишининг энг эрка фарзанди эди-ку. Нимага бундай бўлди? Нимага?!

— Бирортасига тайинланг, бориб райҳон билан пидона юлиб келсин; — деди Алим бова шу ерда турган Содиқ бовани туртиб, Рухсатнинг гапига эътибор бермай.

— Райҳонни нима қиласиз? — бирдан Рухсатнинг кўзлари чақнаб кетди, назарида шу нарса — райҳон келтирилиши Адолатнинг ҳаётини ҳал қиладиган энг муҳим ҳолатдай бўлиб туюлди.

— Керак! — деди Алим бова сўзига изоҳ бериб ўтирмай.

Содиқ бова ўрнидан туриб кетди ва шу ерда ўтирганлардан бирини райҳонга, бирини ялпизга юборди.

«Одамзод бекор нарса-да, — деган хаёлга борди у. — Бир парча гўшт бўлиб қолибди-я... Бир уюм кип-қизил гўшт... Боягина чопқиллаб, бурро тиллари билан барчани лол қолдириб юрган. Энди эса гўшт, холос. Бундан кейин ўла қолсам гўшт емайман...»

Адолатнинг қийноқлари узоққа бормади, пешинга етмай, қазо қилди. Уни шу куни кечга яқин дафн қилишди

* * *

Кўпдан буён Ёдгордан на хат ва на хабар бор. Кўпчилик, уни ҳатто ўлдига чиқариб қўйган. Бу борада Манноп раис қатъий фикрда. Унинг гапига қараганда бу урушдан тирик қайтадиган одам кам бўлади. Ризвон эса кейинги пайтларда нимадан кўпроқ ташвишга тушишни ўзи ҳам билмайди. Бир ёқда эридан хат-хабар йўқ, иккинчи томонда кундан кунга Манноп раиснинг хаёли уни бутунлай ўз қомига тортиб кетмоқда. Бир пайтлар чўлоқлиги учун ундан гижинган, нафратланган бўлса, энди ҳатто ўша — ёғоч оёқлари ҳам кўзига оловдай кўриниб бораяпти.

Тез орада Ёдгордан хат келди, ёзишича оғир ярдор бўлиб, касалхонага тушган экан, энди тузалиб, яна урушга қайтибди.

Бу хатдан Ризвоннинг бадтар жаҳли чикди, эридан ғазабланди, ахир нима қилар экан у ҳам одамларга ўхшаб бир оёғини кестириб қайтиб келса. Назарида эри ўлар-

дай ландавур бўлиб туюлди. Уни раис билан таққослаб, шу хулосага келган эди. Бир пайтлар ўзига нисбатан қилган, ўшанда жуда-жуда ёққан хуш муомаласи, эзгулиги энди мужмаллик, ландавурлик тимсолидай кўринмокда. Эри аёлчалиш бўлмаганида мана шундай гапларни айтиб юрмаган бўлар эди. Манноп раисга ўхшаб дагал ва кўпол гаплашар, эркаклигини кўрсатар эди.

Уруш якунига етиб бораётгани тўғрисидаги гап-сўзлар кўпайиб қолган, қишлоқдан яна тўрт-беш киши яраланиб қайтиб келган, ўтгиздан ортиқ йилгига эса қора қоғоз келган даврлар, қиш адоғига етиб қилганда Ҳаким қўлидан яраланиб, қайтиб келди. Бутун қишлоқ ўз отаси қайтгандай севинди, ким йиллаган, ким қулган, ишқилиб, барча бирдай эҳтиросга берилган ва Ҳакимнинг уйига оқиб келмокда. Хушxabарни эшитган Манноп раис ҳам отини йўртгирди. Одамлар урушдан қайтаётганининг бир жиҳати уни хафа қилмокда — шунча лайтгача бутун қолхозда ягона эркакман деб, ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб юрган эди, энди унақа бўлмайди. Бунинг устига, бутун қишлоқ урушдан янги қайтган аскар атрофида гирдика-палак бўлади ва бу иззат-нафсига тегади. Ахир шундай пайтларда унга ҳеч ким эгтибор бермай кўяди-да. Иззат-хурматга кўниккан инсон учун бу жуда оғир.

Ҳакимнинг уйига кириб келганида, одам кўп экан, у отидан тушмай, улар орасидан ёриб ўтди ва ҳеч кимга эгтибор бермай, овозини баланд кўйиб, бақирди:

— Аскар қани, аскар?

Йиғилганлар билан бир-бир кучоқлашиб кўришгаётган, кўзлари намланган, ранги униққан шинел кийган Ҳакимни кўриб, отидан тушди ва шу ерда турганлардан бирига эгтиборсизлик билан юганини тутқазиб, ликонглаганича, унга пешвоз юрди.

— Жўр-ра! — деди бақириб Ҳаким. — Тўрикмисан?

Иккаласи кучоқлашиб, анча лайтгача бир-бирини кўйиб юбормай турди, Ҳаким Маннопнинг белини қаттиқ сиққанича, уни даст кўтарган эди ёғоч оёғи чакмони остидан ликиллаб қимирлади.

— Оёқ қани? — сўради ниҳоят юзига табассум югуриб Ҳаким.

— Урушда қолган. — Манноп «мен ҳам урушда бўлганман», дегандай гердайди.

— Ўзингнинг қўлингга нима қилди?

Ҳакимнинг унг қўли билагидан қийшайиб қолган эди. — Осколка тегди, суяги синиб, мана шундай, хаскашга ўхшаб қийшайиб қолди. Шунинг учун сал эрта-роқ уйга қайтариб юборишди.

— Ўл-э сен, — Манноп шаддод қулиб, уни туртди. — Немисга таслим бўламан деб қўл кўтарган бўлсанг керак, уларнинг снайпери пойлаб, отиб ташлаган.

— Ҳозир таслим бўладиган замон эмас, уруш ўзгариб кетган. У қирқ бир, қирқ иккинчи йиллар эди, асирга тушадиган. — Ҳаким вазминлик билан гапиршига ҳаракат қилди. У ҳали ҳазиллашадиган ҳолатда эмас, кўнгли ошuftа ва туйғуларга тўла.

— Бўлмаса ўзинг отгансан, тезроқ уйга қайтайин деб... Бизнинг пайда ўлимдан кўрққан одамлар қўлига отиб, уйга қайтмоқчи бўлар эди.

Манноп буни ҳазил тариқасида айтганга ва ўз гапидан ўзи хоҳлаб қулаётган бўлишига қарамай, буларнинг замирида бир нарса — Ҳакимни обрўсизлангиритиш ётибди.

Ҳаким жўрасининг гапига жавоб қайтармай, енгилгина қулиб кўйди. У ҳали ўртоғи кагга амалдор бўлиб кетгани, бутунлай ўзгаргани ва дамидан ёнига яқинлашиб бўлмаслигини билмайди. У Маннопни оядинги содда йигит, бирга ҳазиллашиб юрган ўртоғидай қабул қилди.

Ҳавода, очиқ бўлишига қарамай, совуқ заҳри бор. Манноп раис Ҳаким билан гапни тугатар-тугатмас, шу ерда мўлтираб турган бир ўспиринга бақирди:

— Анграймай ўтин ёқиб, сандалга солинглар, аскар совқотган... Момойнинг эчки-печкиси бўлса, аскарнинг оёғига сўйинглар. Ахир бундай қайтиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

— Ўғлим, эчки йўқ эди, — деди хижолатомуз шу ерда, фарзанди дийдорига тўғлмай, интизорлик билан қараб турган кампир — Ҳакимнинг онаси. — Энди нима қилдик?

— Хўрозми, товук ҳам бўлаверади. Қон чиқса бас.

Атрофдагилар зир югурди. Кампирда бунақа жонзотлар йўқлигини билишади. Тезда кўшнилardan бирининг эчкисини ҳай-ҳуйга қарамай етаклаб келиб, сўйиб юборишди. Бундай қувончли кунда сеники-меники бор эканми!

Ўша куни Ҳакимникида катта тантана бўлди. Эчки сўйилиб, қовурдоқ олиб келинганда аскар қолиб, Манноп раис сандал тўрига ўтириб олганича, ёстиққа ёнбошлаб, жағ уриб ўтирган эди. У урушда нима ишлар қилган, қандай жангга кирган, оёғини қай тарзда йўқотган ва шунга ўхшаш юзлаб мавзуларда гапириб, барчанин оғзини ланг очириб кўйди. Ҳаким азалдан камгап, урушдан ундан ҳам дамдўз бўлиб келибди. Ўз қадрдон уйи бўлишига қарамай, ўтган йиллар унга таъсирини кўрсатган ва яқинлари орасида бегонасираб ўтирибди. Бу ўтиришнинг бош қахрамони Манноп.

Овқатланиб бўлганларидан сўнг, Манноп раис гимирлади.

— Захартанг қилди, — деди у атрофдагилардан узр сўраган бўлиб. — Бир ташқарига чиқиб келай.

Қолганлар туриб, уни ташқарига чиқариб юборди.

Раис ҳожатхонадан қайтиб келаётиб, айвон устунини ёнида турган обтовага қўл ювмоқчи бўлган эди, қуриб қолган экан, тўрт томчи сув тушди, холос.

— Эй, ким бор, сув олиб келсаларинг-чи бундай, қўлни ювиб олай.

Аскар кўргани келганлар уйларга кириб, овқатланаётгани сабабли, ҳеч кимнинг кўзи раисга тушмади. Ризвон ҳам қайнонаси билан келган ва пойгакроқда овқатланаётган эди. Маннопнинг овозини эшитиб, биров игна санчгандек сапчиб тушди. Зудлик билан ёғ бўлган қўларини ялади:

— Мен бориб раисга сув келтириб берай, обтова қуриб қолибди, чамаси.

— Ёшроқлар йўқми? — Матлуба хола пойгақдан ўтирган тўрт-беш нафар қизалоқларга қаради. Улар таомни қизганиб, елкаларини қисиб олди ва бу гапни эшитмагандай бемалол овқатланишда давом этди.

— Ўзим чопқиллаб бориб келаман, ҳеч нарса эмас. — Ризвон шундай деб, ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

— Суви қолмабдими? — у айвонга чиқиб, раисга яқинлашиб, сўради. — Ҳозир олиб келаман, бирпас шошмай туриг.

— Ҳа, сенмисан?!

Манноп атрофга бир олазарақ қаради. Сўнг суқ билан Ризвоннинг орқасидан термилди, тик қолатига боқиб, сулаг оқди, эҳтироси кўзида, ўшанда — ёзнинг чилласида юз берган воқеа ёдига тушиб, бадани жимирлади, ширин энтикиб кўйди. «Мен шу жувонни...», деб ўйлади ичида. Бу хаёлдан ўзи ҳам чексиз қузур олиб, мағрурланди. Обтовани кўтариб, жувон ортидан эргашди.

Ошхона деразаси бўлмагани сабабли зах ва қоронғи эди. Ризвон пайпаслаб, чеккароқда турган челақни топди ва уни олиб, энди орқасига бурилган эди, шом



қоронғисида бир шарпага кўзи тушиб, сесканиб кетди. Бироз туриб англадики — Манноп раис.

— Кўрқитиб юбордингиз, — деди у ўзини совуққон ва этиборсиз тутишга уриниб.

— Қачондан бери кўрқадиган бўлиб қолдинг? Ёки ёзда бўлган нарса ёдиндан кўтарилиб кетдимиз? — Манноп раис тиржайди.

Ризвоннинг кўнглида аллақандай бир ширин энтиқиш пайдо бўлди ва беихтиёр ўзини раис кучоғида кўришни, у ўзини куч билан бағрига қаттиқ босишини истади, кўзларини юмди. Бироқ раис индамай турверди.

— Мен чиқиб кетай, — деди Ризвон бояги оҳангда.

— Қочинг, бирортаси кўриб қолса, яхши гап бўлмайди.

— Кел, бир бағримга босай! — Раис шундай деб ўнг кўлини узатиб, унинг челақ тутган кўли билагидан ушлади, орада олайиб, орқасига қараб олишни ҳам унутмади. Бирор киши чиқиб қолгудай бўлса, ўзини челақни оладиган кишидай қилиб кўрсатмоқчи эди. — Ўзиям роса сөгинтириб юбординг. Ўшандан бери хаёлим сенда, ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман.

Ризвон кўлини силтади:

— Қочинг, тегинманг!

— Майли, ҳозир индамайман. — Раис орқасига олазарак қараб, дарров жувоннинг кўлини қўйиб юборди. — Лекин бугун кечаси уйингга бораман. Том орқасида кутама, чиқасанми?

Раис бу гапидан наъша қилиб, ўзини бўз боладай ҳис этди ва уялди, ахир бутун бошли колхозни сўраб турган одам бўлса-ю бир жувонни томи орқасидан мўралаб, кутиб ўтирса, яхши иш бўлмас. Бироқ айтилган гап — отилган ўқ, орқага қайтиш йўқ. У эси бўлса Ризвон рад жавобини беради, деб умид қилиб турган эди. Кутганича ҳам бўлди.

— Нималар деяпсиз, шармандамни чиқармоқчимисиз, нима бало? Чиқолмайман. — Ризвон нима қилишини билмай, ошхона эшиги ёнида қаққайиб қолган эди.

— Нима қипти, бир чиқасан, ярим соатга қолмай жавоб бераман. Ўшанда, чўлла қилган ишимизни давом эттирамиз. Роса ёққан эди менга. Эсингдами, қанчалар маза қилган эдик?

— Уялмайсизми?

— Нимасидан уялман? Бор гап шу бўлса, ўшанда, ярим яланғоч ётганда уялмаган эдинг, энди ай-йай-йай бўлдими? Чиқасанми?

— Чиқолмайман, дедим-ку. Момом билиб қолади.

— Нимани билади? Ярим оқшом секингина чиқсанг, сезмай қолади... Янаям ўзингга қара, кейин пушаймон қилиб юрма.

Ризвон унинг бу гапидан кўнгли оғриди, ўзини номуси топталган ҳис қилди. Бироқ ички бир куч уни барибир ҳаммасига чидашга мажбур қилмоқда.

— Пушаймон қилмайман... Бундан кейин мени ортиқча безовта қилманг, одамлардан кўрқаяпман.

Раис унинг гапларидан бир нарсани тушунди: ўзим розиман-ку, одамлар бор-да. Бу унинг ҳирсини кўзгатди. Кўнглига бироз журъат ингандай бўлди.

— Ярим кечаси одамлар бўлмайдиам, билмайдиам... Чик, бир гаплашиб, юракдан ҳасратлашиб олайлик, кўнглига дард тўлиб кетган.

Ризвонни айнан шу гаплар дарзага солди. У шу пайтгача ичида тўпланган дардларини бировга айтолмай қийналади, ҳеч кимга ишонмайди, бирор яқин сирдоши йўқ, дард эса кун ўтган сари ичинни эзиб, кемпириб бормоқда. Унинг ҳар доим бир нарсани — ўзини тушунадиган бир киши елкасига бошини қўйиб, йиғлашни, қўйиб-пишиб юрагини ўртаб юборган дардларни ҳикоя қилишни ис-

тайти. Бу бир қарашда оддий, бегараз бир истак, холос. Лекин мана шу ниятни рўёбга чиқариш ўлимдан оғир. Раиснинг дардлашиш тўғрисидаги гапи кўнглининг туб-тубидаги ҳисларини ҳам чертиб, тўлқинлантириб юборди. Олдин, ёзда улар деярли дардлашмаган эди. Шунга қарамай, Ризвонга ўшандан кейин бу дунёда уни фақат Манноп раисгина тушунадигандай бўлиб туюлиб қолган.

— Бўпти, чиқаман. — деб юборди тўсатдан Ризвон. У шошаётган эди. Аслида, раис бу бузуқ аёл экан, деган кўнглига бормаслиги учун яна озроқ ноз қилиш кўнглида бор эди-ку, бироқ ҳозир ортиқча гап-сўзнинг мавриди эмас, лоп этиб уйдан қимдир чиқиб қолиши мумкин, овқат охирлаб қолган. Чироқ ёқиш тўғрисида-ям гап бўлаётган эди боя. — Фақат ярим кечаси. Томи-мизинг орқасида кутиб туринг.

Манноп раис ҳаммаси бунчалар тез ўзгаришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Каловланди. Чўлоқ оёғи билан ярим кечаси қандай қилиб боради бировнинг ҳовлисига? Уйдан нима деб чиқиб кетади?

У боя учрашувга чиқишни таклиф қилаётганида эҳтирослар қуршовида ўзи оилали инсон, бунинг устига битта оёғи йўқ чўлоқ эканини унутиб қўйган эди. У манманлигига бориб, кўпинча бу ҳолатни эсдан чиқаради. Энди шунга ўйлаб, сесканиб кетди.

Бироқ булар иш бўлди, энди орқага йўл йўқ. Манноп раис каловланиб, тисралди, Ризвон ундан обтовани олиб, сув солди, ва кўлига қўйиб турди.

— Сендан яхши хотин чиқар экан, — деди раис хўл кўлини қаёққа артишни билмай, атрофга аланглаб, лекин бу гапидан ўзи чўчиди. Ёзда жувон айтган гап ҳалигача ёдидан кўтарилгани йўқ. Яна, «мени хотин қилиб олинг», деб қолишидан кўрқди.

Бироқ Ризвон ундай демади, индамай, нари кетди, уйдагиларнинг овози эшитилиб қолган эди.

— Эркак йўқ, аёллар ёввойилашиб кетган, — деди Раис ичкарига кириб. — Қўл ювай десанг бирорга обтовада сув йўғ-а, тавба.

Ризвоннинг эса кўнглида тошдай чўкиб ётган, ҳеч қачон унут ҳам бўлмайдиган, ёддан ҳам чиқмайдигандай бўлиб туюлган дардлари изсиз, ном-нишонсиз йўқолган эди ва қушдай енгиллашиб, осмонда учиб кетадигандай ҳис қилди ўзини. Кечаси қутилаётган учрашувни эслаб, энтикди, юрагининг бир чеккаси ойсиз тундай зимистон бўлиб турганига қарамай, ўзини бахтиёр ҳис қилди. Юраги дупурлаб, қафасидан чиқиб кетгудек бўла бошлади, иштаҳаси бўғилди.

Инсон бахтли бўлиши учун шунчалар кам нарса керак, аслида.

Уйларига келиб, совуқ уйда кўрпаларга ўралиб, уйкута кетишди. Фақат Ризвонгина хушёр, унинг учун вақт ўтмаётгандай, тўхтаб қолгандай бўлиб туюлаётган эди. Хаёлида Манноп раис келиб, томнинг орқасида кутиб турибди-ю, у чиқолмапти.

Кетиб қолмасайди, деган хавотир билан тўлғониб ётибди, энтикапти. Чиқиб хабар олайин деса, момоқайнонасида чўчийди, кампир қушуйку, тиқ этган овоздан уйғониб кетади.

Ниҳоят, орадан қанча вақт ўтганини билмайди, туриб ташқарига чиқмоқчи бўлди. Унинг назарида қайнонаси ҳам, момоқайнонаси ҳам донг қотиб ухлаб қолгандай эди. Секин аста ўрнидан туриб, чопонини энига олди. Қоронғида пайпаслаб, эшик олдидаги озроққина очик жойда турган қалишлардан бирини кийиб, эшикни очишга чоғланди.

— Ризвон, сенмисан? — Ойсара момонинг уйкусираган, хириллаган овози эшитилди.

— Момо, ухлайверинг, мен. — Бир чўчиб тушган Ризвоннинг энсаси қотди. — Ташқарига чиқиб келайин.

— Устингга бирор нарса илиб ол, ташқари совуқ — момо меҳрибончилик қилди.

«Овозинг гўрдан келсин». Ризвон ичида қарғанди. Унингча ҳозир бу дунёда Маннопдан ўзга яхшироқ, яқинроқ ва меҳрибонроқ одам йўқ, қолган барча инсонлар пасткаш, ярамас.

Бу уч аёл, уч авлоднинг дарди бир, бошларидан кечираётган қайғу ва ҳасратлари бир бўлишига қарамай, бир-бирларини тушунишлари қийин.

Ризвон кўп беттачопарлик қилмайди, бироқ ўрни келиб қолганда бир гапдан қайтмайди, захрини кўпроқ боласига, у-бу нарсаларга сочади.

Ризвон индамай ташқарига чиқди. Ҳаво зах совуқ эди. Эти жунжикди, шунга қарамай, бугун содир бўлиши мумкин ҳодисани эслаб, юраги орзиқди. Бироқ томнинг орқасига ўтишга юраги бетламади. Момоси чиқиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, тезда орқасига қайтиб келди ва оёғидан калишини ҳам ечмай, жойга кирди. Боя остонада калиш излаб турганим учун момом ўйғонди, деган хулюсга борган эди. Бу сафар секингина ўрнидан туриб, чиқиб кетишни режалаштирди. Нима бўлса бўлар.

Яна қанча пайт ётди — билмайди. Ниҳоят юрак ютиб, ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Бу сафар кампир сезмади, чамаси, ҳеч қандай сас эшитилмади.

Ташқари зимистон, булут йўқлигига қарамай, осмонда юлдузлар ҳам кўринмайди. Атрофни туманга ўхшаш қуюқ ҳаво қоплаган. Ризвон пайпаслаб уйни айланиб, дарчадан чиқиб, томнинг орқа тарафига ўтди. Эҳтиёти шарт, бир ерда пусиб ётган бўлса, эшитиб, чиқиб қолар деган ўйда, оҳистагина томоқ қириб қўйди. Ҳеч қандай садо бўлмади. Паст овозда йўталди. Овоз йўқ. Жувон алам билан томнинг нариги чеккасигача пайпаслаб борди — ҳеч ким йўқ. Ҳафсаласи пир бўлди, ўзини хўрланган, ҳеч кимга кераги бўлмаган инсон ҳис қилиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди. Манноп унинг устидан масҳара қилгандай бўлиб туюлди.

Ҳафсаласи пир бўлган ва хўрланган Ризвон шу ишга рози бўлгани учун ўзини қарғай-қарғай орқага қайтди. Бирдан кўнглида ишқ туйғуси ўчиб, унинг ўрнини ғазаб ва алам эгаллади. Ҳаёлига ёшгина, ширингина, дўмбоққина боласи келиб, бу юришидан жирканди.

«Сенга шу керакмиди, ифлос аёл?! Бир сассиқ эркакни деб ўз болангни, оилангни унутдинг, ака-укаларингнинг юзига оёқ босдинг. Биргина шу нарса учун яна нималарга тайёрсан?» — деб ўзини койиди.

Ризвон билдирмайгина ичкарига кирди. Жойга ётиб, кўрпага бурканганча узоқ вақт йиғлади. Ёстиқлар хўл бўлди. Юраги сиқилганидан ўлиб қолгиси келди.

«Эй, худойим! — деб ичида нола қилди у. — Ё жонимни ол, ёки кўнглимни хотиржам қил, бу нима кўргилик, бу нима аҳвол? Сенга нима ёмонлик қилган эдимки, мени бундай икки ўт ўртасига ташладинг? Ўзинг тўғри йўлни кўрсат, ё Худо! Менинг бошим гангиди, нима қилишни билмайман. Бир ёқда оила, бир томонда кўнгли, юрак... Нима қилай, қандай йўл тутаёй?»

Қирқ бешинчи йилнинг баҳори Нигора учун бир қадар омадсиз келди. Эҳтимол омаддидир, бу масалага қай тарафдан ва қандай нуқтаи назар билан қарашга боглик. Ҳали ўн етти ёшга ҳам кирмаган, энди бўй етиб келаётган, ҳаётнинг оқу қорасини тушунмайдиган бу қизга қўшни қишлоқлик бир кишидан совчи келди. Ёши анчага бориб қолган бўлса керакки, урушга олишмаган,

айтишларига қараганда, хотини ўлган экан, олти фарзанди бор дейишди, уларнинг ҳам катгаси урушда ўлган эмиш, ундан кейингисини эса яқинда олиб кетишибди.

Нигора ҳаётдан ҳар балони кутган эди, бироқ ўзини мана шундай паст нархлашлари, ерга уришларини ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ. Дастлаб бу хабардан довларади ва бир-неча кун ўзини кўйрага жой тополмай юрди. Хотини ўлган эркакка, тўғрироғи чолга эрга тегиш тўғрисидаги ҳаёлининг ўзиданоқ ғазоби қайнаб, ўзини тутолмай қола бошлади.

Қўшни тоғ тагидаги қишлоқда яшовчи куёвликка номзод киши анча бадавлат, колхозлаштириш пайтида ҳам кўй-молларини тоққа ҳайдаб кетиб, олиб қолган экан, ҳозир шулар кўпайиб, анчага бориб қолган дейишади. Шу одам қайдандир уларнинг оғир аҳволини эшитган ва бундан фойдаланиб қолишни ҳаёл қилган.

Иқбол хола ҳам, Нигора ҳам бу инсон ўзларининг ночор аҳволдан фойдаланмоқчи эканини билиб турар, шундан ғазабга тўлган.

Дастлаб совчи бўлиб келган икки жувонни урушгандай қилиб олдига солиб ҳайдаб юборишди.

Улар яна уч марта дарвозани тақиллатди.

Совчилар охирги марта қайтариб юборишга, ордан икки кун ўтиб, Раззоқ аканинг дарчасидан ликонглаб, Манноп раис кириб келди.

— Янга, яхшимисиз, болалар катта бўлаётгани, келинлар яхшими? Акадан хат келиб турибдими?

— Яхши, яхши... — Иқбол хола ҳам раиснинг уруғ-аймоғини сўраб, ичкарига, айвонга бошлади. — Кириг.

Раис индамай холанинг орқасидан эргашди. Насима шу ерда экан, ичкаридан қуроқ кўрпача олиб чиқиб, айвондаги шолча устига ташлади. Раис мулозаматни ҳам кутиб ўтирмай, ёғоч оёғини чўзиб, ўтириб олди.

— Янга, ўтириг, — деди у қатъий овозда. — Сизга гап бор.

Унинг ўта расмий муносабатидан Иқбол холанинг юрагига қўрқув инди. Нима бўлган экан, деган ташвишдан довлараб, чўк тушди. Ҳаёли минг бир кўчага кириб чиқди, урушдан яна бир ёмон хабар келдимикин, деган ташвишда қолди.

— Тинчликми, ука?! — сўради овози титраб, ҳар қандай хунук хабарга ўзини тайёрлаб. Ахир раис ҳеч қачон бу хонадонга мана шундай, тўсатдан бостириб келмаган.

— Тинчлик, тинчлик. Хавотирланманг, сизга хуш-хабар олиб келдим.

— Пўлатжон тўғрисидами?! — Иқбол холанинг юзига ёруғлик югурди ва бу хушхабарни тезроқ эшитиш истагида юраги питирлаб қолди.

— Йўқ... — раис гапни сал паст тушиб бошлаш кераклигини англади ва ўнғайсизланди. Жувонга ўглини эслатиб қўйгани яхши бўлмаганини англади ва энди суҳбат совуқ кечишидан афсусланди. — Бошқа масала... Қизингизнинг бўйи етиб қолган экан, шунга бир киши оғиз солдирибди, деб эшитдим.

— Ҳа, уми? — Иқбол холанинг ҳафсаласи қайтди. — Бир чолдан келишган экан, қайтариб юбордик. Қизимнинг тенги эмас.

Манноп раис холанинг қатъиятчилигини кўриб, каловланди.

— Ундай деманг... Ҳозир тенги, тенги эмас, деб юрадиган пайтми? Бахти очилганига хурсанд бўлсангиз-чи.

— Ука, ёши катта-ку, буниг устига хотини ҳам ўлган экан.

— Ўлмаганда совчи қўймас эди-да. — Манноп ҳазил қилди ва ўринсизлигини пайқаб, жиддийлашди. — Ўлганда ҳам туғолмай ўлган-да, янга.



Раис бу гапни куёв бўлмишнинг шаънига ҳамд ўқигандай айтди.

— Мен у одамни танийман, яхши инсон. Қизингиз бахтли бўлади.

— Сиз катта бошингизни кичик қилиб шу ишга аралашмасангиз бўлар эди. — Иқбол хола ўйланди. — Барибир бўлмайдиган можаро, пишмайдиган ош.

— Янга, мен озми-кўпми, юрт кўриб юрган инсонман, сизларга ҳеч қачон ёмонлик тиламайман, фақат яхши бўлсин, дейман. Қизингизни шу инсонга беринг, кам бўлмаймиз.

Иқбол хола, эркак кишининг гапини қайтариб ўрганмаган инсон довдиради, яна қандай баҳона топишни билмай қийналди.

— Отаси келсин-чи, кейин бир гап бўлар. Ҳали ёш-ку.

— Отаси қайтганча кеч бўлиши мумкин. Кейин бунақа жойлардан чиқмайди. Ҳозир эркак камайган. Урушдан қайтадиганлар ҳам майиб бўлиб келади, унақалар сизга нима керак? — Манноп раис шу гапни айтиб, оёғига назар ташлаб қўйди. — Мен шу юртнинг каттасиман. Бу ердагиларнинг барчаси учун отадай гапман. Отаси келмаса, ўзим бош-қош бўлиб узатаман. Нимасидан хавотир бўласиз? Раззоқ ака шу ерда бўлганларида, шубҳасиз хурсанд бўлиб, тўйга розилик билдирарди.

— Ҳар ҳолда отасидан ҳам катта кишига тегмайди-ку.

— Нима қипти? Бир пайтлар одамлар ўн-ўн икки ёшли қизларини эшонга назир қилиб бериб юборар эди. Ана, Аҳмат бова хотини 12 ёшга тўлганида уйланган. Ширингина турмуш қуриб юришибди. Биринчи пайтларда шу бова хотини ёшлиги учун нонни ўзи ёпар экан, соқолига рўмолча бойлаб. Кўрган одамлар ҳалигача гапириб юради.

— У бошқа замон эди-да, — Иқбол хола секин-аста ҳовуридан тушмоқда.

— Замон ўша-ўша, — деди Манноп раис ҳаракат қилса галаба ўзида кетишини англаб. — Мен сизларни ўйлаб қилаяпман шу ишни, қизингизни ўйлаяпман. Бўлмаса менга зарурми шу, катта бошим билан шу арзимас можарога аралашиб юрибман. Бу амалда неча йил ишлайман, номаълум, мендан сизларга бир яхшилик қолсин деяпман. Қизингиз майиб-мажруҳга тегиб, бир умр қийинчиликда яшамасин, оч-наҳор юрмасин деяпман.

— Раҳмат! — Иқбол хола секингина миннатдорчилик билдирди. Бу содда инсон раис ростдан ҳам ўзлари учун елиб югуриб юрганга ишониб қолаётган эди.

— Билиб қўйинг, ўша инсон мен учун ҳеч ким бўлмайди, шунчаки танишман, холос. Борди-келдимиз йўқ, шунақа масала юзага келганини эшитиб, олдингизга келавердим. Шу тўй, агар билсангиз, у инсондан кўра кўпроқ сиз учун керак.

Раис ёниб, куйиб яна кўп гапирди, ўзини тутолмай, ошуфтаваш, оғзидан кўприклари сачраб сўзлади. Гапларидан Иқбол холада бу инсон ўзларига фақат яхшилик тилаши тўғрисида фикр пайдо бўлди ва қизининг турмушга чиқиши хайрли иш бўлишига ишонди.

— Ука, майли биз бир ўйлашиб кўрайлик, — деди Иқбол хола ниҳоят. — Кўплашиб бир фикрга келармиз.

— Нимасини ўйлашсиз, янга? Шундай яхши имкониятни қўлдан чиқариб қўйманг. Яна ким билан маслаҳат қиласиз? Менинг ўзим келиб, маслаҳат бериб турибман-ку. Ёки давлатнинг одамларига ишонмай қўйганмисиз?

— Ишонамиз, ишонамиз, — деди Иқбол хола шовшиб. — Шундай бўлса ҳам, қариндошлар бор...

— Майли, кенгашиб кўринг, лекин менинг гапимни ҳам уларга етказинг, керак бўлса ўзимни чақиртирсангиз, ҳаммаси билан яхшилаб гаплашиб қўяман.

— Балки сал кутиб туришар, отасига хат ёзиб, жавобини олиб, кейин узатармиз...

— Янга, мен сизни туппа тузук, тушунган аёл деб юрсам, бўлмагур гапларни айтасиз-ку. — Раис жиғибийрон бўлди. — Ким урушга шунақа гапларни ёзади? Сизнинг хатингиз етиб борадими, йўқми номаълум. Унгача одамлар кутиб ўтирадим. У одам бойвачча. Ҳозир ким кўп, эрга тегаман деб юрган қиз кўп, биттаси тегади кетади, қуруқ қолаверасиз. Ҳеч ўйланиб ўтирадиган замонми ҳозир.

Раис чиқиб кетганидан сўнг, Нигора онасининг ёнига чопиб келиб, нима гаплигини сўраб-суриштиради.

— Сал уялсанг бўлар эди. — Иқбол хола унга дакки берди. — Буям ўша совчилик масаласида келганга ўхшайди.

— Буниям ўша чол юборибдими? — Нигора газабланди. — Катта-матта раиснинг шунақа — қўшмачиликдан бошқа иши йўқ эканми?

— Ундай дема. — Иқбол хола қизига дакки берди. — Шунақа гапларни айтишга қиз бола нарса уялмайсамми? Раис совчиликка эмас, шунчаки маслаҳат бергани келипти.

— Раис ўзининг қизини берсин шу чолга. — Нигоранинг жаҳли чиқди.

— Уям бизга яхши бўлсин деб келган-да, бўлмаса тушига кириптими аҳволимиз.

Кейинги ўн кун давомида Раззоқ аканинг уйдан галва, андуҳ аримади. Нигора ённи оладиган отаси, акаси шу ерда эмаслигидан жуда-жуда ачинди, ҳимоячилари йўқлиги алам қилди. Агар улар бўлганида раис аҳмоқона маслаҳати билан бу остонага қадам босмаган, анави қария эса қизи тенги гўдакка оғиз солдирмаган бўлар эди. Нигора инсониятни ҳали яхши билмас экан, тушунган сари одамлардан кўнгли совиб бормоқда. Улар ҳам кекса бўри каби ожизларни пойлаб юрар ва имкон пайдо бўлди дегунича фойдаланиб қолмоқчи бўлар экан.

Шу кунларда Нигора отасини, акаси қатори Нормуродни ҳам кўп эслади. Жилла курси у ёнида бўлганида ённи олар, бу бемаъни гап-сўзларга қарши чиқар эди. У кўп марта шундай қилган, унга суянса, ишонса бўлади. Жиллакурса у билан бу ярамас ердан бирор ёққа қочиб кетган ва бу жанжаллардан бутунлай қутилган бўлар эди. Бироқ у ҳам узоқда, худди отаси каби унга ҳам на доди ва на арзи етиб боради. Бу ерда қолган қаринлари эса негадир уни сира тушунмаяпти, тушунишни исташмаяпти.

Урушнинг туташи катта қувонч билан кутиб олинди, тўрт-беш кун аҳоли қувончининг чеки бўлмади. Бироқ орадан кўп ўтмай, одамларнинг турмуш тарзида ҳеч нарса ўзгармаганидан сўнг, барчаси илгаригидай давом этаверди.

Ризвон ҳам дастлаб эрининг қайтишига умид боғлаган эди. Ахир ундан кўпдан буён хат-хабар келмай қўйган бўлишига қарамай, «қора хат» ҳам келгани йўқ ва бу унга умид бағишлар эди. Бироқ ҳеч нарса ўзгармагани уни яна тушкун кайфиятга солиб қўйди.

Ҳали тўрт ёшга қараб бормоқда. Тили чучуккина бўлиб, кўп нарсанинг фаҳмига етиб қолган, тинимсиз савол беради.

Малиқдан кейин орадан ўн кунлар ўтиб, саратон чоғи яна аёлларни чўлга галла ўримига жалб қилишди. Яна ўша аҳвол — одамлар чўлда, ёш болалар кечалари маҳалла-маҳалла бўлиб бирор баландроқ уйнинг томига чиқиб, тунашади. Ётиш олдидан нарвон ҳам томга тортиб олиб қўйилади. Ҳар ҳолда-да, бўри нарвон орқали чиқиши мумкин.

Бу йил ҳам Ризвон билан қайнонасини ўримга олишди. Фолиб яна катта онаси билан қолди. Бир куни Ойсара момо ўтириб, ўтириб зерикди, бир ухлаб турди ва пешинга яқин уйғониб, куннинг иссиғида, айвондаги мусичанинг ғуриллашидан фарзанди Бозор ёдига тушиб, кўнгли ўртанди. Ёдига ёшлик йиллари, фарзандларининг чопқиллаб юрган даврлари келди, кўзлари ёшланди. Неварасини етаклаб, тепаликка қараб кетди. Бир пайтлар бу ерда болалари чопқилаб ўйнар эди. Момо бу ердан уларнинг изини топмоқчидай, болалари ҳозир ҳам шу ерда ўйнаб юрган-у бориб, орқасига қайтариб келадигандай туюлди.

Фолибга момосининг гапи ёқди ва пилдираб йўлга тушди.

— Фолиб, йиқилиб тушма, болам! — қадди букилиб қолган момо неварасининг орқасидан етиб олишга ҳаракат қилди-ю бўлмади, болакай ипини узган ёш бузоқча каби чопқиллаб кетиб бормоқда.

— Йиқилмайман, катэна, сиз ҳам чопинг! — Фолиб барча болалар каби ўзига ишонади.

— Мен қандай чопаман? Узоққа кетиб қолма, секинроқ юр.

Момо етиб келганида, Фолиб тепалик этагидаги қуриб қолган ариқ ичида оёғи билан қумурсқаларни эзиб ўйнаётган эди. Бу ариқдан қуйроқдаги маккажўхоризорга сув боради.

Орадан қанча вақт ўтгани номаълум, бир пайт момонинг узоқ-узоқларга кетиб қолган хаёлини Фолибнинг қаттиқ қичқириви бузди. Момо кўз очиб қараганда, ориқ, жунлари патак бўлиб кетган бўри набирасининг сонидан тишлаганича, маккажўхоризорга судраб кетмоқда эди. Момо дастлаб довдиради, нима қилишини билмай, боши гангиди, сал туриб ўзига келди ва овозининг борица бақириб, пастга чопди. Йўл-йўлакай, бир марта ўмбалоқ ошиб ҳам тушди, лекин оғриқни ҳис қилмади, яна туриб, бўрига қараб чопди. Момо узун ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўрди ва дийдаси қотиб кетди, бироқ у маълум бир сонияларда бу нарсага — набирасининг бўриларга ем бўлишига чидай олмаслигини ҳис қилди, англади. Бор овози билан бақириб югурди. Йўл-йўлакай маслаҳат беришни ҳам унутмади.

— Болам, оёғидан кучоқлаб ол, оёғидан ушла!

Бўри Фолибнинг сонидан тишлагани учун ҳам боши билан гавдаси унинг олд оёқлари орасида ўралашиб турар эди. Болакай оғриқдан ўзини йўқотиб қўяр даражада бўлса ҳам, момосининг маслаҳатига қулоқ осди ва икки қўллаб йиртқичнинг оёқларини кучоқлаб олди. Бўри юролмай қолди ва ғазаб билан тишлари орасидан ириллаб, тишларини сонга қаттикроқ ботирди. Бироқ Фолиб бўрининг оёқларини қўйиб юбормади. У ёш бўлишига қарамай, болаларни бўрилар еб кетаётгани тўғрисидаги гапларни кўп эшитган, қулоғи қотиб қолган ва агар ҳозир маккажўхоризоргача етиб олгудай бўлса, бўри ўзини ҳам еб қўйишини аниқ билар эди. Шундан қанчалар оғримасин, йиртқичнинг оёқларини қўйиб юбормади.

Бу орада момо етиб келиб, ердан кесакми, тошми, қўлига нима илашса, олиб, отаверди. Бўри боланинг сонини қўйиб юбориб, тишларини кўрсатиб, момони кўрқитмоқчи бўлди, бироқ Ойсара момо кўрқадиган ҳолатда эмас, унинг кўрққани бошқа нарса. Шунинг учун бўрининг оловдай ёниб турган кўзларига тик қараб бораверди. Бахтлари бор экан, Манноп раис уйида тушлик қилиб хиромонга кетаётган эди. Бақирёқ овозларини эшитиб, отини шу ёққа бурди. От тубёқларини эшитган йиртқич тезда маккажўхоризор ичига кириб, кўздан йўқолди.

— Ҳа, момо, нима бўлди? — деди Манноп раис етиб келиб, пишқириб турган отидан тушар экан. — Болани кучук тишладими?

У гап нимадалигини яхши билиб турибди, лекин ортиқча ваҳима қилмаслик учун шундай деган эди. Ойсара момо ҳансираб қолган ва ҳаяжондан нима дейишини билмайди. У шошиб-пишиб Фолибнинг оқарган юзини силаётган, унинг тирик-ўликлигини билиб олмоқчи эди.

— Катэна, оёғим оғриб кетаяпти, — деди инқиллаб Фолиб ниҳоят.

— Тирикмисан?! — Момо шошди ва Фолибнинг бўз иштончасини ечиб, тишлар изини кўрди. Бу пайтда Манноп раис уларнинг тепасига келди.

— Ҳеч нарса қилмайди, — деди у энгашиб. — Тузалиб кетади.

— Ўлиб қолмайдими, Маннопжон?! — Момо зўрга гапирди.

— Йўқ, ҳеч нарса қилмаган... мана мен бир оёқсиз яшаб юрибман-ку... — Манноп кулмоқчи бўлган эди, бўлмади, совуқ тиржайиб, тезда лаб-лунжини йиғиштириб олди.

— Ўғлим, бунга уйга олиб борайлик, мен кигиз куйдириб босаман, — деди момо Маннопга илтижоли тикилиб.

— Мана, ҳозир. — Манноп шундай деганча Фолибни кўтармоқчи бўлиб кучоқлади. — Фақат ўрнимдан туриб олишим учун сал суяб туринг, ёғоч оёқ халақит беради.

Момо Маннопнинг қўлидан тутди, у Фолибни кўтариб, ўрнимдан турди. Боя, иссиғида оғриқ унчалар ҳам сезилмаганми, бола ҳали қарахт эдимми, ишқилиб, овози унчалар баланд чиқмаётган эди. Қимирлаб, оғриқ кучайган сари унинг чириллаб йиғлаши баландлашиб борди.

— Момо, сиз отимни етаклаб олинг, қочиб кетмасин. — Раис олдинга тушиб, секин-аста, йиқилиб кетишдан кўрқиб, ликанглаб кетиб борар экан, кампирнинг ўзига эргашиб келаётганини кўриб, отидан ҳавотирланди.

Момо орқага қайтиб, отнинг юганидан тутиб, етаклаб келди. Маннопнинг юриши унмаётган эди, ёғоч оёғини ҳар бир тошга уриб олаётгандай, ҳар бир чуқурчага тушиб кетаётгандай туюлаверди Ойсара момога.

— Боламни ҳушёр қилинг, йиқитиб қўйманг, — деб борар эди унинг ёнида ҳавотир билан кампир тихирлик қилаётган отнинг юганини силкалаб. — Тузалиб кетар эканми, а?

— Тузалади, тузалади. Ана йиғлаяпти-ку, демак умид бор. — Манноп раиснинг юраги эзилиб кетаётган бўлишига қарамай, кампирга тасалли берди. — Ҳали шундай бир йигит бўлсинки, ҳамма кўриб ҳавас қилсин.

Фолиб эса чинқирини бас қилмайди, унинг йиғиси қулоқларни баган қилиб юборди, юракларни ўртади.

Улар уйга етиб келгунга қадар қўни-қўшнилари — тўрт беш қария-ю ёш болалар чиқиб, нима воқеа рўй бергани билан қизикди. Кимдир яқин кишиларникига югурди, кимдир от-арава топмоқчи бўлди, яна кимдир ҳовлида, супага жой ҳозирлади, ишқилиб барча гимирлаб қолди. Манноп раис болани уйга олиб келиб, супадаги кимдир солган жойга ётқизар экан, қондан ва боланинг чинқиригидан кўнгли бузилиб, тезроқ бу ердан кетиш ташвишига тушди.

— Бўлмаса, мен бориб, табибни топиб келай, — деди у ёнида турган Аҳмат бовага. — Сизлар ярага кигиз куйдириб босиб турингизлар...

— Борақол, — деди унинг гапини маъқуллаб Аҳмат бова. — Фақат тезроқ ҳаракат қил. Кўп қон йўқотса ёмон бўлади.



Чоллар ва кампирлар кўплашиб, кигиз куйдириб, чириллатиб боланинг ярасига босишга киришди.

— Сен ўғил боласан-ку, нега йиғлайсан? Шу арзимаган тимдаланганга шунчами? — Голибга дакки берди чоллардан бири. — Ўғил бола йиғласа уят бўлади...

Голиб бу пайтда уятнинг фарқига борадиган ҳолатда эмас, ҳатто чолнинг гапларини ҳам эшитгани йўқ. Оёғида турган қаттиқ санчиқдан ўзини кўярга жой тополмай қолаётган эди.

— Катэна, оёғимни кесиб ташлангизлар, оғриб кетаяпти, — деб бақирар эди у ўзини тўхтатолмай. — Битта оёқдаям юравераман. Раис бовага ўхшаб юравераман. Оёғимни кесиб ташлангизлар, оғриғига чидаб бўлмайди...

Қоратепадаги Салим табиб ўтганидан сўнг бу яқин орада яхшироқ табиб ҳам қолмаган. Кулқишлоқда Тўхта бова деган киши табиблик қилади. Ҳозир Манноп раис тўғри унинг олдига бормоқда. Сал-пал у-бу нарса биладиган дўхтирларни урушга олиб кетганларидан касалхоналар ҳам ёпилган. Шу сабабли ҳозир Голибни касалхонага олиб бориш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Хуллас, одамлар ўз ҳолига ва тақдирнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган. Улардан фақат ишчи кучи сифатида фойдаланилади, холос. Давлатнинг асосий эътибори фақат урушга қаратилган.

Манноп раис Тўхта бовани олиб келган пайтда Голиб бирмунча тинчиб қолган ва томошаталаб болалар уй-уйларига кетиб бўлган экан. Табиб Голибни бошқатдан чириллатиб йиғлатиб, ярани очиб, бошқатдан дори-дармон қилди ва чит мато билан боғлади.

— Табиб бова, яшаб кетадими? — сўради Манноп раис ундан, Ойсара момо чой қайнатиш учун ўчоқ бошига кетган пайтда. — Бу йигитчанинг отаси урушда қадрдон жўрам бўлган.

— Қайтмаганими?! — Табиб ялт этиб унга қаради. У бу гапи билан «ўлганми?» демоқчи эди. Манноп раис уни тўғри тушунди.

— Йўқ, лекин ҳозирча дом-дараги йўқ. Ундан бирдан бир мерос шу бола қолган. Авлюднинг ягона давомчиси ҳам шу. Бошқа фарзанди йўқ жўрамнинг... Танисангиз керак, Бозор деган мулла чиққан эди бир пайтлар, Гадей мулла деб ҳам аташарди. Босмачиларнинг пайтида кимдир уйда отиб кетган. Ўша кишининг набираси бўлади, бу йигитча. Ана шундай бир инсоннинг авлюди давомчиси бу бола. Катта бўлса бир ёқни ўнгариб берадиган чўти бор.

— Ҳа, эсимда... — Тўхта бованинг юзи ёришди. — Бозор мулланинг неварасими? Менинг отам ҳам бир-икки шу ёқларга келиб, у кишига ўқитган эди. Нафаси зўр, билими кучли эди. Қийин бўпти-да... Яшаб кетади... Ҳозир ёз-ку, яра йирингламас керак... Болалигида кимни ит тишламаган дейсиз, буям шунга ўхшаган бир гап-да.

— Лекин бунинг масаласи бошқа — ёш, нимжон. — Зарари йўқ, яхши бўлиб кетади...

Табиб аслида «худо умрини берса тузалади», демоқчи эди, бироқ унинг оғзига умид билан термилиб турган Ойсара момога қараб, қатъийроқ қилиб гапирди. Ҳар ҳолда бу гапи учун кейинчалик ҳеч ким ёқасидан олмас.

Нигора юз бераётган ўзгаришлардан ҳали ўзига келмай туриб, уйдагилари тўйга розилик билдириб юборди. Аслида уларнинг бу тўйга кўнгли чопмаётган эди, бироқ ишга шахсан Манноп раиснинг аралашгани ҳаммасини ўзгартириб юборди. Бунинг устига раис бир-икки гап би-

лан тинчиб кўя қолмади, қатъийлик билан туриб олдики, Иқбол холанинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади.

Иқбол холанинг ҳеч қурса эри қайтиб келишини кутиш тўғрисидаги гапларини раис қатъий равишда рад қилди ва зўрлаб тўй кунини белгилаб кетди.

— Яна нима деб келибди бу Манноп чўлоқ? — Нигора жаҳл билан сўради раис чиқиб кетганидан сўнг онасидан.

— Ундай дема, ўзингдан катта одамни масхара қилишга қандай тилинг борди. — Иқбол хола тил учида дакки берди. Қизининг кўнгли яримга эканини тушуниб турибди, шу сабабли хафа қилгиси йўқ.

— Ўлсин, катта бўлмай. — Нигоранинг ҳақиқатан ҳам жаҳли чиққан. — Ўзи ҳамма бузуқчиликлар шунга ўхшаганлардан чиқади.

— Болам, унақа дема... — Иқбол хола нима дейшини билмай чайналди.

— Нима демай? — Нигоранинг газаби қайнади. — Бу ифлос инсоннинг қилиқларини билмасам экан, индамай ўтираверсам. Шу ярамас, шу бузуқи энди менинг тақдиримни ҳал қиладиган бўлиб қолдими? Чидолмайман, менинг ҳаётим шу ярамаснинг қўлига қараб қолганми, эна? Шунчалик қадрсиз бўлиб кетдимми? Акам йўқ бўлса ҳам, ҳали отам тирик-ку? эна? Кўчада қолган қизманми мен, тақдиримни аллақандай бузуқи раислар ҳал қилса. Ёки анави ферманинг оч, қоқсуяк сигирларга ўхшаб колхознинг мулкманми мен, хоҳлаган одамнинг қўлига тутқазиб юбораверадиган. Йўқ, улар колхознинг сигирини менчалик беҳурмат қилиб бировга бериб юборолмайди. Улар бунинг учун боши билан жавоб беради. Мени эса шунчалик, бир аҳамиятсиз буюмдай хоҳлаган одамга тутқазиб юборавериш мумкин. Ва бунинг учун на мендан ва на ўзимнинг қадрдон отамдан рухсат сўраб ўтиришмайди.

Нигора кўзларига ёш тўлиб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Қизим, Нигоржон! — деди Иқбол хола қизини бағрига босиб. — Ўзим ҳам куйиб кетяпман, болам, ўзимга қолса отангнинг келишини кутмасмидим. Лекин ҳозир раисга кулоқ осмасак бўлмайди. Замон оғир. Мен сени ўйлаяпман-да, бойроқ инсон экан, егулик-ичгулигинг бемалол бўлсин, дейман. Ейишга нони йўқ бир камбағалга тегиб нима барака топар эдинг? Юрасанми очликдан қийналиб.

— Ўз кунимни ўзим кўраман, эна, менинг нон ейишим сизга оғирлик қилаяптими?

— Сен тушунмадинг, менга оғирлик қилаяпсан демоқчи эмасман, эртанги кунингни ўйлаяпман...

— Эртага бир гап бўлар, жуда бўлмаса очдан ўлиб кетарман, шу чолга теккандан кўра ўлиб кетганим яхши.

— Унақа дема, болам. Очликдан шишиб ўлганларни мен кўрдим, энди силар кўрманглар, бунинг нима эканини билмайсанлар. Бу кетишда яна бир катта очарчилик бўлади деяпти раис, шуни олиндан чорасини кўринг дейди.

— Шу чўлоқни менга гапирманг, — кўзлари ёшга тўлган Нигора бирдан бақириб берди. — Тўй бўлсам ўша топган чолниям, чўлоқнинг ўзиниям ўлдираман, мана кўрасиз.

Иқбол хола қиз бола эрга тегишдан бурун даҳшатли мавжудотга айланиши, унинг қўлидан ҳар нарса келиши, кейинчалик, тўйдан кейин буларнинг барчаси ўтиб кетиши ва хокисоргина бўлиб қолишини яхши билар эди. Шунинг учун қизининг гапларига жавоб қайтармади, индамай уни қучоқлаганча ўтираверди.

— Ожизларни мана шундай эзиб кетишаверар экан-да, эна?! — деди ниҳоят Нигора.

У боя аччиқ устида уришиб, онасини ранжитиб қўйганидан бироз хижолатда. Иқбол хола ҳам вазият-

нинг кули эканини, раисга қарши боролмаслиги, бунинг учун ожизлик қилишини яхши билади ва тушунмаётган эдики, бу тўй раис учун нимага керак бўлди? Ахир Нигоранинг турмушга чиқиши унга иссиқ ҳам совуқ ҳам эмас, фақат шу пайтга қадар бу инсон уларнинг ҳолини ҳам сўрагани йўқ. Тўсатдан мана бундай қилиб, кўшни қишлоқлик бир чолнинг ёнини олиб, уларнинг уйига беш оёқ бўлиб қатнаб қолди.

Уша куни — тўйга розилик берганидан сўнг, раис «чўлга, ўримчиларнинг ёнига бориб келаман», — деб чиқиб кетгач, орадан кўп ўтмай қишлоқнинг кун ботар тарафида қий-чув кўтарилди. Бу пайтда Нигора ва унинг онаси иккаласи оғир тақдирлар тўғрисида ўйлаб, бир-бирларини кучиб, йиғлаб ўтиришган эди.

Кўп ўтмай, Ойсара момонинг неварасига бўри хужум қилгани тўғрисидаги гап тарқалди.

Нигоранинг кўнглига қил сизмайди, дили хуфтон эди. Голибни бўри тишлагани, аҳволи оғир эканини эшитиб, дарди унут бўлди, ўрнини қониқишга ўхшаш бир туйғу эгаллади. Ҳақиқатан ҳам шундай — Нигора бировнинг қайғусидан қувонадиган, ичи қора инсон эмас, бироқ айна ҳолатда ундан-да оғирроқ ҳолатга тушиб қолган одамларнинг мавжудлиги уни худога шукр қилишга, ўз дардини унутишга мажбур қилган эди. Ҳар ҳолда унинг ҳолати ҳаёт ва мамот масаласи эмас.

Шундай — бир дард иккинчисини ютиб юборади.

...Тўй илитма ошдай ёқимсизгина бўлиб ўтди. Нигора онаси ва бошқа яқинлари билан йиғлаб-йиғлаб хайрлашди. Унинг назарида бу қишлоққа қайтиб қадам босмайдигандай бўлиб туюлаётган эди, ўзини ўлимга олиб кетишаётгандай ҳис қилди.

— Қиз, йиғламанг, — деди у билан хайрлаша туриб яқинда ўримдан келган, ўзини йиғидан тўхтатолмаётган янгаси Насима. — Ҳаммаси яхши бўлади. Мен ҳам олдинга энди нима бўлади, деб кўп ўйлаган эдим, озгина ношукурлик ҳам қилган эдим, мана худо кўрсатиб ўтирибди...

— Сиз менинг акамга теккансиз-да! — таъна қилди Нигора.

— У ҳам кимнингдир акаси...

— У кимнингдир отаси, янга! — Нигора ҳўнграб йиғлади. — У қари чол... Мен шу уйда ортиқча эканим, айтсаларингиз бирор жойга бош олиб кетар эдим.

— Гап сизнинг ортиқча эканингизда эмас. — Насима тугилиди. — Гап бахтли бўлишингизда...

— Шу қария билан ким бахтли бўлар экан?!

— Ёшлар урушда... Қайтишлари номаълум...

Насима ўзини мисол қилиб, кўрсатмоқчи эди, бироқ оқибатини ўйлаб, тилини тишлади, унинг турмуш ўртоғи Нигоранинг акаси экани ва урушда ўлиб кетгани суҳбатга енгиллик бағишламайди. Нигора буни таъна қилапти деб тушуниши мумкин. Бироқ қиз гап қайси томонга қаратилганини тушунди.

— Урушда бўлсаям майли эди...

Унинг бу гапини на Насима ва на шу ерда турган Иқбол хола тушунмади.

— Бирортада кўнглингиз бормиди? — сўради Насима.

— Энди сўрайсизми? — деди диққатлаб Нигора. — Ҳаммаси тамом бўлиб, орқага йўл қолмаганда берасизми шу саволни...

Шу тарзда Нигорани олиб кетдилар. Иқбол холадан кўра Насиманинг кўпроқ ичи куйиб, кўнгли бузилди.

Янги куёвнинг уйи тоғ тагида, қир бошланадиган ерда жойлашган экан, уй орқасидан, кўча ўртасидан бир тегиримонлик булоқ суви шариллаб оқиб турибди, кўча-

лар, ҳовлилар, борингки, деворлар — ҳаммаёқ тош. Бу ернинг ҳавоси Гултепаники каби иссиқдай туюлмади, кечалари анча салқин. Биринчи тун деярли ҳеч қандай кутилмаган ҳодиса рўй бермади. Куёвнинг бироз дағаллиги ва устидан аллақандай тушунарсиз ҳид келиб турганини айтмаганда, деярли ҳеч нарса содир бўлмади.

Шу кунларда Нигоранинг хаёлидан ўшанда — чўлда Нормурод билан бирга гувоҳ бўлгани — Манноп чўлоқ ва Ризвонни ҳолати кўз ўнгидан кетмади. Бу энг жирканч ва номақбул ҳолат бўлиб туюлган эди. Ҳозир ҳам шуни ўйлаб, кўз олдига келтириб, Ризвоннинг ўрнига ўзини кўйиб, баданидан совуқ тер чиқиб кетмоқда, аламдан ва ғазабдан тишлари «газ-газ» қилаяпти, бироқ кўлидан ҳеч нарса келмайди.

Эртаси куни кундузи келин тушган уйда ош берилди.

Бирга келган янгаси ва кўшни аёл уни ёлғиз ташлаб, кўшни хонага чиқиб кетди. Нигора уларга худонинг зорини қилиб ялинди, ёлворди, кетманглар, деди, бўлмади, кетдилар. Аслида ўзи ҳам билиб турибди, уларнинг қолиши ўнғайсиз. Бироқ у ҳам нима қилсин, нимадир дейиши, кимдандир нажот кутиши керак-ку.

— Мана, сен ҳам келиб қолдинг, — деди куёв Насималар чиқиб кетгач, кўп ўтмасдан, эшик остонасига тўқилиб, довдираб ичкарига кирар экан. — Ниҳоят иккаламиз ёлғизмиз...

Куёв каловланди, гап тополмай, яна нималар тўғрисида бир-икки гўлдиради-ю жим қолди. Сал наридаги кўрпачанинг устига ўхшовсиз бир тарзда, меҳмонга келган, одобли, уятчан киши каби чордона куриб ўтирди.

— Сен нотўғри ўйлаялсан, — деди ниҳоят куёв, Нигорага қараб, бўйинини олдинга чўзиб. — Мен сен ўйлаганчалик ёмон инсон эмасман... Насиб қилса, яхши яшаб кетамиз. Тўрт-бешта фарзандли бўламиз...

Нигора игна санчандек сесканди. Ахир шу пайтга қадар ҳар нарсани ўйлабдики, аммо шу қариядан бола кўришни хаёлига ҳам келтирмабди, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмабди.

Нигора ҳали ўтмиш билан яшамоқда ва ўтган кунлар ўй-хаёллари ҳали онгини бутунлай банд этган, янги ҳаёт бошлангани, энди дунёқарашлар, фикрлаш ва яшаш тарзи ўзгаришини хаёлига ҳам келтираётгани йўқ.

— Шундай ўтираверамизми? — деди куёв келинга ўгирилиб. — Бирор нарса қилмаймизми?

Нигора англадики, куёвнинг ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамай, ҳали бутунлай юзини йўқотиб улгургани йўқ ва уйланиш борасида етарли даражада тажрибага эга эмас.

Куёв ўтирган еридан турмай, кўрпача бўйлаб силжиб, келинга яқинлашди:

— Энди юзингни очавер, менга маҳрам бўлдинг... — деди бироз тиржайиб. — Боя мулланинг гапини эшитдингми?

— Йўқ, — бу Нигоранинг биринчи гапи эди.

— Ҳа-я, сен никоҳда қатнашмагансан-ку, вакил отанг турган эди, у эшитди... Отинг нима эди сени?

— Энди отимнинг аҳамияти йўқ, — Нигорага унинг гапи алам қилди. Одамлар отини сўрамасдан ҳам уйланиб олаверар экан-да, а?

— Буям тўғри, — куёв кесатиқни тушунмади. — Энди барибир бир-биримизнинг исми-изми айтиб чақирмаймиз... Мен сени энаси, дейман.

— Нима?! — Нигора бу чолнинг калласи жойида эмаслигига ишонди. — Бу нима деганингиз, кимнинг энаси? Мен қиз боламан-ку.

— Бўлажак болаларнинг энаси-да, шуни ҳам тушунмайсанми?... Қизлигинг вақтинчалик-да, ахир, — куёвнинг нашъаси келиб, хунук тиржайди.



- Мени икки дунёда унақа деб атаманг.
- Нима дейин бўлмаса?
- Ҳеч нарса деманг.
- Ихтиёринг.

Куёв яна озроқ сурилди. Энди у Нигора билан бақамти ўтирар эди:

- Алқисса, нима ҳақда гаплашаётган эдик?

Унинг оғзидан аллақандай ёқимсиз ҳидни туйган Нигора ижирғанди.

- Сал нарироқ ўтирсангиз бўлмайдим?
- Бўлади.
- Бўлмаса боринг.
- Менга шу ер ёқаяпти.
- Менга эса ёқмаяпти.

Куёв индамай орқага сурилди. Аслида шу ишни қилмагани дуруст эдими, Нигора шу пайтда қадар уни ёмон, ёвуз инсон сифатида ёқтирмаётган бўлса, энди буларга унинг латталиги, бўшанглиги қўшилди.

Бир пайт Нигора қўлига бир илиқ нарсанинг текканидан севканиб кетди, илон чаққандай қўлини тортиб олди.

- Вой!

— Қўрқма, бу мен эдим, — куёв тиржайди. — Илон деб ўйладингми?.. Ҳозир илонлар йўқ..

— Аслида бўлганми? — Нигора куёвнинг гапидан хайрон қолди. У болалигидан илондан қўрқади.

— Ҳа, энди илон уйнинг давлати-да, қўриқлаб туради. Эшитмаганмисан? — Куёвнинг бирдан кайфияти ўзгариб, гапни бошқа мавзудан олиб кетди. Унга шу пайтгача ўзини бегона олиб турган келиннинг савол бергани ёқиб тушган ва шундан ушбу мавзунга маҳкам тутган эди. — Ҳар битта уйнинг ўз илони бўлади. Оиласи билан шу уйда яшайди, агар билиб-билмай биттасини ўлдириб қўйсанг, қолганлари қаттиқ ўч олади. Индаманг, тегинмай, ёнма-ён, яхши қўшнидай яшайвереди.

- Уйларингизда кўпми бу қўшнилари?

— Бор шекилли тўрт-бешта. Санаб кўрганим йўқ. Бир марта икки қулочлигини шифтда осилиб турган пайтда кўрувдим, кейин учратмадим, ўзини олиб қочиб юрибди.

Нигора ҳадиксираб шифтга, тутундан қорайган қалин балорлар ва уларнинг орқасидан чиқиб турган шох-шаббага қаради. Улар орасида кўплаб — сон-саноксиз илонлар ўралашиб юргандай туюлди.

«Бир камим энди илон тўла уйда яшаш эди» — шу ўй кечди Нигоранинг хаёлидан.

— Лекин сен қўрқма, яхши илон улар. Ҳали ўзинг ҳам амин бўласан.

Нигора индамаётганига куёвнинг ҳам гапи қочиб, нима дейишини билмай, ўйга чўмди.

Уруш тугаб, тириклар қайтишига умид уйғониб, одамлар юзига табасум югуриб қолган, келажакка озгина бўлса-да ишонч пайдо бўлган қушларнинг бирида Малоҳат иссиқдан терлаб, садақайрағоч остидаги супададаги шолча устида хаёлга чўмиб ўтирган пайтда қўшни ҳовлидан бақирди, чинқирди овозлари эшитилди. У бирдан сергак тортиди, хона ичида, салқин уйда ухлаб ётган Бону момо ҳам шошиб, боцияланг айвонга югуриб чиқди:

- Яна нима гап, келин?

— Билмайман! — зийрак тортиган Малоҳат шошиб оёғига кавушини олиб, кўчага қараб юрди. — Иқбол холаларниқидан чиқди бу овоз. Яна бир қор-қол бўлди, шекилли.

Қайнона-келин, олдинма-кетин бўлиб кўчага чиққан пайтда, қўшни — Раззоқ аканинг ҳовлисидан қўлла-

рига қип-қизил қонга ботган пичоқни ушлаб олганча, оёқяланг, сочлари тўзғиган уйнинг келини Насима чиқиб келди. У жиннига ўхшаб бақирганча, қўлларини серпаб келар, эгнидаги чит кўйлагига қон сачраб, қип-қизил бўлган эди, юзларида ҳам қон доғлари бор.

— Пичоқни ташла, Насима! — унга тўрт қадам қолганида Малоҳат таққа тўхтади. — Нима қилаяпсан, эсингни йиғиб ол, бирор жойингни кесиб оласан.

— Ўлгим келаяпти, ўлгим! — Насима қаршисида турган икки аёлни кўриб бирдан бўшашиб кетди ва тупроқ кўчага тиз чўкди, пичоқ қўлидан сирғалиб, тупроққа тушди.

— Ундай дема, қизим... — Бону момо етиб келиб, пичоқни олиб, нарироққа, суви қуриб қолган, ажриқ босган ариқ ичига отиб юборди. — Сенга нима бўлди, бирор ерингни кесиб олдингми?

— Кесганим йўқ, холамини сўйиб ташладим! — Насима хўнграб йиғлаб юборди.

— Нима деяпсан? Эсинг жойидами? — Бону момонинг ранги ўзгарди. — Нимага сўясан, у сенга нима ёмонлик қилди?

— Билмайман, билмайман!!! — Насима бақириб йиғлади. — Энди мени ўлдиришлар, мени ҳам сўйинлар.

Насима ердан тупроқ олиб уни юзи, бошига соча бошлади.

— Мало, бунга уйга олиб бориб, тинчлангир, мен ичкарига кириб, нима гапигини билиб келаман.

Бону момо Раззоқ аканинг уйига, Иқбол холадан хабар олиш учун кириб кетди. Малоҳат эса Насимани сўяганча, уйига етаклади, у энди ортиқча бақирмаётган, қаршилиқ ҳам қиямаётган эди, бояги важоҳатдан асар ҳам қолмаган, узоқ вақт тўшакка миҳланиб ётиб, ҳозиргина оёққа турган оғир бетоб кишига ўхшаб титраб-қақшар эди.

— Нима иш қилиб қўйдинг, Насима? — сўради Малоҳат улар айвонга чиқишгач. — Наҳотки гапинг рост бўлса?

— Рост... холамини пичоқлаб қўйдим... ўлиб қолдилар, менимча... ўлишини истамаган эдим, лекин ўлди... Ҳозир келиб мени ҳам чавақлаб кетишади, янга, мени беркитиб қўйинг... Сиз бориб, холадан хабар олинг, ўлиб қолмасин...

Малоҳатнинг унга раҳми келди, бу жабрдийда қиз қўнглидан нималар кечаётгани, нима ишлар қилиб келатганини аниқ билмаса-да, барибир ачинди, ўйладики, нима бўлишидан қатъий назар бўлиб ўтган ишда унинг айби кам. У келинни етаклаб, боя Бону момо ухлаган уйга олиб кирди, кўрпача йиғилмаган эди, устига ўтқазди.

— Насима, мен сени тушунаман, куйинма, ҳаммаси яхши бўлади, лекин нимага Иқбол холани пичоқладинг? — сўради Малоҳат.

— Билмайман! Нимагагини сўраманг, айтолмайман! Нима иш қилганимни ўзим ҳам тушунмайман, айтиб беролмайман. Мен аҳмоқман...

Малоҳат унинг гапларига — Иқбол холани пичоқлаганига ҳам, ўзи нима иш қилганини аниқ-тиниқ билмаслигига ҳам ишонди. Бу жафокаш қизнинг аҳволини яхши тушунди, бироқ шу билан бир қаторда Иқбол холага ҳам ачинди. Бу жувон ўз турмуш ўртоғи каби хокисор, бировлар билан ади-бади айтишмайдиган, имкон қадар ўзини босиб юрадиган жувон эди. Шунча йилдан буён қўшничилик қилиб, бир марта ҳам сан-манга боришмаган, ҳар доим бир-бирларини тушуниб келган. Ҳар доим Малоҳатнинг болаларига қанд-курс, мевачева, хуллас нима топса бериб юрар эди. Ўз болаларидай кўрар эди унинг фарзандларини. Хокисор бир жу-

вонни нима учун ва қандай қилиб пичоқлаб қўйди экан Насима?

— Атайлаб қилмагансан-ку, тўғрими? Пичоқ тегиб кетгандир-да?! — сўради Малоҳат.

— Йўқ, атайлаб қилдим, қорнига ўн мартадан ортиқ санчиб олдим... — Насима пиқиллаб йиғлар, ўзини қўярга жой тополмас эди. — Бу ердан кетайлик, янга. Бирор жойга олиб бориб ташланг мени. Қўрқаяпман...

— Қўрқма, ҳеч нарса бўлмайти, ҳали Иқбол хола соғайиб кетади.

— Соғаймайти, у киши аллақачон ўлиб бўлди, янга, нимага тушунмайсиз?! Мен у кишини ўлдириб қўйдим... Раис нимага бизга жавоб берди ўзи! Чўлда юраверганимизда бу кун йўқ эди...

Улар анча пайтгача шу ҳолда ўтиришди, Малоҳат нима қиларини билмайти, Насима довдирайди, юраги сиқилиб, ўзини қўярга жой тополмайти, сиқилиб бораяпти, бироқ кўчага чиқишга қўрқади. Бир пайт шошиб Бону момо кириб келди.

— Мало, бунга оғилга киргизиб, яшириб қўй. Иқбол бўлмайти... — деди у ва ортиқча гап айтмай чиқиб кетди.

— Мени қамаш керак, отиб ташлаш керак, бўлмаса булар уриб ўлдиради... — Насима Иқбол холанинг фарзандлари ва яқинларидан қўрқаётган эди. Бону момонинг ҳам чўчигани шундан.

Малоҳат Насимани суяб, оғилга олиб кирди.

— Янга, менинг айбим нима? — секин овозда гапирди Насима қоронғи оғилга кирар экан. — Мен нима учун бахтсиз бўлиб турилганман? Мен нимага туғилганман ўзи? Уруш тугади, ҳаммининг эри қайтади энди, мен эр қилиб эр қўрмадим, шуям қайтмайти, отам ўлган, борадиган жойим йўқ... Мени худога нима деганим бор эди?

— Майли, куйинма, ҳали яхши бўлиб кетади... — Малоҳат унга тасалли бермоқчи бўлди, лекин жувонмарг кетган хола ёдига тушиб, юраги ўртанди. — Бироқ бўлиб ўтган ишларда Иқбол холанинг нима айби бор эди? У инсон ҳам сенга ўхшаган бир бечора эди-ку?!

— Ҳаммасини билиб турибман, лекин шунақа бўлди-да, билмасам...

— Майли, сен шу ердан жилмай ўтир, кўчага чиқадиган бўлсанг, оқибати ёмон бўлади. Мен Иқбол холанинг олдига бориб келаман... Кексалар билан маслаҳатлашиб, бир чорасини кўрамиз. Фақат сен овозингни чиқарма.

— Кетманг, жон янга, кетиб қолманг, сиз ҳам мени ташлаб кетманг, бир ўзим бу ерда ўлиб қоламан...

Насиманинг илтижосидан Малоҳат ўртанди, аҳволини яхши тушуниб турибди, ахир. Гуноҳ иш қилиб қўйган ёш болага ўхшайди. Ўз айбини англапти, бундан кейин қандай йўл тутиш кераклигини билмапти, қилган иши учун дакки беришларидан ҳам кўра, ўша айб ишнинг ўзидан қўрқаяпти, вақтни орқага қайтариб, гуноҳини тўғрилаб қўйгиси келаяпти-ку, лекин иложи йўқ.

Насима шу ҳолатда.

— Бормасам бўлмайти. — Малоҳат унинг қўлларини секин силтаб ташлади. — Одамлар шубҳага боради. Орқамиздан излаб келиб, сени топиб олишса ёмон бўлади... Тезда қайтаман.

Насима титраб-қақшаб, оғилнинг энг қоронғи бурчагига сиқилиб, тиззаларини кучоқлаганча ўтириб олди:

— Янга, узоқ кетманг, мен бу ерда ўлиб қоламан... — деди у илтижоли овозда.

— Келаман!

Малоҳат ундан нафратланишни ҳам, раҳм қилишни ҳам билмас эди.

Раззоқ ака хонадонига одамлар йиғилаётган эди, Малоҳат секин бориб, ичкарига мўралади. Уй тўрида Иқбол холанинг устига жойнамоз ёпиб қўйилган жасад турибди, бош томонида катта қизи — Марзия чўккалаб олганча, уввос солиб йиғлаб турибди.

— Энажон, нима қилиб қўйдингиз?! Бизларни кимга ташлаб кетаяпсиз?!.

Бу ердагилар Иқбол холага бўри ҳужум қилгани тўғрисида гапирётган эди. Бу гапни уларга ортиқча ваҳима чиқмасин учун Бону момо айтган бўлса керак.

Бир пайт Марзия гандираклаб айвонга чиқиб келди:

— Келин қани?! Қани Насима?! Нимага энамга қарамайти?! Нимага энамни бўрига талаттириб қўяди?!

Келин уйда йўқлигидан кўплар гангиди, бири «чўлда бўлса керак», деди, бири қишлоқдалигини айтди, лекин ҳеч ким ундан шубҳаланмади. Кетиб қолган бўлса, чақириб келиш учун Мурод аканинг уйига одам юборилди.

Малоҳат бу ҳовлида кўп туролмади, бир ёқдан кўнгли бузилди, юраги қоронғилашди, иккинчи ёқдан Бону момо чақириб, ҳеч кимга билдирмай уйга қайтиб Насимага қараб туришни тайинлади.

— Ҳеч ким у бизникида эканини билиб қолмасин, — деди момо ташвиш билан. — Аслида бунақа ишларга аралашмаслик керак эди-ку, бироқ нима қиламиз, қўшничилик, ҳар икки томоннинг ҳам ёнини олиб турмасак, ёмон нарсалар юз бериши мумкин. Ҳозир булар жаҳл устида Насимани ўлдириб қўяди. Иқболга ҳам қийин, Насимага ҳам осон эмас... Нима қиламиз, шунақа оғир шароитга тушиб қолдик-да. Лекин «ғиқ» этиб оғзингдан бирор гап чиқмасин. Бундан кейин ҳам биз булар билан қўшничилик қилишимиз керак... Тезроқ бор ва олдидан бир қадам ҳам жилма, у ўзини бир қор-қол қилиб қўйса, балога қолиб кетамиз.

— У мени ҳам ўлдириб қўйса-чи, хола? — Малоҳат қўрқди.

— Ҳеч нарса қилмайти, ўзи қалтираб ўтирибди-ку, бу ишни билмасдан, газаб устида қилган. — Бону момо тасалли берди.

— Барибир-да, қотил билан бир ҳовлида қолишдан қўрқаман.

Малоҳат Иқбол холанинг ҳолатини кўриб, Насимадан нафратланган ва қўрқа бошлаган эди. Боя, аччиқ устида ўзларини ўлдириб қўймаганига шукр қилди. Насима қонсираган, ваҳший инсон бўлиб кўринди.

— Сендан бошқа одамни юбориб бўлмайти. Бор, қўрқма, еб қўймайти, ўша ўзинг билан Насима-да. Бир одамни пичоқлаб қўйгани билан бошқага айланмади қолармиди. — Бону момо нисбатан хотиржам ва босиқ.

Аввалига Малоҳат аҳвол нақадар оғирлигини англамаган экан, қайнонасининг гапларидан кейин тушундики, икки ўртада улар ҳам оғир аҳволда қолибди.

Ҳақиқатан Насимани қамашади, бироқ бу ушбу хонадон бутунлай йўқ бўлиб кетади, дегани эмас-ку. Иқбол холанинг фарзандлари бир умр шу ерда яшайди, яқинда Раззоқ ака ҳам қайтиб келади ва улар Иқбол холанинг қотилини ким яшириб қўйганини билиб қолсалар, «раҳмат» демайди. Қўшничилик осон иш эмас, ахир.

Малоҳат секин аста бориб, атрофга аланлаганча, ҳеч ким ўзини кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилгач, оғилнинг эски, икки табақали эшигини секингина очди. Ёруғликка ўрганган кўзларига қоронғи оғилда ҳеч вақо кўринмади. Назарида эшик орқасида пичоқ кўтарган Насима кутиб турибди-ю, кириши билан баданига санчиб олади.



— Насима, шу ердамисан? — деди у секингина шивирлаб.

— Шу ерда, — деди хириллаб қолган, кўрқувдан титраб турган овоз. — Қай гўрда ҳам бўлар эдим?

Малоҳат ўзига таниш бўлган овозни эшитиб, кўнгли хотиржам бўлди, «бу қанақа ёмонлик қилиши мумкин?» Унинг онгига бу овоз хокисорлик ва майинлик тимсоли бўлиб ўрнашиб қолган.

— Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти. — Малоҳат оёғи билан ерни пайпаслади.

— Мен бу ерданман...

Малоҳат шу томонга ўгирилиб, қора шарпа ва йилтиллаб турган кўзларни илғади.

— Ўзингмисан, Насима?

— Ўзим.

Оғилни моллар ва таппининг қўланса ҳиди тутган, Малоҳат ижирғанди.

— У ёқда нима гап? — сўради Насима ўрнидан туриб.

— Иқбол хола ўлиб қолибди, — деди Малоҳат ва келиб, устун ёнига, мол охурига ўтирди.

— Биламан! Одамлар мени изляяптими? Ўлдирамиз деётган бўлса керак.

— Изляяпти, лекин ўлдириш учун эмас. Холани бўри талабди, деб гап қилишаяпти.

— Растанми! — Насима бир сапчиб тушди. Кўнглида умид учкунлари пайдо бўлган эди.

— Лекин бунга одамларни узоқ вақт ишонтириб бўлмайди. Ҳозир қариялар келиб кўрса, ҳаммаси аён бўлиб қолади.

— Энди мен нима қиламан? Наҳотки ишонтириб бўлмаса?! Холамга барибир-ку, ўлиб кетди, энди менга раҳмларингиз келса бўлар эди.

— Билмадим, билмадим... — Малоҳат Насиманинг безлигидан ҳайрон бўлди. — Ҳозир шу ерда кутиб турайлик, кейин бир чораси топилар. Яхшиси мелисага кетганинг дуруст. Сен учун тинчроқ бўлади.

— Шундан бошқа йўли йўқ эканми? — илинж билан сўради Насима.

Малоҳат бу гапдан ҳайрон қолди. Ҳозиргина бир тирик инсонни пичоқлаб, ўлдириб келаяпти-ку, яна осонроқ, энгилроқ йўлни қидиради, келажакни ўйлайди.

— Сен учун энг яхши йўл шу. Бўлмаса Иқбол холанинг яқинлари тинч қўймайди.

— Ўзим бораманми мелисага? — Насиманинг овозидан кўрқатгани сезилиб турар эди.

— Нимага бунча чўчийсан? Ана, Иқбол холани кўриб келдим, қонга беланиб ётибди, сен ҳар ҳолда тириксан-ку, бироз қийналасан, яна кун кўриб кетаверасан. У инсон эса қайтиб бу ёруғ оламни кўрмайди...

— Бўлди! Гапирманг, кўрқиб кетаяпман.

Насима бурчакка, Малоҳатнинг ёнига, охурга ўтирди. Пиқиллаб йиғлади.

— Нимага йиғлайсан энди?

Малоҳатнинг юрагидаги кўрқув ўчиб бормоқда. У бу қиз ўзини ўлдирмаслигига ишона бошлаган эди, ахир нима иш қилишини билмай, хокисоргина йиғлаб ўтирибди-ку.

— Мен ҳам одамман-ку, янга! Лекин одам бўлиб нима кўрдим? Юрагим куйиб кетаяпти, ёниб кетаяпман... Эрга тегдим, эр кўрмадим. Қайтгандан кейин эр қиларман, деб ўйлаган эдим, у ҳам урушда ўлиб кетди, отам ўлди... қайнонам ўлди... Куйиб кетаман-да.

Уртага совуқ сукунат чўмди.

— Юр, уйга бориб ўтираемиз, — деди Малоҳат ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини қоқиб. — Нима бўлса бўлар... Бу зах оғилдан ҳар бало чиқиши мумкин.

— Кўрқаман, — деди Насима. — Ўзингиз боринг, мен шу ерда ўтиравераман. Уйда мени тутиб олишади... Фақат тез-тез меңдан хабар олиб туринг, илтимос, бир ўзим бу ерда ўлиб қоламан.

Бону момо қишлоқ оқсоқолларига бўлган гапни ётиги билан тушунтирди ва кечга яқин икки киши, бошқаларга билдирмай, Насимани аравага миндириб, туман марказига — мелисахонага олиб кетди. Қамалгани тинчроқ, деган фикрга келган эди оқсоқоллар, акс ҳолда ўлдириб қўйишлари аниқ. Насиманинг ўзи ҳам тезроқ бу қишлоқдан бош олиб кетишни истаётган эди, назарида шу қишлоқдан чиқиб кетса барча кўнғилсизликлари, омадсизликлари бутунлай барҳам топади, хотиралари таг-тути билан ўчиб кетади ва янги ҳаёт бошлайди. У оғилда ўтириб-ўтириб, мана шу тўхтама келган эди.

Ғолибнинг аҳволи ўзгармаётган эди. Ҳар-ҳар замонда тинчиб, уйқуга кетади, сўнг яраси оғриб, йиғлайди, додлайди, алаҳсийди. Айниқса кечалари ўзини тутиши қийин бўлиб кетади. Ойсара момо тушунмайди, бу алаҳсирашлари кўрққаниданми ёки оғриқдан. Ярани кунда, кунаро ечиб, бошқатдан боғлаб туришибди. Энг оғири шу. Ғолиб дод деб бунга қаршилиқ қилади, имкон йўқ, қўлчалари, оёқчаларини босиб, барибир яранинг латтасини қайта боғлашади. Латта қуриб, ярага ёпишиб қолган бўлади, уни олиш чоғида яра кўчиб, азоб беради.

— Момо, буларга айтинг, латгани ечмасин, — илтижо билан Ойсара момога қарайди Ғолиб.

Момонинг унга раҳми келади, бу бераҳм дунёдан газабланади, бироқ қўлидан нима келар эди, эварасига тасалли беришдан ўзга нарсага ярамайди.

— Болам, ҳозир бирпасда ечиб, қайта боғлаб қўйишади, бу сафар оғримайди. Кўзингни юмиб турсанг бўлди.

Бироқ Момо бу сафар ҳам алдайди, болакай оғриқдан додлайди, онаси ва катта онасининг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлади, бироқ имкони йўқ. Тезда яра қайтадан боғланади-ю, Ризвон уйга кириб, узоқ вақт йиғлаб ўтиради.

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин, Ғолиб яраси қичиётганини айтди.

— Оғриб қичияптими? — сўради Матлуба хола ундан.

— Менга ёқаяпти, — деди мағрур Ғолиб. У секин-аста бу ҳолатига ҳам кўникиб бормоқда. — Фақат қашигим келади-ю, қаший олмайман, оғрийди. Ичидан қичияпти.

Қишлоқнинг галла ўрмига жалб қилинмаган жувонлари, қария кампирлар, оқсоқоллар тез-тез бу хонадонга ташриф буюриб, болакайнинг ҳолидан хабар олиб турибди, ҳар ким нима топса, қўлига нима илашса, Ғолибга атаб олиб келаверади. Бўри оғзидан ўз ботирлиги билан тирик чиққан бу болакай кун қахрамонига айланган. Бироқ Манноп раис ўша куни — табибни жўнатиб юборганидан кейин қайтиб келмади. Орадан ўн кунга яқин вақт ўтгандан кейин бир куни эрта-лаб дарвоза ёнида пайдо бўлди.

— Полвон қандай, полвон? — бақириб кириб келди у отини дарвоза ёнига бойлаб қўяр экан.

Аслида Манноп раисни Матлуба хола ва Ризвоннинг ўримга чиқмаётгани газаблантирган, ўзича мен бу ярамасларни олдимга солиб ҳайдаб келаман, деб чиққан эди уйдан. Бу ерга етиб келганича бироз ҳовуридан тушган ва гапни узоқдан бошлашни маъқул деб топган эди.

Ризвон бу овозни эшитиб тараддудланди, ўрнидан сапчиб туриб кетди-ю, айвон ўртасигача бориб, нима қиларини билмай жойида қотиб қолди.

Раисга Матлуба хола пешвоз чиқди.

— Келинг, раис бова, — деди у юзини ёпинчик билан яшириб.

— Полвон тузалдими? — бақирди раис.

Овозидан беўйлиги, боланинг тақдирини уни заррача қизиктирмаётгани сезилиб турар эди. Унинг дадил гапириши ва совуққонлиги ҳар учала жувонга умид бағишлади. Ўзлари билан ўзлари бўлиб, бутунлай ғамга чўкиб қолган бу аёллар учун эркак кишининг қатъий гапи кучгайрат бағишлади, кўнгилга ёруғлик олиб кирди.

Раис гапни боладан бошлагандан кейин уни кўрмасдан мавзунини бошқа ёққа буриб юборишни ўзига эп кўрмади.

— Худога шукр, тузалапти, — деди Матлуба хола раис орқасидан эргашиб келар экан.

— Ҳа, — деди раис овозини пасайтирмай. — Отаси урушдан қайтганча чопқиллаб кетади. Ҳали кўрасиз, олдига югуриб чиқади... Бу бўладиган бола экан, ҳали ҳеч ким унинг ёшида бўри устидан ғалаба қилган эмас. Шундай кучли ҳайвонга бас келса-я?! Ҳалигача ҳайрон бўлиб юрибман. Маладес!

Ғолиб айвон чеккасида, катта ўрик дарахти сояси тушган жойида ётган эди, ёнида Ойсара момо ўтирибди. Раис яқинлашгач у ҳам ўрнидан туриб, пешвоз чиқди. Айвон ўртасида эса Ризвон қаққайганича на бир жойга кетишини ва на жойида тураверишини билмай каловланди.

— Момой, яхшимисиз? — сўрашди раис ва кўз қири билан Ризвонга қараб, секинроқ овозда кўшиб кўйди. — Яхшимисан?

Манноп раис келиб, ёғоч оёғини узатиб юборганча, Ғолибнинг ёнига ўтирди.

— Яра тузалдими, полвон? — сўради энгашиб. Ғолибдан садо чиқмагач ўзича давом этди. — Ҳечқиси йўқ, мана мен ёғоч оёқда юрибман-ку битта-яримга оёқ билан ҳаёт ўзгариб қолмайди... Сеники ҳалиям жойида турибди.

Ғолиб секин бошини кўтариб, раисга қаради.

— Ёғочлигига ишонмайсанми? — раис кулди. — Мана, эшитиб кўр.

Раис қўлини мушт қилиб, оёғига урди, тўққиллаган овоз чиқди. Ғолиб индамади, ҳадиксираб, қўлини чўзиб, унинг учи ўткир оёғини ушлаб кўрди.

— Ростдан ҳам ёғоч экан, — деди секин.

У бир пайтлар ўртоқлари билан раиснинг оёғи тўғрисида кўп баҳслашган, барча болалар бирдай ёғоч оёққа ҳавас билан қарар эди. Чунки бу даврга — Ғолиб эсини таниб қолган пайтга келиб қишлоқ аҳлини раисни ёғоч оёғи чўчитмай, ҳадиксиратмай кўйган, барча бунга кўникиб улгурган эди ва қишлоқнинг ўзлигига айланган эди бу учи ўткир ёғоч оёқ. Айниқса раис бўлиб, барчага буйруқлар бера бошлагач чўлоқлиги бошқалар кўз ўнгиде, назарида фазилатга айланган.

— Мен сени алдайманми? Ёғочдан, ўрислар ясаб берган.

Раис ёш боладай қувноқ кулди, Ғолиб ҳам тиржайди.

— Растакамиси қайда? — Ғолиб ўзини кўпдан қийнаб юрган нарсани сўради.

— Урушда қолган. — Раис бирдан маънос тортди. — Лекин сен бунақа оёқни орзу қилма, ўзингни зўр. Бу қайрилмайди, тўқирлаб, одамга кўп азоб беради.

— Буни оёғи қичишаётган эмиш, — деди уларнинг

гапини жимгина тинглаб ўтирган Ойсара момо. — Яхшиликкамикин ишқилиб?

— Оёғингни бир кўрсат-чи.

Раис эҳтиёткорлик билан Ғолибнинг устига ёпилган кўкиш тусдаги читни олиб ташлади. Оёғи қон доғлари синган бўз билан боғланган. Бир сесканиб, матони қайта ёпди. Назарида Ғолиб аллақачон тузалган бўлиши керак эди, бироқ бу даражада ваҳима билан чандиб ташлашганидан тушундики, яра маддалаган.

— Ҳа?! — Ойсара момо раиснинг юзига термилиб турган эди, унда ифода этган ҳайратни кўриб, ташвишланди. — Нима бўпти?

— Билмадим, мен табиб бўлмасам... Бир нарса дейишим қийин.

Манноп раис шундан кейин Ғолибнинг афт-ангорига назар ташлади ва у ҳаддан ташқари оқариб, озиб кетганини пайқади.

— Яна бир марта табибга кўрсатсаммикин, а, момой? — сўради ёнида турган Ойсара момодан. — Мен Қулқишлоққа бориб, табибни олиб келсам нима дейсиз?

— Яхши бўлар эди. — Раиснинг ғамхўрлигидан момо тўлқинланиб кетди. — Умрингиздан барака топинг, болам, соғайиб кетса, шу болам хизматингизда бўлади.

— Кўйсангиз-чи, бу бизни вазифамиз, одамлар оғир-енглига қараб туриш ва оғир кунларида қарашиш.

— Матлуба, дастурхонни олиб келмайсанларми. — Ойсара момо раис билан овора бўлиб, дастурхон ёйишмаганига уялди. — Сандиққа қара-чи, туршак бўлса керак, олиб чиқ Манноп боламнинг олдига. Ризвон, сен чой кўй.

— Керак эмас, момой. Қорним тўқ, ҳозиргина уйдан чой ичиб чиқдим... Бўлмасам мен бориб, табиб уйда бўлса етаклаб келаман. Полвонни бир кўрсатайлик, нима дер экан. Шунга қараб чорасини кўрамиз.

Манноп раиснинг ҳақиқатан бу болакайга раҳми келди. Ўзи ҳам оёқдан яраланиб, кўп азоб чеккан эмасми, бу нима эканини яхши билади. Ҳозир шу азоблари ёдига тушиб, бу болага энгил бўлмаётганини англади ва манзират қилиб ўтирмай, омин қилиб, амаллаб ўрнидан турди.

— Келин, чойга уринма, — деди у ўчоқ ёнида қорайган чойнак остига ўт ёқишга уринаётган Ризвоннинг ёнидан ўта туриб. Бир-икки қадам нари кетиб кўшиб кўйди. — Ишинг яхшими ишқилиб? Майли, сен ҳозирча ўримга бормасанг ҳам бўлади, Ғолиб тузалиб қолсин-чи, кейин кўрамиз.

Раис буни ўзи кўрсатган катта марҳамат деб ҳисоблади.

Ризвон эса боши гангиб, нима дейишини билмай қолди. Шу пайтга қадар у раис билан қилган гуноҳи учун худо ўзига мана шу синовни юборганига қаттиқ ишониб қолган ва кеча-ю кундуз тавба қилиб, раиснинг гўрига гишт қалаб ўтирган эди. Агар ўзини бу ишга шу инсон бошламаганида ўғлининг бошига бу кунлар тушмаслигига қаттиқ ишонади. Бунда раисни айбламоқда. Гоҳ-гоҳида қисман бўлса-да, ўзининг ҳам айби борлигини тан олгиси келади, бироқ кўплингда уйғонган бу хиёнаткор фикрни зўр бериб рад этмоқчи бўлади. Ўзини ўзи бегуноҳ, айбсиз эканига ишонтиришга ҳаракат қилади. У бир нарсани яхши билади — агар бу фикрни вақтида бартараф этмаса, гуноҳкор эканига ишониб қолса, кейин ўзини ўзи еб қўяди, худо кўрсатмасин, ўғлига бир гап бўлса, яшаб кетиши қийин.

Шу хаёллар, ўйлар билан барча айбни раиснинг зиммасига юклаб, уни ўз хаёлида бутунлай ваҳший инсонга айлантириб қўйган ва дуч келиб қолса, башарасига туфлаб юборишни ниятлаб юрган жувон, овозини эшитди-ю кўнгли ийиб кетди, ўзини туюлмай қолди,



боласи ҳам ёдидан кўтарилди. Айниқса чиқиб кетаётганда айтган гапларидан бутунлай ўзини йўқотди, боши айланиб, ўзини еттинчи осмонда учиб юргандай ҳис қилди. Раиснинг ташрифи билан боласи икки-уч кун ичида соғайиб кетадигандай бўлди. Шунга қаттиқ ишонди, чироқ ёқса ёришмай турган кўнгли ойдинлашди.

Раиснинг ташрифи нафақат Ризвонга, балки Ойсара момо билан Матлуба холага ҳам куч бағишлаган эди. Уч жувон шошиб тайёргарликка киришди. Ризвон ҳовли супурди, ҳовуздан сув олиб келди, Матлуба хола хамир қилди, Ойсара момо эса сандиқни очиб, топган-тутганини чиқариб, дастурхонга ўраб қўйди.

Орадан анча вақт ўтиб раис ўз отида, табиб — Тўхта бова эса қизил эшакда, дарвоза ёнига келиб, иккаласи ҳам эгардан тушиб, уловларини етаклаб, ичкарига кирди. Анчадан буён одамлар жонлиқни ташқарида қолдиришга чўчиб қолган, бўри олиб кетишдан қўрқди.

— Йигитча тузалдими?

Тўхта бова айвонга чиқиши билан Ғолибнинг афти буришди ва чинқириб йиғлаб юборди. Бу инсон тўғрисида яхши фикрда эмас, ўшанда ярасига дори қўяман деб кўп азоб берган эди.

— Тегинманг, ўзи тузалади, — деб бақириб йиғлай бошлади Ғолиб. — Тузалиб қолган!

— Нимага йиғлайди бу бола?! — Тўхта бовага унинг гапи қор қилармиди. — Қап-катта йигит бўлиб қолибди-ку, ёш болага ўхшаб йиғлаб ўтиргани-чи. Ҳозир очиб, бир қараймиз-у боғлаб қўямиз. Ҳатто қўлимни ҳам тек-кизмайман.

Табибнинг тинчлантирувчи гапларига қарамай, Ғолиб бақириб йиғлашини бас қилмади.

Ризвон чидаб туrolмай, ўрнидан туриб, ўчоқ бошига, қайнаб турган гўжага қарагани кетди. Матлуба хола боланинг оёқларини ушлаганча, бошини тескари ўгириб, кўзларига ёш олиб ўтирди. Ойсара момо эса Ғолибнинг елкасидан босиб турди. Табиб латтани ечиб, ярага қаради, қўли билан у ёқ-бу ёғини очиб кўрди. Яра йиринглаган, шишиб бораётган эди.

— Менимча, — деди у ярани боғлаб қўйгач, ўрнидан туриб шу ердаги обтовага қўлини ювиб келиб, беморнинг қаршисига тўшалган дастурхон ёнига ўтириб, — ярага чивин ўтириб кетган. Қуртлаган кўринади. Шунга қичишаётган бўлса керак.

«Қуртлаган» деган сўздан Матлуба холанинг капалаги учди.

— Нима, ёмонми бу?

— Йўғ-э, унчалар ваҳима эмас. — Табиб уни тинчлантирди. — Ҳозирча қуртлар катта эмас, шафтолининг баргини юлиб, сувини сиқиб, ярага қўйсангизлар ўлиб кетади.

— Қанча маҳал қўйиш керак? — сўради раис.

— Ҳамма қуртлар ўлиб бўлганича-да. Менимча икки-уч кунда қолмаса керак.

— Ишқилиб оқибати ёмон бўлмайдими? — бу сарфар Ойсара момо сўради.

— Унчалар ваҳимали эмас, озроқ йиринглаган, лекин тузалиб кетади. Ортиқча ваҳима қилиб ётиш шарт эмас.

Бу пайтга келиб Ғолиб ҳам тинчиди ва қизарган кўзларини ювиб, пиқиллаб ёгаверди. Матлуба хола ўрнидан туриб, ўчоқ бошига кетди, дастурхон атрофида табиб, раис, Ойсара момо ва тўшақда ётиб олган Ғолибгина қолди. Меҳмонлар овқатланишга киришди. Ризвон сопол лаганга янги ҳосилдан туйиб қилинган гўжа сузиб келди, табиб енгларини шимариб, бешта панжасини ботириб, овқатлана бошлади. Манноп раис эса

«олинг, олинг»га қарамай, уч бармоғи билан чимдигина ошдан олиб ўтирди. Унинг кўнглига овқат сиғмаётган эди. Боя табиб Ғолибнинг ярасини очганида кўнгли айниган. Энди бу одам ўша, йирингни ушлаган қўли билан бемалол, ўйланиб ҳам ўтирмай, овқатланаётган пайтда, кўнгли кўтарилди.

— Ширин бўпти, — деди табиб пишиллаб. — Янги буюдодан экан-да, а? Ўтган йилги ҳосил қишнинг ўртасига етмай тугаб бўлган эди-куя... Раис, нимага олмаяпсиз?

— Сиз олаверинг, мен эрталаб овқатланган эдим, қорним тўқ. — Манноп раис Матлуба хола ёпган иссиқ нондан синдириб қашаб ўтирган эди. Оғзи тўлиб гапирди. — Нон ширин бўлибди.

Нихоят улар турадиган бўлди. Ойсара момо раисни бир чеккага тортиб сўради:

— Табибга нима берай, ука?

— Билмадим, борини берасиз-да, иккита нон, бир-икки кило туршакми, майизми, шунга ўхшаш нарса-да.

— Бўлмаса сиз у киши билан гаплашиб туринг, мен бирор тугунча қилиб чиқаман.

Ойсара момо орқага қайтди, булар иккиси уловларини етаклаб ташқарига чиқди.

— Бова, бола яхши бўлиб кетадими, ишқилиб? Йиринглагани менга ёқмай турибди-да, уруш пайтида бунақа яра босган оёқни кесиб ташлашар эди.

— Ҳеч нарса қилмайди, — табиб хотиржам эди. — Бизнинг иқлимимиз бошқа, қуруқ иссиқ. Тезда тузалиб кетади.

Ойсара момо тугун олиб чиқди ва табиб эшагига миниб, жўнаб кетди. Манноп раис ҳам чўлга, ўримчилар ёнига кетди. Унинг кўнглини барибир ўзи ҳам тушуниб етмаётган хижиллик қолган эди.

— Болам, мана, сенга гўжа ош қилдик. — деди Матлуба хола кўзлари қизариб турган Ғолибга. — Тур, озроқ еб олгин.

— Анави бовалар кетдими? — сўради у.

— Кетди, кетди... Тур, овқатдан еб олгин.

— Егим келмаяпти.

— Ҳар доим «қорним тўймапти, кўппала овқат қилиб беринг», дер эдинг-ку, мана, қилдик, есанг бўлмайдими. — Ризвон боласига илтижо билан тикилди. Назарида Ғолиб овқатланса, чопқиллаб кетадигандай. Ҳамма нарса шунга — унинг овқат ейишига боғланиб қолгандай.

— Энди егим келмаяпти... Оёғим оғрияпти...

Ризвон боласига қараб туриб, нима учундир йиғлаб юборди. Нимага — ўзи ҳам билмайди. У бир пайтлар, соғ-омон юрганида ўғлига тўядиган даражада овқат топиб беролмаганига ачинар эди.

— Нимага йиғлайсан? — Ойсара момо унга дакки берди. Уларнинг орасидан ола мушук ўтган ва ўша воқеа содир бўлгандан буён муносабатлари совуқ эди. — Болани кўрқитиб юбораёпсан-ку.

Ризвон индамай ўрнидан туриб, уйга кириб кетди, жондан азиз фарзандининг азоб чекаётганига индамай, иложсиз, имконсиз қараб туrolмади.

Бир-икки кун табиб айтганини қилиб юришди, бироқ Ғолибнинг аҳволи ўзгарай демас, қайтага тобора оғирлашиб бораётган эди. У бора-бора озиб, муштдеккина бўлиб қолди, фақат оёқларигина шишган. Хонадоннинг уч аёли, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган уч ожизаси нима қилишини билмай, бир-бирига умид ва алам билан термилиб ўтиришибди. Матлуба хола икки марта раисниқига мадад сўраб борди, бироқ тополмади.

Унинг ҳам ўз гами бошидан ошиб ётибди, ҳосилни йиғиштириб олиш ташвиши билан елиб-югураётди. Аллақачонлар Голиб деган бола мавжудлиги, у қуролдош ўртоғи ва бир пайтлар ўзи орқасидан ўлиб-тирилиб юрган, висолига етишишни орзу қилган жувоннинг фарзанди эканини унутиб юборган, ўй-у хаёллари бошқа нарсалар билан банд. У аллақачон Ризвон билан ўртада бўлган муносабатларни ҳам деярли унутган. Ҳар-ҳар замонда ўзича ёдига олиб, ширин энтиқиб кўяди-ю шу билан чекланади. У Ризвондан ёпишиб олади, деб чўчийди ва бу аёлни шаллақи ҳисоблайди.

Ризвон эса бутунлай фарзанди дарди билан бўлиб қолди. Ўшанда қилган гуноҳини имкон қадар эсламасликка, хотирламасликка ҳаракат қилади, ношукур бўлганидан афсус чекади, бироқ энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Келажак унинг қўлида бўлгани билан, ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. У қўлдан кетган. Унга борлигича кўникиш ва чидаш керак, холос.

Бу хонадонда истиқомат қилаётган ҳар учала ожиза ҳам ўзини ғам-андуҳ тўла хонага қамаб қўйилгандай ҳис қилди. Эртадан кечгача Голибнинг қош-қовоғига қарайди, у сал қулса, юзларига ёруғлик инади, хафа бўлса, диллари хуфтон бўлади. Бироқ нима қилмасинлар, бу ердан кетолмайди, юзага келган ҳолатни ўзгартириш ҳам қўлларидан келмайди, жимгина, ташвишга тўлиб, бундан кейин нима бўлишини кутишдан ўзга чоралари йўқ. Барчалари, айниқса, Ризвон, бу ердан узоқ-узоқларга қочиб кетишни, бош олиб кетишни истайди. Уларнингча ўзга ерларда бунақа қайғу ва алам йўқ. Дунёнинг бутун қайғу-ю дард фақат бу учаласи бошига тушган. Уларга шундай туюлади.

— Кўзингни оч, болам, — деди момо ёпинчиги енгига қўл тиқиб, бир сиқим қанд-курс чиқариб, эварасининг қўлчаларига тутқазди. — Мен сенга обакидандон билан парварда олиб келдим. Буларни яхши кўрар эдинг-ку, болам.

Бир пайтлар обакидандон ва парварда деса ўзини томдан ташлаб юборишга тайёр бола учун энди буларнинг қизиғи йўқ. Момоси қўлига тутқазган нарсаларга қарамади ҳам, бармоқларини озроқ сиқиб турди-ю, кейин муштини очиб юборди ва қўлидаги нарсалар шолча устига думалаб кетди.

Ҳаётнинг нималигини ҳам тушуниб етмайдиган, тириклик нима, ўлим нима маъни-моҳиятига тушунмайдиган бу болакай ҳаёт учун курашётган, тўғрироғи ўлим билан рўбарў турган эди.

Эртаси куни саҳарлаб, таҳорат қилиш учун ўридан туришга эринаётган Ойсара момо Ризвоннинг таҳликали овозидан чўчиб тушди:

— Менга қара, Голиб!!! Момо, бу нимага қамир-ламаяпти?!

Кўзини ишқалаб, тўрроқда бола учун солинган жой ёнига эмаклаб келган Ойсара момо эварасининг нурсиз кўзлари қуруқшаб, танаси совиб қолганини пайқайди.

* * *

Нигора тўйдан кейин беш-ўн кун давомида янги ҳаётга кўниқолмай юрди. Куёв, айримларнинг айтганига ва ўзи тасаввур қилганига қарамай, унчалар қари эмас экан, айниқса, соқолини қирдирганидан кейин, кўримли киши экани маълум бўлди. Тўғри, юзига бироз ажин тушган, оғир меҳнат қаддини бироз букиб қўйган. Лекин шунга қарамай, бу Нигора хаёл қилгани — мункиллаб қолган чол эмас.

Тўйдан сўнг орадан ўн кун ўтиб Нигора, ҳатто бу инсонни ёқтира бошлади. Кўзига салобатли, босиқ ва

вазмин бўлиб кўринди. Бунинг устига у Нигора кутганидан фарқли ўлароқ меҳрибон киши чиқиб қолди. Унинг раҳмдиллиги отасини эслатди ва бу ёқимли эди. Мана, қанча вақтдан буён ҳеч ким уни бунчалар эркалатмаган, ёнини олмаган. Отаси урушга кетгач ёнида суянса бўладиган кишини ҳис қилмаган эди. Энди турмушга чиқиб, шу туйғуни ҳис қилди ва бу уни руҳлантирди, кўнглини очди.

Куёвнинг исми Рўзи ака бўлиб, олдинги хотинидан олти нафар фарзанди бор, катта ўғли урушда ўлган, ундан кейингиси ҳозир ўша ёқда экан, тўрттаси уйда. Шулардан учтаси қиз, улар эс-хушини таниб қолган. Фақат биттаси, кенжа ўғил ҳали ёш, энди иккига кираяпти. Дунёнинг маъни-моҳиятини яхши тушунмайди, уйларига келин келганидан хурсанд.

Рўзи аканинг кичик фарзандлари Нигорани «ая» деб эмас, «бийи», деб чақира бошлади. Чунки улар учун «ая» бошқа инсон эди. Катта фарзандлари эса ҳалигача уни нима деб аташни билмас, ҳеч нарса демай, имкон қадар унга тўғридан тўғри мурожаат қилмай юришар эди.

Ёзнинг ўрталарига келиб, Нигора бутунлай янги ҳаётга кўникиб улгурган эди, ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай, эри кўзига оловдай кўрина бошлади. Ниҳоят, аслида бахт деганлари шу бўлса керак, деган хаёлга бора бошлади. Эрининг ёши катталиги кўнглини бир чеккасида оғир тошдай бўлиб турар эди-ку, лекин кўпчилик аёллар шунга ҳам зорлигини ўйлаб, кўнгли таскин топади.

Нигора ёзнинг иссиқ куни, тушликдаги уйқудан уйғонди ва кўчада шариллаб оқаётган булоқ сувидан бир челақ олиб келиб, хамир қилиб, қотирма пиширишга тайёрланиб турган бир пайтда пастаккина тош девор оша таниш овоз эшитилди:

— Рўзи ака, ҳов Рўзи ака!

Нигорага бу бироз ташвишли ва бўғиқ овоз қадрдон туюлди, бироқ илгари қаерда эшитганини эслолмади.

— Ким? — деди сурпанинг олдида туриб.

Рўзи ака қўйларини қирга ҳайдаб кетгани, фарзандлари, ҳовли тўрида хас ўраётгани учун уйда ҳеч ким йўқ эди.

— Рўзи ака қайдалар? Мен Гултөпаданман.

— У киши қирга кетганлар. Ким бўласиз?

— Маматқулман!

— Маматқул?! — Нигоранинг юраги ҳапқирди. У урушдан қайтганини эшитган, бироқ ўзини кўрмаган эди. — Маматқул ака?

Нигора шошди, добдираб, оёғидаги калиши учиб кетай, деб кўчага чолиб чиқди:

— Келин!

Маматқул отда келган экан, у айланиб чиққунча, пастга тушиб, юганини қўлида тутиб турар эди. Эгнидаги ҳарбийча кийим, оёғидаги этик салобатли ва катта кишидай қилиб кўрсатар экан.

— Нигора, яхшимисан?

Маматқулнинг юзидан ташвиш аломатларини кўриб, унга икки одим қолганда таққа тўхтади:

— Тинчликми?

— Яхшимисан? — Маматқул келиб у билан кўришди. — Сени бир кўриб кетай деб келдим.

— Шунчаки ўзингиз келмагандирсиз? — Нигоранинг юрагига инган кўркув бадтар қуюқлашиб бормоқда.

— Иқбол хола бетоб бўлиб қолибдилар, шунга сени олиб келишимни тайинлашди.

— Энамга нима қилипти?

— Ҳеч нарса, озроқ тоби қочибди...

— Ҳозир боришим керакми? — Нигора онасига



нимадир бўлганини англади, бироқ бу ҳақда ортиқча сўрашга кўрқди.

— Ҳозир.

— Озроқ кутиб тулинг бўлмаса.

Нигора шошиб орқасига қайтиб кетди ва ҳовли тўрига, ўғай фарзандлари ёнига борди.

— Қизлар, — деди у уларга, — энамга бир гап бўлган шекилли, орқамдан одам келибди. Қайсингиз мен билан борасиз?

— Дадам келсин, кейин борарсиз, — деди катта қиз.

— Жуда хавотир олаяпман, тез боришим керак экан, дадангизни кутиб туrolмайман... Бирорталарингиз юринг.

— Биз боролмаймиз, дадам уришадилар, — катта қиз норози бўлди.

— Гултепани томоша қилдириб келар эдим...

— Мен борсам майлими? — ўртанча қиз — ёши саккиздан энди ошаётган Умида томошани эшитиб, шошди.

— Бўлади, нимага бўлмас экан, юр, уйдан кийиниб чиқ, ҳозир кетамиз.

— Умид! — ўдағайлади катта қиз. — Дадам келса сени ўлдирди.

— Бийим айтаяптилар-ку.

Умида опасининг гапига қараб ўтирмай, чопқиллаб уйга югуриб кетди. Нигора «дадангиз келсалар, мени қишлоққа чақириб кетишганини айтиб қўйинг», деб унга эргашди, ҳозир қизларга тушунтириб ўтирадиган пайт эмас.

Улар кийиниб чиққанларича, Маматқул ариқ бўйида кутиб турди.

Учаласи Гултепага қадар жим кетди. Анчайин маҳмадона Умида ҳам нотаниш, ҳарбий кийимдаги кишини кўриб, кўрқиб қолган. Маматқул Умидага отга минишни таклиф қилган эди, рози бўлмади, улар, бийиси иккаласи пиёда, Маматқул отда кетди.

Йўлда Маматқул бир мартагина орага тушган совуқ сукунатни бузди:

— Тўй ҳам бўлибсан. Куёв яхшими, ишқилиб?

Шу гапдан кейин Умида ялт этиб унга қараган эди, тилини тишлаб қолди.

— Яхши, — деди Нигора ва нафаси ичига тушиб кетди.

— Нормурод ака билан бирга кетган эдингиз, а? — сўради Нигора қишлоққа яқин қолишганларида, бироз сукут сақлаб қўшиб қўйди. — У киши ҳозир шунчаки эсимга тушди.

— Йўқ, мен сал олдин борганман.

— У киши ҳам қайтиб қолсалар керак?

— Билмадим...

Ўртада шундан ўзга гап-сўз бўлмади. Нигора онасига нима бўлгани тўғрисида умуман сўрамади, у англаб турган эдики, қандайдир хунук воқеа рўй берган, лекин уни билишни истамади, юраги дош бермаслигидан кўрқди. Назарида, билмаса, сўрамаса, ўша воқеа йўқ бўлиб кетадигандай ва у агар онаси билан нимадир содир этилган бўлса, ўзини қандай тутишни ҳам билмас эди. Ҳаммасини бирдан уйда кўрмоқчи, аниқламоқчи ва эшитмоқчи бўлди. Бирор нарсани билиб қийналгандан, номаълумлик олдидаги хавотирни афзал кўрди.

Уйда эса ўзи ўйлаган, хаёл қилган ва кутганидан ҳам даҳшатлироқ воқеа юз берган эди.

Узоқдан, уйлари кўрингани ҳамонроқ, уйлари дарвозаси ёнида, тупроқ кўчада кўплаб одамлар йиғилгани, кўпчилиги, кун иссиқлигига қарамай, тўн кийиб, белини боғлаб олганини кўриб, юрагидан бир нарса узилгандай бўлди.

— Ким? — сўради у ранги оқарган, оёқ-қўллари жонсиз ҳолда.

— Энанг... — Маматқул унинг кўзига қарамади. — Пешонада бори шу экан-да, нима қиламиз энди.

Нигора бошидаги, сурпдан тийёрланган оқ ёпинчигини кўлига олиб, ҳаллослаб югуриб кетди. Анча нарига борганида дўпписи ва рўмоли тупроқ кўчага тушиб қолди, Нигора бир тўхтаб, орқасига қараб уларни ердан кўтармоқчи бўлди-ю, яна нимадир ёдига тушган кишидай, бурилиб, чопишда давом этди. Маматқулнинг ёнида турган Умида эса бир бийисига, бир Маматқулга қараб, нима қиларини билмай ганиди, ранги оқарди ва хўнграб йиғлаб юборди. Бегона юртда, ёт инсонлар орасида ёлғизланиб қолганидан чўчиётган эди.

— Бийи, мени ташлаб кетманг!

Умида ҳам Нигоранинг ортидан чопди ва бийисини тупроқда ётган дўпписи, рўмолини олиб, яна югуришда давом этди.

— Эй, қизча, сен у ёққа борма, шошмай тур!

Маматқул унинг орқасидан бақириб қолаверди, бироқ қизалоқ қайрилиб ҳам қарамади. Бу ерда ягона ишонган киши, қадрдони Нигора эди, холос.

Нигора дарвозага етиб бориб, бирдан тўхтади, орқасидан «бийи» деб югуриб келаётган қизчага қаради ва нима қилишини билмай, каловланди, ҳовли остонасида туриб, ўзини галати ҳис қилди. Ичкарида онаси — ўзини боқиб, катта қилиб, ўстирган инсон ўлиб ётибди. Ташқарида эса ўзи учун умуман бегона бўлган бир қизалоқ... Ичкарида, қанчалар қадрдон бўлмасин, барибир ўтмиш... ташқарида эса ҳозирча бегона бўлган келажак, эртанги кун.

Нигора шу ерда йиғилган одамларни ҳайратга солганча, чўк тушиб, кучоғини очди ва йиғлаб чопётган қизчанинг етиб келишини кутиб турди. Умида чопиб келиб, унинг бағрига ўзини отди, иккаласи бир-бирини кучоқлаб анча вақт гап-сўзсиз хўнграб йиғлаб турди. Нигора қизи нима учун йиғлаётганини тушунди, бироқ Умида кап-катта бийиси нима учун бундай кўз ёш қилаётганини англамади.

— Бийи, бу бегона одамлар орасида нима қиламиз? Юринг, уйимизга кетайлик! — Умида кўзда ёш билан ялинди.

Нигоранинг кўнгли бўшаб кетди, ахир бу қиз унга кўпам ишонавермас, ҳар ҳолда бегонасираб турар эди, ҳозир эса энг қадрдон кишисидай орқасидан йиғлаб югураяпти. Эслаб кўрса, шу пайтга қадар ҳали ҳеч ким ўзига шунчалар ишонмаган, орқасидан энг сўнгги умид сифатида кўриб, йиғлаб чопмаган экан. Ўзи ҳам ҳозир онасининг орқасидан овози борича дод солиб чопкиси, кучиб, «бу ерлардан кетайлик, эна», дегиси келаяпти. Бироқ Умидадан фарқли ўлароқ у эсини таниган, ҳаётнинг маъни-моҳиятини яхши тушунади, бу матлаби ушалмас эканини билади. У қанча бақирмасин, энди онаси эшитмаслиги, қанча югурмасин, у киши орқасига қайрилиб қарамаслигини англаб турибди. Умидани бағрига қаттиқ босди ва ўзини унинг ўрнида тасаввур қилди. Бу қизалоқ ҳам, ёш бўлишига қарамай онасидан айрилган, онасизлик нима эканини ўзидан-да яхшироқ билади.

— Қизим, менинг жон қизим, — деди у юзини Умиданинг юзига босиб, — Кетамиз, албатта кетамиз...

Нигора шу сўзларни айта туриб, бир-икки ой илгари ўзи ҳам жажжи қизалоқ бўлгани, онаси эркалаганини эслади, юраги ўртанди. Умидани, анча катталигига қарамай, даст кўтариб, ичкарига кирди.

Бу пайтда кўни-кўшнилар Иқбол холани ювиб, тараб, эпақага келтириб қўйган эди. Нигора кирганида жасад

қўндаланг уйнинг тўрида, кўрпачада, устига чит ёпилиб, оппоқ юзлари очиб қўйилган ҳолда ётди. Иқбол хола худди ухлаётганга ўхшайди — кўзлари юмуқ, юзида хотиржамлик аломатлари, фақат оқ мато билан чандиб боғланган ияги, бошининг атрофига ташлаб қўйилган райҳон ва ялпизларгина у ухламаётганини билдиради.

Нигора эшикдан кирди-ю дод солиб ўзини Иқбол холанинг устига ташлади, қўллари билан юзларини силади ва энди бу инсон юзи олдингидай иссиқ, ёқимли эмаслигини сезиб, аъзо-ю баданидан совуқ тер чиқди. Тана секин-аста совиб бормоқда. Нигора онасини кучоқлаганда тана ғалати тарзда, ягона қаттиқ жисмдай қимирлаганини ҳис қилди ва эти жимирлаб кетди. Шу ҳолича у бир нарсани — мана шу ётган инсон, тана энди ўзи учун бегоналигини, ундан қолган ягона нарса хотирларгина эканини тушунди.

Нигора анча пайт шу ҳолда турди ва шундан кейингина Марзия опасининг йиғлаб турганини пайқайди.

Унинг бўйнига ўзини отиб, кучоқлашиб, йиғлай бошлади.

Нигора опаси Марзия каби аслида нима воқеа юз берганини кечаси, эҳтирослар бироз сўниб, сўраб-суриштириб билди. Бўлган гаплари Бону момо ҳикоя қилиб берди.

Бу воқеалар йиғилганларнинг кўпчилиги учун янгилик эди. Қоронғи тунда, меласага олиб кетгани тўғрисидаги гапларга қарамай, Насимани қидира бошладилар, бироқ ундан дарак йўқ. Нигора зир югуриб, қўлига фонусни олиб, Мурод аканинг уйига тўрт-беш марта бориб келди, у ерда жанжал кўтарди, бироқ Насимани топиб бўлмади. Мурод аканинг уйидагилар бу гап-сўзга ишонмай, ҳадиксираб ўтиришар эди.

Нигора онасининг аҳволига ачиниб, қўлидан бирор чора келмаслигини англаб, куйиниб, ўзи бир пайтлар ҳурмат қилган янгаси — Насимани ўлдириб қўйишга тайёр эди. У бир нарсани — қандай қилиб шунчалар беозор янгаси шу ишга қўл урганини тушунолмади. Янгасининг калтафаҳмлиги, бир инсонни ўлдириб қўйса, уни қайта тирилтириб бўлмаслиги, бу иш бир умрга тузатиб бўлмас хато бўлишини тушунмаганидан ҳайратланди. Шунчалар мунис, меҳрибон, шунчалар хокисор ва азиз инсонни қандай қилиб шу қўйга солиб қўйиш мумкин, бунга қандай қўли борди? Ахир тирик инсонни, ўз оёғи билан юрган, кулиб, гапириб, ташвиш чекиб юрган одамни қандай қилиб мана шундай — қўзғолмас, жонсиз, ҳиссиз, совуқ танага айлантириш мумкин?

Дафндан сўнг, эркаклар жасадни қабрга қўйиб қайтишгач, бир чеккада нима қиларини билмай ҳўнграб

ўтирган Нигоранинг энгини бир кампир тортиди:

— Қизим, — деди у секингина. — Сени эринг сўраётган экан. Залдорининг остида турибди дейишди.

— Қанақа эр, момо? — Нигоранинг кўнглига бунақа гаплар сиғмас эди. — Энам ўлиб кетди-ку.

— Бор, болам. Олдига бор. Эр бўлгандан кейин, яхши ёмон кўнингда ёнингда туради-да.

Кампир нари кетди.

Нигора имиллаб, бошига ёпинчиқни илиб, ўрикка қараб юрди. Тарвақайлаб кетган қари дарахт остида энгинига ҳолпиллаб турган беқасам чопон кийиб, белини адрас белбоғ билан боғлаган, бироз чўкиб қолган эри бесаранжом турган экан. У тўй кўни шу чопонда эди — Нигоранинг хаёлига келган илк ўй шу бўлди ва ўшанда ўзи қанчалар бахтли эканини ҳис қилди ва қалбини армон чулғади, юраги тўлиб, кўзига ёш қуйилди. Ҳар ҳолда ўшанда онаси бор эди... Не бир яхши умидлар билан, армон билан йиғлаб-сиқтаб кузатиб қолган эди...

— Яхши бўмапти... — деди Рўзи ака каловланиб. У ҳанузгача хотинидан бегонасирайди. — Бандалик, энди...

— Умидаям шу ерда, — деди Нигора нима дейишини билмай. — Кеча ҳамроҳ бўлсин деб олиб келган эдим, бекор қилган эканман, қўрқиб кетди.

— Кўрдим, — деди Рўзи ака. — Ҳозир бирров уйга бориб, опаларининг ёнига ташлаб келаман... Бирорта қўй ҳам олиб келарман, кечга одамлар келади... Эртага худойи қиламиз, шўрвага...

— Керак эмасдир... — Нигора бу гапни инкор маъносига эмас, миннатдорчилик тарзида айтди.

— Майли, ҳеч нарса эмас... — Бу Рўзи аканинг «арзимаёди» дегани эди. — Бигта-яримта қўй нима бўпти.

Рўзи ака ночор ҳолатга тушиб қолган инсонга беҳбудлик қилаётганидан ўзини анча бахтли ҳис қилди, кўнгли тўлишди. Нигоранинг кўзига эри дунёдаги энг меҳрибон, раҳмдил ва яхши инсон бўлиб кўринди.

— Сизларниям овора қилиб қўйдим... — Нигора хижолат чекди.

— Овораси бор эканми? Бу кун барчанинг бошида бор... — Рўзи ака бундай пайтда айтиладиган яна аллақандай ақлли гапларни қилмоқчи эди, ўйлаб тополмади.

— Мен беш-ўн кун шу ерда бўламан энди...

— Ҳа, исларни ўтказиш керак... Мен ҳам худойи ўтганча бўламан, кейин маъракаларда келиб тураман, ёлғизлатиб қўймайман... Бўлмаса сен бориб, Умидани айтиб юбор, уйга олиб кетаман.

Нигора орқасига қайтиб кетди. Кўнглида эса, ўзи бу дард олдига ёлғиз эмаслигини ҳис қилиб, қониқишга ўхшаш бир туйғу уйғонди.



УЧИНЧИ ҚИСМ

1945 йилнинг 3 сентябрь кунини ҳукумат яна бир галаба байрами, деб эълон қилди.

Кўпчилик учун қувончли бўлган кунларнинг бирида Ёдгордан хат келди. Бу кўпдан буён қутилган нома икки кун кечикди. Икки кун бурун Ойсара момо пешин пайти ухлашга ётиб, қайтиб турмаган эди.

Бу жафокаш аёл сергалва ва серташвиш умри давомида не бир кунларни бошдан кечирмади!

Эри эрта қазо қилиб кетди. Бир кўпқарида отдан йиқилиб, ўлган эди. У тўрт нафар фарзанди билан тул қолди. Бир-икки жойдан совчилар келганда, тегмади, кейин ўлат пайтида уч нафар фарзандидан жудо бўлди, ёлғиз ўғлини тарбиялаб вояга етказганида, у ҳам хотинини рашк қилиб, уйдан чиқиб кетди, жувон анча вақт келини билан яшади, ўғли эса сарсон-саргардончилик билан Бухорога бориб, ўқимишли бўлиб қайтди, орадан гап қочиб, фарзанди суюкли келинини уриб ўлдириб қўйди, сал ўтиб номаълум кимсалар кечаси фарзандини отиб кетди. Ойсара момо Сўфиқишлоқдан ўғлининг иккинчи хотинини топиб, уни невараси — Ёдгор билан бирга уйига кўчириб келди. Ўртада уруш бошланиб, Ёдгорни урушга олдилар, у келини ва невара келини қўлида қолди. Эвара кўрди, уни бўри талади...

Момони шу куни кечга қабрга қўйдилар. Ризвон ҳаёт, тўғрироғи ўлим бу қадар тезлашиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди, эрталаб жимгина нонушта қилган кампирни кечга бориб қабрга қўйиб келишди. Эрталаб дунёга умид билан боқиб ўтирган эди, кечга бориб эса ном-нишон йўқ. Узоқ-яқин қариндошлари, ҳатто, хабар ҳам тополмай қолди.

Эркаклар майитни олиб кетгач Ризвоннинг кўнгли бирданига бўшади ва ўзини ноқулай ҳис қилди. У Ойсара момонинг ўлимида ўзини айбдор ҳис қилмайди, бироқ кўп марта бу кампирга ўлим тилаган, «қанча ёшлар ўлиб кетаяпти-ку, бу ялмоғиз яшайверди», деган хаёлга борган.

Мана, ўша кун келди ва кампир фаний дунёни тарк этиб, бу хабар ёйилиб улгурмасидан, лозим даражада йиғи-сиғи қилинмай, қабрга қўйиб келинди. Бироқ бу билан ҳаётда нима ўзгарди? Нима янгиланди-ю қандай эврилиш бўлди? Аслида ҳаёт мана шу мункиллаб қолган, хокисор бир кампирга қараб қолганмиди? Бу инсон ўз ожизлиги билан улкан ҳаётда нимани ўзгартира олар эди? Унинг қўлида қандай ваколат, ҳокимият ва куч бор эди? Ёзи шу гурбатлар қўлига, жабрдийдасига айланиб қолган инсонни айнан ўша гурбатлар сабабчиси сифатида кўриш, айблаш ва шунга яраша муомала қилиш инсофданмиди?

Ризвон ўзига шу саволларни берди ва кўрқиб кетди. Ахир шу пайтга қадар бир тирик инсоннинг ўлимини тилаган экан-ку. Тирик инсонни-я? Мана, у ўлди, энди бу ёғи нима бўлади?

Шу пайтга қадар у бир нарсани — ҳеч ким бировнинг ҳаёти билан яшамаслиги, барча ҳам ўз ўлими билан ўлишини билмаслигини аңлади. У яна бир нарсани тушуни — ўлим орқага қайтарилмаслиги, ҳеч қачон тузатиб бўлмаслиги билан даҳшатли экан. У шунини тушунмаган эди.

Кейинги йиллар ичида бу қишлоқ аҳли қанча ҳодисани кўрди, қанча одамни ерга қўйди, неча киши урушга кетиб, қайтмади. Шундай бир пайтда, қанча ёш

йигитлар, болалар дунёни тарк этаётган бир ҳолатда ким ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган кампирни эслайди? Бу инсоннинг худойиси ҳам, ҳатто деярли тўйга айланиб кетаёзди. Овоз чиқариб йиғлаб турадиган эркакнинг йўқлиги, ичкарида келинларнинг йиғиси кўпам ташқарига етиб келвермагани сабабли, азага келганлар тезда нима учун йиғилганини унутиб қўя бошлади, у ер-бу ерда ҳангомалашиб, латифа айтиш бошланди. Ёшларнинг бунақа қилиқларига қариялар ҳам эътибор бермади, уларнинг ўзлари-да тўрт-бештадан бўлиб, муаммолар борасида баҳслашишга киришган эди.

Ойсара момо бу дунёдан жимгина ўтди ва буни биров ҳис қилди, биров йўқ.

Барча маъракалар ўтиб бўлгач, кунларнинг бирида, кеч куз пайтида Ёдгор қайтиб келди.

— Катэнам қани? — деб сўради Ёдгор келган куни, онаси, хотини билан кўришиб бўлгач, ҳали қишлоқдошлар, қўни-қўшнилар йиғилмасидан бурун.

— У кишини бериб қўйдик, — деди Матлуба хола ўзини айбдордай туртиб.

— Ўзим ҳам сезган эдим шундай бўлишини. — Ёдгор хотини ва онасини лол қолдирар даражада совуққон эди. — Анча ёшга бориб қолган эдилар... Қачон бўлди бу иш?

— Яқинда, шу кунларда қирқини ҳам ўтказдик...

— Сал кечикибман... Майли, нима қиламиз, ҳаёт шунақа, тақдирда ёзилгани шу экан, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келар эди, ишқилиб жойлари жаннатдан бўлсин!

Матлуба хола юзига фотиҳа торгганидан сўнг, шошиб қолган Ёдгор ҳам «омин» деди ва фотиҳа тортди.

— Уруш одамни ўзгартириб юборар экан, — деди ўзини оқлаб. — Кўп қонун-қоидалар эсдан чиқиб кетибди.

— Сен бориб қўни-қўшниларга хабар бер, нимага анграйиб турибсан? — Матлуба хола шу пайтгача тик, нима қиларини билмай, ҳайрон бўлиб турган Ризвонга гапирди.

Ризвон шошиб чиқиб кетди.

— Эна, нимага у меровга ўхшаб қолган, ранги оқариб кетди? — сўради Ёдгор хотинининг аҳволидан ҳайрон бўлиб. — Анча қариб қолганга ўхшайди...

— Суюнганидан-да, болам, суюнганидан нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Ахир шунча йиллардан буён кўрганимиз йўқ... Соғиниб кетдик ахир.

— Сиз ҳам биров ўзгарибсиз, — деди Ёдгор ўзини босиқ тутишга ҳаракат қилиб. — Юзингизга ажин тушибди, сочингизга оқ оралабди. Кўп қийналдиларингизми?

— Унча эмас... — Матлуба хола фарзандига қараб, тўймаётган, севинчини ичига сигдиrolмай, бақриб юборгиси келар эди.

— Бир хатларингизда, Ризвон фарзанд кўрганини ёзган эдингизлар?! — Ёдгор урушда ўзи кўп уйлаган нарсасини сўради.

— Болам... — Матлуба хола нима дейишни билмади. — Энди бандалик экан, уни ҳам сақлаб қололмадик...

— Ўлдими?! — Ёдгор бу саволни ҳаяжон билан берди. Бироқ оҳангида ваҳима йўқ эди.

— Шундай бўлиб қолди...

— Майли, нима ҳам дердик, тақдирда шу бўлган-да.

Ёдгор бу сафар ҳам, онасини лол қолдирганча, совуққонлик билан жавоб қайтарди. Ўз фарзандини

кўрмаган, уни тирик инсон, ёш, жажжигина бола сифатида тасаввур қилолмайди, боласи мавҳум тушунча, шу сабабли унинг ўлими Ёдгор учун оғир қайғу ҳисобланмади. Бунга деярли эътибор ҳам бермади.

— Қишлоқда нима янгиликлар?!

Ёдгор шу саволни бериши билан кўчадан вағир-вуғур овозлар эшитилди.

Шу билан тўрт-беш кун давомида онаси Ёдгор билан ёзилиб суҳбатлаша олмади, келиб-кетувчилар кўп эди, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам эшитганлар тўп-тўп бўлиб келаверди. Ойсара момонинг маъракалари оилани ҳолдан тойдириб қўйган. Шу сабабли келиб-кетувчилар олдига қўйгулик ҳеч нарса йўқ. Шунда раис одамгарчилик қилди. Уйда боқиб қўйган бир қўчқорни олиб келиб, сўйди. Уч пуд ғалла келтириб ташлади.

— Биз Ёдгор билан қуролдош жўрамиз, — деди у оғзини тўлдириб. — Биргаликда не-не жангларга кирган эдик, агар тирик қайтсак уни қиламиз, буни қиламиз, деб бир-биримизга роса вағдалар берганмиз. Ҳатто қўлларимизга ёзиб ҳам олганмиз. Билагингни кўрсат, Ёдгор.

Ёдгор ҳарбий камзулини енгини шимариб, ўнг билагини кўрсатди. У ерда қийшиқ қилиб «Ё» ҳарфи битилган эди. Шундан кейин Манноп раис ҳам енгини шимарди. Унинг қўлига «М» ҳарфи туширилган.

— Бу, мабодо бир кор-ҳол бўлса, иккаламиз бир-биримизни таниб олиш ва қонун-қондасини келтириб, дафн қилиш учун ёзилган.

— Қизикмисан, шу кичик ҳарф бўлмаса таниб бўлмайдимиз? — шу ерда ўтирган Аҳмат бова раиснинг гапидан ҳайрон қолиб сўради. — Жуда олиб қочасан-да сен ҳам.

— Эй, бобой, бир нарсани тушунмасангиз, нима қиласиз гапга аралашиб, уруш нима эканини биласизми ўзи? У ерда устингизга бир бомба тушса, мана шунақа ҳарфчалар бўлмаса, туққан онангиз ҳам таниб ололмайди. Нафақат таниш, балки йиғиштириб олиш ҳам мушкул бўлиб кетади бундай пайтда.

Ёдгор билан Манноп раис қадрдонлашиб кетди. Ёдгор анча кичик бўлишига, урушгача улар иккаласи деярли бирор марта ҳам гаплашмаганига қарамай, раис уни қаттиқ ҳурмат қилар экан. Ўзи ва давлат ишларини қўйиб, Ёдгор келган кундан бошлаб, келиб-кетувчилар қадами узилгунча шу ерда бўлди, келдинг-кетдингга кайвонилик қилиб турди.

Фақат Ризвон кайфиятсиз, ўзини ғалати тутаяпти, камгап. Кўпчилик буни Ёдгор келиши билан яна боласи эсига тушганга йўйди. Унинг хаёли эса бошқа ёқда.

— Энди сенга ҳам иш топсак яхши бўлар эди, — деди раис Ёдгор анча эскириб, бу хонадондан аскар кўришга келувчиларнинг оёғи узилгач. — Ҳозир қиш, иш деярли йўқ-ку, лекин тез орада баҳорги юмушлар бошланади.

Раис ёғоч оёғини чўзиб, сандалга ёнбош бўлиб ўтириб олган эди.

— Мен нима ҳам қилишим мумкин? Одам отишдан бошқа барчаси эсдан чиқиб кетган. — Ёдгор кулди.

— Эй, — раис шошди ва дакки берди. — Энди бунақа совуқ гапларни қўй, тинчлик даврида бунақа ҳазил қилишмайди. Нотўғри тушинилади.

Урушда ўтган йиллар давомида Ёдгор бироз дағаллашган, совуққон кишига айланиб қолган. Ризвон эрининг бу янги оdatига кўниқолмаяпти. Урушга кетишдан бурун у ёш, навқирон ва қувноқ йигитча эди, энди эса ҳақиқий эркак. Бу эса нима учундир Ризвонга ёқмади.

— Анави Тоғбеги ишни қойиллатмаяпти, ўрнига

биригадир қилиб қўяман. — Раис сандалнинг кўрпасини қўли билан итариб, соғ оёғини ташқарига чиқарди. Иссиқ унинг хиром этигидан ҳам ўтиб кетди, чамаси. — Бир ўзингни кўрсатсанг, бу ёғи яхши бўлиб кетади, мана кўрасан... Юрасанми, эшак арава ҳайдаб, боғ тошиб, қўш қўшиб. Уруш кўрган одамлар энди ҳурматда бўлиши керак.

— Раҳмат... — Ёдгор миннатдорчилик билдирди. — Ўзингизнинг ишингиз қалай?

— Биз ҳам бекор юрганимиз йўқ. — Раис тагдор қилиб кулди. — Урушдан қайтиб, бир ўғилчалик бўлдик, отини Маҳамат деб қўйдик...

— Ёғоч оёқ билан ҳам қўймас экансиз-да, а?! — Ёдгор кулди.

— Бунақа нарсалар оёқ билан қилинмайди-ку, сен ҳам жуда олдинг-да.

Шу пайт Ризвон сопол чойнақда чой кўтариб кириб келди. Иккаласи бирдан кулгидан тўхтаб, унга қаради. Раис мавзунни ўзгартирди.

— Сен урушда пайтингда имкон қадар келинга, холага, кампирга қарашдим... Ўғилча билан кампирнинг маъракалари бошида ўзим турдим... Ишқилиб йўқлигингни билдирмадим, бировлар оёқ ости қилиб кетишига йўл қўймадим, тўғрими, келин?

Ризвон довдиради, аланг-жаланг қилиб, бир эрига, бир раисга қаради ва нима дейишини билмай, чойнакни қўйиб, ташқарига чиқиб кетди.

— Уялди, жуда уягчан, — деди Ёдгор ўртада юзага келган совуқликини кўтариш учун. — Келганимга қанча кун бўлди, лекин ҳали менга кўниқкани йўқ, бегонасираб юрибди.

Манноп раис мийиғида кулиб қўйди ва кўнглидан «уялиб бўпти, сенинг бу бузуқ хотининг, бир марта бирга бўлдимми, бўлмадимми, дарров «мени олинг»га тушиб қолган эди, энди уялар эмишми, аҳмоқ», деган ўй ўтди. Тилидан эса бошқа гап чиқди:

— Энди, эркаклар йўқ, аёллар ҳам ёввойилашиб кетди-да. Бизникиям ҳали-ҳалигача мендан ўзини олиб қочиб юрибди... Лекин шуларга раҳмат, барчасига чидади, кутди.

Ризвон ўшанда — чўлда раис билан қилган ишидан кўра кўпроқ айтган гапларидан уялади. Ўйлайдики, раис ўшанда уни мажбурлаган эди, бунда ўзини гуноҳкор санамайди. Бироқ якунида айтган сўзларини энг катта айби деб билади. Ҳозир ҳам раиснинг мийиғида кулиб айтган заҳарханда сўзларидан тагида нима гаплар ётганини англади-ю алами келди. Ўзини ночор, бечора ҳис қилди, унинг гапига лозим даражада жавоб қайтаролмаслигидан, «эй, ярамас, ифлос, ўзинг мени мажбурлаб, энди нимага устимдан масхаралаб кулаяпсан», деб ғазабини тўкиб соломаслигидан азобланди. Бошини қайси деворга уришни билмай қийналди. Аҳмоқ эри эса, лаллайиб, хотинининг номусига теккан инсонни уйига бошлаб келиб, завжаси масхараланишидан ғурурланиб, оғзига қараб ўтирибди.

Бошқа бир томондан, юраги тубида Ризвонга ушбу ҳолат — раис олдидаги бечоралиги ўзига ёқиб, уни ҳурмат қилишга, севишга ундамоқда. Бу ҳолатни тушуниб етмайди. Ўзини хўрлаётгани учун раисдан нафратланади, лекин бир вақтда унга ҳурмати ҳам ошиб борапти. Бу нима — ҳурматми, нафратми, севгим, тушунолмайди. Имкони бўлса-ю раисни уриб ўлдириб қўйса, лекин бу истак, бу хоҳиш аслида ниманинг оқибати, балки нафратнингдир, балки муҳаббатнинг?

Ризвон муҳаббат ва турмуш, кўнгили ва онг, хаёл ва шароит ўртасида аросатда қолди, ўзи ҳам тушунмайдиган номаълумликка фарқ бўлди.



* * *

Раззоқ ака урушдан қайтганда Насиманинг суди бўлиб ўтган ва уни етти йилга қамаб юборишган эди. Судни кўшни қишлоқлик, бир пайтлар отаси қози ўтган Шайманов деган киши ўтказган экан. Раззоқ ака бир кўнгил унинг олдига бориб, аслида нима воқеалар юз берганини сўраб-суриштирмоқчи бўлди. Орадаги масофа узоқ эмас. Лекин кунт қилмади.

Уруш бу инсон феъли-хўйини ўзгартирмаган. У ўша-ўша — бировга озор бермайдиган, имкон қадар можароли ҳолатларни четлаб ўтадиган ва суҳбатдоши кайфиятига қараб иш тутадиган инсон.

Хонадонда уч ёш бола ёлғиз қолган эди. Раззоқ аканинг уларга қараб, раҳми келади.

У урушдан қайтгач, ўртанча қизи Нигорани илк бор кўриб, кўнгли бузилди. «Бундай жажжи, кичик қизчани эрга беришга қайси бир жоҳилнинг кўнгли бўлди экан?» — деган хаёл ўтди кўнглидан. Қизини бағрига босиб, кўзларидан шашқатор ёш оқди. Нигора эса бунини бошқа масаладан, деб билди. Бироқ Раззоқ аканинг индамай юришдан ўзга чораси йўқ. Қизининг уйини бузиш ниятида эмас. Бўлар иш бўлиб, бўёғи синган.

Кунларнинг бирида Нормурод ҳам урушдан қайтди. Соғ-омон, тўрт мучаси бут ҳолда кириб келди. Қадрдон қишлоғи остонасида туриб, хаёлини банд қилган инсон ўша кўшни қиз — Нигора эди. У нима қилапти экан? Менинг келишимни қандай қабул қиларкин? У билан қандай кўришар эканми? Танир эканми? Шунга ўхшаш саволлар кўнглини безовта қилиб, юрагини ҳапқирди. У Нигоранинг турмушга чиққанини билмайди, бунини хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Уни бутун қишлоқ катта қувонч, шодиёна билан кутиб олди. Чоллар, урушдан қайтган эркаклар, ўспирин болалар кучини синаб кўрмоқчидай белини сиқиб кўришди.

Нормурод ўтган вақт мобайнида биров ўсган, юзлари дағаллашган. Шунга қарамай ҳали ҳам юзидан болалик нуқси уфуриб турибди. Бунини кўргани келганлар дарров пайқади.

Нормурод дастлабки тўрт кун давомида икки кўзини дарвозадан олмади: ана-мана Нигора чопиб кириб келиши керак. Бироқ ундан дарак йўқ. Ўзининг эса сўрашга бети бўлмапти.

Ниҳоят келувчилар кети узилган кунларнинг бирида, сандал атрофида ёлғиз қолишганда Нормурод Бону момони гапга солди:

— Катэна, кўшнимизнинг қизи кўринмайдими? Нигора?

— Ҳа, уни эрга бериб юбордик. — Бону мома эътиборсиз эди.

— Нима?! — Нормуроднинг бошида биров совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. — Қанақасига? Ахир у ёшгина қизалоқ эди-ку.

— Билмадим, болам. Тўсатдан бўлиб кетди ҳаммаси, худо раҳмати Иқболнинг ўзи ҳам қарши эди-ку, лекин истаб-истамай бериб юборишди. Ўртага раис тушгандан кейин иложини қилолмади.

— Ие, раиснинг нима иши бор экан бировнинг қизи билан? — Нормурод газабланди.

— Эй, болам-а, эркаклар урушга кетиб, ҳамма ҳукумат раисга қолди, унинг айтгани айтган, дегани деган бўлди. Шундан Иқбол бечора ҳам йўқ деёлмади, уйда бир эркак бўлмаганидан кейин нима ҳам дер эди.

— Кимга беришди? Мен танийманми?

— Танамасанг керак, кўшни қишлоқдан, отаси тенги бир кишига. Лекин яхши одамга ўхшайди бечора, Иқболнинг маъракасига ҳам шу инсон яради.

Нормурод биров сукутга чўмди. У секин-аста Нигорадан бир умрга айрилганини, энди у ўзи учун бегона эканини англаб етмоқда эди.

Шунга қарамай у Нигорани бир кўриб, юрагидаги барча дардини тўкиб солиш илинжида. Энди фақат шу қиз билан гаплашиб, дард-у ҳасрат қилиш хаёли билан яшай бошлади. Шу хаёл билан яқинда урушдан қайтган Раззоқ ака билан борди-келдини яхшилади. Ҳар ҳолда, Нигора отасини кўргани келиб қолса, уларнинг уйига бемалол бориш учун баҳона бўлади. Бироқ Нигорадан дарак бўлавермади.

Бу пайтлар Раззоқ ака, гап-сўзларида истаб-истамай кўплаб русча сўзларни ишлатаётган бўлишига қарамай, қишлоқ ҳаётига оз-моз кўникиб бўлган, эгнига урушдан бурун кийган чопонини илганча, тез-тез унинг олдига ўтиб турар эди. Қишнинг узун кечалари иккаласи сандалнинг икки бурчагини олиб, Раззоқ ака билан бирга келган болалари, Нормуроднинг кенжа укаси Теша, Бону мома ва Малоҳатларни оғизларига қаратиб, уруш, унинг оғир оқибатлари тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришар эди.

Бир кун пешинга яқин Нормурод айвонга чиқиб, қиш офтобига тобланиб ётган эди, Малоҳат кўчадан челақ кўтариб келиб қолди.

— Айтмабсиз-да, эна, ўзим олиб келиб берар эдим, — деди у ўрнидан истаб-истамай қимирлаб кўяр экан.

— Кўйсанг-чи, болам, уят бўлади. Сен энди катта йигитсан...

Малоҳат шу гапларни айтиб, томча ёққа ўтди. Челақларни кўйиб, орқага қайтиб келар экан, шунчаки, эътиборсиз гапни айтаётгандай сўзлади:

— Нигора отасини кўргани келипти, ҳовли супираётган экан, кўрдим... Шу қиз билан бир пайтлари қадрдон эдиларинг, а?

— Нима?! — Нормурод сапчиб ўрнидан турди. — Кептими?!

Шундан кейин бу ҳаракатидан ўзи уялиб, турган жойида каловланди.

— Кўчага чиқмоқчимисан? Чакмонинг уйда, миҳга осиеғлик. — Малоҳат ҳеч нарса билмагандай ўтиб кетди.

Нормурод шошиб уйга кириб, токча ёнидаги миҳга осилган ҳарбийча шинелини олиб, эгнига илди ва оёғига кирза этигини кийиб, кўчага чиқди.

— Раззоқ ака, ҳов Раззоқ ака! — Нормурод дарвоза олдидан туриб бақирди.

— Ким?

Олдинига Нигоранинг кўнғироқдай овози эшитилди ва тезда ўзи ҳам кўринди. У ўнг кўлида супурги ушлаб олган, узун, қирқ кокил қилиб ўрилган сочлари халақит бермасин учун бошига, Марғилон дўпписи устидан ўраб кўйилган, эгнига енгил узун атлас кўйлак ва унинг устидан қора бахмал мастакча кийган. Ниҳоятда гўзал эди! Келинлик зулфи лўппидай, силлиқ юзига ярашибди. Уни кўриб, Нормуроднинг юрагидан бир нарса узилгандай бўлди. Шундай гўзал қизни кўлдан чиқариб кўйганига ачинди.

— Мен... — деди Нормурод ва томоғига бир нарса тикилгандай, овози чиқмай қолди. Бир-икки дақиқа лол бўлиб Нигорага термилиб турганидан сўнг, ўйлаб келатган гапини давом эттирди. — Аррага келган эдим.

— Бу сизми?

Нигора унга яқинлашишни ҳам, яқинлаш-маслигини ҳам билмай, каловланди.

Ниҳоят келиб, кўришиш учун қўл узатди.

— Яхши келдингизми?

— Яхши! — Нормурод унинг нозик кўлларини сиқиб кўришди. Бир хаёл маҳкам бағрига босмоқчи бўлди-ку, ҳадди сизмади. — Ўзинг қалайсан, ишларинг яхшими?

— Яхши... Хабар олиб кетай деб келувдим, ҳовли кўқирсиб ётган экан, шуни супираётим эдим... Ичкарига киринг... Омон экансиз, худога шукр!

— Менга жин урармиди... — Нормурод кулмоқчи бўлган эди, чиқмади. — Тўй бўлибсан, деб эшитдим? Сал кутмапсан-да... — Нормурод тўхтаб қолди, бу гапи худди таънадай эшитилганидан чўчиди. — Озроқ кутганимда, тўйингда ўзим ўйнаб берардим... Ваъда қилган эдинг-ку!?

— Шундай бўп қолди... — Нигора армон ва афсус билан бошини эгди. — Менинг ихтиёрим ўзимда эмас-да.

— Майли, бахтли бўлсанг бас...

— Шу-да...

— Куёв ким, мен танийманми?

— Танимасангиз керак, биз тарафларга илгари келмаганлар.

— Ишқилиб хурсандмисан?

— Билмадим... Ўзингиздан гапиринг...

— Мен нимамни гапираман? Германия ёқларни айланиб келдим, яраланган эдим, шунга сал олдинроқ жавоб беришди. Ҳаққулни Чеченистонга юборишди, кимлар Украинада, кимлар шарқда...

Нигора унинг гапини тушунмади, шунга қарамай «ҳа», деб қўйди.

— Нимага кутмадинг, Нигора?! — сўради Нормурод тўсатдан. — Кутаман деган эдинг... Албатта, оилали кишига бунақа гапларни айтиш одобсизлик-ку лекин мен бунинг сабабини билгим келаяпти... Биласанми, шу ердан чиққанымдан, қайтиб келганимча фақат сени ўйладим, ҳеч ҳаёлимдан чиқармадим...

— Шундай бўлиб қолди, менинг айбим йўқ бунда, тақдирда шу ёзилган экан. — Нигора ердан кўзларини ололмади.

— Ўлиб кетсин шу тақдир ҳам.

— Ундай деманг...

— Айтишларига қараганда, бу ишга раис аралашган экан, унинг нима алоқаси бор сенинг тақдирингга?

Нигора ўйланди. Унинг ҳам раисдан алами кўп, чамаси.

— У киши бунга тўртта қўй берган эканлар.

— «У кишинг» ким?

— Хўжайиним-да, — бу сўзни айтгунча Нигоранинг тили синиб кетгандай бўлди.

— Демак, бундан чиқди сени тўртта қўйга сотиб юборибди-да, бу Манноп чўлоқ? Сен ҳам қизиқ, ўзингни сотсалар, индамай кетавердингми?

— Шунга ўхшайди... — Нигора айбдорона бўйин эгиб тураверди. — Лекин мен бунинг олдин билмаган эдим, тўйдан кейин у киши айтиб бердилар... Аммо сиз бунинг бировларга гапириб юрманг, мени шарманда қилиб... Сизни ўзимга яқин олганим учун айтаяпман...

— Нега унинг гапига кирдинглар? Ўзинг билар эдинг-ку ярамас инсон эканини?

— Қўлимдан нима келар эди?!

— Ҳалиям кеч эмас... Ҳаммасига тупуриб, ҳаётни бошқатдан бошласа бўлади.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз?

— Нимадан кўрқасан, мана мен бор-ку, ҳаммасини бошқатдан бошлаймиз.

— Ундай деманг... Мен сизни ҳурмат қиламан, ҳар доим эслаб юраман, лекин энди ҳаммаси бошқача... Қишлоқда ёш, чиройли қизлар кўп, мана кўрасиз, бахтли бўлиб кетасиз. Менинг эса... болаларим бор, уларнинг ҳаёти нима бўлади? Ўғай бўлса ҳам энди шуларнинг увол-савоби бўйнимда.

Иккаласи анча пайтгача индамай, Нормурод Нигорага, Нигора ерга қараганча туриб қолди. Йигит

бутунлай тушкун кайфиятда эди. У шу ҳолича ҳеч кимга керак эмаслиги, барча ўздан ҳазар қилишини ўйлади ва кўнглининг бурчак-бурчакларида «нега урушда ўлиб кетмадим экан?» — деган пушаймонга ўхшаш савол пайдо бўлди. Бундан кейин нима иш қилиши, қандай ҳаёт кечиришини ўйлаб, ўйнинг охирига етолмади. Назарида Нигора билан бирга келажак ҳам барбод бўлган, ҳаммаси тугаган эди.

Улар қанча пайт шу ҳолда туришганини билмайди. Нигора жим, Нормурод ўйда, гаплашмаётган бўлишса ҳам у мана шу дақиқаларни бир умрга чўзилишини истайди, негадир Нигора ёнида турганидан, унинг нафас олишини эшитаётганидан ва қўл узатса, билагидан ушлаш мумкинлигини ҳис қилишидан хурсанд.

— Энди мен нима қиламан? — деди ниҳоят Нормурод сокин овозда.

— Сиз яхши одамсиз... Мана кўрасиз, ҳали сизга қишлоқнинг манаман деган қизлари тегади.

— Гап бунда эмас-да...

Нормуроднинг гапи оғзида қолди. Бу пайт айвондан жажжи Умида чопиб келди:

— Бийи, ичкарига кирмайсизми?

— Бу чиройли қизча ким бўлди? — Нормурод ўзига келиб, Умидага қаради.

— Бу менинг эрка қизим, — деди Нигора.

Нормурод учун ўзи ҳали қизчадай бўлган Нигоранинг мана шу тарзда гапириши эриш туюлди.

— Ажойиб экан... — Нормурод гапини йўқотди. — Майли, мен борай бўлмасам... Раззоқ ака уйдими ўзи?

— Қайгадир чиққанлар... Аррани олиб кетмайсизми?

— Майли, керак эмас... кейинроқ келарман... — Нормурод каловланди, бир Умидага, бир Нигорага қаради. — Келган-кетганда бизнинг уйимизга ҳам кириб тур, бегоналашиб кетма...

— Умида, сен уйга боравер, мен ҳозир кираман... — деди Нигора қизчани туртиб ва Умида ичкарига чопқиллаб кириб кетди. — Албатта бораман, сиз ҳам ўтганда киринг...

Нормурод бурилиб, кўча тарафга юрди, негадир қадам боскиси келмай, уч-тўрт одим нарига бориб, тўхтади, орқасига қайрилди. Нигоранинг бегона инсонга айланиб қолгани чидаб бўлмайдиган ҳолатдай туюлаётган эди. Бир умр бирга ўйнаб, бирга катта бўлган икки инсоннинг мана шундай — бир-бирини танимайдиган, билмайдиган, орада ҳеч қандай ришталар бўлмагандай хайрлашиши, ажралиши юрагини ўртади.

— Сен барибир яхши... инсонсан, Нигора... Нима бўлса ҳам бегона бўлиб кетма, илтимос. Ёшлигимизни унутма, Нигора...

— Албатта...

Нормурод ўтирилди-ю тез-тез юриб, чиқиб кетди. Унинг юраги юлдузсиз, ойсиз тундай зимистон эди.

Уруш тугаган бўлишига қарамай, шароит ҳали ҳам оғир — ғалла етишмайди, урушдан қайтганлар тўсатдан бошқа оламга тушиб қолгандай, нима қиларини билмай, сарсон юрибди. Маматқулнинг Шаҳрисабз томонларда, Бештерак деган қишлоқда узоқ қариндошлари бор экан, у бир-икки марта шу тарафга ўтиб, ғалла кўплигини билиб қайтди. Гап бу ёқдан сотиш учун нима олиб боришда эди. Урушдан қайтган йигитлар бирлашиб, ҳолва қилишни ўрганиб олди, Уругутнинг бозоридан, ун, шакар, қишлоқ одамларидан эса қарзга кунжут олиб, ҳолва қилиб, эшакларга ортиб, Тахтақорача довонидан ошиб, Шаҳрисабзга бориб, донга алмаштириб кела бошлашди.



Шу билан кўпгина оилалар қишдан эсон-омон чиқиб олди. Эрта баҳордан эса экин-тикин ишлари бошланди.

Манноп раиснинг колхоздаги мавқеи яна-да ошиб кетди. Уруш йилларида бақир-чақирнинг ҳадисини олган инсон, энди ундан воз кечолмайди. У одамларга иш меъёрларини белгилаб беради, уни бажармаганларни кундалик овқатдан маҳрум қилади. Бу қаттиққўллиги дастлаб урушдан қайтган эркакларга маъқул келмади, бироқ вақт ўтиб улар ҳам шунга кўникиб кетди. Ёдгорни эса ваъда берганидай бригадир қилиб тайинлади. Бу йигит унинг қаттиққўллик борасидаги сиёсатини давом эттириб, ишчиларни аёвсиз ишлатар эди. Раиснинг талаби шу.

Баҳорнинг охирларида урушдан қайтган Нурилла Санамга уйланиб, тўй бўлиб ўтди. Келин ўн кун давомида далага чиқмади. Қишлоқ этагига экилган гўзаларни ёввойи ўт-босган, зудлик билан чопиқдан чиқариш лозим эди. Санам Ёдгорнинг қистови билан ишга чиққандан кейин ҳам, кечикиб борадиган, куёш анча кўтарилганидан сўнг, барчанинг кўзини ўйнатиб келадиган одат чиқарди.

— Эй, сен, келин бўлсанг, қайнонанга келинсан, давлат учун колхозчисан, тушундингми? Ишга барча қатори чиқиб, барча қатори кетасан, билдинг?

— Майли, майли, эртага вақтида келаман. Бугун озроқ иш чиқиб қолди. Шунга сал кечикдим, узр. — Санам узр сўради.

Шунга қарамай, эртаси кун яна кечикиб келди. Ишинг кетиши суст эди, бунинг учун Ёдгор кеча курулдош дўстидан анча дакки эшитиб олди.

Санам эса ишга кечикиб келишда давом этмоқда. Бир кун Ёдгорнинг сабри тугади. Барча аёллар келиб, ишга киришиб кетганки, Санамдан дарак йўқ.

— Бу, Нурилланинг хотинчаси келмадимми ҳали? — сўради у аёллардан.

— Йўқ, — аёллар қиқирлаб кулди.

— Бир келин бўлган шу бўлди-да, — деди газаб билан Ёдгор. — Шу бугун у билан яхшилаб гаплашиб қўймасам бўлмайди.

Анча пайтдан кейин қишлоқ тарафдан бир аёл қораси кўринди. Ёдгор уни сабрсизлик билан кутди ва ниҳоят бошига қизил дурра ўраб олган, олифта кийинган Санам яқинлашди.

— Яна нимага кечикиб юрибсан? — ўдағайлади Ёдгор узоқдан.

— Рўзгор ишлари кўпайиб кетди. — Ишга кечикиб келиш учун одат тусига кирганми, бу сафар Санам эътиборсиз, менсимайроқ гапирди.

— Бу рўзгорда иш тугайдими ўзи ёки йўқми?

— Тугамайди, шекилли.

— Мен тугатиб қўяман... — Ёдгор ўдағайлаб оти билан унинг тепасига бостириб келди. — Виждон борми сенда, энанг тенги аёллар саҳардан бери ишлаяпти, сен эса карашма билан пешинда келасан, бу катта холангнинг томорқаси эмас, колхознинг юмуши.

— У киши айтдиларки, дўқ уришга ҳаққингиз йўқ экан. Ўзим гаплашиб қўяман, дедилар.

Ёдгор англадики, Нурилла хотинининг қулоғига алламбало гапларни қуйиб, онгини бузган. Ким билсин, нималар деб валдираган. Эҳтимол, бу аҳмоқ Ёдгорнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, сен ундан қўрқма дегандир. Балки, мен қишлоқ советида ишлайман (Нурилла урушдан қайтгач, саводхонроқ, билимдон киши сифатида қишлоқ советига котиб лавозимига ишга олинган) бунақа бригадирчаларни бир деганда эзиб, янчиб ташлайман, дегандир.

Ёдгор ўз ўйларидан ғазаби қайнаб, қўллари қалтиради. Бунақа феъл унга урушдан мерос. Тез жаҳли чиқади ва ўзини туголмайди, бошқара олмайди. Ҳозир ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Санамнинг тепасига келиб, қўлидаги қамчи билан елкасига солди. Келинчак бундай ҳаракатни кутмаган эди, чинқириб юборди. Кетмон чопаетганлар уларга ўгирилиб, нима қиларини билмай қолди. Ёдгор эса ўзини идора қиладиган ҳолатда эмас, қўлидаги қамчи билан Санамни савалай бошлади. Келинчак бир-икки одим нарига чопиб борган эди, Ёдгор оти билан унга етиб олди ва жувон ундан қочиб қутилолмаслигини англаб, ерга ётиб олди. Қамчи аёвсиз тарзда тушаётган эди.

Санам ҳам барча аёллар каби, бундай пайтларда аччиқ гап мени қутқариб қолади деган хаёлда ва тинимсиз равишда бақириб, гоҳ чийиллаб йиғлаб, Ёдгорнинг уруғ-аймоғигача қўймай қарғанди. Бу эса Ёдгорни баттар ғазаблантирди. Отдан сакраб тушиб, уни ётган жойида тепкилади. Агар аёллар келиб, ушлаб қолмаганида ўлдириб қўйиши ҳам мумкин эди. Аёллар уни тортиб олиб кетишганларига қарамай, Санам анча тепки еди ва тупроққа беланиб, ликонглаб, қарғана-қарғана уйига кетди.

Ёдгор шу ишни нотўғри қилгани, жаҳл келиб, ақл кетганини кейинроқ англади, пушаймон қилди. Лекин кап-катта эркак анави аҳмоқ Нурилланинг хотинига ялиниб бормади-ку буни ўзига ор билади. Ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутди. Нима бўлса эртага ёки индинига маълум бўлиши керак эди.

Эртаси кун яна Санам ишга бормади. Йўлга қарайвериб, Ёдгорнинг кўзлари тўрт бўлди. Пешинга бориб, кимдир гап топиб келдики, Нурилла хотинчасини етаклаб Уругта кетган эмиш.

“Бошланди... — ўйлади Ёдгор. — Мени отиб ташлармиди? Шунча ўлимдан қайтиб келиб, энди бир аёлдан қўрқаманми?..”

Шу гап-сўздан кейин, орадан уч кун ўтди. Секин-аста бўлган воқеа Ёдгорнинг хаёлидан кўтарила бошлаган эди, у энди бунинг учун ҳеч ким уни койимаслигига ишониб қолмоқда. Эрталаб, Манноп раис отдан тушмай, кўчадан туриб бақирди:

— Ёдгор, ҳой Ёдгор!

— Сизни раис чақираяпти, — деди дарвоза яқинида, ўчоқда обтовада чой қайнатаётган Ризвон айвонда этигини қияётган эрига.

— Нима керак экан, туш кўриб чиқибдимми мени? — Ёдгор ўзига ўзи гапириб, кўчага чиқди.

— Сен галварс нима иш қилиб юрибсан ўзи? — ўдағайлади унга раис кўришиш учун қўл узатар экан.

— Отдан тушинг. Ичкарига киринг. — Ёдгор каловланди, англадики, гап ўша кунги воқеа тўғрисида кетаяпти.

— Тушиб нима қиламан, отингни эгарла, Уругта борамиз, райкомга чақаришаяпти...

— Тинчликми?

— Буни энди сендан сўраш керак... Бир аҳмоқнинг хотинини уриб, энди мендан «тинчликми?» деб сўрашинг қизиқ... Сенинг ҳам ҳушинг йўқми нима бало? Урсанг, ҳеч кими йўқ, кўчага чиқолмайдиганнинг хотинини урмайсанми, индамай, бу ҳукуматни бўлиши шу экан деб ўтиравермайдими. Келиб келиб селсоветда ишлайдиган, қонун-қоидани яхши тушунадиганнинг хотинини урсанми? Энди булар ҳаммаёққа жар солиб, ваҳима қилиб юборади-ку, туғилганинга пушаймон бўлиб кетасан... Икки ўртада мени ҳам тинч қўйишмайди.

— Судга берибдимми? — сўради у хавотир билан.

Орқасидан яхшилаб сўқиниб ҳам қўймоқчи эди-ку, раис йўл бермади:

— Тез бўл, отланиб чиқ, нима бўлганини йўлда айтиб бераман... Уйдагиларга ваҳима қилиб ётма яна...

Ёдгор хотини ва онасига ҳеч нарса демай, отини етаклаб ташқарига чиқди. Улар иккаласи Ургутга жўнаб кетди.

— Бу аҳмоқ Нурилла ўтган куни хотинини етаклаб райкомга борибди. Бўлган, бўлмаган гапларни саситиб, колхознинг шаънини ерга уриб кепти. Шунга бугун эрталабдан менга сени етаклаб боришни топширишган.

— Қамаб қўйишмайдим ишқилиб? — Ёдгор хавотирланди.

— Билмадим, лекин унчаликка боришмас...

— Анави, Нурилла ҳам ҳезалакми нима бало? Шунақа нияти бор экан, келиб ўзим билан гаплашмайдим. Ҳаммасини эркакча ҳал қилмаймизми...

— Бу зиёли халқидай аҳмоғи бўлмайди, Ёдгор. Урушдан олдин буларнинг уруғини қуриштириб, Сталин бобо тўғри қилган... Бўлмаса эркак кишининг ишимиз шу — хотинини етаклаб райкомга бориш. Қишлоқчилик, эртага кўз-кўзга тушади, деган андиша ҳам йўқ буларда.

Иккаласи Нурилла ва хотинининг ғийбатини қилиб, Ургутга, райком биноси олдига келди. Отдан тушиб, уларни шу ердаги чинорларга боғлаб, райком қоровулига қараб туришни тайинлаб, ичкарига кириб кетишди.

Райком котиби шу ерда экан, куттирмасдан қабул қилди.

— Хўш, ўша, аёлларни ургич полвон шу киши бўладими, Манноп Матлабович? — деди кесатиб котиб.

— Шу, — деди Манноп раис қисқа қилиб. Бундан Ёдгор ранжиди.

— Нимага аёлларни урасан? — бу сафар котиб бирдан газабланиб, бақириб сўради.

— Шундай бўп қолди.

Ёдгор шарт ўрнидан туриб, ҳарбийчасига қисқа, баланд овозда жавоб қайтарди. Котиб унинг эски унниққан ҳарбийча кийимларига қараб, бироз сукутга чўмди.

— Урушдан қачон қайтган эдинг?

— Олти ой бўлаяпти.

— У ёқда қанча бўлдинг?

— Деярли бошидан охиригача...

Ёдгор тўхтаб қолди. Унинг гапини оғзини тўлдириб Манноп раис давом эттириб кетди:

— Урушнинг бошдан оёғигача бўлган бу, олдинга мен билан бирга жанг қилди, яраланиб қайтганимдан сўнг, у Берлингача борган, кейин Япон уришига олиб кетишган. У ерда ҳам анча-мунча уришиб, ўтган тирамода қайтиб келди. Кўп нарсани кўрган, уч-тўрт марта яраланган, «Қизил байроқ», «Қизил юлдуз», «Ватан уруши» орденларини олган, медалларининг эса саноғи йўқ. Сал кам қахрамон... Бизнинг қишлоқда «Қизил юлдуз» орденини фақат икки киши олган, бу билан Равшан деган йигит. Бир ўзи немиснинг «Тигр» деган танкини портлатиб юборган.

— Коммунистмисан? — Котибнинг нафаси ичига тушиб қолгандай эди.

— Албатта коммунист... — Манноп раис хужумкорликни давом эттирди. — Партбилетни қон билан ювиб олган, урушда олган.

— Ҳимм... — Котиб нима дейишини билмай жим қолди. — Шунча ҳурматли одам экансан, лекин қилиб юрган ишинг на товоқда туради ва на қошиқда.

Ёдгор бунақа давраларда нима деб гапиришни билмайди, шунинг учун имдод кутиб, Манноп раисга мўлтираб қаради.

— Энди, интизомни шу тарзда ушлаб турмаса бўлмайди-да, райком бова. — деди Манноп раис босиқлик билан. — Бу одамларга зуғум қилиб турмасангиз, бошга чиқиб олади. Ҳозир замон оғир, шароит оғир. Халқни ишлатишнинг ўзи бўлмаяпти.

Котибнинг ўзи ҳам шароитни яхши билади, чамаси, оғир хўрсиниб қўйди:

— Лекин одамларни калтаклаб ишлатиш бобомнинг замонида қолиб кетган, шунини билиб олинглар. Ҳозир социализм, уларни алдаб-сулдаб йўлга солиш керак.

Шундан сўнг котиб яна анча пайтгача насихат қилиб, булар иккисига бугунги кун сиёсати ва ўзига хосликлари, яхши раҳбар бўлишнинг айрим жиҳатлари тўғрисида тушунтирди. Гап орасига таъсирлироқ чиқсин учун «мат» билан «онаси...»дан қўшиб-қўшиб турди.

— Агар яна шунга ўхшаш бир ҳолат такрорланса, анави ҳезалак яна шикоятбозлик қилиб юрадиган бўлса, ҳеч нарсага қараб ўтирмайман, на орденингга, на урушда бўлиб келганингга ва на коммунистлигингга. Қаттиқ жазоламанки, туғилганингга пушаймон бўласан. Тушундингми?

— Тушундим!

— Тушунган бўлсанг яхши, қишлоғингга бориб, ишингни қилавер. Фақат, энасини... коммунист одам барчага ибрат бўлишини унутма... Сен, Манноп, яна бир нарсани эсингдан чиқарма, сени орденга тавсия қилганмиз, ҳужжатлар Москвага кетган. Мени ёки обком бовани шарманда қиладиган бирор ишга йўл қўйсанг, энангнинг учқўрғонидан кўрсатаман.

Иккаласи ўн марталаб раҳмат айтиб, орқаси билан тисралиб, ташқарига чиқди.

— Эй, яшанг-э, Манноп ака! — деб юборди улар анча нарига борганларидан сўнг Ёдгор. — Мен бу аниқ қамаб қўйса керак, деб ўйлаган эдим, кирган пайтимиздаги вазоҳатини кўрдингизми, кўрқиб кетдим.

— Ҳар бир жойнинг ўз сўзлашув услуби ва ҳар бир жойда айтилаётган ўз гаплари бор. Шу нарсани билиб олсанг, хор бўлмайсан. — Манноп раис мақтанди. — Булар билан гаплашавериб, кимнинг олдига нима дейиш кераклигини сув қилиб ичиб юборганман.

— Яхшиям сиз билан келган эканман, бўлмаса ишим ёмон экан. Довдираб бунга у-бу бўлмағур гапларни айтиб қўяр эдим.

— Шунини олдиндан билганим учун бирга келдим-да, бўлмаса шарт эмас эди, колхознинг иши бошдан ошиб ётибди, булар ҳам ўзини юборинг, бир гаплашиб кўямиз, деган, холос.

— Раҳмат, катта яхшилик қилдингиз. — Ёдгор хурсанд эди. — Балки энди, бир шашликхўрлик қилиб кетармиз, яна қачон Ургутга бирга келиб юрибмиз-у, қачон хурсандчилик қилиш имконияти туғилади.

— Иш кўп эди-да. — Раис шунчаки ноз қилмоқда эди.

— Қочиб кетармиди шу колхоз, бир соат олдин эмас, бир соат кейин...

— Майли, кўп қўймадинг.

Булар иккаласи отларини етаклаб сал қуйироқда, анҳор ёқасидаги чойхонага кетди.

Баҳорнинг сўнгги кунлари эмасми, анҳор пишқириб оқмоқда, тоза ҳавога чойхонадан кўтарилётган кабоб ҳиди қўшилиб, иштаҳани қитиқлайди.

Иккаласи кичикроқ, ёғ тўкилиб, қалин кир бўлган шолча ва кўрпача солиб қўйилган кароватга ўтириб, икки кишилик кабоб пишириб келишни тайинлади.

— Бу тарафларда Тойлоқнинг қўлбола виносидан сотишади, деб эшитдим, ростми? — сўради Ёдгор



маънодор қилиб. — Ҳукуматнинг домидан соғ чиққангни ювсақ деган эдим.

— Топса бўлади... — Раиснинг ҳам томоғи тақиллаб турган экан, чамаси. — Бу ерга кўп келамиз, йиғилишдан сўнг, чиқиб эшитган сўкишларнинг аламини шу ердан олиб кетамиз. Ҳозир қақираман.

Чойхоначи йиғитча тезда уларнинг олдига икки дона нон, пиёз келтириб қўйди, жўмраги чегаланган чойнақда вино келтирди.

— Урушда беришадиган ароқ зўр эди-да, а, — деди ширин энтикиб Ёдгор. — Ўрислар яшашни билади, уларнинг самагонидан бир сипқорсанг, дунёни сариқ чақага ҳам олмай қоласан киши... Сиз йўқ дейишингиз мумкин-ку, лекин урушнинг ҳам ўзига яраша яхши жиҳатлари бор эди...

— Нимаси яхши эди шунинг. — Манноп раис ташаббус кўрсатиб, винони сопол пиёлаларга қуйди. — Тирик қутилганингга шукр қилсанг-чи.

— Билмадим, балки мен аҳмоқдирман... — Ёдгор ўйланди. — Қишлоқ яхши, албатта, жонажон ватанингга етадигани борми, бу дунёда... Лекин урушда ҳеч нарсадан кўрқмас эдим, тақдирга тан бериб қўйган эдим. У ерда кун ўтса бўлди эди, бир кунни ўлмай ўтказсанг, шунинг ўзи байрам. Бу ерда бошқача. Бунда куннинг ўтганига севиниб бўлмайди. Бу ерда севиниш учун, минглаб нарсаларга эришишинг, босиб ўтишинг керак... Кейин бу ерда одам кўрқоқ бўлиб қолар экан. Шунча йил урушиб, шу бугунгидай чўчимаган эдим. Билмадим нимадан экан.

— Бу ерда қонунлар, қоидалар бошқа, ука. — Раис пиёлани унга узатди. — Урушда ўз жонинг учун ҳаракат қилар эдинг. Бу ерда эса бунақа эмас, бунда барча қариндошларинг, яқинларинг учун кўрқасан, уларнинг ҳаёти, тирикчилиги учун чўчийсан, менга бир гап бўлса буларнинг ҳоли нима кечади, деб хавотирланасан... Бу кўрқкишлар ҳали нима эмиш... Дастлаб келган пайтларимда мен ҳам тинчлик шароитига қўниқолмадим... Манавини ол, бу нафақат урушда, балки тинчлик шароитида ҳам асқотади.

Иккалалари бир пиёладан винони сипқориб, аччиқ-аччиқ пуфлаб, пиёздан қавшанди. Ёдгор нонни майдалаб, раисга манзират қилди:

— Олинг, бўлмаса бошни айлантиради.

— Бу ернинг винолари кўпроқ оёқдан олади. Ўриснинг самағони бошга тепар эди.

— Ҳа.

Ёдгор раисга миннатдор нигоҳлар билан қараб қавшанишда давом этди. Соқол-мўйлови мўрт урган чойхоначи йиғитча, кабогни қўрага қўйиб, пиширгунча булар иккиси бир чойнақ винони ичиб бўлди ва тиллари чулдираб қолди. Ургутча қийма кабоб келтирилганда, дастурхонда тўрт-беш паррак пиёз ва озроққина нон бурдалари сочилиб ётар эди.

— Манавининг ости тешик экан, ҳаммаси оқиб кетди, — деди раис йиғитчага чойнақни тутқазар экан. — Бор, яна тўлдириб кел.

Чойхоначи тиржайиб қайтиб кетди. Бу иккиси эса «олинг-олинг» қилиб кабобга қўл чўзди.

— Ўйласам кўрқиб кетаман, — деди Ёдгор бироз қорни тўйиб қолгач. — Бир ёқда Европанинг нариги чеккасига, бу ёқда эса нақ Япониягача бориб келдим, ҳатто одамнинг хаёлига ҳам сигдириб бўлмайдиган масофалардан ўтиб, тирик келдим, а, Манноп ака?! Ҳеч қачон ишонмаганман уйга тирик қайтишимга.

Ёдгор маст бўлиб қолган ва эҳтиросларга берилмоқда эди.

— Энди уруш урушда қолиб кетди, — деди Манноп

раис унинг гапига гаши келиб. — Бу ёғини ўйлаш керак, тирикчиликни кўриш керак.

— Қолиб кетмади, ака, уруш қолиб кетмади. Мен билан, менинг кўнглим билан қайтиб келди. У шу ерда. — Ёдгор ўнг қўлини мушт қилиб, кўксига урди. — Уни сира-сира унутиб бўлмайди. Бу хотиралар мени тўрға тикқунича тинчлик бермайди!

— Мана мен деярли унутиб юбордим-ку.

— Сизнинг йўригингиз бошқа. Тўрт ёки беш марта жангга кирдингиз, холос. Кейин бахтингизга оёқдан айрилиб, орқага қайтдингиз. Тўрт-беш жангга одам урушини нима эканини тушунмас экан... Ўшанда, биз билан урушни бошлаган инсонлардан, ишонасизми, йўқми, билмайман-у, лекин бирор киши ҳам тирик қолгани йўқ. Барчаси ўлиб кетди. Битта қолмай ўлиб кетди. Фақат менинг бахтим чопдимми ёки худо бу ерда қилишим лозим бўлган бирор ишни тайин қилиб қўйганми, қайтдим. — Ёдгор шу гапларни айта туриб тўлқинланиб кетди. — Сиз буни тушунмайсиз, ака, сиз тўрт йил ажал комида юриш нима эканини билмайсиз, минг мартага ўлимнинг оғзидан қайтиб келиш нима эканини барибир тушунмайсиз... Шу айтаётган гапингизни охиригача айтиб олиш имкони борми-йўқлигини билмай, ҳаяжонланиш, шошиш нималигини барибир яхши тушунмайсиз. Тўрт йил... Тўрт йил шундай яшадим. Тўрт йил ҳар бир сонияда жонимга тажовуз солиши мумкин бўлган ажал билан бирга бўлдим, тўрт йил ўнг келгани ҳаманоқ баданимга санчилиши мумкин бўлган қайноқ кўрғошинлар ичида яшадим. Тўрт йил жуда узоқ муддат, Манноп ака, жуда узоқ! Лекин мен ўлмадим...

Ёдгорнинг эҳтиросли гаплари Маннопга ёқмади. Боягина бир иш қилиб қўйган бола каби жим, нафаси чиқмай ўтирган эди. Энди, ичига озроқ иссиқлик кириб, чулдираб қолди. Айниқса, «сиз тушунмайсиз» деган гапи раиснинг иззат-нафсига тегди. Раиснинг ҳам кайфи бор эмасми, бир-икки тишлари газиллаб, «сен аҳмоқ урушда юрганингда мен сенинг хотининг билан ялло қилганман», демоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини зўрға тўхтатиб турди.

— Ука, майли, сен урушда ҳаммадан кўп бўлгансан, лекин бу ердагилар ҳам бурға кўриб, бит боқиб ўтиргани йўқ.

Раис Ёдгорга ола қараш қилди. Бироқ йиғит ўз ҳис-туйғулари комига кўмилган, ён-атрофдагиларни пайқайдиган ҳолатда эмас.

— Турди, деган ўртоғим бор эди. Ўша билан қалин эдик. Ўзи Қашқадарёдан, бир-биримиз билан аҳдлашиб, ким уйга омон борса, фарзанд кўрса, исмимизни берамиз, деб ваъдалашган эдик. Бир марта, шу нарса ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, урушда, оқолда ётганимизда, ёнгинамизда бир бомба портлади, билмадим, шу йиғит атайдан қилдими ёки мени сақлаб қолмоқчи бўлдими, устимга ётиб олди. У ўлди, мен эса контузия бўлдим...

— Айрим одамлар сенинг урушни бошидан оёғигача қатнашиб, тирик қолишингга шубҳа билан қараяпти...

— Манноп раис тағдор қилиб гапирди.

— Ким?!

— Айримлар-да, тунов кун қулоғимга бир гап киргандай бўлувди... — Раис аниқ жавоб беришдан чўчиди.

Ёдгор ўйга чўмди. Ва ниҳоят:

— Тирик қайтган эканман, демак бунинг ҳам бир сабаби бор. Аммо, шунга билиб қўйинг, мен айримларга ўхшаб, ўликлар остига яширинмадим, ўлимдан қочиб юрмадим...

Манноп раис жим бўлди, Ёдгорнинг чираниб мақтаниши унга ёқаётгани йўқ, ўзини зўрға тутиб турибди. Ёдгор ҳам бир-икки сония ўйга чўмиб, раисга қаради ва унга гап бермаётганини англаб, сўради:

— Урушдан қайтиб, бу ерларда нима ишлар қилганингизни сира айтмайсиз. Сиз ҳам бекор юрган бўлмасангиз керак.

— Бизники сеникичалик эмас, — деди кесатиб Манноп, бироқ буни Ёдгор англамади. — Ер ҳайдадик, дон эдик...

Манноп ўйланиб турди ва мақтаниб қўйгиси келди:

— Лекин шу колхознинг чиройли жувони борки, барчасини «қўриб» чиқдим.

— Қайси маънода? — Ёдгор унинг бу гапига унчалар ҳам эътибор бермади.

— Қизиқсан-да, Ёдгор, наҳотки шуни ҳам билмасанг.

— Ҳаммасиния? — Ёдгор ажабланди.

— Чиройлиларини.

— Ҳа, сиз ҳам қўймайсиз... — Ёдгор кулди. — Ўша, урушда чоғингизда ҳам фақат аёллар тўғрисида гапирар эдингиз. Хафа бўлманг-ку, бироз фарлигингиз бор.

— Ҳаёт шу бўлса менда айб нима? Урушда кўрдим, одамнинг ҳаёти, умри ҳеч нарса эмас экан, шунинг учун имкон борида замлаб қолмоқчи бўлдим. Мана, энди эркаклар урушдан қайтгандан кейин, бегона аёлларнинг олдига яқинлашиб ҳам бўлмайди.

Иккаласи отларининг устида гангиб, пешиндан сўнг қишлоққа қайтиб келди.

Эртаси куни эрталаб Ёдгорнинг боши гувиллаб уйғонди, калласига ари ин қургандай эди.

— Кеча нима иш қилиб келдинглар? — Матлуба хола унинг ёнига, айвон четига келиб ўтирди.

Ёдгор бошини чангаллаб олганча, ерга қараб ўтирар эди.

— Нурилла райкомга шикоят қилган экан, шуни бир ёқлик қилгани бордик.

— Тинчидими, ишқилиб?

— Ҳа, лекин уни тинчитганча ўзим тинчиб қолай дедим. Бошим ёрилиб кетай деяпти... Кеча ортиқча гап-сўз қилмадимми?

— Йўқ. Уруш ҳақида гапирдинг, бироз йиғладинг...

— Яхши бўлмапти. Келинингиз қани, сув қўйиб турсин, бетимни ювиб олай.

Ризвон оғил томонда экан, обтова кўтариб келди. Ёдгор совуқ сувга ювиниб, бироз ўзига келгач, хотинига қаради. Кўзига хотини ғоятда гўзал кўринди.

— Кундан кунга очилиб бораёпсанми? — деди у ҳазиллашмоқчи бўлиб.

— Ўзим ҳар доим чиройли бўлганман. — Ризвон қикирлаб кулди.

Ёдгорни ари чаққандай бўлди. Бирдан онги тиниклашиб, кеча, чойхонада бўлиб ўтган гап-сўзлар ёдига тушди. У чойхонадан қандай қилиб чиққанлари, қай тарзда қишлоққа етиб келганлари ва бу ерда қандай томоша кўрсатганини билмайди, бироқ Манноп раиснинг колхоздаги барча гўзал жувонларни «қўлдан ўтказганлик» тўғрисидаги гаплари аниқ-тиник ёдига келди.

— Ҳа, чиройлисан, — деди у афсус ва ташвиш билан. — Буни ҳали аниқлаштириш керак!

Ризвон бу гапдан ҳеч нарса тушунмади.

* * *

Баҳорга чиқиб, уруш хотиралари сўниб, тинчлик ҳаётига кўникиб улгурган Нормурод учун энг аҳамиятли бўлган иккитагина ўй қолди, холос. Бири Нигоранинг тақдири, иккинчиси укасининг ўлими. Ушбу икки ҳолат бутун борлиги, ҳаёти мазмунига айланди.

Кунларнинг бирида кечки пайт у масжид ёнидаги ҳовуз бўйида гурунглашиб ўтирган тўрт-беш кишининг ёнига бориб, суҳбатларига қўшилди.

Гап айланиб, ҳўжатўпга тақалди, улардан бирор бир вакил иштирок этмаётгани сабабли зўр бериб Манноп раисни ғийбат қилишга киришиб кетдилар.

— Мен у билан қалинман, — деди Ёдгор уларнинг гап-сўзларини эътибор билан тинглаб ўтирар экан, имкон қадар ҳеч кимга дакки бермасдан. — Ҳозир қанақалигини билмайман-ку, лекин уруш пайтида яхши одам эди... Уни шахсан ўзим ўлимдан олиб қолганман. Жангдан елкамда олиб чиқиб, санчастигача елкамда кўтариб борганман... Батальондагилар беҳабар қолган, шунинг учун уни ўлдига чиқариб, бу ёққа хат ёзиб юборган.

— Шуни бекор қилган экансан-да, — деди ҳазиллашиб Содиқ бова. — Бу аҳмоқ, эшитишимизга қараганда, урушдан қайтиб, кўп номаъқулчиликларни қилган экан.

— Эшитишимизча дейишинг нимаси, ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлдик-ку, — уни тузатди жиддийлик билан Алим бова.

— Тартибга солиб қўйса бўлмасмиди, — ўнғайсизроқ бир овозда гапга суқилди Нормурод.

— Ҳукумат одамини тартибга солиб бўлар эканми? — деди Алим бова.

— Хотинбозлик қилармиди?! — гапнинг мавзуси ўзгариб кетмасидан бурун шошиб сўради Ёдгор.

— Унисини билмадим... — деди Алим бова.

— Нимага билмайсиз? Колхозда қанча гап чиқди униси, буниси билан юрипти экан, деб. — Содиқ бова хезланиб гапирди.

— Ўзингни бос, бунақа нарсани бошида турмаган бўлсанг гапирма? — Алим бова дакки берди. — Икки томон розилик билан бу ишни амалга оширган бўлса, ўлиб қолганда ҳам билиб бўлмайди. Одамларнинг гапи эса ғийбат, холос.

— Барибир шу ишни қилган у, — деди шу ердаги узун кунданинг чеккасига омонатгина ўтириб олган Қосим. — Колхозда эркак йўқ, «гаҳ» деса аёллар қўлига қўниб турибди. Нима учун қилмас экан...

— Мен уни айтмайман, — Алим бованинг юзида кўрқув аломатлари пайдо бўлди. — Кўриб, ушлаб олмаганимдан кейин нима дейман. Лекин айтмоқчи бўлганим, қишлоқда болаларни бўри еб кетишини бир айби шунинг бўйида. Ҳукуматдан милтиқ олиб келиб, тўрт-беш кишини қирларга қўйиб, бўрини оттириб ташласа бўлар эди.

— Ҳозир қилса бўлмайдими шу ишни? — Нормурод шошиб сўради.

— Бўлади, — деди Алим бова. — Милтиқ олиб берса, энди қишлоқда эркаклар кўпайди, бўриларни отиб ташласа, бироз эмин-эркин бўлиб қолар эдик. Мана, Ёдгорнинг яқин жўраси экан, сўраб, давлатдан милтиқ олиб берсин. Урушдан олдин тортиб олган милтиқларимизни қайтаришса ҳам бўлади. Шунга нима дейсан, Ёдгор?

Ёдгор ўзи ҳаёли билан банд.

— А?! Нима?

— Манноп ошнангга айт, ҳукуматидан бир-иккита милтиқ олиб берсин, бўриларни отиб ташлайлик, дейман. — Алим бова бақириб гапирди.

— Хафа бўлмайсиз, — Ёдгор бироз хижолат бўлди. — Урушда кантузия бўлганман, баъзида гапни эшитмай қоламан... Сўраса бўлади, у йўқ демайди.

Улар ушбу масалада ягона хулосага келиб, хайрлашди.

Эртаси куни пешинга яқин Нормурод айтилган гап натижасини билиш учун Ёдгорнинг уйига борди.

Уйда Матлуба холадан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Ўғли ва келини далага, ишга кетганини айтди. Нормурод кечки пайт яна бирров кириб, хабар олиб кетадиган бўлди.



Шом қоронғисида Нормурод яна келди. Бахтига Ёдгорни уйдан топди, иккаласи йўлга тушди.

— Манноп ака сен урушга кетмасдан бурун қайтганмиди? — секингина сўради йўлда Ёдгор.

Нормурод унинг ниятини англамади.

— У одам раис бўлганидан сўнг бир йил ўтиб урушга олишган. Қирқ тўртинчи йилнинг кузига бориб кетганмиз. Нимаиди?

— Айтаман-да. — Ёдгор гап тополмай ўйланди. — Қанақа одам эди?

— Шу раис шу раис эди-да. Аҳмоқ ва кўпол. — Нормурод кулди ва ортидан қўшиб қўйди. — Ҳазил, яна ўзига айтиб ўтирманг.

— Йўғ-э, гап ташийдиган одатим йўқ... Айтишларига қараганда, раис хотинбоз бўлган экан?

— Бўлса бордир...

Нормурод бирдан тилни тишлади. Кўнглида «наҳотки бўлиб ўтган воқеадан унинг хабари бўлса», деган хавотир уйғонди. Ким айтган бўлиши мумкин? Нигорами, раиснинг ўзими, Ризвонми? Мумкин эмас, улардан бунақа гап чиқмайди. Унда ким? Наҳотки ўша кун булардан бошқа гувохлар ҳам бор эди? Ёки шунчаки тусмол қўлаяптими? Кўнгли бирор нарсани сезаяптимикин?

— Нимага бунга қизикдингиз? — сўради Нормурод бироз хаёлини жамлаб.

— Шунчаки, «бу томонларда мен кўрмаган жувон қолмади», деб бир кун ўзи мақтанди. Шунга сўраганим. Қизик-да, тўғрими?

— Ҳа, энди, «кўрқитгани бўжи йўқ», деганларига ўхшаб, ҳайт-қайт деб турадиган одам бўлмагач, кўп номаъқулчиликларни қилган бўлиши мумкин... Аниқ хабарим йўқ.

Нормурод шу гапларни айта туриб Ёдгордан нафратланди, унинг бетига туфлаб юборгиси келди, Маннопдан эса ғазабланди.

Манноп раис уйда экан, булар иккаласининг таклифини эшитиб, хурсанд бўлди:

— Қилса бўлади, тунов кун райком бюросида ҳам шу масала кўтарилган эди, урушдан қайтган жангчиларни йиғиб, тоққа юборинглар, бўриларни отиб, ташласин, давлатнинг молига кўп тажовуз қилаяпти, дейишди. Шу яқин кунларда бориб, милтиқни ҳал қилиб келаман.

Иккаласи хурсанд орқага қайтди.

Орадан икки кун ўтиб Манноп раис Ургутдан озроқ ўқи билан бир қўшотар милтиқ олиб келди.

Ёдгор қишлоқнинг кексалари билан маслаҳатлашиб, бўри яшаши мумкин бўлган жойларни сўраб, суриштириб, эрталабдан Нормуроднинг олдига келиб, иккаласи тоққа чиқиб кетди. Бекорга сарсон ошиб, тоққа боришди, лекин ҳеч нарсани учратиб бўлмади, на бўри ва на бошқа бирор жонзод йўқ.

Эртаси кун ярим тунда иккаласи қарзга олинган эшакларни миниб, яна йўлга чиқди. Мўлжалдаги жойга етиб келганларида тонг оқаришиб келаётган эди. Улар кеча белгилаб қўйган тошнинг орқасига яшириниб, эшакларни очикроқ жойга қоқиб қўйишди. Бўриларни қақришининг йўли шу.

Иккаласи совуқ тошга бағрини бериб, кута бошлади. Милтиқ Ёдгорда, Нормурод эса аланг-жалаң қилиб турибди, холос.

— Нигоранинг эри қари экан-ку, а? — Нормуродни кечадан буён бир ўй безовта қилаяпти.

— Мен ҳам ҳеч шу даражада бўлса керак, деб ўйламаган эдим...

— Ҳа, биз йўғимизда қишлоғимиз қизларини хор қилишган.

— Нимаям дейсан, буям бир тақдир-да.

— Қанақа тақдир? Бунинг барчаси ўша аҳмоқ ошнангизнинг иши. — Нормурод ғазабдан бурнини тишлашга тайёр.

— Қанақа ошнам?

— Ўша-да, чўлоқ, сиз урушда жонини сақлаб қолган одам.

— Раисми? — Ёдгор дара ичидан кўз узмас эди.

— Ҳа.

— Шу бердириб юборибдими?

— Қанақа бердириб юборди?! Иккитами-учта қўйга сотган. — Нормуроднинг гап оҳангидан ғазаб англанар эди.

— Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, Манноп ака бунчаликка борадиган одамга ўхшамайди.

— Ҳали сиз бу ошнангизнинг кўп хислатлари, қилиғини билмайсиз. Билганингизда, бўйини сапчадай узиб ташлар эдингиз.

— Қанақа хислат? — Ёдгор бирдан шубҳаланиб, суҳбатдошига қаради, Нормурод гира-шира ёруғда унинг олов чақнаб турган кўзларига қараб, сал ошириб юборганини англади.

— Айтаман-да, шу... қишлоқнинг эркалари йўқ, деб қизларни сотишини, яна бошқа битта-яримта одатини.

— Хотинбозлигимми?

— Ана, билар экансиз-ку.

Ёдгор ўйланди.

— Нормурод, сен менинг укамсан, а? Менинг ҳеч кимим йўқ, биласан. Сени ўз укамдай кўраман. Укаммисан?

Нормурод унинг гап оҳангидан тушундики, у нимадир сирли нарса тўғрисида сўрамоқчи. Шунинг учун «ҳа», дейишга чўчиди:

— Нимаиди?

— Шу... раис қишлоғимиздан кимнинг аёли билан бўлган?

— Билмайман.

— Биласан, сен ниманидир биласан-у, айтмаяпсан, ё кўрқаяпсан, ёки менга ишонмайсан... Жон жўра, билсанг айтақол, ичим ёниб кетаяпти... унинг ўзи мақтаниб юришига қараганда, колхознинг ҳамма аёлини бир чеккадан «қўлдан ўтказиб» чиққанга ўхшайди.

Нормурод икки ўт ўртасида қолган, бир ёқда шунча гапни била туриб, жим юриш оғир. Билганларингни айтгинг, одамлар тушига ҳам кирмаган нарсалардан хабардорлигинг билан мақтангинг келади, гапирмасанг ёрилиб ўладигандай ҳис қиласан ўзингни. Бошқа жиҳатдан эса оддий бир сўз бўлса экан, юрагингни ёриб, индамай кетаверсанг. Бунинг оқибати оғир бўлиши мумкин... Жуда оғир... Эҳтимол ҳеч гап бўлмас... Ҳар ҳолда бир оила бузилиши аниқ. Лекин хиёнат аралашган бу рўзғор яшаб кетишга ҳақими? Бевафо аёл билан бир умр қийналиб, иккиланиб, гумонлар гирдобиди яшагандан кўра, орани бирдан очик қилиб, кейин орқага қарамай, яшаган дуруст эмасми?

— Бир нарсани биламан-ку, лекин оқибати яхши бўлмайди, деб кўрқаман. Ўзимга гап тегиши мумкин.

— Нимани биласан?! — Ёдгор сергак тортиди. — Менинг оиламга тегишли гап бўлса айт, жон жўра, айт!!! Кейинги пайтларда на уйкуда ором бор ва на еган-ичганимни биламан. Кўнглимни бир тош босиб турибди, номаълумлик эзиб юборди...

— Айтаман-ку, лекин бу гап мендан чиққанини ҳеч ким билмаслиги керак, қарғишга қолиб кетишни истайман.

— Худо ҳаққи, ҳеч ким билмайди... Энам ҳаққи қасам ичаман, ҳеч кимга сен тўғрингда гапирмайман, айт!

Нормурод таъсирланди, Ёдгорга қаради, назарида унинг кўзларига гилтиллаб ёш тўлгандай бўлди ёки бу нафратмикин?!

— Майли... Биласизми, мен урушга кетишдан бурун чўлдан ўрилган галлани ташир эдим. Бир кун пешин пайти янгам билан Манноп чўлоқни кўрдим.

— Қайси янганг? — ошуфтаваш сўради Ёдгор, унинг юраги қўлга тушган бедона каби типирчиламоқда.

— Хотинингизни...

— Нима қилишяпти экан?! — Ёдгорнинг юраги кўкрагидан чиқиб кетгудай бўлди.

— Билмадим, узоқ эди, кўролмадим, ўпишаётгандай эди...

— ...

Ёдгор нима учундир индамай қолди.

Бу орада боғлоглиқ турган эшаклар типирчилай бошлади.

— Бўрилар келаяпти, чамамда. — деди бутунлай бошқа овозда Нормурод. — Хушёр бўлиб туринг.

Бу орада текислик тарафдан икки шарпа кўринди, булар итми, бўрими билиб бўлмади. Ёдгор музлаб қолганга ўхшайди — ҳиссиз тарзда бир нуқтага термилганча қимир этмай турибди. Шарпаларга назар ҳам ташламади.

— Ўзингизни қўлга олинг, нима бўлди сизга? — Нормурод секин шивирлади ва Ёдгорни туртди. — Ёки милтиқни менга беринг, булар эшакларни ёриб кетиши мумкин.

Ёдгор уни ҳайратга солиб индамади, қимирлаб ҳам қўймади.

Бу пайт шарпалар эшакларга бақамти келиб қолган эди. Энди буларнинг бўри эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, қулоқлари диккайган, ириллаши важоҳатли.

Бир пайт Ёдгор шарт ўрнидан турди-ю, қаттиқ бакирганча, бўриларга отилди. Йўл-йўлакай икки марта милтиқ бўшатди. Нормурод кўрққанида жойидан қимирлолмай қолди, оёқлари ўзига бўйсунмаётган эди. Ниҳоят бундай пайтда ҳаракатсизлик кўрқоқлик экани, бу ҳолатда чеккада туриш мард инсон иши эмаслигини англаб, боядан буён пайпаслаб турган пичоғини суғуриб, ўрнидан турди, чопишини ҳам, жойида қимирламай тураверишини ҳам билмай, бир-икки сония ўйланиб қолди. Ёдгор қўлидаги ўқи қолмаган милтиғини отиб юбориб, типирчилаётган йиртқичга ташланиб, уни пичоқлай бошлади. Нормурод қараса, иккинчиси ҳам жойидан турулмай, жон талвасасида тўлғонаяпти. Чопиб бориб, ерда ётган милтиқни олди-ю ўқлаб, тепасига бориб, туллаб, жунлари кигиздай осилиб қолган ориқ бўрининг бошига қарата ўқ узди. Бошидан ўнлаб сочма ўқ теккан йиртқич тинчиди. Ёдгор эса ҳали ҳам бошқасини илма-тешиқ қилиб ташлаганига қарамай, пичоқлаётган эди. Унинг уст-боши бутунлай қонга беланган, кўллари ой нурида ялтираб турар эди.

— Бўлди, Ёдгор ака, бўлди қилинг, ўлиб қолди.

Нормурод бояги гапни бекорга айтганини англади, бироқ энди кеч, буни кечкиброқ тушунди. Бироқ айтилган гап — отилган ўқ, уни тўғрилашнинг ҳам, орқага қайтаришнинг ҳам имкони йўқ.

— Шунақа одам бўлиб қолганман, гоҳида ўзимни туюлмайман, — деди Ёдгор улар йиртқичлар терисини шилиб, эшакка ортиб уйга қайтишаётган пайтда, бироз айбдорона оҳангда, қип-қизил қон бўлган уст-бошига қараб.

Иккаласи бояги масалада ортиқча гаплашмади.

* * *

— Вой, сизга нима қилди?! — Ёдгор ҳовлига кириб келиши билан Ризвон унга пешвоз чиқди. — Ҳамма ёғингиз қон бўлиб кетибди-ку, бирор нарса бўлдими?! Тинчликми ишқилиб?!

Ёдгор унинг нигоҳларида ифода этаётган маънони илғаб олиш учун синчиклаб қаради. Бироқ ўзи кутганидай жувоннинг юзида истехзо йўқ. Самимий ва бироз хавотирли нигоҳлари билан ўзига термилиб турган хотинини кўриб, иккиланди.

Ёдгор иккиланди: бўлиши мумкин эмас, шунчалар хокисор, мискин жувон қандай қилиб хиёнат кўчасига кириши мумкин? Балки бу одамларнинг туҳматидир... Бунинг кичкиналиги-чи; жажжигина, бир пуфласанг йиқилиб кетгудай жувон наҳотки хиёнат қилса?!

— Сени ишинг бўлмасин! — у хотинини жеркиб, йиртқичларнинг эшак устига хуржин қилиб олган терисини ерга ташлади.

— Бўрини ўлдириб келдингизми?

Ризвон эрининг ёмон кайфиятини чарчаганга йўйди ва эътибор бермади.

— Ўлдиридим... менинг йўлимга чиққан ҳар қандай ярамасни ўлдираман! — ўдағайлади Ёдгор.

Ризвон бир сесканиб олди.

— Болам, устинга нима қилди? — Матлуба хола келиб, Ёдгорнинг уст-бошига синчиклаб қаради. — Бўри бирор жойингни тиддими?!

— Йўқ... Кийимларимни ювиш керак. Уйда кийса бўладиган кийим-бош борми?

— Бор. — Матлуба хола каловланди. Унга кийимдаги қон доғларидан кўра, ўғлининг кайфияти оғирроқ таъсир қилди. Ич-ичидан нимадир рўй берганини англади. — Югур, Ризвон, уйга кириб, сандиқдан эрингнинг эски кийимларини олиб чиқ, кейин ўчоқда кул бўлса керак, шунга сувга солиб, ивитиб қўй.

Ёдгорнинг кўнгли барибир ором олмади, тинчимасди, хотинига қараса, хиёнат қилганига ишонмайди, кўзига беозор ва мискин бўлиб кўринади.

Бир кўнгил, хотинини чеккага тортиб, бор гапни бир бошдан сўрамоқчи бўлади, лекин нимадан бошлашни билмайди ва агар ростдан ҳам шу гап-сўз юз берган бўлса, хотини барибир тан олмаслигини англаб, бу фикридан қайтади. Ахир гап хотинининг ёлгончилигида ҳам эмас, унинг билишича Ризвон анча тўғри одам, лекин инсон боласи бунақа айбни қандай қилиб тан олади? Иқрор бўлган тақдирда ҳам ундан кейин нима қилади? Хотинини ҳайдаб юборадими? Ҳайдаб юборди! Бу қийин эмас, лекин орқасидан келиб чиқадиган гап-сўзлар-чи?! Одамлар уни бир умр масхаралаб юрмайдими?! Бунинг устида Манноп раис унинг учун етарлича яхшиликлар қилиб бўлди. Урушдан қайтганида қўй сўйди, бригадир қилиб тайинлади — буларни бошқалар нима деб изоҳлайди? Ёдгор хотинининг орасидан шунча иззат-хурмат кўриб юрган экан, деб масхаралайди... Маннопнинг беҳбудлик қилиб юриши ҳам бекорга эмас экан... «Қуролдош жўрам» эмиш. Мана қанақа жўра экан у.

Нега уни урушдан олиб чиқди? Ўша пайтда, индамаса, кўпчилик қатори жанг майдонида ўлган бўлар эди ва бу кунлар бошига тушмас эди.

Кечга бориб, Манноп раиснинг ўзи келди.

— Ёдгор, ҳой Ёдгор! Тирикмисан?

Бу овозни эшитган Ёдгорнинг бутун аъзо-ю баданидан чумоли ўрмалагандай бўлди, ўзини ноқулай ҳис қилди. Илгари ҳеч бундай ҳолатга тушмаган, бунақа туйғуни туймаган. «Чиқайми, чиқмайми, чиқсам агар,



олдимга солиб қувиб солайми, иззат қилиб уйга таклиф қилайми», деб ўйланди.

— Болам, тур, ташқарига чиқ, раис сени сўраб келибди, — деди Матлуба хола эшикдан бош суқиб. — Роса ухладинг, бетинг шишиб кетибди.

— Нима иши бор экан? — сўради менсимаган овоз билан Ёдгор.

— Бу нима деганинг? Жўранг бўлгандан кейин келади-да.

— Менинг унақа жўрам йўқ... — Ёдгор бироз ўйланиб, ошириб юборганини тушуниб, кўшиб қўйди. — Ҳозир чиқаман.

Ёдгор ювиниб, келаётганида оғил ёнида Манноп раис бўрининг терисини ёйиб, томоша қилаётганини кўриб, «нега бу одам берухсат бизнинг ҳовлига кириб олди?» — деган ўй билан ғазаби қайнади. Бориб, сўкиб-сўкиб, кўчага чиқариб юборишни ният қилиб, унга яқинлашди.

— Эй, мана геройнинг ўзи ҳам келди. — Манноп раис Ёдгорнинг кайфиятига эътибор бермай, унга кучоқ очиб, пeshвoз чиқди. — Бир кучоқлаб қўяй, ука. Катта иш қилибсан. Бир ҳужум билан иккита бўрини ўлдирибсан, а? Тагин биттасини отиб, иккинчисини олишиб, пичоқлаб ташлабсан, маладес! Ўзинг соғмисан ишқилиб? Эшитдим-у чопиб келавердим, ҳол-аҳволини сўрай, дедим. Одам хавотир олади-да... Эй, нима балоларни кийиб олдинг? Булар урушдан олдинги қўйлак-иштонми? Ўша урушдан олдинги қишлоқи Ёдгор бўлибсан қопсан... Сенга кўпроқ форма ярашар экан, салобатли кўрсатар эди.

Ёдгор у билан кучоқлашар экан, хиёл кўтариб кўрди. Бир оёғи тахта эмасми, енгил туюлди. Раис типирчилади.

«Мана шу чўлоқ, ногирон наҳотки менинг хотиним билан бирга бўлган? — унинг хаёлидан шундай ўй кечди. — Худди ўзимга ўхшаб бу ҳам Ризвон билан... Наҳотки мана шу соч-соқоли ўсган, устидан аллақандай қўланса ҳид келиб турган жирканч одам?.. Мана шу сассиқ инсон унинг хотинини...»

Ёдгорнинг юзига қон қуйилиб, қизарди.

«Балки барчаси бўлмаган гапдир ...»

У шу хаёлга келди. Қанча уринмасин, хотинини шу чўлоқ билан бирга бўлишини тасаввур қилолмади.

«Ҳозирча ўзимни тийиб турай, секин-аста барчасини ойдинлаштириб, кейин бирор чора кўраман».

— Нимага индамайсан? Тилингни бўри тишлаб олдимми? — Манноп раис унинг кучоғидан чиқиб, добдираб, мувозанатини сақлаб олди.

— Ким айтди?

— Қишлоқда шунақа гап-ку, сен бу ерда ғафлат босиб ётибсан.

— Ҳа, — деди маънодор қилиб Ёдгор. — Ғафлатда қолиб кетибман...

— Нормуроддан эшитдим... — Ёдгорнинг кайфияти ўз жўшқинлигини кўтармаслигини англаган раис бироз паст тушди. — Нимага қовоқ-тумшуғингни осиб олдинг? Хурсанд эмасмисан?

— Нимадан хурсанд бўлиш керак? — Ёдгор ўзини зўрга босиб, кўрс гапирди.

— Билмасам, нимадан. Бўрини ўлдирганингдандир, ахир ҳар кун, ҳар ким бунақа овни қўлга киритавермайди. — Раис Матлуба холага қараб, «тўғрими» дегандай имо қилди. — Кейин, бу бўри уруш пайтида одамларга қанча азоб берди... Эҳтимол Ғолибни ҳам шулар... Қасос дегандай.

— Қасос бошқача бўлади, — деди Ёдгор бир одим орқага тисралиб. — Ҳали кўрасиз.

— Ҳаммасини қириб ташламоқчимисан? Маладес! Одам деган шундай ишласа-да. Хавотир олма, мен бу

териларни эртагаёқ районга элтиб, сенга тегадиган улушни хатлаб бераман.

— Керак эмас.

— Хола, бунга нима бўлган ўзи? — Раис умид билан шу ерда турган Матлуба холага қаради. Сўнг Ёдгорга гапирди. — Нимага керак эмас экан, битта улоқ берса ёмонми, сут-қатиқ бўлиб туради.

— Улоқ берса сизга сўйиб едираман, — деди Ёдгор нима дейишини билмай, гап топган киши бўлиб.

— Чин сўзингми? Қўл ташла, эртага шуларни эвасига бир улоқ олиб келмаган ҳам номард. — Манноп раис қўлларини ихлос билан бир-бирига ишқалади. — Мен ҳозир бу териларни олиб кетаман... Ризвон, келиб манавиларни ураб бер...

Ёдгор бирдан ўчоқ бошида куймаланиб турган хотинига қаради. У истаб, истамай шу томонга юрди. Бир Ёдгорга, бир Маннопга қараб келди-ю, ерда ётган териларни ўрай бошлади. Ёдгор киши билмас, зимдан иккисини бирма-бир кузатди.

Ризвоннинг ранги оқарган, бир нарсадан кўрққан кишидай, қўллари сезилар-сезилмас титраётган эди.

— Ука, ичкарига кириб, чой ичиб кетасиз. — Матлуба хола ўғлининг совуққонлигидан ҳайрон бўлиб, Манноп раисга манзират қилди.

— Йўқ, хола, мен борай, шошилиб ишим бор, бориб шуни ҳал қилмасам бўлмайди... Ёдгорнинг ҳам кайфияти йўққа ўхшайди.

— Бу ҳозир уйқудан турди, шунга карахт, — ўғлини оқлади Матлуба хола.

— Шошма, ўзим боғлайман. — Ёдгор бориб, кўполлик билан хотинини туртиб юборди ва иккита терини посанги қилиб боғлади.

Бу ердагилар унинг бу ошқора кўпол қилиғини ҳазм қилолмай, бир-бирига ҳайрон қараб қўйди.

Ёдгор териларни кўтариб кўчага олиб чиқди ва раиснинг отига хуржун қилиб ортди.

— Оёқдан туртиб юбор, — деди Манноп раис соғ оёғини узангига қўйиб. — Бу ёғоч оёқни кўтариш жуда қийин-да.

Ёдгор ижирганиб, унинг ёғоч оёғини кўтариб, эгардан ўтказиб қўйди.

«Кейин... кейинроқ ҳал қиламан барчасини, — деб ўзига тасалли берди у. — Аввалига ҳаммасини аниқлайман, кейин ҳаракат қиламан. Унгача қандай йўл тутиш кераклигини ҳам аниқлаштириб олсам керак, худонинг ўзи бир йўлга бошлайди».

У Нормуроднинг олдига бормоқчи бўлди. Ўша тарафга юрди.

Нормурод ҳам юрак ютиб, уни кутиб турган эканми, қақриши билан чопиб чиқди. Уйга кириш тўғрисидаги таклифига, Ёдгор қатъий рад жавобини бериб, билагидан тутиб, чеккароққа олиб ўтди.

— Ука, ўша гапдан кейин оғир ўйда қолдим, нима қилишни билмай, бошим қотган. Хотинимга қарасам, у бунақа ишга қўл урадиган одамга ўхшамайди... — деди Ёдгор мунгли овозда.

Нормурод у қаттиқ изтироб комида қолганини англаб, каловланиб, ўзича тинчлантирмоқчи бўлди:

— Эҳтимол ҳеч гап бўлмагандир...

— Саҳарлаб «кўрдим», дединг-ку?! Балки адашгандирсан, у бошқа киши бўлгандир?

— Бўлиши мумкин, Ёдгор ака, узоқ эди, адашгандирман, кўзимга янга бўлиб кўринган бўлиши мумкин...

Ёдгорнинг кўнглида умид учқунлари пайдо бўлди.

— Балки шундайдир, танимай қолгандирман...

Ёдгор ўйланиб қолди. Кейин бирдан ҳовлиқди:

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас, сенинг кўзинг ўткир, тунов кун тоғда кўрдим. Айтишларига қараганда бобонг мерган ўтган экан, бундай одамнинг неварасини кўзи хира бўлиши мумкин эмас, сен кўргансан, ўша аёлнинг кимлигини аниқ биласан.

Нормурод нима деб жавоб қайтаришни билмай қаловланди, ўйланди, ўнғайсизланди. Ахир нима десин? Нима деса бу инсон уни тинч қўяди ва хотиржам ўз уйига кетади? «Танидим», деса ҳам, «танимадим», деса ҳам бир бало. У энди-энди шу гапнинг исини чиқариб, қаттиқ хато қилганини англади, бу ҳазил эмас ахир, инсон тақдири, ҳаётини ҳал қилиб юборадиган гап-ку... Лекин бошқа томондан, Ёдгор алданиб юришга арзийдиган йигит эмас, бунақа мард инсонлар бир маккор аёлнинг ҳийласи билан бир умр масҳара бўлиб яшамаслиги керак...

— Ёдгор ака, — деди ниҳоят ўйланиб, ўйланиб бир тўхтамга келгач. — Сиз ҳам, мен ҳам уруш кўрган, оқу-қорани таниганмиз, инсон ҳаёти ҳеч нарса эмаслигини тушунамиз, одам одамлиги учун эмас, ори, номуси учун одам эканини биламиз. Ўшанда кўрган кўзимга сизнинг хотинингиз бўлиб туюлган эди. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Буни сизга айтишимдан мақсад, сўраб-суриштириб, охирига етинг, деган эдим. Ўзга бўлса яхши, бўлмаса... бир бевафо билан яшаш-яшамасликни ўзингиз ҳал қиласиз. Тавба қилдим-ку, лекин меники шунақа чиқиб қолса, ўзим билар эдим... Бунинг устига яна бу ярамас раис бемалол сиз билан ошначилик қилиб юрибди, устингиздан кулгандай кўмаклашаяпти... Сиз орли йигитсиз, шунинг учун устингиздан бунчалар масҳара қилишларига чидолмадим... Сиз бундай муносабатга лойиқ эмассиз.

Нормурод аслида сал юмшатиб гапирмоқчи эди, бироқ нима учундир газаби қайнаб, сўзининг сўнгига оғзидан кўпик сачратиб юборди, кўзлари олайиб кетди:

— Хотинингиздан сўрасангиз бўлмайдими?

— Қизиқмисан? Бунақа нарсани ўзидан суриштириб бўладими? Албатта йўқ, дейди-да, қўлинг билан ушламагандан кейин ким бўйнига олади? Кейин... шунақа гапдан сўнг қандай қилиб яшайман у билан?! — Ёдгорнинг нафаси ичига тушиб қолган эди.

* * *

— Ризвон, биз сен билан жиддий гаплашиб олишимиз керак.

Ризвон кечаси эридан шу гапни эшитганида юраги орқага тортиб кетгандай бўлди. Ёдгор шу пайтга қадар унга бу қадар совуқ ва расмий гапирмаган.

— Нимани?!

— Мен йўқ пайтимда сен нима ишлар билан шуғулланганингни.

Улар иккаласи даҳлизда, тўшақда ётишар эди.

Бундан сал бурунроқ Ёдгор қайларгадир йўқ бўлиб кетиб, анча кеч қайтиб келган ва Матлуба холанинг овқатланиш тўғрисидаги гапига ҳам қарамай, жойга кириб ётиб олган эди.

— Эл қатори юрдим, ишладим...

— Эл қатори эмас... — Ёдгор ўйланди. Гапни қандай бошлаш кераклигини билмай, боши қотган. — Сен жалаблик қилиб юргансан. Менинг йўқлигимдан фойдаланиб, урушда ўлиб кетса керак, деб ўйлаб, бузуқчилик қилгансан.

— Вой, нималар деяпсиз?! — Ризвон ўрнидан туриб кетди. Ўтириб олганча, чалқанча ётган эрига қаради. — Эсингизни еб қўйибсиз.

— Мен сени яхши кўрар эдим, Ризвон... — деди Ёдгор негадир кўнгли бузилиб. — Лекин сен менга хиёнат қилдинг, мени алдадинг... Кутмаган эдим.

— Ким айтди бу ифлос гапларни сизга?

— Манноп чўлоқ айтди!

— Нима?! — Ризвон бирдан бўшашди. Гапини тополмай, қаловланди.

— Ҳа, нимага индамай қолдинг, нафасинг ичингга тушиб кетди?

— Нима деди?!

Ёдгор, етимликда ўсиб-улғайган инсон оламлардан кўп жабр кўрди, дакки эшитди. Онасидан бошқа бировдан меҳр кўрмади. Бу қишлоқда бегона, ёт инсон бўлиб яшади. Ўзини ҳеч кимга керак эмасдай ҳис қилиб юрди. Ниҳоят, ўйланиб, хотинига боғланиб қолган эди. Нафақат чиройлилиги учун, балки ўзига қараб қолгани, меҳрига муҳтожлиги учун ҳам у хогинини яхши кўрар, еру-кўкка ишонмас эди. Меҳр кўрмай ўсган бу йигит, ўзгаларга меҳр кўрсатишни яхши кўрар эди. Бировга яхшилик қилаётгандагина ўзини тўлақонли эркак ва бахтли инсон ҳис қиларди. Айнан шу хислати туфайли ҳам Маннопнинг оёғини снаряд узиб кетганида елкасига олиб, ён-верига қарамай тиббий қисмга кўтариб борган.

У ҳар доим хотинига кераклиги, усиз Ризвоннинг аҳволи оғир кечишини ўйлаб, шунга ишониб яшади. Эҳтимол урушдан омон қайтиши сабаби ҳам шундандир, ахир ҳар кун минг марталаб худодан тирик қолишни сўрар, усиз завжаси бошига оғир кунлар тушишини, кун кўролмаслигини айтиб, илтижолар қилар эди.

Мана, энди ўша, ўзисиз ўлиб қолиши мумкин, деб ўйлагани — хотинига умуман керак бўлмаганини билиб турибди.

— Нима дерди, — Ёдгор бирдан совиди. — Сени ёзининг иссиқ бир кунда, пешин пайтида қандай қилиб ... айтиб берди.

— Унақа гапирманг!..

— Нима демай?! У шундай айтган бўлса, мен қандай гапиришим керак.

Ўзининг гапидан Ёдгор газаби қайнаб, ўрнидан туриб, Ризвоннинг ёқасидан олди ва бир-икки силкилади, юзига тарсаки тортиб юборди. Хотини кигиз устига юзубан кулади. Жаҳл устида биқинига тўрт-беш телди.

Ёдгор кутганидай Ризвон бақириб, қишлоқни бошига кўтариб дод солмади, жимгина, пиқиллаб йиғлади.

— Эй, менга қара! Бу ерда йиғи-сигини бас қил! — Ёдгор ўтирган ҳолича шашт билан Ризвонни елкасидан кўтариб, ўзига қаратди. — Менга жавоб бер, нима учун шу ишга қўл урдинг? Мени ўлиб кетади, деб ўйлабидинг?

— Ундай ўй ҳаёлимга келгани йўқ. — Пиқиллади Ризвон.

— Нимага бундай қилдинг бўлмаса?!

Чин кўнгилдан ҳали ҳам Ризвон «бунақа иш бўлгани йўқ», деб қолишини истаётган эди. Охир оқибатда ҳаммаси Нормурод айтганидай бўлиб чиқишини истамайди. Ўзгаришлар, кўнимсизликлардан чарчаган ва энди тинчгина, яримта нон еб бўлса ҳам оилам билан бирга яшайман, умргузаронлик қиламан деган ҳаёлда эди. Уруш, жанжал, кўнимсизлик ва доимий кураш жонига тегиб бўлган. Бироқ, ҳаёт ўз билганидан қолмас экан, чамаси, ҳеч ким унинг ҳаёли, орзу-ўйлари билан ҳисоблашмоқчи эмас.

— У ўшанда мени зўрлаган эди!!! — Ризвон шу гапларни айтиб, юзини ёстиққа босиб, хўнграб йиғлади. — Кучим етмади, зўрлик қилди, додимни ҳеч кимга



айтолмадим... Бақирдим, ҳеч ким ёрдамга келмади... Мен нима ҳам қилишим мумкин эди? Бир ожиза аёл бўлсам...

Ёдгор каловланди, бунақа бўлиб чиқиши мумкинлигини ўйламаган экан.

— Бекорларни айтибсан, ўзинг бир нарса демаган бўлсанг, нимага у айнан сенга ёпишади?

— Билмасам, — Ризвон йиғлаб гапирди, овози мискин эди. — Уйга келиб, кир-чирни чайиб қайтаётган эдим. Йўлда учратиб, ёпишиб кетди.

Ёдгор ўйланди, нима дейишини билмай боши гангиди. Секин-аста ҳовуридан тушиб хотинининг гапларига ишона бошлади. Инсон ўзи шунақа — нимани эшитишни истаса ўшани эшитади, нимага ишонгиси келса ўшанга ишонади.

— Сен мени алдаяпсан! — деди у ўтирган ерида бошини чангаллаб, нимадир гапириши керак бўлгани учун ҳам. Бироқ энди унинг овози бояғидай важоҳатли эмас. — Ёлгон гапираяпсан, сен ярамас.

— Ўлай агар, худо урсин шундай бўлди. Мени шу чўлоққа тенг, деб ўйлаяпсизми?

Ёдгор жимиб кетди, оғир ўйга чўмди.

— Наҳотки ҳеч ким ёрдамга келмаган бўлса? — сўради ниҳоят у. Бу Ризвонга бутунлай ишонганини аңлатар эди.

— Ҳеч ким йўқ эди. Чўлда, адирлар орасида ҳеч ким йўқ эди.

Ёдгор ўйланди. Нормурод ёдига тушиб, ундан хафа бўлди: нимага у «эй, қўйинглар, қайтинглар», қилмади экан?

— Раиснинг бир ўзи эдими? — сўради Ёдгор.

— Бир ўзи... — Ризвон бунинг эри учун нима аҳамияти борлигини ва нимани аңлатишини тушунмади.

— Майли, — Ёдгор ўринга чўзилди. — Лекин мен барибир сени кечирмайман. Эрталаб барчасини бир ёқли қиламиз.

— Илтимо сиздан, гап-сўзни кўпайтирманг, менинг номимга яхши эмас, ўзингизга ҳам дуруст эмас бу, келинг бирга яшаб кетайлик, ҳаммаси ўтиб, унут бўлиб кетди-ку...

— Номмақулни ебсан! — Ёдгор хотинига раҳми келаётган бўлишига қарамай, ўдағайлади. — Мен ит теккан ошга қарамайман. Сен энди мен учун ҳаромсан, ҳаром!

Ёдгор қанчалар бирга яшашни истамасин, энди хотини билан ажрашиш лозимлигини аңглаб, оғир қайғуга чўмди.

Эрталаб туриб, ҳеч кимга қарамай, чой ҳам ичмасдан тўғри раиснинг уйига борди, нияти — агар у шу ерда бўлса, пичоқлаб ташлаш эди. Назарича, аёллар ожизлигидан фойдаланиб, уларни хўрлаган инсоннинг бу ҳаётда яшашга ҳақи йўқ.

Бахтга қарши Манноп раис уйда йўқ, Ургутга қақришган экан, каллаи саҳарлаб жўнаб кетибди.

Пешинга қадар Ёдгор на қилган иши, на борган жойи, на гапирган гапи ва на ўйлаган ўйини билмади, хаёли жойида эмас. Кўнгли безовта, ана-мана ҳаётини тубдан ўзгартириб юборадиган воқеа рўй бериши керакдай, интиқлик билан, кўрқув билан ўтказди орадаги вақтни.

У Ризвон айбдор эмаслигига узил-кесил ишониб қолган ва унга нисбатан бирор чорани кейин, Манноп раис билан орани очиқ қилиб олгандан сўнг кўрмоқчи бўлди. Ҳозир хотинига нисбатан бирор қарор қабул қилишга ожиз, тўғрироғи буни истамаётган эди. Назаридан шунча хўрлик чеккан бу жувонни яна хўрламаслик керак.

Пешинга қадар у ёққа, бу ёққа бориб юрган, нима қилишини билмай, кўнглига қил сиғмаган Ёдгорнинг

хаёлига тўсатдан ўзи ҳам ҳайратда қолдириб бир фикр келди: урушдан қайтмаган йигитлар рўйхатини тўзса-чи. Қани нечта одам ўлиб кетибди бу одамхўр урушда?

Токчадан бригадирлик ҳужжатлари орасидан бир парча сарғайган қоғоз олиб, перони сиёҳдонга ботириб, олдинига жадвал чизиб олди, сўнг ёзди.

У қоғозга қараб, толиққан кўлини силкилаб, бир хулосага келди: ахир бу оддийгина рўйхат-ку. Оддий рўйхат! Сиёҳ ва қоғоздан иборат, тушуниб бўлмайдиган, маъни-моҳияти бўлмаган нарса.

Ёдгор анча пайтгача ўз ижодига термилиб ўтирди ва секин-асталик билан шу қора ҳарфлар ортида инсонлар, уларнинг аччиқ тақдири, серташвиш, серғалва ҳаёти ётганини аңглаб борди, юраги билан ҳис қилди. Буларнинг барчаси қачонлардир шу қишлоқ кўчаларини чангитиб юрган, улар ҳеч қачон тушларига ҳам кирмаган узоқ Россия ўрмонларида, хаёлларида етиб боролмайдиган Европа далаларида, отинида айтишга тиллари келмайдиган шаҳар-қишлоқларда ўлиб кетишни ўйларига ҳам келтирмаган.

«Қанча йигит бекорга ўлиб кетди — я... Бекордан бекорга... Агар шунча мол қирилганда ҳам чидаш мушкул эди, кишининг хаёли қочар эди, булар, ахир одам эди-ку...».

Шу ўй билан Ёдгорнинг бошига оғриқ кирди.

Шундай экан, бир аҳмоқ раисни жонидан маҳрум қилиш учун нимага бунча иккиланаяпти?

Ёдгор қоғозга қараб, нима учундир кўнгли тўлиб келди, кўзига гилтиллаб ёш қуйилди. Барибир бу йигитларга ачинди... Ахир уларсиз ҳам ҳаёт давом этаяпти-да, демак бекорга ўлиб кетишгандир... Ўзларисиз қолганларга қийин бўлишини ўйлаб, кўнгиллари яримта бўлиб ўлиб кетди бечора йигитлар...

— Уйда нима қилиб ўтирибсан, болам?

Матлуба хола хавотир билан холага кирди.

Ёдгор каловланди, кўзи ёшланиб турганини сездирмаслик учун бошини кўтармади.

— Мана, урушда вафот этганларнинг рўйхатини тузиб ўтирибман...

— Раис буюрдими?

— Йўқ, ўзим. Бекорга номлари йўқолиб кетмасин, деб ёзиб қўйдим. Тезда ҳаммининг ёдидан чиқиб кетади. Ўзи ҳозир ҳам ёлчитиб эслайдиганлар кам.

— Тириклар яшашни керак, болам, — деди Матлуба хола ўглининг кўнглини кўтариб, насиҳат қилмоқчи бўлиб. — Ўттанлар учун кўп қуйилиш шарт эмас.

— Ёлмадим...

Матлуба хола ўғлига қараб, нимадандир қаттиқ таъсирлангани, кўнгли бўшаб ўтирганини сезди ва ортиқча гап қилмай, ташқарига чиқиб кетди. Ёдгор эса бир парча қоғозга армон ва ўкинч билан термилиб қолаверди.

Пешин пайти кўча тарафдан Манноп раиснинг баланд овози эшитилганда у чўчиб тушди. «Ана, ўша кўндан кутилган вақт келди. Энди нима дейди?!»

Ёдгор хавотир билан ташқарига чиқди. Раис тупроқ кўча ўртасида тиржайиб от устида турар эди.

— Эй, мерган, мана сенинг улушингни олиб келдим, — деди хурсанд бўлиб. — Райондагилар бўрилар учун битта улоқча бериб юборди. Агар яна отсанг, яна мукофот бор экан... Ие, сенга нима бўлди, отаси ўлгандай, хўмрайиб олдинг? Кечадан буён ҳали қовоғинг очилмадими?

Ёдгор Манноп раисга термилиб, нима дейишини билмай қийналди. У ишонувчан инсон. Мана, раисга қараб, беғубор кулгисини илғаб, яна иккиланди. Шундай, бир оёғи йўқ одам, ногирон киши хотинини

зўглаши мумкинми? Итариб юборса, йиқилиб тушиб, жойидан туролмайди-ку бу.

Раис қараб туриб, Ёдгорнинг кайфияти ёмонлиги, ўзи ҳам унга отасини эслатиб тўғри иш қилмаганини англади ва гапини тўғриламоқчи бўлди:

— Энди мен бир айтдим қўйдим-да... Сенга Ургутдан улоқ бериб юборишди, тушириб олмайсанми?

— Нимага? — Ёдгор бироз қараб туриб, ўзига келди. Манноп раис эгари олдига бир улоқни ўнгариб олганига кўзи тушди.

— Ие, эсинг жойида эмасми дейман. Ҳозиргина ҳўкизнинг қулоғига тамбур чертдимми? Тушириб оласанми ёки олиб кетаверайми?

— Бунда Нормуроднинг ҳам ҳаққи бор, — деди Ёдгор.

— Буни ўзларинг ҳал қилинглар, — раиснинг жаҳли чиқди. — Мен қатта бошимни кичик қилиб, шундан шаққа жонлиқ олиб келсам-у, сен ноз қилсанг.

Ёдгор иккиланди. «Бу ҳам хотинимга қилган зўравонлиги учун порамикин», деган ўйга борди. Газаби қайнади, бироқ ўзини босди. Ҳозир бу тўғрида гап очиш мавриди эмас, деган тўхтамак келди, аниқроғи бир амаллаб ўзини шунга ишонтирди. У очиқ-ойдин гаплашиб оладиган вақт келишидан чўчиаяпти. Индамай бориб, эчкини тушириб олди.

— Ҳа, тилингни ютиб юборганмисан нима бало? Ёки талқон еб чиқдингми? — Манноп Ёдгорнинг камгаплигидан ҳайрон бўлди. Илгари бошқача эди.

— Бошим оғрияпти, — деди у зўрға ва улоқни ерга қўйди. — Бу эчкини нима қиламиз? Нормуроднинг ҳам ҳаққи бўлса...

— Ўзларинг биласанлар.

— Шунга сўйиб, бир худойи қилиб юборсак нима дейсиз? — Ёдгор улоқни олиб қолишини ҳам, қайтариб юборишни ҳам билмай боши қотди.

— Ихтиёринг.

— Бўлмаса шу бугун кечга таниш-билишларни олиб, бизниқига келинг, бир ўтириш қиламиз, — деди Ёдгор, бир фикр ўйлаб.

— Майли. — Манноп от бошини буриб, қайтмоқчи бўлди. Уни Ёдгорнинг кайфияти ҳайратлангирган ва бу ерда ортиқча қолиш бир кўнгилхиралиқни бошлаб келишини англаган эди. — Ўйлайманки, унгача сенинг бош оғригинг ҳам қолади.

— Бошоғриқни ўшанда ҳал қиламиз, — деди Ёдгор маънодор қилиб. Бироқ раис бу гапга эътибор бермади.

— Буни ким олиб келди? — сўради Ризвон чолиб чиқиб, эрининг қўлидан улоқ арқонини олар экан.

— Ўйнашинг бериб кетди, — деди Ёдгор қўпол қилиб ва арқонни отиб юбориб, айвон томонга юрди.

— Ким экан? — сўради у ерда куймаланиб юрган Матлуба хола.

— Манноп чўлоқ, кечаги бўрилар учун битта эчки олиб келибди.

— Вой, барака топсин. Шунақа яхши одамлар ҳам бор-да, бу дунёда, болам.

— Бор экан, эна, бор экан... — деди Ёдгор. — Шунга сўйиб, бир халққа худойи қилиб берсак деган эдим, шунга нима дейсиз, эна?

— Шартмикан, болам?

— Шарт! Бунда Нормуроднинг ҳам ҳаққи бор. Ҳар ҳолда ёнимда эди. Бундан ташқари, шунча ўлимга чап бериб келдим, қон чиқармасак бўлмас. Урушда «агар тирик борсам, етти азиз-авлиёга атаб бир жонлиқ сўяман», деб қўйган эдим.

— Майли, сўйсанг сўя қол... Ўйигитники — йўлда, сенга аталгани яна бордир.

Шундан кечки зиёфатга тайёргарлик бошланди. Қўшиникидан каттароқ қозон олиб чиқишди. Ёдгор Нормуродни чақириб чиқди.

— Раис кечаги бўрилар учун Ургутдан бир эчки олиб келибди, шунга ташлаб кетди. Олдингдан ўтгани келган эдим, иккига бўлиб бўлмаса, биттамит олсак, иккинчимиз хафа бўламиз, шунинг учун сўйиб, худойи қиламаймизми? — деди унга.

— Ўзингизга олиб қолаверинг, менинг алоқам йўқ-ку. — Нормурод самимий эди.

— Йўқ, мен раисга ўхшаб ҳамроҳларга хиёнат қиладиган одам эмасман. Бирга бордик, демак иккаламитники. Хоҳласанг уйингга бериб юбораман.

— Майли, худойи қиламиз.

— Маладес, ўзинг тушунган йигитсан-да, сенинг шундай дейишингни билиб, раисга ҳам айтиб юборган эдим. Энди, бизнинг уйга бориб, шу эчкини сўйиб берасан. Энанг билан, момойни ҳам ол...

Нормурод уни бошқача кайфиятда кўриб, ҳайрон бўлди. Ҳар ҳолда Ёдгор очилиб қолган, юзида ҳам илгариги ўй ва ташвиш нуқси йўқ. Масала счимини топган кишидай руҳан енгил.

Нормуроднинг назарида шу кунларда Ёдгор орномус масаласида нимадир қилиши керак эди. Аксига олгандай у ҳеч қандай чора кўрмай, худойи қилиб ўтирибди.

— Мен эчки сўйишни билмайман, — деди Нормурод.

— Юраверсанг-чи, мен ҳам билмайман. Иккалалашиб, бошини олиб, терисини шилсак бўлди-да.

Нормурод ичкарига кириб, онаси ва катэнасига Ёдгорниқига ўтишни тайинлаб, у билан эргашиб чиқди.

Қора улоқни унчалар семиз деб бўлмайди. Ҳар ҳолда бир зиёфатга етадиган гўшт чиқди. Бироқ иккалалашиб сўйиб, терисини шилганча анча уринишди. Жонлиқни саранжом қилишгач Ёдгор тўрт-беш қарияни айтиб келиш учун кетди, Нормурод эса гўштни майдалаб, ёғларини айириб, овқатга ҳозирлик кўрди. Бу пайтда Матлуба хола анча-мунча шолғом арчиб, тайёр қилиб қўйган эди. Шўрва қилинадиган бўлди.

Урушда бу каби масалаларни ҳал этиш осон эди. У ерда ҳеч қачон тепкинни босиш-босмаслик тўғрисида ўйлаб ўтирилмайди. Инсон ҳаётини ҳал қилиш оддий ва енгил эди. Бу ерда, тинчлик ҳолатида эса қатта муаммога айланди. Чуқурроқ ўйлаб кўриладиган бўлса, шунча иккиланадиган масала ҳам эмас. Бир марта тепки босилса бас, барча ташвиш, ўй-у хавотирлар барҳам топади...

Куёш фарба оққан сари кўнгли безовталанмоқда. Боя, Манноп келганида тўсатдан ҳаёлига урилган ва узил-кесил режалаштириб, ҳал қилган қароридан энди вақт ўтган сари шубҳаланиб борааяпти.

«Нимага бунча ўйланаман, — деб қийналди кўндаланг уйда милтиқни ўзи тайёрлаган, ичига анчагина кўрғошин зўлдирчалар солинган ўқ билан ўқлай туриб. — Урушда қанча одамни ўлдирдим, отдим, ҳеч нарса бўлгани йўқ, ҳеч нима ўзгармади, осмон узилиб тушмади. Уларнинг арвоҳлари келиб, кечалари безовта қилаёгани йўқ. Инсон ҳаёти жиддий аҳамият касб этмайди-ку?! Юзлаб, минглаб одамлар бир жангда ўлиб кетар эди, ҳеч бунчалар оғир ўй ва қайғу гирдобиди қолмас эдим, ҳаёт ўз йўригида кетаверар, ҳеч қандай ортиқча ваҳима ҳам, ташвиш ҳам бўлмас эди. Тириклар ўз ҳаётини давом эттираверар эди. Энди битта мана шу ногиронни ўлдириш шунчалар қийин бўлиб қолдимми?»



Яримта одамни ўлдириш... Урушда тупроққа қоришган минглаб, миллионлаб инсонлардан бунинг нимаси ортиқ? Бу ҳам шуларга ўхшаган бир банда, йўқ бўлиб кетгани билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ўлими ҳам худди тириклиги каби улкан ҳаёт олдида аҳамиятсиз».

У ташқарига чиқса, Нормурод кўллари қон, савол назари билан қараяпти:

— Жигарчаларини, чарвига кўшиб, озроқ қотган нон билан қозонга ташлаб олсам нима дейсиз? Янги жигарнинг қовурдоғи зўр бўлади-да.

— Бўпти, билганингни қилавер...

Нормуродга қарай туриб, Ёдгорнинг ўй-хаёлини бошқа фикрлар чулғади.

«Унда уруш эди, инсон тақдири олдиндан ҳал бўлган, у ҳолатни ҳозиргиси билан тенглаштириш, солиштириш мумкинми? Унда мен ўлдирмасам, ўзимни отишарди. Урушда ўлдириш қахрамонлик эди, давлат буни олқишлайди, қўлаб-қувватлайди. Ҳозир бу қотилликни ким маъқуллайди? Маннопнинг болалари-чи? Агар омон қолсам, уларнинг кўзига қандай қарайман? Урушда фақат бегоналарни, душманларни, умуман жонимга хавф солиши мумкин бўлган инсонларни ўлдирдим... Манноп менга бегонами? У менга душманми? Хотинингнинг номусини топтаган инсон сенга ким бўлади? Дўстми?! Яқинингми?! Унда ўлдирмасам, ўзимни отишарди, бунда тирик қолдирсам, орим, номусим, шаъним оёқости бўлади. Қай бирини танлаш лозим?»

Ёдгор тубсиз хаёллар, жавобсиз саволлар гирдобиди қолди. Бу ҳолат урушда юзага келмаганига афсус қилди. Унда ҳеч иккиланиб ўтирмасди. Бунча ташвиш ҳам йўқ эди.

Қозон бошига борди, Нормурод ёғоч товоқнинг тубгинасига жо бўлган бурдаланган жигар ва буйрақларни қозонга ағдармоқда эди.

— Улоқ кичикроқ экан, кам бўлади, — деди у имкон қадар овозига қувноқлик кайфиятини бағишлаб, ахир улоқ сўйиб, худойи қилгандан кейин шод-у хуррамлик бўлиши керак-ку. — Шундай бўлса ҳам бир ирими-да, буям... Қотган нон кўшамиз, кўпайиб қолади... Нимага кайфиятингиз йўқ?

— Шунча гапдан кейин, кайфиятга бало борми?

— Тўғриси айтинг, ният нима ўзи? — бирдан хавотир билан сўради Нормурод.

— Худойи қилиш. — Ёдгор совуқ кулди.

— Яхши... — Нормурод ўз ишида давом этди. — Лекин битта — яримтангнинг жонига қасд қилиш лозим эмас.

— Мен сен ўйлаган одам эмасман... — Ёдгор бурилиб, кетмоқчи бўлди ва секин, Нормуродга алоқаси йўқдай минғирлаб гапирди. — Урушда қишлоғимиздан қирқдан ортиқ одам ўлиб кетди, ҳаёт ёш, беайб болаларни ҳам аяб ўтирмади... Бўлди, етар энди шунча жабр-у ситам.

«Хор-у зорликда яшадим, шунча қийинчиликларни кечдим, — деб ўйлади беихтиёр милтиқ турган хонага қараб кетиб бораётган Ёдгор. — Не бир дўстларим кун кўрмай ўлиб кетди... Биз у ёқда жон олиб, жон бериб, қишлоқнинг ҳар бир итини-да муқаддас санаб, ёдга олиб, йиғлаб, антикиб, яна қайтиб кўрармиканмиз, деб хаёл қилиб юганимизда бу ифлос, бу ярамас, бизнинг хотинларни йўлдан урган! Бу тақдирнинг нима ноҳақлиги, ҳаётнинг қандай номардлиги?! Қанча-қанча йигитлар ўз хотинини манавиндай ярамаслар йўлдан уриши ва кейин мақтаниб юриши учун бегона юртларда ўлиб кетдим? Мен тирик бўла туриб уларнинг қасосини олмасам пок руҳлари олдида нима деган одам бўламан? Эҳтимол айнан шу сабаб — келиб бошқалар ҳаққи қасос олиш учун тирик қолгандирман?»

«Шу ишни қилсам, мени отишади, ўлдиришади!»

Ёдгорнинг борган сари аниқ бир тўхтамга, хулосага келиши қийинлашаяпти. Иккиланмоқда, икки ўт ўртасида азоб чекаяпти.

«Ўлдиришлари аниқ!»

Шунча жанг-у жадалдан саломат чиққан, энди қадрдон ватанига, қишлоғига қайтиб келганидан сўнг, кўнглига сиққанича, орқа-олдига қарамай, тўлиб-тошиб, тўлқинланиб, ҳапқириб яшаши керак бўлган бир пайтда яна ўлим билан юзма-юз келиб турибди. Шунча орзу қилгани, интилгани, талпингани — тинчлик, осуда ҳаёт унга нима учундир ўлимни рўбарў қилаяпти. Бутун ўтмишга қўл силтаб, барчасини унутиб, бахтли яшамайман деганда, яна икки йўл бошланишига келиб қолди, пешонаси нега бунчалар шўр экан унинг?

«Ўлдираман!»

Ёдгор яна шу тўхтамга келди.

«Кейин нима бўлса бўлаверсин... Менинг отам номусли киши бўлган, мен шу инсон фарзандиман, унинг қонлари томиримда оқаяпти. Кимдир бунақа аҳмоқларнинг жазосини бериши лозим, акс ҳолда дунё тескари бўлиб кетади. Ҳаёт, тириклик мана шунақа ўзига ишонган, манман ва ифлос кишиларгагина кулиб боқиши керак эмас, кимдир буларнинг ҳам танобини тортиб қўйиши лозим, мен индамасам, бошқаси жим юрса, булар қутириб кетади.»

Ташқарига чиққанида, Нормурод қозоннинг қорайган қопқоғини ёпиб, шу ерда жонсарақ айланиб юрган эди.

— Қайда юрибсиз, қовурма тайёр бўлиб қолди, боядан бери излаб тополмайман, — деди у тиржайиб. Бироқ асабийлашаётган сезилиб турибди.

Ёдгор унга қараб, бу йигитга ҳам оғир бўлаётганини англади. Бу совуқлик юзага келишига ўзини бош айбдор деб ҳисоблаяпти.

— Кўп куюнаверма, — деди унга Ёдгор. — Ҳаммаси жойида бўлади... Ўзи нимадан хавотирланаяпсан?

— Ҳеч нарсадан... Қовурмани сузаверайми?

— Суз, энамнинг олдига олиб бор. Бир маза қилиб овқатланилик.

Матлуба хола айвонда куймаланиб юрган эди.

Ёдгорнинг ўзи олдин-олдин юриб, Матлуба холанинг қўлидан олиб, меҳмон кутилмоқчи бўлинаётган хонага олиб кирди.

— Шу ерда бир овқатланиб оламиз, эна, — деди Ёдгор.

— Эй, болам, меҳмонга деб ҳозиргина эпақага келтирдик, айвонда ўтирақолайлик.

— Эна, меҳмон сиздан азиз эмас, шуни билиб қўйинг... — Ёдгор ўзини хотиржам тутишга уринаётган эди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмаяпти. — Мен учун дунёда сиздан азиз инсон йўқ.

Уларнинг орқасидан ёғоч товоқда иссиқ ҳили чиқиб турган қовурмани кўтариб, Нормурод кириб келди ва узун қилиб солинган дастурхоннинг бир четига қўйди.

— Олинг, эна, — деди Ёдгор меҳрибонлик билан. — Анчадан бери бунақа ширин овқат емаган бўлсангиз керак.

— Қайда, болам, қорин тўйса байрам қилиб юрибмиз-ку.

Матлуба хола ўғлининг бу тарзда меҳрибонлигидан ҳайрон.

— Нормурод, ука, агар хизмат бўлса ҳам янганг ёпган нондан битта олиб ке, овқат билан кўшиб еймиз, — деди Ёдгор ўтиришини ҳам, туришини ҳам билмай, довдираётган Нормуродга. — Кейин чой ҳам қўйсин.

— Ўзиниям қақир, — деди Матлуба хола чиқиб кетаётган Нормуроднинг орқасидан.

— Ўзи кейин ейди, — деди Ёдгор рад этиб.

Ёдгор Матлуба холага меҳрибон эди. Ёгда ширин пишган жигарларни олдига ташлайди, «олинг, олинг» деб қўстайди.

— Ўзинг нимага емаяпсан? — сўради овқат орасида Матлуба хола.

— Еяппан... Ҳозир меҳмонлар келади, ўшалар билан қўшилиб шўрва ичаман, — деди Ёдгор ва бу гапини иштаҳа билан овқат еётган Нормурод нотўғри тушунишини англаб, гапини бошқа мазмунда давом эттирди. — Қолаверса иштаҳам йўқ, Нима учундир тўйиб қолдим. Гўштнинг кўплигиданми, билмайман.

Овқат тугар-туғамас, Нормурод чала-чулпа омин қилиб ўрнидан турди:

— Мен қозоннинг оловига қарайман, — деди у эшикдан чиқиб кетар экан.

— Ўтирсанг — чи, шўрва бўлса, бир амаллаб пишириб олармиз, — унинг орқасидан гапирди Ёдгор.

Нормурод ўчоққа қараб кетди, бора туриб, тандирдан нон юлаётган Ризвонга зимдан қараб, раҳми келди, кўзига хокисор, ишнинг остида эзилган бегуноҳ, жабрдийда аёл бўлиб кўринди.

— Эна, нима бўлса ҳам ўзингизни авайланг, — деди Ёдгор улар ёлғиз қолишгач. — Келинингизга унча ишонаверманг...

— Нимага ишонмас эканман?! Ризвон яхши аёл, бир келин шунчалик бўлар-да, болам. Бироз кўрслиги бор-ку, майли-да, бу замонда мулоийм одам қоптими. — Матлуба хола фарзандининг томдан тараща тушгандек гапига ҳайрон бўлди.

— Балки кейин биларсиз... Ҳар ҳолда улар сизни ёлғизлатиб қўймасинлар, дейман-да.

— Кимлар?

— Билмадим, Ризвоннинг қариндошлари, ота-энаси бўлса керак.

— Нима деяпсан? Сен бор-ку болам... Кейинги пайтларда ҳар хил гапларни гапираяпсанми?

— Шунақа бўлиб қолди. Бироз чарчадим шекилли ёки урушнинг таъсирими... Лекин кейинроқ, қачонлигини ўзингиз биласиз, Ризвон отасиникига кетиши керак.

— Нимага кетади? — Матлуба хола бутунлай ҳайрон бўлди. — Урушдиларингми?

— Йўқ, нимаси билан уришаман? Шунчаки айтапман-да, ҳар эҳтимолга қарши.

— Ҳали сенга айтмаган эдимми? Унинг бўйида бор-ку!

— Йўғ-э?! Ҳим-м!

Ёдгор ҳайратга тушди.

— Яхши, — деди ниҳоят. — Авлодни давом эттиради. Агар менга ўхшаган бўлса, ўзингиз тарбиялайсиз.

— Бу нима деганинг? Албатта сенга ўхшайди-да. Ўзим сени боққандай боқиб, ювиб, тараб катта қиламан.

— Ризвонга ишонманг уни.

— Биринчиси эмас-ку, у ҳам биллиб қолган бола боқишни.

— Барибир. Буни кейинроқ тушунасиз-ку, ишқилиб, менга ўхшаса Ризвонга берманг-да.

— Тушунмадим, сен худди бир ёққа кетаётгандай гапираяпсанми?

— Мен қайга бораман энди, эна? Шу ердан.

— Бўлмаса турайлик, ховли-жойга қарайлик ҳадемай меҳмонлар келиб қолади. — Матлуба хола ўрнидан турди.

— Овқатни охиригача емадингиз-ку?

— Буни келинга олиб бораман. Унинг ҳам оғзи тегсин.

— Келинингизни яхши кўрасиз, а, эна?

— Бироз кўполлиги бўлсаям, оғир кунларда бир-биримизга суянчиқ бўлганмиз, нимага яхши кўрмай.

— Эна! — деди Ёдгор баланд овозда. Нимадир муҳим гапини айтмоқчи бўлгани сезилди. Бироқ нимадандир уялдим, шубҳаландими, фикридан қайтиб, жимиб қолди.

— Бирор гапинг бормиди? — Матлуба хола ўглининг ўзини тутишидан ҳайрон бўлди.

— Ўзим, шунчаки... — Ёдгор ҳозир онасининг елкасига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси, ҳасратлашгиси келди. Аммо энди у бола эмас, бунинг вақти ўтган. — Сизга ҳеч кўнгилдагидай қаролмадим-да.

— Қизиқмисан, нега қаролмайсан? Унақа дема.

— Қандайдир, яхшилиқ қилолмапман-да.

— Яна қанақа яхшилиқ? Урушдан қайтганинг мен учун катта гап.

— Ҳар ҳолда-да...

Матлуба хола нима гаплигини тушунмай, ҳайрон-ҳайрон бўлиб, товоқни кўтариб, чиқиб кетди.

Ёдгор яна даҳшатли ўйлари билан ёлғиз қолди. У ҳозир имкон қадар онаси билан кўпроқ гаплашгиси, унга кўнглини қийнаётган дардларни тўкиб солгиси келди, бироқ кўрқди, ҳадди сизмади. Онаси ўз кўнгличанлиги билан, шармандали қарор қабул қилишга мажбурлаши мумкин, кейин бу инсонга бўлган гапни қандай айтади, қандай тили боради?

Кўёш гарбга оғиб қолганда меҳмонлар кўринди.

Орадан кўп ўтмай, Манноп раис ҳам ташриф бурди. Унга Ёдгорнинг ўзи пешвоз чиқди ва қариялар ўтирган уйга бошлади. Унинг учун айвонга қараган дераза остига қалин кўрпачалардан жой ҳозирлаб қўйилган эди, шунга ўтказди.

Ниҳоят, кўёш ботиб, шафақ қизариб бораётганда шўрва сузилди. Барча овқат билан банд бўлган пайтда, Ёдгор милтиқ турган хонага кириб, уни олиб чиқди ва ўчоқ бошга бориб, жимгина кута бошлади. Унинг оёқ-қўли қалтираб кетаяпти, юраги сиқилаяпти. Ҳозир ҳаётида энг катта воқеа содир бўлаётгандай. У нима учун бунчалар кўрқаётгани, чўчиётганини ўзи ҳам тушунмайди, ахир шу пайтга қадар, одам ўлдиришга тўғри келиб қолган пайтларда ҳеч қачон шундай ҳаяжонланмаган, иккиланмаган. Ҳаммасига қишлоқ шароити ҳалақит бераётган бўлса керак. У ўзга юртларга жанг қилиш ва одам ўлдириш учун борган, шунинг учун бу осон эди, лекин ҳеч қачон киши қишлоғида, болаликдан ўраб турган муҳитда ҳам одам ўлдириш мумкин, деган ўй хаёлига келмаган. Унинг назарича бу муҳитда фақат кўни-қўшниллар, таниш-билишлар билан борди-келди қилиш, ўзгаларга меҳрибончилик кўрсатиш, оғир кунларида имдод бериш, ноқулайликка тушиб қолганда улардан меҳр кутиш, нари борса бир-икки оғиз айтишиш мумкин.

— Ёдгор ака, келмайсизми? Овқат совиб қолди, — эшикдан туриб бақирди Нормурод. Уй эгасининг хаёли бузуқ эканидан қисман хабардор бўлгани учунми, барчадан кўра у кўпроқ хавотирланаёпти. — Меҳмонлар сўрапти.

— Ҳозир бораман. Бу ерда озроқ иш чиқиб қолди, — деди Ёдгор. Бир кўнгил милтиқни кўтариб бормоқчи эди, бироқ одамларнинг овқатига ҳалақит бергиси келмади. У бечораларнинг айби нима? Улар очик кўнгил билан, яхши ниятда келган.

Ёдгор милтиқни ўчоқ бошида қолдириб, уйга кирди. Унинг учун пойгакда, дастурхон устига бир коса овқат қўйилган экан, келиб ўтирди. Иштаҳаси йўқ, у кўрқаяпти, ҳаяжонланаёпти. «Балки шу нарса керак эмасдир» — деб ўзини бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилаёпти. Айни пайтда у мулақоқ бир бирита қарам-қарши бўлган икки кишига айланиб қолганга ўхшайди.



Бўшаган косаларни олиш мақсадида Ёдгор ўрнидан турди.

— Ўзим олиб чиқаман. Сиз ўтираверинг, — деди Нормурод. У ҳали овқатини тугатиб улгурмаган эди.

— Еявер, ўзим!

Ёдгор косаларни олиб, ташқарига чиқди. «Бўлди, вақти етиб келди. Бундан ортиқ иккиланиш, ўйланиш мумкин эмас. Бу муаммони янада оғирлаштиради, холос!» У шу хулосага келди.

У милтиқни олиб, қайтиб келганида чоллар ўз ҳолича, урушдан қайтган ёшлар ўзича бўлиб, икки даврага бўлиниб олиб, гаплашиб ўтирган эди. Бу пайтда гира-шира қоронғи тушган эди. У деразадан — тўғри Манноп раиснинг орқасидан келди. Раис ёшларни оғзига қаратиб, ниманидир ҳикоя қилаётган экан.

— Райком бова менинг номимни Москвага бериб юборибди, орден беришмоқчи, — деди у мақтаниб. — Ишқилиб яқинда катта тўй қиламиз, қўй сўямиз, барчани чақираман. Урушда ололмаган орденни шу ерда олсак олибмиз-да. Ўзиям кўнгилда армон бўлиб турган эди.

— Оғайнилар, бовалар, акалар! — деди Ёдгор орага чўккан озроқ сукутдан фойдаланиб, дераза раҳига ўнг тиззасини қўйиб. — Мен сизларни бу ерга чақиримдан асосий мақсад, бир нарсани айтиб қўймоқчи эдим.

Унинг овози совуқ чиқди ва бирдан барчанинг эътиборини ўзига тортди.

— Тинчликми, яна нима бўлди?! — сўради Аҳмат бова.

— Тинчлик... Биз бу ерда бир ярамас, хотинбозни суд қилгани йиғилганмиз.

Ёдгорнинг шу гапидан кейин, Манноп раис кўзлари олайиб, бошини буриб, тепасида турган йигитга қаради.

— Қўрқиб кетдингми, раис?! — деди Ёдгор ўша оҳангда. — Ожиза аёлларни хўрлаётганингда қўрқмагансан, тўғрими? Унда ўзингни шер билгансан.

Ёдгор милтиқни кўтариб, раиснинг юзига тўғрилади.

— Мен ҳеч кимни зўрлаганим йўқ, — деди Манноп раис ранги оқариб, ўзини орқага олишга ҳаракат қилиб. — Яхшилар, бунга айтишлар, ахир!

— Наҳотки ҳеч кимни? Ёлгон гапирма, ярамас! Шу оғзинг билан тунов куни колхознинг барча чиройли аёлларини «қўлдан ўтказдим», демаганмидинг.

— Ўзи рози бўлган... — Манноп раис гап ким тўғрисида кетаётганини тушунди.

— Ҳай, ҳай, Ёдгор, эсингни йиғ, нима қилаяпсан, милтиқингни ол нараққа, ўқланган бўлса, отилиб кетади. — Аҳмат бованигина гапиришга тоби бор эди, холос. Қолганлар тўсатдан юзага келган бу ҳолатдан гангиди. — Дастурхон олдида нима қилаяпсан?

— Бу дастурхон нималигини билмайди, нонингизни еб, дастурхонингизга оёғини артиб кетадиган одам бу... Мен буни ўлдираман... Бир пайтлар ўзим ўлимдан олиб қолган эдим, катта хато қилган эканман, энди ўша хатоимни тўғрилайман... Бунақа ифлосга қишлоғимизда жой бўлиши мумкин эмас.

— Менинг айбим йўқ, нимага бундай қиласан?

Ҳозиргина бутун даврани оғзига қаратиб турган, ўзини барчадан юқори ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган инсон қилиб кўрсатаётган Манноп бутунлай саросимага тушиб қолди. У ўрнидан туриб, қочишни ҳам режалаштираётган эди-ку, бироқ битта оёқ билан ўрнидан туришнинг имконини қилолмади.

— Сен барибир ўлишинг керак!

Ёдгор бошини у ёқ-бу ёққа буриб, милтиқнинг қоп-қора, совуқ нилидан ўзини олиб қочишга уринаётган

Манноп раиснинг юзига ўқ узди. Атрофни кулоқни батанг қилувчи варанглаган овоз тутди, хонада ўтирганларнинг кулоғи битди. Сочма ўқлар зарбидан Манноп раис учиб, дастурхон устига йиқилди ва типирчилай бошлади. Унинг юзи қип-қизил қон ва гўшга айланган эди, ҳатто бир кўзи косасидан ҳам чиқиб кетди. Хона порохнинг ачқимтир дудига тўлди.

— Милтиқни ташла, бизни отиб қўясан! — Аҳмат бова ётиволиб, юзини кўрпача билан бекитганча тинмасдан бақира бошлади.

Қолган чоллар ҳам довдираб, деворга сиқилиб олган.

Нормурод шошиб ўрнидан турди ва хонадан чиқиб, Ёдгорнинг орқасидан келиб, кўзлари қонга тўлган, газабдан қўллари қалтираётган Ёдгордан милтиқни олмоқчи бўлди. Бироқ маҳкам сиқиб олганича, уни бергиси келмаяпти. Нормурод бўлиб ўтган воқеада катта айби борлигини ҳис қилгани учун саросимада эди.

— Бўлди, қўйиб юборинг, Ёдгор ака! — деди Нормурод ўзини босиқ тутишга уриниб. — Сиз ўз вазифангизни бажариб бўлдингиз.

— Тўғри қилдим. Шундайми? — сўради Ёдгор ва милтиқни қўйиб юборди.

— Тўғри! — деди Нормурод. — Марднинг ишини қилдингиз. Энди юринг, Матлуба холанинг олдига борайлик.

У Ёдгорнинг елкасидан ушлаб, ўқ овозидан саросимага тушиб, айвонга чопиб чиққан аёллар ёнига етаклади.

— Нима бўлди, болам? Милтиқ отилиб кетдими? Ўзингга ҳеч нарс қилмадими?

Матлуба хола югуриб келиб, ўғлини кучоқлаб олди. Фурсатдан фойдаланган Нормурод Ризвоннинг ёнига ўтди ва секингина шипшиди:

— Тез отангизнинг уйига кетинг!

Гап нимадалигини тахминан тушунган Ризвон индамай ҳовли тўрига югуриб кетди.

— Эна, катэна, сизлар ҳам кетингизлар! — Нормурод ўзига синчиклаб назар ташлаётган Бону момо ва Малоҳатга буюрди.

— Эна, мен бир хотинбозни ўлдирдим! — деди Ёдгор Матлуба холани кучиб, худди ёш боладек хўнграб йиғлар экан. У ўз ҳолатини умуман тушунмаяпти. Шу пайтгача урушда одам ўлдиравериб, бунга қўниқанман деб ўйлар эди.

* * *

Ёдгорни қамаб қўйишларидан сўнг, икки кун ўтиб туман партия қўмитасининг котиби ёнига судя Шаймановни чақиртирди.

Судя кириб келганида райком котиби газабнок эди.

— Эшитдингизми, гултепалик биттаси, энасини..., Сталин колхозининг раисини отиб ташлабди? Мен бу аҳмоқ болани билар эдим... Биринчи кўрган кунимоқ бу ярамаснинг башараси ёқмаган. Ўшандаёқ чорасини кўриш лозим эди. Биз эса яна кўнгилчанлик қилдик.

— Қилиғи ёмон экан уни. — Шайманов котибининг гапини маъқуллади.

— Ёмон ҳам гапми... — Котиб бирор дағалроқ сўз излаб, тополмади. — Айтишга тил бормайди.

— Шундай одамнинг шунча йил колхозга раислик қилганини айтаман. — Шайманов секин-аста гапини давом эттирди.

— Қанақа одамнинг? — Котиб тушунмади. — Сиз кимни айтаяпсиз ўзи?

— Колхознинг раисини-да... Хотинбозлигини айтаман... Қотиллик ҳам шунинг орқасидан бўлибди-ку ахир.

Шайманов котиб Ёдгорни таниши мумкинлигини ҳаёлига келтирмаган, шунинг учун у Манноп раис тўғрисида гапирётган бўлса керак, деб ўйлаган, боя сўкинганида ҳам негадир раиснинг энасини эслаяпти, деб ҳаёл қилган эди. Ўз фикри бошқача бўлгани учун, котибнинг ниятини тўғри англаб ололмаган экан.

— Қанақа хотинбозлик, қанақа раис? — Котибнинг жаҳли чиқди. — У энаситалақни айтаётганим йўқ. Эсингиз жойидами ўзи? Шу гапни яна икки жойда айтсангиз бутун партия, ҳукуматни мағзавага чаглаб қўясиз-ку. Мен анави, раисни отиб ташлаган бригадир қисталақни айтаяпман.

— Ҳа, уми? — Шайманов ўнғайсизланди. — Унинг иши билан ҳозирча сал юзакироқ танишиб чиққан эдим. — Ҳўш?

— Маиший жиноят. — Шайманов гапни қандай қилиб тўғрилашни билмай каловланди.

— Қанақа маиший? Давлатнинг одамани отиб ташлабди-ку. Бунинг устига уруш ногиронини. Умуман, ногиронлиги ҳам гўрга, менга деса ўлиб кетмайдими, лекин биз бу одамни яқинда орденга тавсия қилган эдик, ҳужжатлар Москвага кетган. Яқин ўртада қарор чиқиб қолиши мумкин. Манави гаплар катталарнинг қулоғига етиб борса, нима деган одам бўламиз? Қарордан кейин шу гап чиққанда ҳам майли эди, ҳаммаси ими-жимиди ўтиб кетар эди. Ҳозир эса сира иложи йўқ. Бир томонда орден бериб турсагу, иккинчи ёқдан хотинбозга чиқарсак. Бунинг учун бир менинггина каллам кетмайди... Тушундирганим, нима бўлишидан қатъий назар баччагар Манноп раисни оқлаб олишимиз керак... — Райком котиби газабланиб, оғзидан кўпик сачратиб гапирди. У ноқулай бир ҳолатга тушиб қолган эди.

— Раис ҳам уруш пайтида кўпларнинг хотинини зўрлаган чамамда, эрига мақтангани-чи. Шундан жаҳл устида отиб қўйган...

— Олдин нима бўлгани билан менинг ишим йўқ. Хотини бузуқ бўлса, раисда нима айб? Хуллас, чақирганим, ўша одам отувга ҳукм қилиниши керак... Нима бўлса ҳам, Маннопни оқлаш лозим, бу унинг ўзи учун эмас, орқада қолганлар учун керак. Партиянинг, ҳукуматнинг номи, шаъни қартага тикилган.

— Бунинг иложи йўқ, райком бова, кўп фактлар раисга қарши. — Шайманов тушунтироқчи бўлди. У бир одамнинг хунига қолиб кетишни истамади.

— Ҳа, қотилга ён босиб қолдингиз?! Унинг қанчалар шафқатсиз эканини кўрдингизми ўзи? Ўйлаб ҳам ўтирмай, шартга бетидан отиб ташлабди-я ярамас. Одам деганлари ҳам шунчалар шафқатсиз бўладими? Бундайларни отиб ташламаса бўлмайди. Улар учун одамнинг нархи бир пул. Ўйлаб ўтирмай, сўраб, суриштирмай отиб ташлаверди. Яна кимларнингдир бошига етмасоқдан бурун, отиш керак. Тушундингизми? Ёки қишлоқдошларингиз учун раҳмингиз келаяптими?

— Иккаласи ҳам мен учун бир хил, иккаласи ҳам қўшни қишлоқдан. Бу ерда гап бошқа масалада.

— Нимада?

— Адолатда.

— Сиз қанақа одамсиз ўзи? — Райком котиби тутақиб кетди. — Қанақа адолат? У ярамас бизнинг энг илгор раисимизни итдай отиб ташлаган, яна қанақа адолат ҳақида гапираяпсиз ўзи? Ҳаддан ортиқ меҳрибон бўлиб кетмаяпсизми? Унда ҳам шу қишлоқлик биттаси қайнонасини пичоқлаб ўлдирганида, бор-йўғи ўн йилга ҳукм қилдингиз. Майли деб индамадим. Энди манавиндай шов-шув бўлган ишни ҳам расво қилмоқчи бўлаяпсиз.

— Мен қонундан чеккага чиқолмайман.

— Қонунда раисларни ваҳшийларча отиб ташлайвериш керак деб ёзилганми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нимага мужмалланасиз?

— Инсон ҳаётини бундай енгил ҳал қилиб бўлмайди.

— У шундай раисни ҳеч иккиланмай отиб ташлайверса майлими?

— Жиноятчилардан фарқли равишда биз ҳаммасини ўрганишимиз керак.

— Сиз кейинги пайтларда кўп маҳмадоналик қилаяпсиз. — Райком котибининг жаҳли чиқди. — Асли наслингизга тортасиз-да, а? Отангиз бир пайтлар қози ўтган. Ҳатто совет даврида ҳам қозилигини бас қилмаган экан.

— Ўша пайтларда совет ҳукуматининг сиёсати шу бўлган. Йигирма саккизинчи йилгача совет суди билан шариат суди параллел ишлаган. Ҳар иккаласи ҳам советларга бўйсунган. Бунда отамнинг ҳеч бир гуноҳи йўқ.

Райком котиби бақрайиб Шаймановга термилди.

— Тилингиз узайиб кетибдими, Шайманов?

— Узр, райком бова, бор гапни айтдим-да.

— Бўпти, бораверинг. Мен эса бу қисталақни отувга ҳукм қилишмагунча қўймайман. Чунки бир марта у билан гаплашганман ва қанақа одам эканини яхши биламан. Облаstdан судья чақиртираман...

Шайманов чиқиб кетди.

Шайманов райком котиби олдида суҳбатда бўлиб қайтганидан сўнг, орадан ўн кун ўтиб тонг саҳарлаб қишлоқдаги уйига оқ ёпинчиқ ёпинган бир жувон ташриф буюрди. Бу Ёдгорнинг онаси — Матлуба хола эди.

— Мен бир иш билан келган эдим... Сиз ҳукуматнинг одами экансиз... Одамлардан сўрасам, сизга юборишди, сиз ҳал қилар экансиз бунақа ишларни... — жувон чайналди. — Мен гултепалик мулланинг аёли бўламан... У киши, анча бўлди, қазо қилганлар.

— Биаламан, биаламан! — Шайманов додирлади. Нима дейиш кераклигини ўйлаётган эди. — Эшитган эдим, босмачилар даврида кимдир отиб кетган экан... Ўғлингизни қамаб қўйишганидан хабарим бор.

— Шу боламга ёрдам беринг, ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Келиним қорнида уч ойлик ҳомиласи билан отасининг уйига кетиб қолди. Ёлғиз ўзим ҳайҳотдай ҳовлида моховдай яшаяпман... Аҳволимни тушининг, илтимос. Битта-ю битта умидим, ишонганим ўғлимни олиб қўймангизлар... Менинг ҳеч нарсам йўқ, лекин умримнинг охиригача дуои жонингизни қиламан, керак бўлса қулингиз бўлиб хизматингизда бўламан, фақат ўғлимга ёрдам беринг!

Шайманов қаршисида титраб-қақшаб, энг сўнгги умид сифатида унинг оstonасига келиб турган бу жувонга нима деб жавоб қайтаришни билмади. Аниқ ўлимга маҳкум инсоннинг онасига қандай гаплар билан тасалли бериш мумкин, уни нима билан тинчлантирса бўлади? Шайманов лол.

— Иш қўлимда эмас. Мени бундан четлатишган, — деди ниҳоят кўзларини яшириб.

— Сиз шу томонларда, раҳбарларнинг орасида аралашиб юрибсиз-ку, гаплашиб беринг. Бир бечора бева аёлни тушунайлик, уям бу дунёга не умидлар билан келган, болам деб яшаб юрибди, десангиз бўлмайдими?

— Майли... кўраман, лекин бир иш чиқиши қийин. Облаstdан келиб суд қиладиган бўлаяпти. Улар менга қулоқ осмайди.



— Бўлмаса, шу бола менинг укам бўлади, денг, мендан қайтмаса, худодан қайтар, — илтижо қилди Матлуба хола. — Мен катталардан сиздан бошқа ҳеч ким билан гаплашганим йўқ, ҳеч кимни танимайман. Билганлар сизга учрашишни айтди. Бир пайтлар Насимани ҳам суд қилган экансиз... Ўғлимни ундан кўпроққа қамаб юборишмасин.

Шайманов ҳайрон бўлди. Бу жувон фарзандини тирик қолдиришни сўраб келган бўлса керак деб ўйлаган эди, маълум бўлаяптики, у ҳали ўғлини ўлимга ҳукм қилишлари мумкинлигини хаёлига ҳам келтираётгани йўқ.

— Сизга бир маслаҳатим, боринг, катталарга кириб, ёлғиз эканингизни тушунтириб, бўлмаса оқибати ёмон бўлади, кечикиб қолишингиз мумкин... Мен эса бу борада бирор нарса дейишим мушкул. Лекин мен билан учрашганингизни ҳеч кимга айтманг, оқибати ёмон бўлади.

Матлуба хола бу хонадондан умидсиз чиқиб кетди. Уни бир нарса қийнади — наҳотки унинг ҳам тақдирини қайнонасиникига ўхшаш тарзда кечади? Наҳотки у ҳам бир умр фарзанд доғида ўтади? Наҳотки у ҳам ёлғиз яшашга маҳкум.

Дилда хавотир ва ҳадик билан кутилган кун!

Ёдгорни оёқ-қўлини боғлаб, эски машинага ортишди ва ғуриллаб йўлга чиқдилар. Ёдгор ўзини отиш учун олиб кетишаётганини сизди. Қайтиб бу ерларга келмаслиги, мана шу ёруғ оламни бир умрга тарк этаётганини англаб, хўрлиги келди. Ҳаёт кўзига гоёт ғўзал кўринди. Тўсатдан бор овоз билан бақирди:

— Алвидо, биродарлар! Алвидо!!!

Соқчилардан бири ўтирган жойида милтиғи кўндоғи билан ўдағайлаб, пешонасига урмоқчи бўлган эди, комиссия таркибига киритилган ва отувга раҳбарлик қилиши лозим бўлган судья Шайманов «қўявер» дегандай елкасидан туртди.

Соқчи тинчлангач:

— Майли, бақириб олсин, кўнгли энгил тортади. Бу бечорага кейин шу имконият ҳам бўлмайди, — деди секин. — Мен билан сен эса ҳали кўп додлаймиз.

Бу гапни Ёдгор эшитмади, машинанинг овози баланд эди. У очлик билан ён-атрофга термилиб кетмоқда. Ахир, сўнги марта!

Машина Уругтдан Гултепага олиб борадиган йўлга бурилганда Ёдгорнинг кўнглида умид учкунлари пайдо бўлди: наҳотки уни қишлоғига олиб боришса, оиласи билан учраштиришса?! Қишлоқдошлари кўз ўнгида отишармикан ёки?!

У отувга ҳукм қилинган кишилар қай тарзда ўлдирилишини билмайди. Уруш пайтларида, фашистларни ўнг келган жойда отиб кетишаверар эди, бироқ унда — уруш барча нарсалар ўзгача ўлчанар, мезонлар бошқа, қоидалар ўзига хос эди. Тинч ҳаётда, одамлар учун ўлим энг катта фожа ҳисобланган ҳолатда тирик кишини қандай отишади?!

Машина у кутмаганда йўлдан чиқиб, тоққа бурилди. Ёдгорнинг чилласи бўлгани учун бу адирларда ҳозир ҳеч ким йўқ. Ўт-ўланлар сарғайиб, подалар бир-неча бор топтаб ўтган, чанги чиқиб ётибди. Соғ суви қуриб қолган.

Ёдгор ўгирилиб ён-атрофга кўз югуртирди — сарғайган гиёҳлар, устида бўз боланинг хусунбузарлари каби кўнглаб тошлар думалаб ётган адирлар ўз улуғворлиги билан кўнглига ваҳима солди. Адирлардан кейин тикка қир бошланади, тоғ устида қорлар аллақачон эриган, болалигидан буён биладикки, бу тоғлар

бошида қор ёз ўртасигача туради. Бу йил эртарақ эриб битибди...

Ёдгорнинг қўрқувдан оқарган, рангсиз юзи асабийлашганидан титраётганини Шайманов ҳам пайқайди. Улар тўқ зангори тусли, ҳаммаёғини чанг, лой босган юк машинасида, тахтасининг пайрачалари чиқиб қолган бортда кетиб боришар эди. Ёдгор орқа томонда, машина бортига суянган, қўллари орқага танғиб боғланганидан ўтириш ўнғайсиз бўлиб, ёнбошлаб олган, тез-тез қимирлаб кўяди. Оёқлари ҳам каноп арқон билан чандиб ташланганидан, қони увишиб ўнғайсизланмоқда. Машина тошлар, ўйдим-чуқурлар оралаб кетиб бормаяптими, силкиб ташлаяпти. Шайманов олд тарафдаги тахта ўриндиқ чеккасига қисилибгина ўтирибди. Бу ерда ундан ташқари яна тўртта қўриқчи, Ёдгорга ўқрайганча, у ҳар қимирлаганда, сергакланиб, милтиғини ниқтаб кўяди. Улардан ташқари бортнинг нариги чеккасида вилоятдан келган яна бир амалдорбашара киши ҳам бор. У ўлимни қайд қилиши лозим бўлган дўхтир.

— Сен урушда бўлгансан-ку, — деди Шайманов бақириб, машина мотори гувиллаши, борт шарақлаши овозини босиб кетишидан чўчиб. — Ўлим билан минг марталаб юзма-юз келгансан, бунга кўниккан бўлишинг керак эди.

Ёдгор ҳиссиз нигоҳларини машина бортида, шамолда у ёқ-бу ёққа учиб юрган, ташқарига чиқиб кетолмаётган бир дона сарғайган баргга қадади.

— Ажалга минг бора дуч келгани билан одам бир марта ўлади... — у қуруқшаган лабларини ялади. — Шундан бошқа иложи йўқми?

Шаймановнинг унинг ҳали ҳаётдан, яшашдан умиди борлиги лол қолдириди. «Бу яна нимага умид қилаяпти?» — деб ўзига ўзи савол берди ва жавоб тополмади. Ахир ўлимга маҳкум қилинди, мана, кабинада жаллод аёл, тўппончасини ўқлаяпти, ўзини тоғнинг остига овлоқ жойга олиб кетишаяпти, шундай бир ҳолатда яна қанақа ўзгача йўл тўғрисида ўйлаш мумкин? Ахир энди бу улкан ўлим машинаси ишга тушганки, тўхтатишнинг иложи йўқ ва бу ҳеч кимга керак эмас.

Шайманов, Ёдгорга қараб, бу йигитнинг ўз ҳаётини анча юқори баҳолаётганидан ҳайрон бўлди. Ҳар ҳолда, уруш кўрган одам... Бу йигит билмайдикки, унинг ҳаёти ва ўлими бошқалар учун сариқ чақалик ҳам эмас. Раҳбарларнинг оддий инжиқлиги учун ўлиб кетаверади у, лекин ўзи бунини тушунмайди, англамайди, ўйлайдики, ўлими одамларни, раҳбарларни ларзага солиши керак ва шундай машинани ишга туширганларидан сўнг ўзларига келиб, уни ўлим домидан олиб қолишлари мумкин. Бироқ минглаб марта ажал билан рўбарў келган бу йигит инсон ҳаёти айрим ҳолларда энг арзон нарса бўлиб қолишини наҳотки билмаса? Ҳа, бу йигит оддий бир тўрачиликнинг қурбони бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ёдгор атрофга боқиб, кўнгли бироз таскин топгандай бўлди, ахир одам умри нима деган гап? Унғача ҳам мана шу адирларда, далаларда қанчадан-қанча инсонлар ўлиб кетган, мана шу лош каби чўзилиб ётган, гундек сассиз, садосиз қирлар минглаб, юз минглаб йиллар давомида не бир ажалларга гувоҳ бўлган. Булар миллионлаб йиллар давомида шу ердан қимирламайди, сонсиз-саноқсиз воқеа, ҳодисаларни кўради, гувоҳи бўлади. Бироқ талқон ютган каби кўрган кечирганларини ҳеч кимга айтиб бермайди, лом-мим демайди. Ёдгорнинг ўзи урушнинг орқасидан қайларга бормади, неларни кўрмади, бироқ мана шу гунг тоғлар ўлимига гувоҳ бўлсин учун соғ-омон юртига қайтиб келди.

— Танамни одамга қайтаришадими? — сўради

Ёдгор Шаймановдан соқчилар машинадан тушиб, бортни очаётган пайтда. — Айтинг, қайтаришин! Ахир бутунлай бегона эмасмиз-ку! Одамга ўхшаб кўмишин.

Ёдгор ҳозир, ўзи кўтариб юрган мана шу тана жонсиз жасада айланишини ҳис қилиб, кўрқиб кетди. Ҳозир манави — ўзи билан келганларнинг барчаси ўз оёқлари билан орқасига қайтади, кечки пайт оилалари даврасида жам бўлади. У эса шу ерларда қолади... Шу яқин атрофга чуқур қазиб, кўмиб ташлашади. Тош ва тупроққа аралашиб кетади унинг шу азиз танаси.

«Оғрир эканми? — деб ўйлади у. — Қандай ўлар эканман? Қанчалар азоб чекар эканман?» У ўқ тегиши нима эканини билади, чексиз азоб... Бироқ ҳали ўлиб кўргани йўқ. Бу қанчалар оғриқли ва азобли, ҳали билмайди. Шундан кўрқди.

Унинг бадани титради, оёқлари қалтиради.

Бу пайтда соқчилар бортни очиб, уңи кўтариб тушириш учун иккитаси телага чиқаётган эди.

Шайманов машинадан сакраб тушди.

— Айтинг, Шайманов бова, — деди йиқилиб кетмаслик учун, мувозанатини сақлаш мақсадида сакраб-сакраб турган Ёдгор. — Оёғимни ечиб кўйишин. Увишди.

Шу сўзларини айтиб у ерга гуп этиб йиқилди.

Шаймановнинг илтимосига кўра соқчилардан бири унинг оёғини ечиб юборди. У оёқларини уқалади-ю тўсатдан ўтирган жойида «дол», деб бақира бошлади.

— Ўзингни бос, Ёдгор! — дакки берди унга Шайманов. — Сен уруш кўрган одамсан, нимага бунча қалтирайсан? Бир бошда бир ўлим, ука! Уни мард бўлиб қарши олиш керак. Йигит киши бунақа бўлмайди.

Ёдгор гапга эътибор бермади. Унинг ўз дарди ўзи билан.

— Ўлгим келмаяпти, ака, ўлгим келмаяпти, нима қилай?! Яшагим келаяпти!!! Мен ҳам бошқаларга ўхшаб яшасам дейман!!! Энамнинг мискин кўзларига қараб ўтирсам дейман! Бечора энамнинг сўнгги кунларигача оддида бўлсам дейман... Мен ҳам одамларга ўхшаб, ўз уйимда ўлгим келаяпти...

— Бу бир сенинг бошингга тушгани йўқ! — Шайманов унга тасалли бермоқчи бўлди. — Урушда қанча одам кафансиз, мозорсиз кетди.

— Ҳозир уруш эмас-ку, уруш тугаган. Мен шунча жаҳаннамдан итдай ўлиб кетиш учун қайтиб келган эдимми?! Ўша ёқда қолиб кетсам бўлмасмиди ундан кўра?! Кўпга келган тўй деб, армонсиз кетар эдим.

— Аммо сен қасос олдинг. Буям катта гап! — Шайманов кўнгли бузилиб, закийликни ҳам йўқотди. — Сен юртга мана шу ишни қилиш учун соғ-омон қайтгансан. Худо сени шу иш учун асраб, жанглардан безарар олиб чиққан. Энди ўз вазифангни бажардинг...

Ёдгор «ялт» этиб унга қаради, нигоҳларига маъни ингандай эди.

— Уйга бориб, менинг оиламга саломимни етказинг. Энамга... Ризвонга ҳам рози-ризолигимни айтинг! Нима бўлса ҳам улардан розиман... Ризвондан ҳам... Ҳар ҳолда у ўз номини ҳимоя қилиши керак эди... У ҳали шу одамлар орасида яшаши лозим... Агар ўғил туғиладиган бўлса, исмини Турди, деб қўйишин... Яна битта Ёдгор керак эмас. Бир кишига ўлими олдидадан ваъда берган эдим. Вафо қилмасам яхши бўлмас. Ахир у одам билан тезда учрашамиз-ку... Ё, худо! Илгариги ўғлимни ҳам кўролмаган эдим, бунисини эркалаш ҳам насиб этмаяпти... Тақдирда ёзилгани шу экан...

Шайманов тушундики, бу хотинидан норози эмас, уни ҳақиқатан ҳам ҳўрланган ҳисоблайди.

Бу пайтда Самарқанддан келган мерган жувон чемоданини очиб, узун тўппончасини чиқариб, ўқлаб

бўлди. Судяга имо қилиб, четта ўтишни тушунтирди. Ёдгор бунни кўриб турган эди, бирдан бақирганча кун ботар ёққа қараб чопди. У узоқ-узоқларга, текисликлар ва унда-бунда ям-яшил дарахтлар орасида кўриниб турган қишлоқларга, кишининг кўнглидай адоқсиз текисликлар томонга учиб кетаётгандай эди гўё. Гултепа шу томонда. Ёдгорнинг дахшатли қичқирғи бутун дарани тутди. Мерган жувон тўппончасини чўлаб, ўқ узди. Ўқ Ёдгорнинг чап елкасига тегди. Бироқ у тошларга тўқишиб, суртиниб югуришда давом этди. Жувон унинг орқасидан тўрт-беш қадам чопиб, яна ўқ узди. Бу сафар у белига тегди. Ёдгор тўхтамади, ўқнинг зарбидан мункиб, овознинг борича бақириб, қочиб борар эди. Орқасига бурилиб қарамади, тўхташни хаёлига келтиргани йўқ. Жувон чўккалаб кетмакет ўқ заверди. Бирор ўқ хато кетмади. Барчаси Ёдгорнинг баданига қадалиб, уст-боши қип-қизил қонга беланди. Шунга қарамай, у тўхташни бас қилмади, сўнгги имкони қолганча югурди ва ниҳоят юз одимдан нарироққача чопиб бориб, юзтубан йиқилди. Бу пайтда жувон ўқ узини бас қилган эди.

— Шунча ваҳима қилмай, осонроқ тугатса бўлмасмиди? — қонни кўриб, юраги безовта бўлган Шайманов мерганга дакки берди.

— Ассийси натижа, — деди мерган совуққонлик билан. — Қочганда қайга боради? Лекин бунақасини ҳали кўрмаган эдим. Кўплари мени кўриб, оёғи ўзига бўйсунмай, тахта бўлиб, кўрқувдан юраги ёрилиб ўлар эди.

— Бу мард инсон эди, — деди Шайманов ва орқасига қайтиб, машинанинг соясига ўтирди. — Урушда бўлган, кўп балоларни кўрган, шунча ажалга чап берган йигит, келиб-келиб бизнинг қўлимизда ўлим топди. Афсус! Фашистлар қўлида ўлиб кетса ҳам бўлар экан. Ҳаммага яхши эди...

— Далолатнома тузмайсизми? — сўради мерган.

— Ўзларинг ёзаверинглар, қўл қўйиб бераман. Қайфиятим йўқ.

— Бўшанг одам экансиз, — кулди жувон. — Яна судялик қилиб юрибсиз. Сиз билан менинг ишимда бунақа кўнгилчанлик кетмайди, ўзимизга зарар.

— Мен бир кекса одамман, урушга борганим йўқ. Қонга тоқат қилолмайман. — Шайманов учун айна ҳолатда бу жувон ўзи тўғрисида қандай фикрга бориши аҳамиятсиз эди.

Ўғлини қамоққа олишганларидан сўнг Матлуба хола қишлоқда деярли яққаланиб қолди. Аслида аввалдан ҳам бу қишлоқ кишилари билан унча қўшилишиб кетгани йўқ. Шу ўғли деб, ягона фарзанди — Ёдгорни деб юрган эди бу юртда. Энди ундан ҳам айрилай деб турибди. Манноп раиснинг қариндош-уруғлари қишлоқда катта обрў-эътиборга эга эмасми, одамлар ҳеч кими йўқ Матлуба холани яққалата бошлади. Келини ҳам ўша кун кетиб қолганича, қайтиб келмади. Бу ҳам майли, судда ўзини меровлиққа солиб, нима гап-сўз бўлиб ўтганини билмаслигини айтиб, туриб олди. Қишлоқ аҳли Манноп раис ўлганидан сўнг ўшанда, чўлда бўлиб ўтан воқеадан озми-кўпми, хабар топди. Бироқ ҳамма ҳам бунга ишонавермади. Хўжа тўпнинг гапига қараганда, барчаси бутунлай бошқача бўлган, Ёдгор қолхозга раис бўлиш мақсадида Маннопни отган. Раззоқ ака ўзича хулоса чиқариб, онласи даврасида «оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин», деб юрди-ку, лекин катта давраларда ҳеч кимга бир нарса демади. У, ўз ташвиши бошидан орғиб ётган инсон, имкон қадар бу машамаларга аралашмади, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирмади.



Нормурод барчадан кўра кўпроқ ҳақиқатни билгани ҳолда, нафасини чиқармай юрди. У ўшанда — Ёдгорга бор гапни айтмаганида тақдирлар бошқа йўлдан бориши, ҳеч нарса бўлмай, барча осуда умр кечириб кетишини ўйлаб, тилини тишлаб юриш ҳам ақллилик белгиси эканини англади ва бундан кейин бир оғиз ортиқча гап қилмади. Бахтига Ёдгор, қасам ичган эмасми, унинг номини ҳеч қаерда тилга олмади. Шунинг учун уни судга чақиришмади. Бу бир тарафдан Нормуродни қувонтирган бўлса, иккинчи томондан анча виждон азобига қўйди. Чунки яна бир айби билан — бу сафар жим юргани учун иккинчи одам ўлим билан юзма юз келган эди. У аввалига бу билан қанчалар оғир гуноҳ қилаётганини тушунмаган ва ҳаёл қилган эдики, ўзи ўлдирди, ўзи йўлини топсин. Назарида, тергов идоралари ҳам воқеанинг миридан-сиригача қовлаштириб ўтирмагандай, уларни юзаки кўриниб турган ҳақиқат қониқтирар эди, чамаси. Шу сабабли ортиқча гувоҳлар қидирилмади, Ризвондан бор гапни билиб олишга ҳаракат қилишмади. Тергов кимнинг ким билан бўлгани ўзларининг шахсий иши, деган хулосага борган эди, чамаси. Нормурод буларни суд тамом бўлганидан сўнг эшитди. Унча бу қадар жиддийлашиб кетиши мумкинлигини ҳаёл қилгани йўқ. Нар и борса йигирма йил қамалиб чиқади, деган ўйда эди.

Суд бир кунда бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этганлардан ҳукми эшитган Нормурод ўзини қўярга жой тополмади. Айби билан яна бир инсон қурбон бўлди. Ўшанда, Манноп ўлдирилган кечаси, Ризвонни отасининг уйига жўнатиб юбормаганида бунчаликка бормаслигини ўйлаб, хуноб бўлади. Юраги қонга тўлади. Бироқ илож и йўқ. Нормурод, машъум воқеанинг гайрихиттиёрий гувоҳи, айби билан содир этилган бу воқеалардан кўп йиллар давомида ўзини оқловчи жиҳатларни қидирди. Гоҳ топди, гоҳ тополмади.

Шаҳарда эрталаб ишга, ўқишга, бозорга шошаётган одамлар каби йиллар бир-бирини қувиб ўтиб кетади ва уруш даврида тортилган азоблар, чекилган изтироблар даҳшатли туш каби элас-элас эслана бошланади, шундай оғир даврлар бўлиб ўтгани кўпларнинг ёдидан ҳам кўтарилари. Қанчалар оғир бўлмасин, ўтган умр ширин хотиралар билан хотирланмайдими, одамлар энтикиб-энтикиб ёдга олади ўша кунларни. Уларнинг ўзи, кўзи тўйиб боради. Уруш ва қийинчилик романтикаси оммавий тусга киради. Оталар ва боболарнинг эртақдай ҳикоя қилиб бераётган уруш ва даҳшатлар тўғрисидаги қизиқарли хотираларидан таъсирланиб, ўша ҳикоялар романтикасига берилган ва тинчлик, тўқчилик зерикшидан иборат, деб ҳисоблайдиган авлодлар етишиб келади. Ўша пайтда юзга келган ва давр тақозо қилган, очлик, жоҳиллик натижасида ўрнашиб олган кўплаб одатлар унут бўлиб кетмайди. Улар бора-бора қадриятга айланади.

Ёдгор эса...

Ёдгорнинг отилгани тўғрисидаги хат кўп ўтмай Матлуба холанинг қўлига тегади ва орадан бир йил ўтар-ўтмас қишлоқда шундай бир инсон яшагани, ўз ори, номуси, урушдан қайтмаган сафдошлари шаъни ҳимояси, ҳасоси учун ҳаётини тиккани унутилади.

Қишлоқ аҳли у урушдалигида унингсиз яшашга, қишлоқда шундай бир инсон бор-йўқлиги аҳамиятсизлигига кўниккан эди. Ёдгор урушдан қайтиб, бу қишлоқда ярим йилча умргузаронлик қилгани ўзи ва Маннопнинг ўлимидан бошқа ҳеч нарсани ҳал қилиб

бермади. Одамлар учун унинг ўлик-тириклиги аҳамиятсиз эди.

Матлуба хола анча пайтгача ўлик-тириклигини, яшаётган-яшамаётганини билмади. Ҳаётга бутунлай қизиқиши сўнган ва совиган эди. Фақат бир пайтлар, жон талвасасида юрган, орқасидан ажал куваётганда Ёдгор ёзган уруш даврида жанг-у жадалларда ҳалок бўлган йигитлар рўйхати кўп вақт давомида фарзандини эслатиб турди, кўп тунларни шу бир парча қоғозни кучоқлаб, йиғлаб ўтказди. У бу кичик қоғоз парчасида ўғлининг армонлари, орзу ўйларини кўради, унинг кўнглидан кечган туйғуларни ҳис қилгандай бўлади. Матлуба холага қоғозда битилган кишилар тақдири аҳамиятсиз, ўқишни билмайди. Асосан бу қоғоз унга озодликда сўнгги кунларини ўтказётган Ёдгорни эслатгани, унинг сўнгги дамларидан қолган ягона ёдгорлик бўлгани учун ҳам қадри. Ундаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ҳарф ўғлини ёдга солади, Ёдгор буларга бутун армони, матлабини тўкиб солгандай бўлиб туюлади, хола учун ўғлининг бутун ҳаёти мана шу кичик қоғоз парчасида йиғилгандай. Ўз дарди ўзи билан, армонларини биров билан ўртоқлашолмайдиган бу жувон қоғозни яна узоқ вақтлар энг қадри нарсасидай сақлаб юрди, уйига келган-кетганларга кўрсатди, ўқитди, ёлғиз қолганда унга термилиб йиғлади, охир-оқибатда ёзувлар кўз ёшлар таъсирида бўялиб, англаб бўлмас даражага келди, қоғоз титилиб кетди. У ҳам худди кўнгила ўхшар эди.

Ёдгор ўзи тузган рўйхатдаги йигитлар каби ажал топди, лекин улар қаторидан ўрин олиши мумкин эмас. Одамлар ҳам уни тез унутиб юборди... Ҳали кўп-кўп вақтлар давомида қишлоқ аҳли, раҳбарлар урушда иштирок этганлар, ёмонсиз муҳорабаларда жон фидо қилганларни ёдлаб, эсга олиб юради, мактабда улар тўғрисида дарслар бўлади, кейинроқ қишлоқ қабристонига исм-шарифлари мармар тошга ўйиб ёзилади. Бироқ ҳеч ким урушнинг бошидан охиригача иштирок этиб қайтган Ёдгорни бир бор бўлса-да хотирламайди. У бегонага, душманга айланди. Оддий қотил. Ҳеч ким уни бу ишга нима мажбур қилгани, қандай сабаблар шу қарорга келишга ундагани тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмади. Номус ва шаън ҳимояси нима учундир иккинчи даражага тушиб қолган, аҳоли даҳшатли туш каби буни тезроқ унутишни истар эди.

Ҳаёт давом этмоқда, кишилар ўз умри, муаммолари билан банд, ўзгалар ташвиши, ҳаётига қараб ўтиришга эса вақт йўқ.

Дард кўп экан дунёда, дармон йўқ экан!

Орзу кўп экан, армон кўп экан, бахт йўқ экан, иқбол йўқ экан! Номусдай номуссизлик, номуссизликдай номус бор экан...

Куюндай тўзиб, селдай тошиб не бир даврлар ўтди! Тоғлардай муаззам ва вазмин тарих қолди.

Туйғулари осмонларга, орзулари дунёларга сиғмаган не бир инсонлар тупроққа қоришиб кетди! Сарҳадсиз далалардай чексиз, қуёш тандирида қизиган чўллардай чатнаган, ташна хотиралар қолди.

Тоғдан келган баҳор селидай не бир умрлар ҳайқариб ўтди! Сокин, хокисор ва кимсасиз қабрлар қолди.

Осмондай кенг, осмондай мусаффо орзулар ўтди! Сув ўпириб кетган жарлар каби армонлар қолди.

Ҳаммаси ўтаверар экан...

2004 йил



Озода БЕКМУРОДОВА

Ой манзилга етиб боралман



Мен умримнинг бу суроли кечаларида
На бир таскин тополдим, на шегър тополдим.

Абдулла ОРИПОВ



ЎЗИМГА МАҚТУБ

Чексизлик борлигини ўнган ерлардан,
Юксак тоғлар руҳи ётган ерлардан,
Отам дуосидай улуғ қирлардан,
Майсалар шивирини ўнган ерлардан.

Кўрлар елкаларини тутган ерлардан
Кўёш зардан нақш битган ерлардан.
Онамнинг бағридай мушфиқ,
муштинлар
Юлдузлар шўбмасин тўнган ерлардан.

Фасллар ҳур келиб кетган ерлардан
Офтобли, оташли, ойли нурлардан.
Йўл тортиб келгандим тонгдай
умидвор.
Яшил оламлардан — Кенг адирлардан.

Шамоллар кўшигини келгандим ташлаб
Уматюс йўллардан куйлаб ўтгандим.
Умримнинг зангори фаслларида
Бу улкан шаҳардан осмон кутгандим.
Бағримга сизмасди мовий ҳисларим
Кўлимда орзулар гулчаси азгу
Юрагимни тугдай тикмоқ истардим
Мени чорлаганди қандайини Чўққи.

Мен етган манзилда бошланарди тонг
Саноқдан адашиб кетди кунларим
Кимдир изларимни суртиди кўзига
Уфққа туташиб кетди тунларим.

Истардим, онамнинг бағридай беҳишат
Англашса онамдай тоза, муқаррам
Онамнинг ярмича севса, соғинса,
Бахтли бўлармидим бир кўни мен ҳам.

Кимларнинг меҳридан изладим паноҳ
Кимларнинг эстагин айладим тавоф
Эътиқодим ўнган катта қалблардан
Тумандай тарқалиб сочилди сароб.
Қайнадим энг улкан дошқозонларда
Жоним парча-парча бўлди
Ким еди
Гулламоқ чоғимда,
Зариф давримда,
Мен буқун дунёдан кўнглимни ювдим.

Бари бир ҳаётим илтизор, илҳақ
Бир буюк таскинга муҳтож яшардим
Тўлмасди...

Гул кўнглим сира тўлмасди
Нимага илтилиз,
Кимга ишонардим.

Кунлар назма қилиб ўтиб борарди
Ғийбат қуллоқлари айланди эҳшиб
Нимадир,
Қайгадир кетиб борарди.

Мен англаб етолмай ёнардим шошиб.

Нафратим алашим, ўзимга бўлди
Алдадим ўзимни ўзим бешиқат.
Кўксимда нимадир чақмоқдай сўнди
Тоза ҳаволарни йиғладим кўксаб.
Чатнадим тутилган қуёндай майиб
Миз ўнган гулчалар сувларда оқди
Мен истаган ҳаёт,
Мен соған ҳаёт...
Бағримда гурлашиб ёлмонлар ёқди.

Энди кеч, умримда
Доғ узра доғлар

Ҳижрон ёмғирлари остида гамгин
Кетиб борар ям-яшил бағлар
Бир қайиралиб, беролмай таскин.

ҚАРШИНИНГ ОSMОНИ...

Эй сиз, қонурларни ўзгартиргувчи,
Эй сиз, қондаларни этгувчи тахрир,
Қачон ҳаётимга кирдингиз ушиб,
Нечун қилолмайсиз тақдирга тақбир?

Мен қачон қуладим кўзларим тойиб,
Ўзимдан садпора адавидим, ишидим...
Умрим ғариб қолди қайси соҳилда,
Оламу одамни бутқул унутдим.

Бўм-бўи қайиқ каби тебранаман, ҳур
Тўлгончиқ денгиз —
Кўзингиз қирғоқларида.
Етарманми тўйиб муаттар сурур
Ғарқ бўлиб кўнглингиз тубига,
ёироқларига.

Баъзан келинг дейман, чақмоқдай ёшиб,
Тўтаб битмасидан умр беҳудда,
Гоҳи ҳаёлимда ўйлайман қониб,
Сизни менга бежиз юборди Кудо.

Эй сиз қонурларни азиз билгувчи,
Эй сиз қарорларни этгувчи тахрир,
Нечун ҳаётимга кирдингиз ушиб,
Ахир қилолмайсиз тақдирга тақбир...

Мен соғинган онда
Сен ҳам соғинсанг
Дуолар қилмайдинг дийдорим сўраб
Қадамларинг ногоҳ остонам ўриб



Келса...
Йўлларингга ўлтирсам қараб
Бўзимга ютганча кўз ёшларимни
Тўкилсам бағрингга ой нафрасидай
Орзулар тафтига юракни тўтиб
Эртисак қисматнинг тош қафасини
Келса...
Қадамларинг оstonам ўлиб.

* * *

Сиз учун фақат мен яшаб юрман,
Фақат мен яшайман гамингизни еб.
Фақат мен севаман ҳаммадан ортиқ,
Фақат мен сўрайман "жоним" қани деб?
Фақат мен қиламан барига тоқат,
Кўнглингизни азиз тутарман ўзим.
Фақат мен қоларман,
Сиз билан фақат!
Қорлар ёгаверар, босилмас, изим.

* * *

Сиз гоҳи, Бахтиёр,
Мукаммал
Взунгиз олтин нурдан битилган.
Остонангиз ўлиб,
Тушундим, бесар.
Бу ердан қанчалар бахтлар ўтилган.

Сиз боққан кўзгуга боқиб йиғладим.
Титрадим нардангиз бариши ўлиб.
Ненидир, дафъатан англадим.
Кетаянман...
Йўлакларингизга кўнглимни тўкиб.
Нечундир жудаям ҳавасим келди.
Сизнинг умрингизга,
Ҳар лаҳзагизга.

Кўзларимга суртдим болишингизни,
Лабларимни босдим...
Ҳар нарсангизга.
Сиз уни кузатиб,
Кўтиб оласиз.
Шодланиб ювасиз пайпоқларини,
Бутунсиз у билан тақдирдош бўлиб,
Худодан сўрайсиз гуноҳларини.
Кўтлуғ бахтингизни қиялман таво,
Қаршимда қисматнинг сўнгсиз саволи...
Сиз аянг,
Авайланг,
Уни севаман,
Менинг азизимнинг жуфти ҳалоли.

* * *

Бахтиёрсиз...
Толе тахтида!
Тебранасиз виқорли, сарҳуш,
Издихомлар ичра баъзида,
Юрагингиз тортади маънос.
Жонингизга кетгандир ботиб.

Санамларнинг навозишлари.
Давралардан шахд ўтаётиб,
Пичирлайсиз Кўнгли ишларин...
Сесканасиз...

Англайсиз қалқиб,
Вақт қайиғи кетмоқда оқиб.
Султонликнинг юксак аришидан,
Пастга боқмоқ нақадар оғир.
Ёдингизни ёритолмайди,
На бир ёғду,
Ва ёки гуллар.

Пойингизда ётган хазонни,
Лабингизга босингиз келар.
...Хотирлайсиз, маҳзун бир тарзда,
Йўлингизни ёритган нурни,
Жуда олис ҳаётингиздан,
Кўнглингизга яқин умримни...

* * *

Сизсиз ҳам, ҳаётим бутундай
Кўнларим сизсиз ҳам фараҳли.
Туманлар тарқалди тутундай,
Масрур гуллайпти,
Дарахтлар.
Сизсиз ҳам тулларим фусункор,
Шаффоф ёғдуларин сочаяпти ой.
Сизсиз ҳам барчаси бетакрор,
Сизсиз ҳам дунёга берялман чирой.
Наздимда барчаси мовий, сурурли,
Теграмда то ҳануз мастона жаҳон.
Кумуш қирғоқларга ичкин урилиб,
Фақат сизни кўмсаб хўрсинар осмон.
Юрак-бағрим ярим, умр саросар
Сизсиз ҳам ҳаётим бутундай.

* * *

Кутаянман...
Эртани сокин
Юрагимни кафтимга кўйиб,
Орзуларнинг мангуларини,
Юлдузлардай фалакка ёйиб.
Малаксиймо мастона қалқиб
Ёғдуларни сочмага тақиб.
Теваранга фарзона боқиб,
Бу дунёнинг ёлгонларини
Қароғларим шамида ёқиб,
Афсонавий қурини кутаянман.
Кутаянман эртани гарчанд,
Кўзларимда жудолизоки
Кўлларимда умид дарахти
Олтин гуллар тугайдир балки!..
О, борялман, кетиб қолмангиз.
Титраб-ёшиб чорласалар ҳам,
Қисматнинг ҳар тўфонини енгиб.
Ой манзилга етиб борялман.
Орзуларнинг мангуларини,
Юлдузлардай фалакка ёйиб,
Мен эртани кутаянман қақраб,
Юрагимни кафтимга кўйиб.



Гулнор АВАЗОВА

Тўйгуларим галаён қилар

* * *

Мен кулгусин соғинган Инсон
Қалби пора йиғлаб турибди.
Кўзларида йиғлаган Соғини,
Севини уни ташлаб кетибди.

Хазон каби тўкилар юрак,
Билта билта синамоқда таним.
Кулгуларим соғинган эдим,
Кўз ёшлари кўтмоқда мени.

Бутун дунё айланган чўлга,
Дақиқалар бесамар, танти.
Мен йиғлаган у инсоннинг да,
Тугал эди азал ўз бахти.

Бахтларимиз тугади бу кеч,
Йўлларимиз айри айрича.
Сен не қилдинг билмадим, лекин,
Тўйиб тўйиб йиғладим кеча.

Тун ўқиди рўзга жаноза,
Оқшомда ой бўлаб йиғлади.
Бир яшагим келди... келмади...
Алмо буни ҳеч ким билмади.

* * *

Тўрт девордан иборат хонам,
Ногоҳ кимдир ўйлаб зинн чертади.
Наҳотки кимгадир бордир керагим,
Дев дил бечора сачраб кетади.
Чопқиллаб боради зиннча томон,
Оғини кўлига олган ёлғизлик.
Намунча йиғлаб юрмаса дев
Бетоқай бўлади сабр – юз йиллик.
Эшиккача гўё мени йиллик йўлдай,
Сотилар сўлар соғинларимни
Мен эса бахтидан масрур одамдай,
Кулмай ютганча ўқинларимни.
Кўзларим ридкор сўзлар ёлгончи,
Кўтмагам одамни кулиб қаршилар.
Келган зинн амас дилим таянчи,
Дев тўйгуларим галаён қилар.
Тошмехр шахрдан таскин топалмай,
Қалтириб ўқийди бечора кўнглим.
Туилмади кўлларин бошамдан олмай,
Сонларимни сўлар қабрдош сўнглим.





ТўЛАБОСДИ

Ҳикоя

Кун бирам иссиқ, бирам иссиқ, на ўрдан, на қирдан қилт этган эпкин келади.

Мулкомонбойнинг ҳовузи сувга лиммо-лим тўла. Чор-атрофдаги гужум, тол, терак даврадагиларга қуюқ соя ташлаб, супача салқин бериб турса-да, ҳароратнинг баландлигиданми, аччиқ-аччиқ бостириб ичишаётган кўк чойданми ё бўлмаса қайноқ-қайноқ тортилаётган қайнатма шўрваданми юзлар бўғриққан, ҳамма сув-сув терлайди, елпинишади. Жизилловуқ кўнғизларнинг жизиллаши демаса, атроф жим—жит, гўё қимирлаган жон борки, бари офтоб тафтидан эриб кетгандай, дарахт бутуқларидаги чумчуқ, мусичаю ғуррақларнинг ҳам дами ўчган.

Меҳмонлару мезбонлар аста-аста гаплашишмоқда. Ҳар қалай аза, Мулкомонбой отасига қирқ берапти.

Бир пайт газанинг қир учидан кесиб ўтар йўл бўйлаб бир жуфт қора кўринди.

— Ёпирай, бу ким бўлди бузов етаклаган? — деди ўтирган хангома талаблардан бири. — Тол тушда барикар оралаган бу... Қандайчикин бузов, ит-ку. Турди тентак, олдидагиси унинг Тўрткўзи.

Дарҳақиқат, нақ бир яшар бузоқдек келадиган итини эргаштириб олган, соч-соқоли патак боғлаганлигидан ёшини илгаш қийин кимса тўппа-тўғри даврани кўзлаб келаберди. Мулкомонбойнинг ҳовлисидаги итлар бегона кучуқнинг шарпасини сезиб, бир-икки аккиллаган бўлишди-да, келаётганларга пешвоз чиқишди. Аммо Турди тентакнинг ити уларга парво ҳам қилгани йўқ. Сатилдай бошини буриб қарашни ҳам эп кўрмай, эгасига қорам-қора эргашиб келаверди.

— Ҳо, меҳмонга қаранг.

— Ҳў-ў, ҳайданг, ҳайдайберинг Турдибой, — дейишди хизматдагилар.

— Ҳайдаяпмиз.

Ит нарироқдаги ёлғиз тутнинг кўланкасига узала тушиб ёнбошлади, ёш боланинг жимжилоғидай-жимжилоғидай келадиган озиқ тишларини кўрсатиб оғзини каррақдай очганча тилини бир қарич осилтириб хансирай-хансирай, улкан бошини олдинги икки оёғи устига қўйганча мудрай бошлади.

Бу вақтда қулоқчинли, эғнида туя жун чакмони тилишиб кетган Турди тентак тўрага чиқиб ўтириб олган, одатда энг юқорида ўтиргич Мулла Мурод ҳам ундан қуйроққа тиз чўкканча қуръон тиловат қиларди. Ҳамма “омин” дейишиб қўлларини фотиҳага кўтаришди. Сўнг меҳмон аввал ўнг қўлда ўтирганлардан бошлаб, ҳамма билан бир-бир ҳол аҳвол сўраша бошлади: “Фалончи қандайсиз... пистончи, чарчамайсизми... писмадончи

бардамми... овул-жамоат, бола-чақа, мол-ҳол, қозон-товоқ, чўмич-қошиқ, бари эсон-туғалми ишқилиб?...»

— Ҳай, Худойимга минг қатла шукур. Тупроқдан ташқари, элни эриклаб турибмиз-да... — деди Мулкомонбой ҳам ўз навбатида. — Қани, меҳмон, нонга қаранг.

Турди тентак мук тушганча дастурхондаги ҳали патир, ҳали бўғирсоқ, ҳали парварда аралаш-куралаш тушираверди. Даштликларга хос қаттиқроқ ҳазил қиладиган биттаси чандиб олди:

— Ҳа, Турдибой, очсизми дейман?

Турдибой бўш келмади:

— Эса-чи! Ўзим очман-у, аммо кўзим тўқ.

Ҳамма азада ўтирганликларини ҳам унутиб гур-р-р кулишди, Турди тентакнинг зукколигидан завқланишди.

— Ҳа, яша, барибир баҳши-да, тентак бўлсаям баҳши баҳши-да, ишқилиб бўлгани яши-да... Э уккағарнинг тентаги-ей, ақли бизга ўхшаган соғларникидан пеш-ку, — деб қўйишди баъзилари.

Даврани кузатиб турган баковул хизматдаги йигитлардан бирига им қоқди. Икки қўлини кўкрак баробар кўрсатиб каттароқ, деди. Билагини кўрсатиб илик деди, кейин кўрсатгич бармоғини кўрсатиб битта, деди. Аммо имни биров сезиб, биров сезмади. Дастёр зинғиллаб кетди. Бир зумда катта тол товоқда муштдай гўштли, иликли иссиқ ёғли шўрва келтирди.

— Қани, баҳши бова, овқатга қаранг.

— Ҳай, қуллук, қараяпмиз.

Турди тентак битта патирни тўғраб шўрвага бўқтирди. Тол товоқ сила бўлди, яна яримта ширмой нон тўғради, тол товоқ лиқ тўлди.

— Ий, — деди Турди тентак. — Нима, битта ўзгинам овқат ейманми? Бир якка-ёлғиз ётгандан кўрқ, бир якка таом тотгандан кўрқ. — Кейин тарс-тарс ёрилиб кетган товонларини қарт-қарт қашиди. — Ҳа, уккағар бургалар, шуларам одамнинг ювошини билади-а?

— Ҳе, — деди кимдир. — Ким билан ейсиз эса?

Турди тентак даврадагиларга бир қур кўз ташлаб чикди. Нигоҳи уй эгаси сифатида энг пойгакда тиз чўккан Мулкомонбойда тўхтади. Ияк қоқиб уни кўрсатди.

— Мана шу бойвачча билан.

— Ҳе, — дейишди яна даврадаги қитмиртoblари, — нега энди биз билан эмае?

— Ичларингда энг оққўнгили ҳам, қўли очиги ҳам шул-да ўзи, шунинг учун. — Кейин неча кунлар, балки ойлар сув кўрмаган қоп-қора косовдек узун-узун, тирноқлари қошиқдек-қошиқдек ўсиб кетган кўрсатгич ва ўрта бармоғини шоха қилиб нони кўпчиган товоққа



тиқаркан: — Ҳа, — деди Мулкомонбойга, — қани, келинг, бирга олишайлик.

— Қуллук, Меҳмон атои Худо. Унинг гапи гап. Бисмилло... — Мулкомонбой тотинган бўлиб ивиган патирдан бир бўлагини оғзига солди. Меҳмондан ирганмаётганини кўрсатиш учун, жўрттага оғзини чалп-чулп қилиб таом чайнади. — Ҳа, сиз ҳам олинг, ёғоч қошиқ айтайми, навбат-навбат ташлашиб олаемизми, — дея манзират қилди.

Даврадагилар тек ўтиришмай Турди тентакни гапга соларди.

— Бу дейман, бахши бова, бир ўзи ётгандан кўрқ дейсиз, кампир-пампирингиз бўлмаса, кечаси ёлғиз ётмай, ким билан ётасиз?

— Итим билан, Тўрткўзим билан. Ҳе, унинг бир одамча эси йўқма? Бор-да. Ҳой мулла Мурод, айтингчи, ит дастурхондан неччи қадам нарида туриши керак.

— Етти-тўққиз қадам, — деди мулла.

— Менинг Тўрткўзим неччи қадам нарида ётибди?

— Ҳа, бирон ўн беш, йигирма қадам чиқар-ов.

— Мен унга шу ерда қол, дебмидим?

— Йўқ.

— Ҳа, ана энди яна не дейсизлар? — Кейин тўсатдан шўрва келтирган бўз болага ўтирилди: — Итимнинг олдига манои бир парча нонни ташлагин.

Бола дарров девонанинг айтганини бажо келтирди. Итнинг олдига боргани ҳаймиғиб, қўлидаги бир парча нонни унинг олдига отиб юборди. Ит нонга қайрилиб ҳам боқмади. Эриниб кўзини бир очиб-юмди, холос.

Турди тентак товоқни кўтариб шўрванинг охириг хўпلامي ни ҳам паққос туширди. Сўнг нон устига олиб қўйилган илиқнинг гўштидан бир тишлам олиб егач, қолган ладилроқ бўлагини олиб, аста ўрнидан турди, шошилмай итининг ёнига бориб, балхи тутнинг шапалоқдек-шапалоқдек баргидан уч-тўрттасини юлиб, унинг олдига тўшади, илиқни баргнинг устигинасига қўйиб:

— Ол, жониворим, — деди.

Тўрткўз эгасига бир қараб қўйиб, гўштни паққос тушира бошлади.

— Э ўлма, — деди эл. — Э қойил-э. Бу не қилиқ, бахши бова. Итингиз не деди?

— Буми, бу иззатимни биладан деяпти. Иззатини билмаган одамдан ит бўлсам ҳам мен авлороқман деяпти. Яна жойига бориб ўтирган девона дабдурустан хўнг-хўнг йиғлайберди.

— Ий-ий-ий, — дейишди одамлар, — энди нима бўлди, ҳе йўқ-бе йўқ йиғи-сиғи?

— Мени урди.

— Ий, қайси қўлинг сингур урди?

— Омонқулбой. Калламга қаратиб солиб қолди қўлидаги ҳассаси билан. Кейин орқамга бир тепди.

— Ий-й, ий-й, нега тепади?

— Ҳақимни талаб қилиб бордим. Ҳе, ҳаққимни сўраб бордим. Қорним оч, итим ҳам оч эди. Нон бер, дедим.

— Бермадим?

— Қайси гўрда! Заҳарни е деди, кейин қури кўзимдан, деди.

— Оч қолган экансиз, тўғри шу ерга келайвермайсизми? — деди Мулкомонбой.

— Я-а, — деди Турди тентак, — ўзимнинг ҳақим бор жой қолиб сеникида пишириб қўйибдимми?

— Ҳа, мана, барибир келар экансиз-ку! — деди кимдир.

— Қорним оч қолайвергандан сўнг қасққа борай эса, келдим-да.

— Кейин сиз не дедингиз? — яна гап қовлашди одамлар.

— Не дердим. Қизингни бермадинг, фақир дединг, сағир дединг, ер ютсин сени, деб қаргадим.

Давра жим бўлиб қолди. Дастурхондаги нон, ширалар устида учиб, қўниб юрган пашшаларнинг фингиллаган товушини эшитар даражада жимлик чўқди.

— Э, бекор қарғабсиз, — дейишди ахийри одамлар. — Барибир у ўзидан топар эди-ку. Фақат сизнинг ҳаққингизни ебмиди. Бекор қарғабсиз-да, бахши бова, э аттанг.

Турди тентак жойидан ирғиб турди.

— Бекор қарғабманми? Эса ҳозироқ бориб товба қиламан, кўпнинг гапи гап, кечиринг, бой бова, дейман.

Девона оёғига базўр илиниб турган тош товон калишини чала-терс кийиб, зингиллаганча жўнаб қолди. Орқасидан ити ҳам эргашиди.

Жимликни мулла Мурод бузди.

— Оббо, аттанг. Омонқулбойи қурғур ҳам асли давлатга тўймас одам-да. Бўлмаса ажабтовур одамни уриб тентак қилармиди?

Ҳамма жим. Чунки қишлоқ Турди тентакни болалигидан, бахшилиқ қилиб, дўмбира, чалиб Омонқулбойнинг қўйини боққанларини ҳам билишарди. Ота-онасидан эрта ажраган Турди болалигидан Омонқулбойга етимлик қилди. Бечора бойнинг чизган чизигидан чиқмас, ёт деса ётади, тур деса туради. Берса ейди, бермаса сабр қилади. Ўлгудек мўмин-қобиллиги устига ажабтовур бахшилиги ҳам бор эди. Дўмбира чалиб дoston-матал айтганда қишлоқнинг ёшу кексасини оғзига қаратарди. Завқи келиб ўлан айтганда одам тугул, оғочларга қўнган қушларгача жим қолгандек бўларди. Ҳамма бахшини суйиб Турди бахши дерди. Ўлгудек меҳнаткаш, камсуқум бечоранинг ёлғиз айби Омонқулбойнинг биттаю битта қизига қўнғил қўйгани бўлди. Буям етмагандай, бир маърақада дўмбирасини чалиб ўлан айтгани бўлди.

*Ариллаган, дариллаган ултонлару султонларнинг,
Беги бўлиб, жилов тутиб, таъзим қилиб, даврон суриб,*

ай-ай-й, ай-ай-ай...

Бир қошлари қалдирғочдай сулув қизинг

*Ити бўлиб қолгим келур эшигида вов-вов хуриб,
ҳай-й-ай-ай-ай-ов...*

Қишлоқда Омонқулбойнинг қизининг қошидан ўтар қоп-қора, қалдирғоч қанот қошлиқ қиз йўқ эди. Дарров гап-сўз бўлди.

— Етим кўзи боқсанг оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола боқсанг юрак-бағринг доғ бўлар. Бу не деганинг, уккагар? — деди бой қаҳр билан.

— Бой бова, бу бу бир қўшиқ-да.

— Ҳе, қўшиғингням, ўзингням энангни... Қури кўзимдан! Ҳозироқ йўқ бўл иргамдан!

Турди индамади. Бой аччиғидан тушар, ўзига келиб бояги-боягисидек бўп қолар, деди.

— Йўқ бўл! — деди эгасига яна бой.

— Бўлмасам ҳаққимни беринг.

— Нима? Қанақа ҳақ? Сен менга ҳақ беришинг керак-ку!..

Кейин бой илкис силтаб, Турдибойнинг елкаси оша ўтказилган шардозга илиғлиқ дўмбирани юлиб олди. Аччиқ устида соз билан бола пақирнинг бошига бир солди.

— Мана сенга ҳақ!

Тутдан йўнилган эмасми, тўқмоқдек дўмбира Турдибойнинг гавдасига қарс этиб қаттиқ тегди. Турдибой бир-икки ҳафта жойидан тура олмай ёта-ёта, охири оёқланди. Аммо эсар бўлиб қолди. Омонқулбойнинг ҳовлисини ташлаб чиққанда орқасидан Тўрткўз ҳам эргашиди. Қиз юм-юм йиғлаб



қолаверди. Ҳам ақлидан, ҳам суйганидан айрилган Турдибойни эл олдида Бахши бова деса, ортидан Турди тентак дейдиган бўлди.

Шу Турди тентак бир куни Мулкомонбойга бир гап деди. Шу гапини айтмаса Мулкомонбой ҳам тинчгина оёғини узатиб ётган эди-ку. Кўчадан:

**Занги бовам исн деб, қайқи таёқ судрайман,
Ўрдаман, қирдаман, тикка туриб мудрайман.**

**Бобойлар, момойлар, тоғайлар, оғайлар,
Чўрчиб тушиманг, одатим шул, ошиҳалол сўрайман.
ошиҳал о-о-ол, хў-ў-ў-й... —**

деган овоз келди. Кечки овқат тайёр экан. Хотини бир тол товоқ қайиш ошни болалардан бирига тутқазиб:

— Зингилла қани, Бахши бова келди, — деди.

Турдибой бечора ўзини қишлоқнинг чўпони, деб биларди.

— Шошма, — деди Мулкомонбой, — сен чиқсанг барибир олмайди, ўзим олиб бораман.

— Кучугимга қани? — деди ошни кадисига ағдара туриб Турди.

— Мана, — деди бой, қўйнидан арпа нон чиқарди.

— Энди гап бор, эшит, — нонни қўйнига урар экан, шивирлади Турдибой.

— Хўш-хўш, Бахши бова.

— Қайқи таёқ кўлимда,

Яримга нон белимда,

Ўнгимдаю сўлимда

Кўзилар-у, улоқлар,

Турфа гвёҳ, булоқлар.

Ўлсам кимим сўроқлар.

Сен бойвачча, кўп талтайма. Одамгарчиликни Тўрткўзимдан, меҳнат қилишни бўлса Омонқулбойдан ўрган.

— Хўп, Бахши бова, меҳнат қилишни Омонқулбойдан ўргана қолайлик, нега энди одамгарчилик бобида итингиздан сабоқ олишимиз керак, бошқалардан эмас.

— Чунки кучугим вафо қилмайдиганларни ялогига яқинлатмайди-да, — дея Турдибой ғалати сўлжайди ва жўнаб қолди.

Мулкомонбой ҳеч балони англай олмади, ҳа, бир хаёли тоблади-да Бахши бованинг, деб қўяқолди.

Аммо бахшиси қургур тушларига ҳам кириб чиқадиган бўлди. Ўнгида-ку, ҳеч хаёлини тарк этмай қўйди. Одамгарчиликни итимдан ўрган эмиш. Не дегани бу? Эси жойида бўлса экан, бориб сўраса, Бахши бова, тунов кунги гапингизни тагин бир қайтаринг, яхши англай олмай қолдим, деса. Бу бир эсар бўлса. Эсар десанг, ҳар гапи борки, Илонлиқнинг учиб чиққан донишманди ҳам буйтиб гапира олмайди. Шунинг учунмики, Мулкомонбой ўтирса-да, турса-да, эси-дарди Турди тентакда бўлди-қолди. Кучугим вафо қилмайдиганларни ялогига яқин йўлатмайди, дегани неси энди? Одамгарчиликни нега Омонқулбойдан эмас, итимдан ўрган, деяпти. Асли Омонқулбойда одамгарчиликнинг урвоғи ҳам йўқлиги маълум-ку. Бўлмасам бир қишлоқда яшаса, бир сойдан сув ичса, отаси Зулфиқорбой ўлган куни бир кўринди-ю, жанозага ҳам қарамасдан жўнаб қолди. Онасининг азасида ҳам шундай қилганди. Шу ҳам одамгарчиликми? Азахонада бошқа бирон кун буй кўрсатмади-я. Шу ерда Турди тентаги қургур топиб гапирди чоғи.

Вафо қилмайдиганларни ялогига яқин йўлатмайдиси не бўлди энди, деб ўй суриб юрганди, лоп этиб Турди тентакнинг ўзи итини эргаштириб рўпарасидан чиқиб қолди.

— Ҳа. Бахши бова, йўл бўлсин?

— Қидириб келаямиз.

— Қаерлардан сўраймиз энди?

— Фалончининг қўшхонасидан.

У Омонқулбойнинг қора қош қизи тушган бойвачча ўтов тикиб ўтирган сойни айтди.

Мулкомонбой Турди тентакни гапга солганидан минг пушаймон бўлди. Фақир шу қизга ёмонам кўнгил қўйиб қолган эканми, эси жойида бўлмас ҳам ҳеч тилидан қўймайди. Дам-бадам изма-из қидириб бориб ўлгудек калтак еб қайтади. Ҳозир ҳам шундай бўлибди шекилли. Турди тентак йиғлаб-йиғлаб қўяберди.

— Мени фалончи-пистончилар урди, — деди. — Гуноҳим не, а, бойвачча? Индамайгина бориб ўтирган бўлсам, нон сўрамасам, нега уради?

— Ҳеч кимга ҳеч гап демарингизми?

— Дедим.

— Кимга, не дедингиз?

— Бойбичанинг кичкина қизи эчкиларини қайтара олмасдан дўлананинг тагида йиғлаб ўтирган экан,

Жилама-жилама, жигарим,

Жилик чақиб берайин.

Топбақанинг мўйнига

Пилик тақиб берайин —

деб эдим, мендан кўрқиб қочиб кетди. Кейин бойвачча аввал бойбичани, кейин мени урди...

Мулкомонбойнинг кўнгли тозама хуфтон бўлди. Турди тентакни гапга солганидан пушаймон еб йўлга кетди. Уни шу қўйга солган Омонқулбойнинг гўрига роса гишт қалаб, ноинсоф ҳам деди, имонсиз ҳам деди, хуллас, оғзига келган гапни қайтармади.

Шу ҳангомадан кейин Турди тентак қишлоқда кўринмай қолди. Аммо унинг ҳа ўша ошиҳалол сўраб келган кечаси айтган сирли гаплари бирин-сирин росмана ҳақиқатга айлана борди. Ё тавба!

Авалло она, кейин ота пири кетди, шу билан Мулкомонбойнинг ҳам пири кетди-ёв. Нуротанинг азамат воҳаларидан бири бўлган Илонлиқнинг Ҳайдарота қишлоғида бойнинг борми, деса мана шу, деб Мулкомонбойни кўрсатадиган элнинг орасида ана шундай ивир-сивир гаплар кўпайиб қолган эди.

Қиш чиқар олдида бошланиб бир ой давом этган даҳшатли жут Мулкомонбойнинг минглаб қўй-кўзи-ю, эчки улоқ, қорамол, йилқиларининг қолган-қутганини ҳам қириб юборди. “Отам ҳаёт бўлганда мен шунчалик абгор бўлсам эдим, — деган уй эзарди бойни. — Асли ўзим боқи-беғам, беўйман шекилли. Онаси ўлмаган, отаси ўлмаган инсон зотини менга кўрсат, галварс, дея ўзини-ўзи койирди. Ёзи билан аза тутиб на хас-хашак йиғдим, на янтоқ, на бир тутам шувоқ. Ана энди додингни Худога айт. Отам раҳматлик бўлганда олти ой ёз бўйи салқинда соялатиб қўймас эди мени. Ҳай аттанг! Қиш ғамини ёзда емаган чорвадор чорвадор эмас, бор тирикчилигингни қил, деб қўлимга одам бериб тоққа ҳайдарди. Энди бу кўргиликка не дейсан. Мен бўлсам, ҳар йилгидек қишнинг енгил-елли келишига ишониб, чучварани хом санаб ўтирибман. Ҳали кўрасан, Турди тентакнинг айтгани олдимдан чиқади...”

Чилланинг бошланиши билан запитига олган қора совуқ кетма-кет ёққан қалин қорга туташиб кетди. Ушоқ мол тугул, йил ўн икки ой тўрт оёқда юриб, ризқини топиб сийдиган йилқи зотигача кўраларга қамалиб қолди. Дала-даштдаги хас-хашакни қўяверинг, янтоқ-шувоқ, қуврай каби ўмганини кўтарган бугаларгача қалин қор тагида қолиб кетди. Эриш ўрнига аёзнинг зўридан кундан-кун қалинлашаётган музни титиб сийдиришга энг бақувват айғирларнинг ҳам туёғи ожизлик қилиб қолди. Ёз бўйи йиғилган ва ўтган йилдан қолган озроқ, сомон, ярим чириган янтоқ ғарамлари соғин сигир,



бузок, қорамолдан ортмасди. Мулкомонбойнинг кўз ўнгида чорва қирила бошлади. Қорнинг қалинлигидан ҳеч қаерга чиқири бўлмади. Минглаб қўй-қўзио эчки-улоқдан ўла-ўла қолган уч юздан ортиги судралиб, чорвадорлар «қора қилтинг» деб атайдиган тўл даврига етар-етмас беҳолликдан кетма-кет бола ташлаб ёки қўзилай олмасдан нобуд бўла бошлади.

Тоғда очидан қийналган олқор, кийик, тўнғиз каби жониворлар емиш қидириб қишлоқ томон эна бошлашди. Азбаройи очлигидан ҳовлиларга мўралашди. Уларнинг ортидан эргашиб тушган тўда-тўда қашқирлар шундайин ҳам қирилайётган кўраларни айлана бошлади. Очлик уларни на курудан, на одамдан ҳайиктирар эди. Беш-ўнта бўлиб бир ҳамладаёқ не бир бўрибосарларнинг тит-питини чиқазиб ташлашар, на инсондан, на итдан ҳайиқишар, жўр бўлиб увлашганда нақ хўтикдек келадиган тоғ кучуклари думини қисиб, бири ўчоққа, бири тандирга ўзларини урса, яна бирлари эгаларининг ортига беркинишарди. Бўрилар одамларга ҳам хавф солиб, ҳали бу ерда, ҳали у ерда фалончини қашқир ғажиб кетибди, деган гаплар кўпайиб қолди. Даҳшатга тушган одамлар тўрт-беш оила бир бўлиб, қўлларида калта, паншаха, болта билан гулхан ёқиб ухламай чиқишарди.

Мулкомонбой ўралардаги егуликка атаб қўйган ғаллагача ўзим очдан ўлмасман, деб чорвасига едира бошлади. Ётиб еганга тоғ чидамас, кўп ўтмасдан дон ўралар ҳам бўшаб қолди. Энг ёмони унинг бу кунига илонлисийликлардан биронтаси Мулкомонбой тажрибасизлик қилди-ёв, ҳали бу ёш, боши бир деворга тегди, энди буёғи ўзига пишиқлик қилса одам бўп кетаров, ёрдам берайлик, демади. Бир тутам хашак тугул, егулик ғалласи ҳам тугаган бойваччага бир жуфт нон узатувчи бўлмади. Бўлмасам Илонлисий тугул, Ҳайдар отанинг ўзида ҳам не бир бойлар ғарам-ғарам пичан, ботмон-ботмон ғаллани босиб ётганди. Атайлабдан уни синдириш учун ҳам, яйловларда фақат ўзларининг чорваси ёйилиб юрсин учун ҳам шундай қилди чоғи, бўлмасам ўшаларнинг араваши лойга тикилганда Мулкомонбойнинг отаси неча бор қарашиб юборганди! Энди эса Мулкомонбойга бу бало кўз тикиб турганда ўша ҳамқишлоқлари Турди тентак айтганидек қуруқ томошабин бўлиб туришди. Ана шуниси алам қилади. Чунки уларнинг аксарияти, айниқса Омонқулбой дегани ҳали ёз бошланар-бошланмасданок қишнинг не турлик бўлиб келишини пайқаб ўтиргич эди.

...Саратон бошланар-бошланмас ҳарорат чунонам кўтарилиб кетдики, баъзи кунлари айнаи туш палласи ернинг тарс-турс ёрилишини илғаш мумкин эди. Қилт этган эпкин йўқ. Тол-терақ, жамики дов-дарахтлар барги жазирама тафтидан шалвираб, кечга томон сал ўзларини ўнглаб олишар, одамлар эса ҳовуз бўйидан нари кета омай қолишганди.

Аммо Омонқулбой кун иссиқ экан деб сояда салқинлаб ётмади, одамларини ёппасига даштга ҳайдади. Емиш тўпла, жонинг бўлса хашак йиғ. Яхши келса саратон, писанд эмас қаҳратон, қуврай борми, шувоқ-янтоқ, ўроққа не илинса тўплайверинглар, бу йилгининг саратонидек тафти баланд келган ёзни яқин атрофда кўрмаган эдим. Демак, олти ой ўтиб қайтадиган қаттиқ қишнинг тадоригини кўра беринглар. Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдинг йўқотма, қани, ҳамманг қирга жўна, дея укаларини ҳам қувиб солди бой.

Мулкомонбой бу даврда ота-онасига аза тутиб, салқин ҳовуз бўйида фотиҳага келиб-кетувчиларни куттиш билан овора эди.

Онангни кўрасан ҳали, сен жўжаҳўроз, қани ётаверчи ёнбошлаб, деб қўярди Омонқулбой орқаворатдан Мулкомонбойга. Шу тариқа саратон ҳам ўтиб ағдар-

тўнтар шамоллари билан асад оғи дохил бўлди. Кунлар бироз салқинлашгандек туюлса-да, ўт-олов пурқаётган гармселнинг тафтидан на уйда, на сояда паноҳ топиб бўларди. Шошқалоқлаб оқаётган Илонлисий тиниқиб, тагидаги тошларни санар даражага келиб, аввалги шаштидан тушиб, анча юввош тортиб қолди. Одамларнинг юзлари тиришиб, лаблари пўст ташлаб, оташдек қорайишди. Сувдан йироқ оғочлар қуврай бошлади. Демак, қиш чиндан ҳам чатоқ бўладиганга ўхшайди, яна вайсади Омонқулбой одамларга. Тезда қўйларнинг жунини қирқиб ташлаш керак, токи кузнинг охири, қишнинг бошида жониворларнинг жунни янгидан ўсиб, совуққа бардошли бўлсин.

Бой қариб, мияси айниб қолди-ёв, дерди орқаворатдан. Баъзилар эса бойнинг юзига, қўйни ҳам шу паллада қирқадими, дейишди масхараомуз. Қўй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сунбулада қирқавер, менга эса қўй керак, сенга не керак эканини қайдан биламан, пандовақи, дерди жеркиб бунга жавобан бой. Ўзи эса одамларини ёппа бугдой-арпадан бўшаган ерларини ҳайдаб, хашакбоп жўхори экишга қулади. Асад кирди ётма тек, ҳар қарич еринга бир нима эк, деб ёзи билан одамларининг сувини тиндирмай, ўзи ҳам тиним билмай ғарам-ғарам хашак тўплаб, қўралар атрофига босиб ташлади.

Гапнинг нафсиламбирини айтганда, дер эдилар илонлисийликлар Омонқулбой тўғрисида, ёмонам ҳисобдон, ишнинг кўзини биладиган гужурли одам-у, сал фирромлиги бор-да. Сал бўлса майли эди. Адовур бор-да фирромлиги. Етимнинг нонига кўз тиккан одамдан не умид? Бўлмасам ундан ўтари бўлмас эди бу атрофда. Шундай бўлса-да, ҳамқишлоқлари кўпинча Омонқулбой не қилса шуну қилар, натижада ютдирмас эдилар. Бу йил ҳам Омонқулбойнинг серташвишлигидан сергакланганлари гимираб қолишди. Тўғри қилишди чоғи. Чорва тўрт оғида юриб, ўзининг ризқини ўзи топиб еб ўтказадиган илимиқ қиш бу йил ҳамишагисидан бўлакчароқ бўлди. Энди қиш-қишлигини, ёз-ёзлигини қилади, бир йил ундай, бир йил бундайроқ. Бу яратганнинг иши, нима учунлиги ёлғиз унгагина маълум. Мулкомонбойга ёмонам қаттиқ ботгани ўзининг ғўрлиги ҳам эмас, қишнинг запти ҳам эмас, шу ҳолатга тушиб қолганида ишонган элининг индамай қўл қовуштириб тургани бўлди.

Энди қиш чилласи чиққан кунлар бироз юмшаб, чорва қирга ўрлаб қолган дала оғи ёғин билан бошланиб, қаттиқ совуқ кечасио кундузи давом этди, хут бошланиб қолган бўлса-да, қир-адир кўм-кўк муз билан қопланиб ётарди. Музнинг қалинлигидан чорва яна қўраларга қамалиб қолди. Тоғ ошиб Форишдан келган тожик аллоплар бир хутдан қўрқинг, бир жутдан, агар хутдан жут келса ўлдим, денг. Ана шунақа, хут агар хутлигини қилса кампир-кексаларни уйдан чиқармай қўяди. Бу йилги хут жуда чатоқ бўлди. Кампир тугул биз йигитлар ҳам уйимизга кетолмай ўлтирибмиз, дея меҳмон бўлган жойларида ҳафта-ўн кунлаб қолиб кетишди

Омонқулбой агар сўраб келса бир тутам ҳам хашак бермайман, менга деса молининг ҳаммаси қирилиб кетмайдими, дея ният қилиб қўйган эди. Шундай бўлди ҳам, Мулкомонбайнинг бор чорваси қирилиб кетди. Лекин қайсар Мулкомонбой Омонқулбойнинг олдига хашак сўраб келмади. Бу жут эди. Жут бўлганда ҳам энг даҳшатлиси эди, қари чоллар ҳам бунақасини биринчи кўришимиз, деб калласини сарак-сарак қилиб тан олишарди. Жут бир ой давом этиб, Мулкомонбойни шип-шийдам қилди. Шунда ҳам бирон чорвадор бой Мулкомонбойга ҳолинг не деб қайрилиб қарамади. Бир-икки киши бўлиб орқалаб келган уч-тўрт қоп сомон, тўрт-беш эшак хашак, беш-

олти боғ пичан эса, қўлдан берганга қуш тўймас дегандек, шунча молга урвоқ ҳам бўлмасди.

Қишлоқ этагидаги жарлик Мулкомонбойнинг очидан ҳаром ўлган қўй-қўзиси, эчки-улоқ, сигир-бузоқ, йилқиси билан тўлиб кетди. Мол аччиғи — жон аччиғи. Мулкомонбой ёмонам эзиди. Турди тентакнинг Тўрткўз итим вафо қилмайдиганларни ялоғига яқинлаштирмайди, деган гаплари бир ҳикмат қатори қулоғида қаттиқроқ шанғиллай бошлади. Э бўлди, деди Мулкомонбой ўзига ўзи, кетаман, қаерга бўлса ҳам кетаман.

Қир бағрида йилбоши, деб тўпланганлардан ҳеч қайси бири Мулкомонбойнинг бир кечада кўч-кўронини олиб на хайр, на маъзур бор, қасққа гойиб бўлиб кетганлигини аниқ айта олишмади. Аммо кўп ўтмасдан Мулкомонбой укасини Илонлида қолдириб, ўзи Оқтепасойга ошиб кетганмиш; қора кунимда бир қайрилиб қарамаган элим билан иргамма-ирга ўтириб тишлашганимдан кўра, олисроқ ўтириб кишнашганим маъқулга ўхшайди, деб юрганмиш, Оқтепалик уруғдош Обойтўш қариндошлар Мулкомонбойни иззатини жойига қўйиб қапа тикиб, Тошбақали сойидан тўла қазиб берганмиш, деган узун қулоқ гаплар Илонлисойга ҳам етиб келди. Турди тентак итини эргаштириб Оқтепага бориб келганмиш, бу гапни шу девона топиб келди дейишди.

“Гапларинг рост бўлса, сен Илонлида ҳеч кимга керак эмас экансан-да, — дейишибди Мулкомонбойнинг ўқсиниб қилган ҳикоясидан таъсирланган оқтепалик қариндошлари. — Кенг дашт бой қариндошларга тор бўлиб қолганга ўхшайди. Мана, бизнинг юртга кўчиб кел, бу ер ҳам сенга бегона эмас, ўз элинг, бари туркман уруғи, биров пишагингни пишт, товугингни кишт десин-чи, ўзимиз гаплашамиз...”

Шундай қилиб, Мулкомонбой кўч-кўрони билан ҳамал оғи бошланар-бошланмас Оқтепага эниб келди.

— Энди бизга бир жой кўрсатинг, оғайнилар, — деди ҳафта-ўн кун уйма-уй юриб меҳмон бўлган Мулкомонбой.

— Хоҳлаган жойни танла, ана, чорва учун кенг яйлов Дўнкуллакнинг этаги бор, — дейишди Оқтепасойнинг кун чиқарини кўрсатишиб. — Агар ҳам чорва, ҳам деҳқончилик қиламан десанг, ана, кенг сувлоқ ер, беадол баҳорикор дала сеники, — дейишди Оқтепасойнинг кун ботарини кўрсатишиб.

Дастлаб кун чиқар томонда ўтириб, сувсизликдан қийналган Мулкомонбойга қариндошлари эрта баҳорнинг изгиривидан бироз пана бўлсин, деб кимсасиз Тошбақали сойидан тўла қазиб, қапа тикиб беришди.

Ўшанда Мулкомонбойда на бир қўй, на эчки-улоқ, на бир от ёки эшак бор эди. Туякаш қариндоши Тиркашбой юк, кўч-кўронни тушириб, бир кеча капасида меҳмон бўлиб тез-тез хабарлашиб туришни ваъда берганча хайрлашиб кетгач, Мулкомонбой ўзини ёмонам ғариб сезиб, кўнгли қора бўлса-да, буни на хотини, на атрофида айланишиб юрган чўпон-чўлиқларига билдирмасликка ҳаракат қилиб отда қир айланди. Кечга томон Тошбақалисой устига қўнган оқшом қоронгулиги Мулкомонбойнинг кўнглига ҳам кириб келгандек бўлди. Бир хаёл туғилиб ўсган ота юртим қолиб, узоқ қирларда нега сандирақлаб юрибман, ўлсам ҳам ўша ёқларда қолсам бўлмасмиди деса, яна бир хаёл не бўлса бўлди, хотинга ўхшаб дийдиё билан қайтиб шарманда бўлгандан кўра бўлак юртларда ўлиб кетавеганим маъқул, қолаверса бу ерлар ҳам бегона эмас, Илонли билан Оқтепа ораси яхши юргич отда ярим кунлик йўл. Ҳар томонда ўзимнинг қариндошларим, деган ўй билан қапа тўрида бошини солиштириб ўтирарди. Қора чироқ тугаб хира нур сочар, ташқарида ёмғир шивалаб, этни увиштирар даражадаги совуқ

шамол кигиз қапа устига ташланган шолчини шап-шуп ўйнайди. Пойгакроқдан жой олган тўртта чўпон-чўлиқ, хизматкорлар индашмасдан зогора нон, майиз, туршақ ташланган дастурхонга тикилганича чакмонларига ўраниб ўтиришар, гўё сукунатни биринчи бўлиб ким бузаркин, дегандек гап бошлашга шошилишмас эдилар.

Ниҳоят Мулкомонбой бошини кўтариб ўтирганларга хотиржам ҳолда бир-бир қараб чиқди. Уларнинг кўнгли учун ўзини зўрлаб бўлса-да жилмайган бўлди. Даврадагиларнинг энг кексасига қарата:

— Чарчамадингизми, оқсоқол? — деди.

Содда Шодикул:

— Куни билан қўй боқиб эдикми, чарчасак, — деб шерикларига қараб қўйди.

Ҳамма жим. Шодикулнинг кампири Ойсулув шақирлаб турган кўмгон кўтариб кирди. Қапа эшигини ўтовчи шолча кўтарилиб ичкарига урган совуқ шамол этни жунжиқтириб, қора чироқни липиллатиб ўйнади. Олов ўчиб қолмасин учун чироқ пилигини кафти билан тўсган норғул гавдали Қурбонназар охири юрак ютиб гап бошлади:

— Бой бова, мани, янги жойга ҳам кўчиб олдик, ана энди биз ҳам сизнинг бўйнингизга юк бўлиб ўтирмасдан аравамизни ўзимиз тортсакми... Дарёводта иш кўп эмиш, бироз ишлаб...

У Мулкомонбойнинг, қўй-э гапирма, дегандек илкис қўл силкишини кўриб жим қолди.

Бу чўпон-чўлиқлар Мулкомонбойнинг отасига кўп хизмат қилган кишилар бўлиб, уларга болалигидан ўрганиб қолган, улар ҳам бой хонадонига сингишиб кетган, шу туфайли Илонлисойдан кўчаётганлигида ҳам бир оғиз гап-сўзсиз Мулкомонбойнинг ортидан эргашиган, қиладиган ишлари, боқадиган чорва бўлмаса-да, Мулкомонбой ҳам уларни худди ўзининг жигарларидек ортидан эргаштириб келавеган эди.

Қурбонназар асли болғоли уруғидан бўлиб, Ҳайдаротадаги Омонкул бош олти ака-ука бойларга оддий чўпонлик қилиб юра-юра, ота-бобоси чўпон бўлиб ўтиб шу ишда суяги қотган. Мўмин-қобил, азамат гавдали бу йигит ишнинг кўзини чандон биларди. Шу сабабли уни бойлар қўлдан чиқаргиси келмас, аммо бойларнинг зикналиги Қурбонназарнинг тоза жонидан ўтиб, суягига қадалиб бўлган, чучитилмаган оқ мойдай кўнглига урганди. Ёши ўттиздан ошган бўлса-да, фақирлик кўрсин, уйлана олмас, бойлардан эса садо чиқмасди. Йил-ўн икки ой тинимсиз оёқда юриб, чўпонлик қилганлиги учун бойлардан ваъда бўйича ўн иккита қўй олиши керак бўлса, йил охирига келиб, сўйиб еб қўйдинг, ҳаром ўлдириб қўйдинг каби майда-чуйда гаплар билан тўрт-беш тиррақи совлиққа эга бўлиб қолаверар эди. Бу даромад бўй етиб қолган синглисининг кийим-кечаги, нон-тузидан ортмасди. Бойдан, тинмай меҳнатингизни қиялпман, ҳақимни беринг, деб талаб қилса бой, деҳқон ёмғирда, чўпон ўлганда тинади, сен менинг уйимда оёғингни узатиб дам олгани келибмидинг, чўпон экансан, тинмайсан-да, тур, ишинга бор, деган сўкиш эшитарди, холос.

Бир куни Қурбонназар бойга ётиғи билан тушунтиришга уринди:

— Менга фотиҳа беринг, бирон жойдан ризқимни териб ерман...

Бой яна сўзини мақоллаштирди:

— Кампир ўламан, деб кўрқитади, чўпон кетаман деб, кетсанг кетавер, фотиҳа-мотиҳа бермайман!

Бой оқ фотиҳа бермаса, чўпоннинг кета олмаслигини яхши билар эди. Чунки даштликлар бу қонуш шаклини олган одатга қаттиқ риоя қилишар, оқ фотиҳа олмаган хизматкор нон-тузга тупурган бўлиб ҳисобланиб, бир умр косаси оқармасдан ўтади, дегич



эди қариялар. Қишлоқнинг бир-икки оқсоқоли “Майли, йил охиригача ишлаб бер-чи, кейин маслаҳатлашиб кўрармиз”, дейишгач, ноилож қолган Қурбонназар таёғини судраб яна отар ортидан кетди.

Йил ҳам якунланди, ҳар минг, бир минг икки юз кўйдан юз, юз элликтагача талофат берган чўпонларни бошқа бойлар тўн, жегда билан сийлаб, сидқидилдан хизмат қилганлиги учун ош дамлашган бўлса, Қурбонназар атиги саксонтагина кўй талофат берганлиги учун бойдан аввал роса сўкиш эшитди, кейин Омонқулбойи курғур кўйларимни тўлайсан деб туриб олди. Ана холос. Бой аслида буни жўртга қилаётган эди, иссиқ бор, совуқ бор, кўй бўлгандан сўнг ўлади-да. Базўр кунини кўриб юрган бечора саксонта кўйни тўлай олмаслигини ҳам бой яхши билади, аммо тажрибали, софдил чўпон Қурбонназарни кўлдан чиқаргиси келмаганлигидан бой шу йўлни тутаётган эди.

— Кўйларимни ўғирлаб сотиб егансан! — деди охири пастликка бориб бой. — Ҳаммасини тўлайсан, ана ундан кейин кетавер, тўрт томонинг қибла.

Бунақа тухматдан бечора Қурбонназар ер ёрилмадики, ерга кириб кетса. Не қиларини билмай кўлидаги чўпон таёғини ерга кўндаланг ташлади-да, ундан уч бора сакраб ўтиб:

— Агар шу ишни қилган бўлсам таёқдай қуврай! — деди титраб-қақшаб.

Бу даштликларнинг энг ёмон қасами эди. Чўпон учун нонни кўлига олиб қасам ичишдан ҳам ўткирроғи эди бу қасам.

— Шунча хизматимга шу гапни эшитдим, — деди Қурбонназар. — Агар очимдан йиқилиб ёки одамгарчиликдан чиқиб ўлсам ҳам иккинчи кўйингизни боқсам таёқдай қуврай. Мана бўлмаса!

У таёғидан яна уч бора сакраб ўтди.

— Ушланглар бу энағар қасамхўрни! — югурдакларига буюрди бой. — Қани, кўйларимнинг ё ўзини, ё пулини тўламай ёки шунинг эвазига хизматимни қилмай кўрсин-чи, яккамиҳда чиритаман!

Қурбонназарни ўласи қилиб калтаклаб, ҳовли ўртасидаги от боғлайдиган улкан яккамиҳга танғиб ташлашди. Унинг оқ-войи бутун қишлоққа эшитилиб турса-да, олти ака-ука бойдан ҳайиқишганлиги учун бирон киши ўртага тушишга ботинмади.

* * *

— Гиламчи жиянингиз сизни кечадан буён кутиб ўтирибди, — деди тоғ ортидаги отарларни уч-тўрт кун айланиб келган Мулкомонбойга хотини дастурхон устида.

— Гиламчи қизинг ким? — гап ким тўғрисида кетаётганлигини англай олмади бой.

Дашт аёллари эрининг қариндошларини номи билан аташмас, шунинг учун хотини бироз каловланиб:

— Анави, акаси Омонқулбойникида чўпон бўлиб юргич қиз жиянингиз бор-ку, — деб тушунтиришга мажбур бўлди.

— Э, Қурбонназарнинг сингисими, оти нима эди, Гулсара, Гулсара гиламчими, ҳа бўлди, не дейди у?

Бой ёнбошлаб ётган жойидан туриб ўтирди. Дарҳақиқат, мана шу тўшаб ўтиришган гиламни ҳам ўша Гулсара уч-тўрт дугоналари билан тўқиган, асли бу қиз она томондан Мулкомонбойга узоқроқ бўлса-да қариндош, шунинг учун уни бой ўзига яқин олиб жиян деб юрар, Гулсара ҳам, Қурбонназар ҳам Мулкомонбойни бой тоға дерди.

Эшик ортида шарпа эшитилди, Мулкомонбойнинг хотини Гулсарани бошлаб кирди. Қиз бечора кирди-ю, салом ҳам беролмасдан изиллаб йиғлади.

— Ий-ий, ҳа, нега мунча, — бой бир рўмолининг учини тишлаб олиб йиғисини босишга ҳаракат қилаётган жиянига бу атрофда бўйи етган қизлар қариндошларидан юзларини яширишмас эди, бир хотинига саволомуз қаради. Ахийри Гулсара тутила-тутила гапга тушди.

— Менга сўз беринг, бой тоға.

Бу билан қиз гапиришга рухсат беринг демоқчи эди.

— Ҳа, гапир, гапиравер, не бўлди, жиян?

— Якка оғамни Омонқулбойи банди қилиб ўтирибди...

— Қиз бечора куйиб-пишиб бор гапни айтиб берди. — Сиздан паноҳ излаб келдим, бўлак борар кимсам бўлмаса не қилайин, тоғажон.

Мулкомонбойнинг таъби тозаям хира бўлди, юзи тошдек қотиб дастурхонга тикилганча қолди. Ахийри:

— Сен кетавер, унинг билан ўзим гаплашаман, кўй, жилама, — дея ўрнидан турди.

Бой кўлидаги қамчинни этик кўнжигга тап-тап урганча том ортидаги чорбоққа ўтди. Узоқ сафардан сўнг бирозгина бўлса-да чўзилиб, сояда салқинлагиси келарди. Улкан қайрағоч остига солинган кўрпачага чўзилди, яна туриб ўтирди, яна чўзилди, ахийри бўлмади, чидай олмасдан, ҳовлига чиқиб, яккамиҳда қантариғлик турган отига ўтириб Омонқулбойнинг кўрғонига томон жўнади.

Офтоб тиги баланд, узоқ йўл юриб ҳориган от эринибгина қадам ташлайди. Сойдан кўза кўтариб чиқаётган жувон йўлга рўбарў бўла бошлади. Аммо Мулкомонбойга кўзи тушгач, ўтирилганча рўмолининг учи билан юзини хиёл беркитиб турди. Бу Омонқулбойнинг ёлғиз қизи. Бечора Турдибой, ажабтовур бахши бола шу қизни деб девона бўлди-я, тентак деган ном олди-я. Аёл елкасида зил-замбил сув тўла кўзанинг оғирлигига қарамасдан эр кишининг йўлини кесиб ўтмаслик учун атайлаб шундай қилди. Бу барча дашт аёлларига хос одатий ҳол бўлса-да, кўнгилчан Мулкомонбойга хуш ёқиб, кайфияти бир оз кўтарилгандек бўлди. Аммо у Турди тентакни эслаб Омонқулбойни баттар ёмон кўриб кетди ва аёлга назар ташламасликка тиришганча отини қичаб ўтди.

Қайрағоч ёғочидан ишланган кўш табақалик дарвоза ланг очиқ, Мулкомонбой отдан ҳам тушмасдан ҳовлига тикка кириб борди. Тоғликлар одатига кўра бегона ҳовлига киришда уй эгасининг ҳурмати учун дарвозага беш-олти қадам етмасдан отдан тушилар ва рухсат сўралгач, кейин ҳовлига кирилар эди. Мулкомонбой ундай қилмади. Аксинча, ҳовлига бостириб кирасола бойга ўшқирди:

— Одам боласига шунча жавр қилиш мусулмончиликнинг қайси қондасида бор, ҳой инсофи йўқ бой?

— Менинг қондамда бор, бу бир, ўлгиси келган берухсат киради бу хонадонга, бу икки, ҳе йўқ, бе йўқ бировнинг кўрғонига кириб идао қилиш мусулмончиликнинг бирон қондасида айтилган бўлса мен шу ёшимга кириб беҳабар эканман, бу уч, — баланддан келди ҳовли тўрида ўтирган Омонқулбой. — Суяк меники, уруғ меники, шунинг одамларга не оғирлиги тушаяпти, ўлса ўзим кўмаман.

Ҳақиқатан ҳам Қурбонназар Омонқулга узоқ қариндош, ҳар иккалови болғоли уругидан эди.

— Тоға — етти ота, — деди Мулкомонбой бўш келмасдан. — Болапақирнинг тоға журтида мендан бўлак ҳеч кими йўқ, шунинг оёғига кирган чўкир тикан менинг товонимни ачитади, қўйворинг уни, бой, қанча қарзи бўлса, ўзим кўндаланг.

Шу куни Мулкомонбой юз кўй тўлаб, Қурбонназарни отга ўнгариб уйига олиб кетди, аммо қишлоқнинг олди бўлган олти ака-ука бой унинг ортидан хап саними, деб тиш қайраб қолишди.

Уларнинг гарам-гарам ем хашаги бўлса-да, Мулкомонбойга қарашмаганлиги, Мулкомонбойнинг ҳам уларникига бош эгиб боргиси келмаганлиги ва Курбонназарнинг бу ҳовлига келиб қолишига сабаб шул эди.

* * *

— Ҳаммаларингизнинг кўнгилларингиздан ўтаётган гапни сезиб турибман, — деди ахйири Мулкомонбой. — Кўнгилларингизни ҳеч бўлмай юрайверинг. Кўй, давлат ҳозир бўлмаса, эртага, эрта бўлмаса индинга бўлар. Шу вақтга қадар бир бурда нонимизни бирга бўлиб едик, насиб қилса бундан кейин ҳам шундай қиламиз. Беғамлик, тadbирсизлик оқибатида шу кўйга тушиб ўтирибмиз, бир бўлди, иккинчи бўлмас. Энди қиладиган ишимизни билиб қиламиз...

Ўтирганлар “хайрият-э” дегандек енгил тин олишди.

Мулкомонбойнинг юзида хотиржамлик сезилса-да, кўнглида минг ташвишли бир хаёл гулжон ўйнар эди. Чунки билардики, бир ҳамён тилло унинг учун талофат жариға солинган охириги кўприк. Агар тadbирсизлик қилиб юз олтин тангаси, охириги илинжидан ҳам ажралиб қолса, чиқиб бўлмас жарга қулаши, рўзгорини абгор қилиб кўйиши тайин. Агар ақлини ишлатиб фойдаланса, унга умид билан термулиб ўтирган шунча қора кўзга ҳамишагидек бир бурда нон тута олади. Бир иложини қилиш керак, не бўлса-да, эл орасида обрўйни, ор-номусни йўқотмаслик лозим. “Отамдан айланай, — дерди белидаги ҳамённи силаб кўяркан Мулкомонбой. — Асли менинг гўрлигимни билганки, шу нарсани охириги кунгача билдирмади ва фақат қора кунингга асра деб васият қилди. Мана энди фурсат етди шекилли. Наҳотки менинг шу кунларга тушишимни билган бўлса... Падаримнинг қадрини ўлмасдан туриб билсам бўлмасмиди. Воҳ, отажоним-а...”

Кўп ўтмасдан Оқтепада Мулкомонбой бозорга тушган ҳамма молни — бир сурув кўй, аллақанча сигир-бузоғи билан, икки жуфт ҳўкизни ҳам сотиб олиб кўйганмиш, кўйларини Шодиқул оқсоқол Хотин қочди сойда боқиб юрганмиш, Кудуқсой тарафда бойнинг ўзи одамлари билан кўш ҳайдаб, баҳорикор бугдой сепаётганмиш, бойнинг хотини Ойсулув кампир билан қора эшакда бир хуржун нон ортиб ўша ёққа кетаётганлигини кўрдик; кечагина Мулкомонбойи кургур эртаги жўхори экамиз, деб Каттаариқнинг бўйидаги чимлоқни ажриқдан тозалаб ётганди-ку, бало экан бу, деган гаплар кўпайиб қолди.

Мулкомонбойсиз ҳам Илонлида ҳаёт давом этар, фақир обиёвгон ичар, бой ёғли палов ошарди. Аммо Омонқулбойнинг ўша Мулкомонбой кўчиб кетган тонгдан бошлабоқ тинчи йўқолди, ўзининг аввалги чўпони Курбонназарни қайтариб олиш пайига тушиб қолди. Мулкомонбойнинг чорваси қирила бошлаганда ичидан суюнишининг бир томони асли шунда эди. Чунки шу Курбонназар кетди, Омонқулбойнинг отарларидан қут-барака ўчди чоғи. “Бу болада бир гап бор, — ўйларди у. — Аслида мойлиоёқ шеккилли, бўлмасам кўйларим аввал ҳам шу яйловда ўтларди, ҳозир ҳам, аввал ҳам шу булоқдан сув ичарди, ҳозир ҳам. Аммо, нега аввал ҳар икки совлиқдан бири эгиз кўзиларди, ҳозир ундай эмас? Курбонназар саркорлик қилган даврларда қисир қолган совлиқни кўрмасдим. Энди эса ҳар юз совлиқдан 10-15 таси тўл бермайди, ё бола ташлаб кўяди. Демак, сувсиз қолади, ё емсиз, ё гузсиз, ё совуқ, ё иссиқ, ишқилиб, бирон жабр кўради-да, бўмасам бундай бўлмагич эди. Курбонназар тинмас эди. На отарни, на чўпонларни ҳам тиндирарди, шунинг эвазига кўйлар бардам, тўқ бўларди.

Айниқса кечалари ёйилиб ўтлайдиган сурув олдида илон чиқса ялмамай ютади, ана шундан кейин кўр, унинг этига эт қўшилишини. Бу уккағар чўлиқлар кун чиққунча ухлайди. Асли ўзим ҳам жа-а ҳаддимдан ошиб кетган эканман-да, шу болани бекорга кўлдан чиқардим. Энди не бўлса ҳам Курбонназарни қайтариб олиш керак, бўлмасам бу нонемас чўпонлар яна икки-уч йил юрса мени хонавайрон қилади. Бу ит бирданига ёмон қасам ичиб кўйди-да, қайтиб келармикан... Э, келади. Ваъдани қуюқ қилсам, келади. Майли, дейман, билмабман, дейман, мана шу юз кўзи сеники, қариндош, ота авлод турганда тоғанинг эшигида не бор сенга, кел уйга, энди ёшим ҳам қайтиб қолди, билганингни қилиб юраверасан, десам келади, оққўнгил бола ўзи у, кейин берган юз кўзини минг туёқ қилиб чиқариб оламан бу кучукбачадан...” Бу орада қиш бошланиб, жуттарчилик бўлиб қолди. “Ажаб бўлди, энди юз кўзи ҳам ёнимга қоладигани аниқ, бу уккағар Курбонназар егани нон топмасдан тўғри меникига келади. Шу ерга келмасдан, қаерга боради...” Аммо Мулкомонбой бир кечада гойиб бўлди-қолди. “Кетса-кетавермайдимми, менга деса гўра кетсин, очиқ лаҳадга ошиб кетсин. Орқасидан уч-тўрт ишнинг кўзини биладиганларни ҳам олиб кетгани неси? Еярга нони йўғ-у, одам ияртишни ким кўйибди унга?...”

Сўнги пайтларда Оқтепадан келиб турган хабарлар яна Омонқулбойни безовта қила бошлади. Тўй-маъракада одамлар Мулкомонбой бошқатдан давлатманд бўлиб бораётганини гапирди. “Қаердан оляпти бу шунча мулкни, бари шу Курбонназарнинг мойли оёқлигидан-ов, шу бола боққан мол емаса ҳам семириб кетайберади ўзи, асли баракалик эканлигини билардим-у, бекорга кўлдан чиқардим-да, шунга қайтариб олиб келсам Мулкомонбойнинг сандиғига қуйилаётган тиллар меники бўлиши аниқ. Не бўлса ҳам шу кучукбачча Курбонназарни ҳовлига қайтаришим керак, бўлмаса бирим икки бўлмайди чоғи, — дея ич-этини ерди Омонқулбой. — Шундай қиламан, ана унда Мулкомонбой Оқтепага эмас, ундан нарига кўчиб кетганда ҳам бошқатдан энасини кўради, кейин менинг олдимга тушиб бўпти. Мен турган меҳмонхонада гердайиб, тўрда ўтира олмайди ҳам, бу уккағар аразчи, аразургич.”

Вақт эса ўтиб борарди. Яна кўклам кириши арафасида Омонқулбойга тонг саҳарда совуқ хабар олиб келишди. Бу ношуд чўлиқлар уквсизлик қилиб юзга яқин совлиқни селга оқизиб кўйибди. Икки кундан буён шивалаб ёғаётган ёмғир селга айланганди. Омонқулбойнинг қаҳри билан кечаси ҳам отарларни бир мартаба кўзатиб келадиган чўлиқлар ёмғирнинг заптдан қўрқиб кўйларни сувсиз сойнинг тўр тарафига қамаб, ўзлари панароқда кунушиб ўтиришган экан. Тепадан келган сел бало-қазодек ёпирилиб талай ташвиш орттирибди. Тонг отгач санаб қарашса, зўр-зўр совлиқлардан юз чоғлиси йўқ. “Бу уккағарларда калла бўлса, жала пайти молни сойга қамайдимми, э ҳаммангнинг энангни...” Бой “Қури кўзимдан!” деб чўпонларнинг ҳаммасини қамчилаб-қамчилаб қувиб солди. Ўзи аламига чидай олмасдан, отланиб, тўғри Оқтепага жўнади.

Омонқулбойнинг оти илдам одимлайди. Кун салқин. Ёмғир ҳамон шивалаб ёғмоқда. Кун ботишдан эсаётган енгил шамол совуқ томчиларни бойнинг юз-кўзи аралаш уряпти.

Қишлоқдан чиқиб энди сойни кесиб ўтаётганида Омонқулбойнинг оти ғалат қишқириб, тайсаллаб, жар томонга қадалди. Бой сергак тортиб ён-атрофга олазарақ боқаркан, сойнинг том бўйи тик ўпирилиб тушган қирғоғида чўнқайиб ўтирган икки қорага кўзи тушди-ю, эти бир сесканди. “Бу ярамаснинг қишлоқда қораси кўринмай қолувди-ку, яна қайси гўрдан пайдо бўла



қолди экан. Индамай қолайверса-ку, яхши-я, яна бирон нима деб кўнглини хуфтон қилмаса эди”.

Ана, худди ўйлаганидай бўлиб чиқди. Ити ҳам, ўзи ҳам худди шаррос қуяётган ёмғир тагида эмас, илиққина кўклам қуёши тафтида бемалол ўтиргани каби жар тепасида чўнқайишиб олганди. Ҳе йўқ, бе йўқ, Турдибой тентак:

— Ҳов бой, ҳақимни бер! — деди.

Бой ўзини эшитмаганга солиб, отини қичаб ҳайдайберди. Икки қора ҳам жойидан кўзғалиб, ортидан эргашди.

— Ҳов бой, ҳақимни бер!

Омонқулбой не қиларини билмайди. Бориб қамчилаб-қамчилаб хуморидан чиқай деса жар тик, айланиб ўтай, деса орқа-адоғи кўринмайди. Кета-кетгунча шу туриш. Не бўлса-бўлди, энди қичаб юриш керак, зора орқада қолиб кетса.

— Ҳов бой, фақир дединг, қизингни бермадинг, сағир дединг ҳақимни бермадинг, ҳа ергина ютсин сени!

Бой алампидан инграб юборди, отига аччиқ-аччиқ қамчи тортиди, ивирсимай ўл, қадамингни санаб босмасдан ҳаром қотгур, чу-е! От қамчи зарбидан безанглаб, сувлиқни босиб-босиб елди, икки қора тобора орта қола бошлади!

Қават-қават чопон, тўн чакмонлари ивиб, зил-замбил юк елкасидан босиб тургандек туюлди Омонқулбойга.

Ниҳоят, Сарой қишлоғи кўринди, том-туйнуқлардан кўтарилган кўкимтир тутун борлиққа чала ёнган тезак ҳидини ёймоқда. Онда-сонда кучук хуриб, эшак ханграйди, демасанг атроф жим-жит. Бой орқасига қараб-қараб келмоқда эди.

Тўсин қишлоғига яқин қолди, ҳамон ёмғир тинай демайди, йилқи жонивор толиқа бошлади. Лекин Омонқулбой тўхташни хаёлга ҳам келтиргани йўқ. Тезроқ манзилига етса, ишларини битириб қайта қолса. Гуё Қурбонназарни бугуноқ олиб кетадигандай. Кўрли қишлоғига етганда отнинг қадам ташлаши сусая бошлади. Бой хавотирланиб ортига қараб-қараб олади. Атроф кимсасиз эди. Аммо кўринган қора Омонқулбойга итини эргаштирган Турди тентак бўлиб туюлади. Бундан аччиқланган бой жониворга аччиқ-аччиқ қамчи босди. Ёмғир, совуқдан дийдираб, ношуд чўлиқлари кўзига баттар ёмон кўринди. Хаёлидан Мулкомонбойнинг кундан-кунга кўпайиб бораётган давлати, эти бардам совлиқлари кетмай қолди, ҳаммаси шу бир пуллик чўпон Қурбонназарнинг орқасидан, деган ўй унинг бутун вужудини қамраб олганди, не бўлса ҳам шу болани қайтараман.

Бой ёмғир пардаси ортидан қорайиб кўринаётган Оқтепасойга етганда кун асрга яқинлашиб қолганди. Сўроқлаб Ташбақали сойини тоғди. Ҳа, ана, дейишди учта тўланнинг оғзи гўрдек қорайиб кўринаётган кичик сойликни кўрсатиб. Ана шу Мулкомонбой ўтиргин қўшхона. Омонқулбойнинг ўлардек чарчаб, сувга буктирилган зоғора нондек бўшашган гавдасига қаердан кир куч-қувват энди гуё, ўтиришинг шул экан-ку, уққағар, деди бир хаёли. Тўлада ёгаркансан-у, сенга ким қўйибди Омонқулбойдан аразлашни. Бой ширин энтикди. Ичида қувониб қулди. Кўз ўнгидан ўзининг вассажуфглаб ёпилган меҳмонхонаси ўтди. Тўла олдида ётган иккита хўтикдек итни писанд қилмай, отини қичаб ҳайдаб яқинлашди. Уч-тўрт жойга юмаюқлаб қуритилган таппи уюмлари ёмғир-қорда ивиб кетмасин учун устига янтоқ-қуврай гарамланган. Нарироқда бир неча улоқ ўт чимдилаб юрибди.

Ташқарида ит хуриши ва бегона эркакнинг товушини эшитиб тўла оғзига илинган шолчани кўтариб бир аёл кўринди.

— Омон-эсонмисан, келин, — деб сўрашган бўлди бой. — Қуноқ бўп келдик, меҳмонхонага ҳайданг ҳам демайсизлар.

Мезбонларнинг ертўлада яшашларига ишора қилиб чақиб олди бой.

— Келинг, келинг, ака, ҳайдайверинг. Ҳай, отни ушланглар, — дея аёл кела сола тизгиндан тутди.

Тўлада ўн беш ёшлардаги ўсмир чиқиб, отни бостирма томон етаклаб кетди. Меҳмонни эса Мулкомонбой ўтирадиган ертўлага киргизишди.

Тезда Бойбичанинг ўзи кириб, Омонқулбой билан ҳеч нарса бўлмагандек узоқ сўрашди. Илонлида қолган ҳамсоялар, қариндош-уруғларини бир-бир эслади, дастурхон ёзиб майиз, туршак, қора бугдой унидан кўпилган нон қўйди, косаларда юзига сариёғ қуйилган қатиқ олиб киришди. Нариги тўладагилар Омонқулбойнинг келганидан бир қувонишиб ҳам хавотирланишиб бой билан сўрашдилар.

— Ичингиз Иштихон бозорига кетиб эди, — деди бойбича суҳбат асносида. — Ҳадемай келиб қолади. Мен гўшт осдирай.

Бой иссиқ-иссиқ чой ичиб, йўл азоби — гўр азоби, дея гўдрани-гўдрани мудрай бошлади. Мезбонлар бирин-кетин чиқиб кетдилар.

Мулкомонбой кўзларини йириб очиб, тўла ичини қизиқиб кузата бошлади. Боя кирганида гўристондай қоп-қоронғи туюлганди, унчалик эмас, аксинча шинамгина экан. Шифтлари равоқдор қилиб ўйилган. Эни икки ярим қулоч чиқар-ов. Ҳар қандай дароз киши ҳам чўзилиб ётиши мумкин. Деворлар силлиқ қилиб қирилган бўлса-да, тешанингми, кичикроқ кетмончанингми тарам-тарам излари билиниб турибди. Қатор қилиб ўйилган тоқчаларда рўзғор қақир-қуқурлари қорайиб кўринади. Тўрдаги қутими, сандикнингми устига кўрпа-ёстик тахланган. “Оббо уққағар”, — деди Мулкомонбой шифтта қараб. Чунки унинг нақ тепасида озгина нам билиниб турарди. Шунинг учун ҳеч ертўлада меҳмон бўлмаган Мулкомонбой бу савилнинг том-поми ўпирилиб тушмаса-ку, деган ҳадикка борса-да, чарчоқ устун келиб мудрай бошлади. Бир пас ўтач эса бўйра устига тўшалган олачани кўтариб носини туфлади. Кейин яна мудрай кетди.

Ташқарида ҳамон ёмғир майдалаб ёғар, Оқтепасой устига секин қоронғулик чўкмоқда эди. Ер уч кеча-кундуз ёғётган ёмғирдан бўкиб, кўпчиб кетган. Тўла оғзидаги бостирма тагига боғлаб қўйилган ит ангиллаб, занжирини узгудек тортиниб, безовта бўла бошлади. Шу пайт алланарса бўғиқ, г-у-у-у-п этган товуш берди. Омонқулбой дам олаётган тўланнинг оғзидан буриқсиб чанг-тўзон кўтарилди. Тўланинг томи босиб қолган, Турди тентак айтгани каби, Омонқулбойни ер ютган эди.

Қир устида отига чўлиқлари, бола-чақасига керакли майда-чуйда солинган хуржунларни ортган Мулкомонбой кўринди. У тўла атрофида уймалашаётган одамларга қараганча ҳайрон бўлиб келарди. Мулкомонбой отини қичанқираб ҳайдаб, тўдага яқинлашди...

Мулкомонбой кунлар исиши билан бу беҳосият жойни тарк этиб, қирнинг офтобрўй тарафидаги сайхонликка пахсадан кўрган солиб, кўчиб чиқди. Аммо қишлоқнинг номи Тўлабосди бўлиб қолаверди...



Жовли ХУШБОҚ

КЎЖТМА

Хикоя



Шаҳар яқинлашган сайин нафасим қайтиб, негадир бўғила бошладим. Юз-кўзларимдан тер қуйилаверди. Ошпоқ кўйлагим жиққа ҳўл.

— Термиз деганлари дўзахнинг нақ ўзи-да — деди «Москвич»нинг рулини ҳансираб бошқараётган Сардор ака.

Ёши элликлардан ошиб кетган бўлса-да, чарчаш нелигини билмайдиган бу киши кўп йиллар калхўз раиси бўлиб ишлаган. Ҳозир фермерлар уюшмасига бош-қош. Аҳён-аҳён шаҳарга келиб, ўзининг тили билан айтганда ўтлаб, бўшалиб кетиш одати бор.

Бугун эрталаб газетамиз муҳаррирининг топшириғи билан бу одам ҳақида очерк ёзиш учун учрашган эдик.

«Юр, сени шаҳарга ўйлатиб келай», деб кўярда-қўймай мана буюққа олиб жўнади.

— Ҳа, шоир, ҳаёл суриб қолдинг, — деди у елкамга курақдай қўлини ташлаб. — Нима, шаҳарга бориб, қандай китоб олсам экан, деб миянгни кавлаштиряпсанми? Ҳалиям китобхўрсан-а, ё сенгаям Худо эс бериб қолдими?

Беш-олти йилдан бери танишлигимиз учун Сардор ака мен билан шундай ҳазиллашиб, эркин суҳбатлашади.

— Э, раис бува, нимага тергайсиз? Сут билан кирган қон билан чиқади, деб айтган ўзингиз-ку.

Сардор ака яйраб қолди. Бейхшов калласидаги шляпа унинг бошини янаям каттароқ кўрсатиб турар эди. Қон-қора юзи тердан ялтирайди.

— Ука, одам ҳам трактордай гап, қимирлаб юриб, ҳаракат қил турмаси занглаб кетади.

У гап халтасини очиб кўйганича тўғри ўзи ўрганган шаҳар меҳмонхонасига бошлаб борди. Худди отасининг ҳовлисига кираётгандай ҳафсала билан меҳмонхона дарвозасини очиб, «Москвич»ини ичкарига олиб кирди.

— Ҳой, Каромат синглим, ишинг миҳдайми? — деди Сардор ака меҳмонхонага кириб бориши билан худди кўғирчоқдай ясанган-тусанган, ўзига эринмасдан зеб берган тўлагина жувонга.

— Ҳу, келинг, раис бово. Нима бало, трактор яна занглаб қолдими? — деди жувон ошпоқ, ҳўб бўялган салқин юзига табассум югуртиб.

— Ҳа, сингилгиним, нимасини айтасан? Айтқилиғи йўқ сира. Кампир қариб-чириб қолди. Инқиллаб, бир кун сов бўлса, ўн кун қари совликдай туролмай қолади, уккагар...

— Сардор ака, ўзингиз кўрган ҳамини дам оладиган йигирманчи хонага кираверинг. Мана калит.

Жувон мен томон илжайиб қўйди-да. Сардор акани бошлаб кетди.

Тавба, Сардор ака худди энасининг уйида ўтиргандай бақириб-чақирар эди.

— Сингилгиним, менга сал-пал ўттиздан ошганим бўлаверади. Лекин ҳуз анави коридорда турган бойсулик олифта мухбирга асовроғидан топиб келасан. Уям бир кўриб қўйсин ҳаёт қандай бўлишини. Ўзи бу дунёга келиб топгани тўртта китоб бўлди шоир баччанинг.

Жувон мени эртақлардагидай безатилган хонага

бошлаб кирди. Эҳ, ҳақиқат бор экан-ку. Роса тердан ивиб кетган эдим. Мана бу кондиционерни қаранг. Ана яшашу мана яшаш... Бизам юрган эҳанмизда дунёга келдик, умр кўряпмиз, деб. Худди сигирхонага ўхшаш жойда тирикчилик ўтказиб...

Тердан шалаббо бўлиб қолган кўйлагимни илгакка ташладим. Шимниям диванга отиб юбордим. Майкамнинг терини сиқиб, ёйиб қўйдим. Ечиниб бўлгач, диванга чўзилдим.

Тердан ачиша бошлаган кўзларим чарақлаб очилгандек бўлди.

— Мана буни ҳаёт деса арзийди!

Ўрнимдан сапчиб турдим, душнинг тағига бордим. Ёшим ўттига кириб ҳам ҳеч бунчалик ҳузур қилмаган эдим. Тавба, Қизириқда баъзан ичишга бир қултум тоза сув топибмайди, бундай мазза қилиб душда чўмилиш қаёқда дейсан? Гоҳида зовурнинг шўр сувини ичишга ўрганиб қолган одам шаҳарда бундай жаннат жойлар борлигини билмас эканман.

Қаерда ётганимниям бутунлай эсдан чиқариб, ярим яланғоч, диванда чўзилиб ётавердим. Ўзим билан олиб келган Лев Толстойнинг «Иккоронома» китобини нечанчи мартадир яна ўқий бошладим. Ҳамма нарсани унутдим. Толстой бобонинг дин ҳақидаги ўйлари, гап-сўзлари яна мени асир қилиб қўйган эди. Қанча ётганимни, китобнинг неча саҳифасини ўқиганимни улча билмайман, бир маҳал нимадир шитирлагандай бўлди.

Тавба, бизнинг уйдагидай бу ердаям сичқон бормикан, деган фикр кўнглимдан ўтди. Шитир-шитир қилган тарафга қарагим ҳам келмади. Бироздан сўнг нимадир «тарс» этиб кетди. Қизиқ, бу ерда мендан бошқа яна ким бор, арвоҳми? Ўзимни тута олмай, сапчиб ўрнимдан турдим.

Стул ёнида узун бўйли қиз турарди. Бўйчангина. Шимиям борми? Ё тавбангдан кетай... Уям ўгирилиб қаради-да, жилмайиб қўйди.

Умрим бино бўлиб, бунчалик чиройлисини учратмаган эдим. Худди рассом атайлаб расм-одам яратгану, мен олдидан пўноқ, фаросатсиз томошабин каби серрайиб турар эдим.

Қиз бетартиб сочилиб ётган газеталарини тахлай бошлади. Мен бўлсам, бу лаҳзалик, ўткинчи ҳолга қўл силтагандай яна китоб ўқишни келган жойидан бошлаб юбордим.

Сезиб турибман, қизнинг нима биландир андармон бўлиш нияти бор. Чойнакни столнинг у бошидан бу бошига қўйди. Пиёлани тушириб юборди. Синдимни, у ёғини билмайман, қарс этиб кетди.

Унинг нима қилаётганини кузатиш одобдан эмас эди. Қандай қилиб бировнинг қизига худди одам кўрмагандай бақрайиб қараб тураман? Турса тураверади. Менга нима?

— Бирор гап сўрамоқчимидингиз?

Унинг хонадан чиқиб кетмай турганига ҳайратим ошаётган эди. Тайинли бирор юмуш бўлмаса нима қилади бу ерда ўралашиб?

У саволимни эшитмадимми ё атайин жавоб беришни хоҳламадимикин? Нимагадир жимгина, худди тилдан

қолгандек қаққайиб тураверди. Ҳатто кўнглим учун бир оғиз мингирлаб қўйишним ўзига эп кўрмагандай.

Ярим соатлар ўтди чамаси.

Қиз шахт билан тацқарига чиқиб кетди. Қанча вақт ўтганини билмайман. «Иқрориома» китобининг ярмигача ўқиб бўлгандим, шекилли, Сардор ака югуриб олдимга келди. Серсавлат, барваста кишининг ярим яланғоч ҳолда юриши алланечук энсамни қотирди. Сардор ака ҳансираб, зўрға нафас олар эди.

— У, шоир бола, йигитмисан ўзи? Нега ашови қизга учрамадинг? Қўрқма, ҳақини ўзим тўлайман.

Жон-пошим чиқиб кетди.

— Ҳе, уккағарининг акаси, нимага мени ҳақорат қиласиз? У қиз стол ёнида турди-турди. Менга бирор тегажоқлиқ қилган бўлмаса? Мен қаердан билай унинг ичида дарди борлигини?

— Гапни калта қил. Журналистман, деб лақиллайверма, амалий ишга ўт. Юрагингда сал-пал чўғ борми, ё...

— Майли, юборинг, хафа қилмайман. Ҳақини ҳам ўзим тўлайман.

Сардор ака менга насиҳат қилиб чиқиб кетди.

«Иқрориома»ни кўлга олдим-да, ётавердим. Бироз ўтиб, яна нимадир шитирлагандай бўлди. Сал вақтдан сўнг чойнакнинг стол устига тақ этиб қўйилгани эшитилди. Қарасам, ҳалиги узун бўйли қиз яна каловланиб турибди. Китобнинг энг қизиқарли жойини ўқиётган эдим. Шундай бўлса-да, Сардор аканинг қаттиқ-қаттиқ сўкиниб гапириб кетганларини эслаб, ўрнимдан кўзгалдим.

— Исминг нима?

Қиз худди ток ургандай сесканиб менга қаради.

— Ойжамол.

— Қаерда ўқийсан?

— Коллежда.

— Нечанчи курсда?

У менинга астойдил гурунғ қилмоқчи эканлигини сезди

шекилли, илтифотимнинг кутиб ўтирмай стулга чўкди.

— Бу йил битириб кетаман.

Қиз ҳалиям бегонасираб, қисқа-қисқа жавоб беришга интилар, кўзини қоплаган сочларини силкитиб кўяр, гоҳ-гоҳ ноз билан қош қоқишга уринар эди.

— Берироқ келинг, сизни еб қўймайман...

Қизнинг гапи юрагимни тешиб кетгандай бўлди. Қанчалик гўзал бўлмасин, ошкора илтифоти... ўзини яқин олишга уриниши... Тавба, бегона эркакка-я?

Диванга бориб ётиб олдим. Ярим яланғоч ҳолда, бунинг устига гўзал бир қизнинг олдида тилим калмамага келмай қолди.

Уям индамай ўтираверди.

Ўрнимдан турдим-да, шимимнинг чўнтагидан ўнта мингталик чиқариб узатдим. Шаҳарга келаётганимда беш-олтита янги китоб олиб кетишни ният қилгандим. Нима қилай, маня шу қизга насиб этган экан-да...

— Ма, сенга ҳақ. Энди хонадан чиқиб кет.

Мен яна диванга чўзилиб «Иқрориома»ни варақлай бошладим. Китобнинг охириги саҳифалари шундай ҳаяжонли, эҳтиросли эдики, бутун вужудим жуңбушга келди. Бунчалик лаззатни ҳеч қачон ҳис этмаганимни англаб турардим.

Мен бир пайт қизнинг ҳануз хонамда турганини пайқаб қолдим.

— Ҳа, ҳали ҳам шу ердამисан?

Қиз мен томон бир ўқрайди-да, қўлидаги ҳалигина ўзим тутқазган пулларни кўз олдимда сочиб ташлади.

Сўнг шашт билан хонадан чиқиб кетди.

Мен ҳайрон қотиб қолдим: «Роса ғалати қиз экан-ку, пулни олмади! Нима керак унга ўзи?!»

Мен яна «Иқрориома»ни ўқишга тушдим. Анчадан сўнг эшик қия очилиб, Сардор аканинг гулдирос овози эшитилди:

— Ҳа, шоир, маза қилдингми? Китобингни қишлоқда ўқийсан энди.



А305

Мехринисо

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

ЭНГ СЎНГГИ ЙЎҚОТИШ

Сени чорлаб кетди қайси бир манзил,
Ортиндан термулиб кўзларим толди,
«Мен сенга ашолмам бу дунёда», деб
Фақатгина жонсиз сувратинг қолди.

Юрак тўла орау-армонлар,
Билмам нега армонларини қучтим келади?
Осмонда-чи, қанча-қанча қаноғли қишлар,
Менинг эса бапалакдек учгим келади.

Сувратинга бокдим кинригим қоқмай,
Жўш туриб нигоҳ-ла эркалар эдинг,
Мен эса ғазаб-ла ташладим йиртиб,
Минг бир бўлак бўлиб «Севганим» дедим.

Ўтар тишмай ҳар тун ўша юлдузин тушлар,
Менинг эса, ярим ойни кўргим келади.
Олдимда-ку қанча-қанча умиди қишлар,
Билмам нега,
Қучоғингда ўлгим келади?

Юрагим, менга сенга азоблар бердим,
Азоблар топаман, қувончлардан ҳам.
Юрагим, мен сенга ғазаблар бердим,
Ғазаблар топаман қулғулардан ҳам.

Юрагим, мен сенга сабрини бердим,
Лекин ўзим Сабр тоғганимча йўқ.
Мен сенга азоблар топдим-у, аммо
Мен сенга Қабрини тоғганимча йўқ.

Сувратинг йигдим, сўнг қайта бошдан,
Кўла-қошинг барчасини жойига қўйдим,
Ногоҳ кинрикларим кетдилар титраб,
Наҳот мен нигоҳинг йўқотиб қўйдим?

Гуноҳим кўксимга осилган қисмат,
Балки бу қисматга топарман чора.
Майли мен барига розиман, фақат
Тақдир бошқаларини қилма бечора.

РОМАН ҲУҚИБ, РОМАНИИ СОҒИНАИМ

Сўнги йилларда бадиий адабиётда, хусусан, романчилик, қиссачилик ҳамда ҳикоянависликда катта бир ўзгариш ўқувчи диққатини тортмоқда. Атроф тўла ажойиб китоблар, қай бириши ўқиниши билмайсиз.

Улугбек Ҳамдамнинг «Мувозанат», Лукмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар», Саломат Вафoning «Тилсим салтанати», Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам», Қўчқор Норқобилнинг «Кулиб тур, азизим», Зулфия Қуролбой қизининг «Вузлик фаршитаси» каби асарлари ўзига оҳанрабодай тартади. Бугунги ўзбек насридан ушбу асарларни ўқиб завқланасиз. Масалан, Н.Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» китобидаги қисса ва ҳикояларни ўқиб, ўзингизни жаҳон адабиёти дурдоналаридан бирини ўқийётгандай ҳис қиласиз. Китобнинг сўнги нуқтасига етганингизда, бу ўзбек насрику, деган ички бир тўйғу миангизга уради ва ҳали Назар Эшонқулдан кўп асарлар ўқийман, шох асарини ёзади, деб ҳаяжонли босасиз. У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романини ўқир экансиз, Юсуф юрган қорли кўчаларда сайр қилганингиз, романини ўқиниша дўстингизни чорлаганингиз келаверади.

Бугунги ўзбек насрига бўлган ўша иштиёқ билан Т.Жўраевнинг «Бозор дунё» романини қўлимга олдим. Китобга ф.ф.д. Йўлдош Солижонов «Чигал тақдирлар драмаси» номли сўзбоши ёзган. Бу сўзлардан сўнг романини қўлингиздан сира ҳам қўйганингиз келмайди.

Бу асарни ҳам юқоридаги асарлар сирасига қўйиши ва қўямаслик китобхонининг зиммасидадир. Чунки ёзувчининг бугунги кунга ташлаган назари, тафаккури устида кўзларингиз югура бошлар экан, Мансур ҳожи, Каниза, Позима, Қодир Алиевич, Уктамба каби қаҳрамонларнинг характери, уларнинг дунёқараши сизни қизиқтириб боради. Ҳаром ва ҳалоллик, нафс ва қаноат, бойлик ва гариблик ҳақида чуқурроқ мушоҳада юритилганига гувоҳ бўлиши билан бир қаторда ёзувчининг ҳали маромига етмаган гализ жумлалар тузишига «бой»лигига гувоҳ бўлиб қоласиз. Ёзувчи

ҳам «камбагал» бўладими, деган савол бевозта қила бошлайди. Бу савол сизга китоб тугагунча тинчлик бермай борар экан, сиз анча масалаларни ўйлашингизга тўғри келади.

Асар «Бозор қисқа муддат тин олган бу марказий бозор сўфи обдаста кўтармасдан яна жонланди», деб бошланар экан, бозор тирикчилигига, турмуш тарзига айланиб қолган инсонларнинг ҳаракати сўфи обдаста кўтармасдан бошланиши вақтга қаратилган ишорадир. Аммо асарнинг ниҳоясигача вақтни ифодалайдиган бундай гапларни топиши амри маҳол.

Вақтни соат билан аниқ ифодалаб боради. Бу ёзувчининг жумладан жумлага кўчани учун қуролига айланиб қолган. Масалан, «Соат тўртга яқин ишхонага келди», «Соат тўртга бориб қолган эди», «Соат бешига яқин Шерзод келди» деб бошланади (107-бет). Бир бетда тўртта жумла, бир жумлагина бундай бошланишдан мустасно. Жумлаларнинг бу тузилиши ўқувчини зериктириб боради. Ёзувчи бисотида сўзларнинг камлигига амин бўласиз. Айни мана шу ерда ёзувчида катта имконият бор эди. Табиатнинг ўзи унга вақтни белгилаш учун хизмат қилади, агар тасвирлай билганда. Асарнинг бошига жиҳатларига эътибор қиладиган бўлсак, уларда ҳам ўзимизга қаноат ҳосил қила олмаيمиз. Қаҳрамонлардан Аҳмад билан Ойимҳол бўйиб келинади. Шу ички кичик қаҳрамондан унумли фойдаланилса, ўз нафсининг қурбонига айланган Канизанинг ички кечинмаларини кенг баён қилишига имкон берарди.

Романдаги ҳар бир қаҳрамонда ўзига яраша нуқсон борлиги, ёзувчи ҳаётдаги воқеликни асарга имкон қадар эркин баён этишига уринганлиги ўқувчини қувонтиради.

Ўз нафсининг қулига айланганлар ҳақида ажойиб асарлар ҳали ўзбек адабиётида ёзилишига ишонч ҳосил қилдим. Қўлимдаги «Бозор дунё»нинг ниҳоясига етганимда, роман ўқиб, романини соғинганимни ҳис қилдим...

Нурилла ЧОРИЕВ,
ЎЗМУ талабаси

Юртим

Юртим, тенгсиз маскансан,
Доимо обод бўлгин.
Сенга қасд қилган каснинг
Ўзи юртга зор бўлсин.

Серҳосил замининг бор,
Топганимиз бол бўлсин.
Мудом гарёларингнинг,
Сувлари зилол бўлсин.

Гўзал юртга муносиб,
Фарзанд бўлиб қолайлик.
Ватан равнақи учун,
Меҳнат қилиб толмайлик.

Майса

Кўкка илинж билан боқади майса,
Осмоннинг кўз ёшин тилайди.
Бироқ нимагадур ҳар лаҳза,
Қуруқ шамол келиб бошин силайди

Майса лабларида қақроқлик муҳри,
Момик япроғига тупроқ ёпишган.
Тугаб бораётти гўёки сабри,
Осмон, эй, бир бор солсайди қовоқ.

Бироқ майса учун умидсизлик ёт,
Интилаверади кўкка бетиним.
Демак, насиб бўлар, охир мукофот,
Кўкдан ёмғир ёға бошлар бетиним...

БОЙЧЕЧАК

Сеvara САИДОВА



Шаҳрисабз туманидаги
30-мактабнинг 8-синф ўқувчиси




НАЗМ БЎЛИМ

Эру хотин телевизорда қўрқинчли кино томоша қилишяпти. Экранда туйқус даҳшатли бир башара пайдо бўлди.

- Вой, онажон! - чинқириб юборди хотин беихтиёр.

Эр унга ажабланиб тикилди:

- Ия, онангни танидингми?



Расмлари Шавкат МУЗАФФАР чизган.

Эр хотинга ҳасрат қилди:
- Ўзимизни шунча вақтимиз етлаётгандай, ҳулар қўшимиз лотореяга машина ютиб олибди.



Курорт мутасаддиси янги келган кишига мулозамат қилибди:

— Бемалол, ака, бемалол, ўзингизни ҳурри уйингиздагидек ҳис қилаверинг.

— Кечирасиз, мен бу ерга дам олиш учун келганман.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-
dan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 1 (206) 2006 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**MUHARRIR MINBARI***Xush kelding, bahor!* 1**NAZM***Yo'ldosh ESHBEK. Kipriging uchida... yulduz*..... 2*Faxriyor. Ko'z yosh soyasi* 9*Ozoda BEKMURODOVA. Oy manzilga etib boraman* 50*Guli Nigor AVAZOVA. Tuyg'ularim g'alayon qilar* 51**ADABIY TANQID***Qozoqboy YO'LDOSH. Inja tuyg'ular jilosi* 6**NASR***Ismoil SHOMURODOV. Dardmand dunyo. Roman* 11*Asror NIZONOV. To'labosdi* 52*Jovli XUSHBOQ. Ko'ngil* 60**BIRINCHI UCHRASHUV***MEHRINISO. She'rlar* 61**MUNOSABAT***Nurilla CHORIEV. Roman o'qib, romanni sog'indim* 62**BOYCHECHAK***Sevara SAIDOVA. She'rlar* 62**YELPUG'ICH***Latifalar va Shavkat MUZAFFAR rasmlari* 63**Muqovalarimizda**1-betda: *Iste'dodli yosh shoira Ozoda BEKMURODOVA*

2-betda: «Kamolot» hayoti

3-betda: *Azogli shoir Sirojiddin SAYYID*

4-betda: «Fasli navbahor o'ldi...»

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar 1. Nerv, 1-uy,
Telefon: 133-40-83

Bosilishga 05.04.2006 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 55

Manzil: Toshkent, sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.